

ҲАЖОН АДАБИЁТИ

Адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 3(117)

2007 йил, март

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
МАТЕУОТ ВА АХБОРОТ
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН
ЎЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА
МАЎНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
КЕНГАШИ

МУНДАРИЖА

НАСР

ЖЕЙМС ЖОЙС. Навқирон санъаткорнинг сийрати. Роман.....3
ДИНОРА АЗИМОВА. Мангу орзулар ўлкаси. Киноқисса.....104

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

ФОРУҚ УЙСАЛ. Ғойибдан гаплашувчи.....99
СВЕТЛАНА МАКАРОВИЧ. Ширин тушлар кўр.....127

ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САЊАТ

ГОТТХАРДТ ШТРОММАЙЕР. Эътироф.....131
СЕРГЕЙ МАРКУС. Ислом хаттотлигининг русча жилваси.....138

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

ОРТИҚБОЙ АБДУЛЛАЕВ. Унутилмас сабоқлар.....144

АДАБИЙ ТАНКИД

ГУЛХУМОР ТҮЙЧИЕВА. Аруз ҳақида рисоалар.....154

ТОШКЕНТ
МАРТ

КИТОБЛАР ОЛАМИДА
Т. ФИЁСОВ, У.АБДУЛЛАЕВ. **Оддий ва буюк мўъжиза**.....162

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА
СТИВЕН КИНГ. **Икки ҳикоя**.....166

СЎЗ КЎРКИ
Шимолий Ҳиндистон халқ мақоллари.....202

Бош муҳаррир
Ўринбосари:
Мирнўлат МИРЗО

Таҳрир ҳайъати:
Файзи ШОҲИСМОИЛ
(масъул котиб)
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Амир ФАЙЗУЛЛА

Жамоатчилик кенгаши:
Равшан АБДУЛЛАЕВ
Бобур АЛИМОВ
Одил ЁҚУБОВ
Туробжон ЖЎРАЕВ
Минҳожиддин МИРЗО
Абдулла ОРИПОВ
Гайрат ШОУМАРОВ
Тўленберген ҚАИПБЕРГЕНОВ
Рустам ҚОСИМОВ
Рустам ҚУРБОНОВ
Пўлат ҲАБИБУЛЛАЕВ

Навбатчи муҳаррир **Ҳ.ВАЛИЖОНОВА**
Рассом **А.БОБРОВ**
Техник муҳаррир **М.НИЗОМОВА**
Мусахҳиҳ **Д.АЛИЕВА**
Компьютерда саҳифаловчи **Ш.АБДУЖАББОРОВА**

Жаҳон адабиёти, 3. 2007.

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

Таҳририят манзили:
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Босишга рухсат этилди 20.03.2007 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.
Шартли босма тобоқ 18,2. Наприйёт босма тобоғи 20,0.
Жами 1000 нусха. 07—569 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида териблиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг “Ўзбекистон” НМИУда чоп этилди.
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Жаҳон адабиёти, 2007 й.

Жеймс ЖОЙС

Навқирон санъаткорнинг сийрати

Роман

БИРИНЧИ БОБ

Et ignotas animum dimittit in artes¹.
Овидий, *Метаморфозалар*, VIII, 18

Кадим-қадим замонда Мў-мў деган бир говмиш йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, кунлардан бир кун ақлли-хушли, ёқимтой болакайга дуч келибди, болакайнинг исми Бў-бў экан...

Бу эртакни отаси унга айтиб берарди. Унинг юзлари сергук эди.

Бў-бў деган бола эди у. Мў-мў Бетти Берн яшайдиган томондаги йўлдан юриб келарди: Бетти лимонли обаки сотарди.

Ям-яшил чаманзорда
Гуллаган, ҳой атиргул.

У шу кўшиқни айтарди. Бу унинг кўшиғи эди.

Тўшагингни хўллаб кўйганингда олдин иссиқ бўлади, кейин муздай. Онанг клёнка тўшайди. Ундан ёқимли ҳид таралади. Онангдан таралган ҳид отангникидан ёқимлироқ. Онаси уни ўйинга тушсин, деб роялда денгизчилар рақс куйини чалади. У ўйинга тушади:

Тра-ля-ля, ля-ля.
Тра-ля-ля, тра-ля-ля-ля.
Тра-ля-ля, ля-ля.
Тра-ля-ля, ля-ля.

Русчадан
Аҳмад
ОТАБОЙ
таржимаси

XX аср жаҳон адабиёти тарихида Жеймс Жойс ижоди алоҳида ўрин тутади. Беқиёс истездод соҳиби, улкан санъаткор, ҳаётини санъатга бахш этган бу адиб яратган асарлар хануз китобхонларни ҳайратга солиб келаётир. Жеймс Жойс (1882-1941) ирланд эди. У Дублин шаҳри яқинида, ўртаҳол оилада туғилган. Дастлаб иезуит коллежида ўқиган ва руҳоний бўлишга тайёрланган, бироқ кейин католик устозлари билан алоқани узиб, Дублин университетининг филология факултетига кириб ўқийди. Ж.Жойснинг "Навқирон санъаткорнинг сийрати" романини "Улисс"га муқаддима дейиш ҳам мумкин. Бош қаҳрамон Стивен Дедалус образи "Улисс"да ривожлантирилади. Ҳозиргача Ж.Жойснинг "Дублинликлар" тўпламидан тўртта ҳикояси ва "Жакомо Жойс" асари ўзбек тилида эълон этилган. "Навқирон санъаткорнинг сийрати" романи "Жаҳон адабиёти" журналининг ўз ўқувчиларига буюк ёзувчи ижодидан яна бир тухфасидир.

¹ Ва бегона дастгоҳга интилди-ку руҳ (лот).

Чарлз тоға билан Дэнти қарсак чалади. Улар отаси ва онасидан катта, аммо Чарлз тоға Дэнтидан ҳам кексароқ.

Дэнтининг жавонда иккита чўткаси бор. Дастасига жигарранг бахмал қопланган чўтка Майкл Девитт¹ шарафига, яшил² бахмал қопланган чўтка эса Парнелл³ шарафига. Ҳар гал папирос қоғозининг варағини келтирганида Дэнти ялпизли обаки беради.

Вэнслар еттинчи уйда яшайди. Уларнинг ота-онаси бошқа. Ҳали катта бўлса, у Эйлинни олади. У столнинг тагига бекинди. Онаси:

—Кечирим сўра, Стивен, — деди.

Дэнти:

—Узр сўрамасанг-чи, бургут учиб келади-да, кўзингни чўқиб олади, — деди.

Кўзингни чўқиб олур,
Тирранча, сўра узр,
Тирранча, сўра узр,
Кўзингни чўқиб олур,
Тирранча, сўра узр,
Кўзингни чўқиб олур,
Кўзингни чўқиб олур,
Тирранча сўра узр.

* * *

Катта спорт майдонларида болалар тўпирлашиб, югуриб-елишади. Бари бараварига бақриб-чақиради, тарбиячилар ҳам ҳай-ҳайлашиб, уларга дада беришади. Кеч кириб, кун хира тортган, ҳаво салқин, ҳар гал тўп сураётганларнинг хужуми ва зарбаларидан яғири чиқиб кетган чарм тўп зил-замбил қушдай бўзарган ҳавога вазмин кўтарилади. У командасининг думида судралиб, тарбиячиларнинг кўзидан панароқда, қўпол оёқлардан четроқда ер тепиб, депсиниб юрибди, ора-сира ўзини югураётганга ўхшатиб кўрсатади.

Бу тўдада у ўзини кичкина ва кучсиз ҳис этади, унинг кўзлари ҳам хира, ёшланиб туради. Роди Кикем ундай эмас: Роди учинчи командага капитан бўлади, дейишади болалар.

Яхши бола-да Роди Кикем, Сассиқ Роуч ёмон, исқирт. Роди Кикемнинг оёғига киядиган ҳимоя қалқончалари ечинадиган хонада жавонда, қанд-курс солинган саватчаси ошхонада туради. Сассиқ Роучнинг қўллари бесўнақай. Маросим оши — бўтқа, дейди у. Бир куни у сўраб қолди:

— Отинг нима?

Стивен жавоб берди:

— Стивен Дедалус.

Шунда Сассиқ Роуч дабдурустдан деди:

— Бу ўзи қанақа исм?

Стивен нима деб жавоб беришни билмай қолди, Сассиқ Роуч эса тагин сўради:

— Ким сенинг отанг?

Стивен айтди:

¹ *Майл Девитт* (1846-1909) — фенилар ҳаракатининг фаол иштирокчиси, XIX асрнинг 50—60-йиллардаги ирланд майда буржуа инқилобчиларидан, инглиз мустамлакачилари зулмига қарши курашган.

² *Я ш и л р а н г* — Ирландиянинг миллий ранги.

³ *Чарлз Стюарт Парнелл* (1846-1891) — ирланд сиёсий арбоби.

— Жентльмен.

Шунда Сассиқ Роуч сўради:

— Нима, сенинг отанг судья эмасми?

У тўп сураётган болалар ортидан илакишиб, депсиниб юрибди, ора-сира ўзича у ёқ-бу ёққа чопқиллайди. Қўллари совуқдан кўкариб кетди. У қўлларини белбоғли қалта камзулининг чўнтақларига тикди. Белбоғ дегани бу чўнтақлардан баландроқда турадиган бир нарса. Ёқалашганда зўр чиққанни: белбоғи қорувли, дейишлари шундан.

Бир куни Кэнтуэллга бир бола шундай деди:

— Агар хоҳласам бир зумдаёқ унингни ўчираман.

Кэнтуэлл деди:

— Бошқаларга ҳам тирғалиб кўр-чи. Қани, Сесил Сандернинг унини ўчириш қўлингдан келармикан. Кўраман, ортингга яхшилаб тепки еганингни.

Бундай тиллашиш одобдан эмас. Онаси коллежда ёқимсиз болалар билан жиқиллашиб юрмагин, деб тайинлаган. Онажони жудаям чиройли-да. Биринчи келган кун қасрнинг¹ қабулхонасида хайрлашаётиб онаси уни ўпмоқчи бўлиб юзидаги тўр-чимматни хийла кўтарди, онасининг бурни, кўзлари қизариб кетган эди. Бироқ у ўзини бир куйга солди, кўрмаганга олди, онаси йиғлаб юборадигандай туюлди унга. Онаси йиғласа юзи ўзгариб қолади. Отаси унга иккита беш шилинглик танга берди — ҳарқалай чўнтаги куруқ турмагани тузук. Отаси унга бирор зарурат сезса, уйга хат ёзишини айтди, зинҳор ўртоқларинг устидан чақимчилик қилиб юрмагин, деб тайинлади. Шундан сўнг ректор эшик олдида отаси ва онасининг қўлларини сиқиб хайрлашди, ректорнинг эғнидаги узун яктаги шамолда ҳилпиради, отаси билан онаси ўтирган извош жилди. Улар қўл силкишди ва извошдан унга қичқаришди:

— Хайр, Стивен, хайр.

— Хайр, Стивен хайр.

Унинг атрофида болалар тўпланишиб, ур-сур бошланди, чақчайган кўзларни, лойга беланган бошмоқларни кўриб у кўрқиб кетганидан энкайиб олди ва болаларнинг оёқлари остига қарай бошлади. Болалар ёқалашар, пишқиришар, уларнинг оёқлари типирчилар, бир-бирини тепкиларди. Кейин Жек Лотеннинг сариқ ботинкаси тўпни тепиб юборди, бошқа ботинкалар ва оёқлар унинг ортидан югуриб кетди. У биров чопиб бориб тўхтади. Югуришга ҳожат йўқ. Ҳали-замон ётоққа қайтишади. Кечки овқатдан сўнг, синфхонада, партасига елимлаб кўйилган рақамни—етмиш еттини етмиш олти қилиб ўзгартиради.

Ҳозир бу ерда, изғиринда улоқиб юргандан кўра синфхонада ўтиргани яхши. Ҳавонинг авзойи бузук, бош бинода, қасрда эса олов ёниб турибди. У ўзича, Гамильтон Роуэн² қайси деразадан шляпасини чақалак устига отган экан, деб ўйлади, ўша пайтда ҳам дераза тагида гулхона бўлганмикан. Бир куни, қасрдалигида, бу ерлик хизматчи унга аскар отган ўқнинг эшикдаги изини кўрсатди ва жамоа истемол қиладиган ёнғоқли қотирма нон берди. Қасрда оловга термилиб ўтириш мазза-да, иссиқ, Худди китобчада ёзилгандай. Лестер аббатлиги

¹ Коллеж, иезуит ордени (жамоа) асос солган, орден томонидан 1914 йили қўлга киритилган Клонгоус қасрида жойлашган.

² Арчибалд Гамильтон Роуэн (1751-1834) — 1798 йилги ирландлар исёнининг қаҳрамони. Кўзғолон бостирилгач, Роуэн инглиз аскарларидан қочиб, Клонгоус қасрининг кутубхонасига бекинган ва изқуварларни чағитмоқчи бўлиб, шляпасини кутубхона деразасидан пастга улоқтирган. У Францияга қочишга муваффақ бўлган.

шунақа бўлгандир, эҳтимол. Доктор Корнуэллнинг дарслигида қандай яхши гаплар бор эди. Улар шеърга ўхшайди, бироқ шеър эмас, хуснихатни машқ қилиш учун берилган мисоллар, холос:

Уолси¹ Лестер аббатлигида қазо қилди,
Аббатлар уни шу ерга дафн этдилар.
Гийҳларни қурт-қумурсқа еб битиради,
Жонзотларни қисқичбақа кемиради.

Ҳозир камин ёнидаги гиламга чўзилиб ётиб, иягингга кафтларингни тираб бу гапларнинг маъзини чақсанг. У сесканиб кетди, баданида аллақандай совуқ шилимшиқ суюқлик оқиб тушаётгандай бўлди. Уэлсс пасткашлик қилди-да, уни ҳожатхона тешигига қараб итариб юборди, жажжи тамакидонини ошиққа алишмагани учун шундай қилди, уни Уэлсс қиморда қирқ марта ютиб олган эди. Сув совуқ, шилимшиқ эди-я! Бир бола қатта каламушнинг бўтқага ўзини отганини кўриб қолган. Онаси билан Дэнти камин ёнида, Брижетнинг чой олиб келишини кутиб ўтиришибди. Онаси оёқларини каминнинг панжарасига қўйди, мунчоқдан гул солиб тикилган пайпоғи исиди, улардан хушбўй ҳид, майин ҳарорат таралди. Дэнтининг билмаган балоси йўқ. Дэнти унга Мозамбик бўғози қаердалигини, Америкадаги энг узун дарё, ойдаги энг баланд тоғ қандай аталишини ўргатади. Ҳазрат Арнолл Дэнтидан ҳам кўп билади, чунки у руҳоний, бироқ отаси билан Чарлз тоға Дэнти ақли, ўқимишли аёл, дейишади. Баъзан Дэнти овқатдан сўнг, оғзини қўли билан тўсиб, ғалати товуш чиқаради: бу — кекирик.

Майдоннинг нариги четидан кимдир қичқирди:

— Ҳамма уйга!

Унга кичик ва тайёрлов синфлари болаларининг овози кўшилди:

— Уйга! Ҳамма уйга!

Қизариб-бўғриқиб кетган, уст-бошлари лойга беланган болалар бир жойга тўпланишди, у болаларнинг орасида кетаяпти, ётоққа қайтаётганидан хурсанд. Роди Кикем тўпни сирпанчиқ бандидан ушлаб кўтариб бораяпти. Болалардан бири унга охирги марта тўпни ташлаб бер, деди, бироқ Роди пинагини бузмади, ҳатто жавоб ҳам қилмади. Саймон Мунен жим юр, назоратчи кузатиб келаяпти, деди. Шунда ҳалиги бола бурилиб, Саймон Муненга шундай деди:

— Нима учун бундай деяётганингни биламиз. Сен учига чиққан хушомадгўйсан.

“Хушомадгўй” қандайдир ғалати сўз. У бола Саймон Муненни беҳуда ҳақорат қилмади. Саймон Мунен баъзида назоратчи Макглэйдга орқа қилиб, энг учига иш битиради, назоратчи бўлса гўё ўзини жаҳли чиққандай кўрсатади. Бу сўзнинг оҳанги ёқимсиз. Бир сафар у Уиклоу меҳмонхонасида ҳожатхонадаги чаноқда қўлини ювди, кейин отаси занжирга боғлаб қўйилган тиқинни очиб юборди ва шунда ювинди сув тешикдан пастга оқиб туша бошлади. Сув секинлаб оқиб кетгандан сўнг чаноқнинг тешигидан: “х-у-ш” деган товуш чиқди. У шуни эслади, яна ҳожатхонанинг оппоқ деворлари эсига тушди, бадани жунжикиб, совқотгандай бўлди, кейин қизиб кетди. У ерда иккита

¹ Томас Уолси (1475-1530) — кардинал, қирол Генрих VIII давридаги йирик инглиз давлат арбоби. Қиролнинг биринчи никоҳ аҳдини бузиш маросимида кескин қарши чиқиб, унинг қаҳрига учраган. Сотқинликда айбланиб, суд қилиш учун Лондонга олиб кетишаётганда йўлда вафот этган.

жўмрак бор, уларни бураш керак, шунда совуқ ва иссиқ сув оқади. Бадани бир зум совқотиб қалтиради, кейин бироз қизигандай бўлди. У жўмракларга муҳрланган сўзларни кўрди. Бунда қандайдир галати сир бор эди.

Даҳлиз ҳам совуқ, ҳавоси аллақандай бўғиқ, зах. Ҳечқиси йўқ, ҳалемай газни ёқишади, газ ёниб турганда, худди ашула хиргойи қилгандай, бир маромда вишиллайди. Ўша, ҳар доимги ашуласини куйлайди, болалар шовқин қилишмаса дам олиш хонасида хиргойини эшитса бўлади.

Арифметика дарси бошланди. Ҳазрат Арнолл доскага бир қийин масалани ёзди-да, болаларга қараб шундай деди:

— Хўш, қани, ким ғолиб чиқаркан? Бошла, Йорк! Тез бўл, Ланкастер!¹

Стивен жон-жаҳди билан киришди, бироқ масала жуда мураккаб эди, у чалкашиб кетди. Кўкрагидаги, камзулининг устидан оқ атиргул кўшиб тақилган шойи нишонча титрай бошлади. У арифметикадан кучли эмас эди, бироқ Йорклар ютқазиб қўймасин, деб жон-жаҳди билан тиришди. Ҳазрат Арнолл юзига жиддий тус берди, бироқ у жаҳлга минмаган, мийиғида кулиб турарди. Туйқусдан Жек Лотен бармоқларини қирсиллатди ва Ҳазрат Арнолл унинг дафтарига назар ташлаб, деди:

— Тўғри, яша Ланкастер! Қирмизи атиргул ютди. Қани-қани, бўш келма, Йорк! Қани, тез бўл.

Жек Лотен ўтирган жойидан уларга қараб-қараб кўяди. Унинг денгизчилар қиядиган мовий кўйлагидаги қирмизи атиргул кўшиб тақилган жажжи шойи нишонча жудаям ярашиқли эди. Стивен юзлари қизарганини ҳис қилди, шу дамда у болаларнинг тайёрлов синфида ким кучли: Жек Лотенми ё Стивенми, деб баҳс бойлашганини эслаганди. Биринчи ўқувчи номини бир ҳафта Жек Лотен, бир ҳафта у қўлга киритган вақтлар ҳам бўлган. Навбатдаги масалани ечар экан, унинг оқ шойи нишончаси титраб, қулоғи остида Ҳазрат Арнолнинг овози жаранглаб турди. Кейин унинг ғайрати сусайиб қолди, манглайига совуқ тер тепчиди, юзлари бир зумда совуб қолганини ҳис қилди. Бетим совиб кетди, демак, оқариб кетган бўлса керак, деб ўйлади у. Масалани еча олмади, бироқ ташвишланмаса ҳам бўлади. Оқ атиргул, қирмизи атиргул—бари чиройли гуллар! Биринчи, иккинчи, учинчи ўқувчиға бериладиган, гувоҳномаларнинг ҳам ҳаммаси бирдай чиройли: қирмизи, оқ сариқ ва бинафша. Оқ сариқ, бинафша ва қирмизи атиргуллар ҳам чиройли. Балки ёввойи атиргуллар айнан шундайдир: бехосдан хаёлига майсазордаги ёввойи атиргул ҳақидаги кўшиқ келди. Бироқ атиргулларнинг яшил рангиси бўлмайди. Ким билсин тагин, бир жойларда бўлса бордир.

Кўнғироқ жиринглади ва ўқувчилар синф-синф бўлиб бирин-кетин даҳлиздан юриб ошхонага йўл олишди. У ликопчасидаги икки туюр сариқ ёғга термилиб ўтирибди, бироқ елимшак нонни ея олмади. Дастурхон ҳам ҳўл, шилимшиқ. Шунга қарамай, у оқ этак борлаб олган кўпол хизматчи кружкасига шопириб куйиб кетган иссиқ чойни бир кўтаришда сипқорди. Сассиқ Роуч билан Сорин қаҳва ичди, уларга қаҳвани уйидагилари тунука қутиларда юборишади. Бу ернинг чойини ичиб бўлмайди, ювиндига ўхшайди, дейишади улар. Уларнинг оталари — катта судья, деб гапирди болалар.

¹ Англияда XV аср сўнгида Йорклар ва Ланкастерлар сулолаларининг тарафдорлари ўртасида юз берган гражданлар урушига ишора қилинаётти: биринчисининг белгиси оқ, иккинчисиники қизил атиргул.

Болалар унга жуда галати туюлади. Уларнинг ҳаммасининг отаси, онаси бор, ҳаммасининг камзуллари ва овозлари ҳар хил. Шу зумда уйларида бўлиб қолса, қани энди онасининг тиззасига бошини кўйиб ётса. Бироқ бунинг ҳеч иложи йўқ, қани бу ўйинлар, дарслар, ибодатлар тезроқ тугай қолса, бориб тўшакда чўзилиб ётарди.

У яна бир кружка қайноқ чой ичди, шу пайт Флеминг сўради:

— Сенга нима бўлди? Бирор жойинг оғрияптими?

— Билмайман, — деди Стивен.

— Қорнинг оғриётган бўлса керак, — деди Флеминг, — рангинг оқариб кетганга ўхшайди. Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади.

— Ҳа, — деди Стивен.

Бироқ унинг қорни оғримаётганди. Юрагим оғрияпти, деб ўйлади у, агар шу жой оғриши мумкин бўлса. Флеминг кўнгли очиқ бола, ундан ҳол сўради. Йиғлагиси келди унинг. Тирсақларини столга тиради ва кафллари билан иккала қулоғини маҳкам бекитди, кейин очди. У ҳар гал қулоғини чинпа бекитиб, кейин очганда ошхонадан кучли шовқин эшитилади. Бу худди тунда шитоб билан кетаётган поезд шовқинига ўхшайди. У қулоғини бекитса шовқин тинади, поезд туннелга кириб кетгандай. Ўша оқшом Докида поезд мана шундай гумбурлаган эди, туннелга кириши билан шовқин тинди. Стивен кўзларини юмди, поезд юрди—шовқин, сўнг жимлик, яна шовқин—жимлик. Унинг гумбурлашини, кейин тинчланишини эшитиш мароқли, мана, тагин туннелдан отилиб чиқди, гумбурлади, жимиб қолди.

Кейин юқори синф болалари сафланишиб, ошхона ўртасидаги поёндоздан юриб ўта бошлашди. Пэдди Рэт, Жимми Мэжжи, испан бола, унга тамаки чекишга рухсат берилган, кичкина португал кетаяпти, жун қалпоқ кийиб юради. Кейин кичик синфлар ва тайёрлов бўлими кўзгалди. Ҳар қайси боланинг ўзига хос равиш-рафтори бор.

У дам олиш хонасининг бир бурчагида, ўзини гўё домино ўйинини томоша қилаётган кўйга солиб ўтирибди, ора-сира бирми, икки бор газнинг хиргойисини эшитишга муваффақ бўлди. Назоратчи болалар билан эшик олдида тик турибди. Саймон Мунен одатдагидай унинг соясида куймаланади. Назоратчи болаларга Таллабег¹ ҳақида ниманидир гапирётир.

Кейин у эшикдан нарироққа юрди. Уэллс эса Стивенга яқин келиб, сўради:

— Айт-чи, Дедалус, сен ухлаш олдидан онангни ўпасанми?

— Ҳа, — деб жавоб берди Стивен.

Уэллс болалар томонга ўгирилиб, деди:

— Эшитдингларми, бу бола ҳар кун оқшом ухлаш олдидан онамни ўпаман, деяпти.

Болалар ўйинни тўхтатиб, ўгирилиб қарашди ва кулиб юборишди. Стивен уларга қараб, кулишларидан ловуллаб тутақиб кетди:

— Йўқ, мен ўпмайман.

Уэллс унинг гапини илиб олди:

— Эшитдингларми, бу бола ухлаш олдидан онасини ўпмас экан.

Яна кулги кўтарилди, Стивен уларга кўшилиб кулишга уринди. Бирдан аззойи бадани қизиб кетди, ўзини нохуш сизди. Қандай жавоб бериш керак эди? Ундай деса ҳам, бундай деса ҳам Уэллс кулди-ку! Уэллс, афгидан, нима деб жавоб беришни билади, чунки у учинчи синф. Стивен Уэллснинг онасини кўз олдида келтирмоқчи бўлди,

¹ Бошқа бир иезуит ёпиқ мактаби, 1886 йили Клонгоусга қўшилган.

бирок Уэллсга қарашга ботинолмади. Уэллснинг башараси унга ёқмасди. Шу Уэллс уни кеча ҳожатхона тешигига итаргилади, у жажжи тамакидонини ошиққа алишмади, ошиқни Уэллс қиморда қирқ бор ютиб олган. Уэллс пасткашлик қилди, болалар шундай дейишди. Сув муздай, шилимшиқ эди. Бир бола катта каламушнинг бўтқага “шалп” этиб тушганини кўриб қолган.

Баданида аллақандай ёқимсиз совуқ шилимшиқ суюқлик югургандай бўлди, дарсга кўнғироқ чалинганда болалар дам олиш хонасидан тизилиб чиқа бошлашди, у даҳлизда, кейин зинапояда кетаётиб кийимининг тагидан изиллаб совуқ кираётганини ҳис қилди. Ҳануз миясида нима деб жавоб бериш керак эди, деган ўй чарх уради. Қайсиси тўғри — онасини ўпгани маъқулмиди, ўпмагани? Упич дегани нима? Онангга “хайрли тун” дейиш учун бошингни мана бундай кўтарасан, онанг юзини тутати. Шу-да, ахир, ўпич дегани. Онаси унинг иягига лабларини босади, онасининг лаблари юмшоқ, лаблари унинг иягига совуққина тегади ва қисқагина майин товуш чиқаради: птс. Одамларнинг бир-бирларига юзларини тутишининг нима кераги бор экан?

У ўз ўрнига ўтириб, партасининг қопқоғини очди ва тагига елимланган рақамни—етмиш еттини етмиш олти қилиб ўзгартирди. Мавлуд таътилигача ҳали жуда узоқ, бирок қачондир барибир у кунлар келади, ахир, ер тинимсиз айланиб турибди-ку.

Унинг география дарслигининг биринчи бетида Ер расми бор. Улкан шар булутлар орасида. Флемингга бир қути рангли қаламлари бор, бир куни кечқурун мустақил дарс пайти Флеминг ерни яшилга, булутларни эса жигаррангга бўяди. Бу Дэнтининг жавондаги иккита чўткадай: дастасига яшил бахмал қопланган чўтка Парнелл шарафига, жигарранг бахмал қопланган чўтка Майкл Девитт шарафига. Бирок бунақа рангларга бўяшни у Флемингдан илтимос қилгани йўқ. Флеминг ўзи шундай бўяди.

У дарс тайёрламоқчи бўлиб географияни очди, бирок Америкадаги атамаларни ёдида сақлай олмади. Ҳар хил жойлар турлича номларда аталади. Улар турли мамлакатларда, қитъаларда, қитъалар эса Ерда, Ер эса Коинотда.

У яна биринчи бетни очди ва қачондир ўзи ёзиб қўйган сўзларни ўқиди: мана унинг ўзи, исм-шарифи ва яшаётган жойи.

Стивен Дедалус
Тайёрлов синфи
Клонгоус Вуд Коллеж
Сэллинз
Килдэр графлиги
Ирландия
Оврупо
Ер
Коинот

Буни ўзи қўли билан ёзиб қўйган. Флеминг эса бир куни кечки пайт ҳазиллашиб шу бетнинг орқасига бундай деб ёзди:

Стивен Дедалус — исмим менинг,
Ирландия — менинг ватаним.
Клонгоус — бошпанам менинг
Осмон — менинг паноҳим.

У шеърни тескари томондан ўқиди, бироқ энди шеърга ўхшамади. Кейин у биринчи бетдаги ёзувни қуйидан юқорига қараб ўқиб чиқди ва ўзининг исмига келди. Мана бу унинг ўзи. У тагин ҳаммасини юқоридан қуйига қараб ўқиди. Коинотдан кейин нима келади? Ҳеч нима. Бироқ коинот теварагида, балки унинг қаерда тугашини ва бу ҳеч нима қайси жойдан бошланишини белгилайдиган бир нима бордир? У қалин девор билан тўсилмагандир, эҳтимол, теварагини юпқа гардиш ўраб олган бўлиши мумкин. Бор бутунича ва ҳамма жойни ўраб олиши — ғалати-ку? Ақлга сиғмайди. Ёлғиз тангригина бунга қодир. Бу чеку чегарасиз улкан фикрни тасаввур қилишга уринди, бироқ хаёлига фақат тангри келди, холос. Тангри — тангрининг исми бу, худди унинг исми Стивен бўлганидай. Dieu — тангри шундай бўлади, тангрини шундай деб ҳам аташади, кимдир биров тангрига сиғинаётиб Dieu деб мурожаат қилади, шунда тангри сиғинаётган французлигини дарҳол пайқайди. Исми турли тилларда турлича бўлса-да, тангри ҳаммасини тушунади, одамлар ўз тилларида тиловат қилишса-да, нимани гапиришаётганини билиб туради, барибир тангри тангрилигича қолади ва унинг ҳақиқий исми Тангри.

Бу фикрлардан у жуда толиқди. Назарида боши хумдай шишиб кетганга ўхшади. Варақни очиб, уйқули кўзлари билан жигарранг булутлар орасидаги думалоқ яшил Ерға қаради. У ўйлай бошлади, қайси тўғри — яшил рангни ёқлаш керакми ёки жигаррангними, чунки бир куни Дэнти қайчи билан чўтканинг дастасидаги Парнелл шарафига қопланган яшил бахмални сўкиб ташлади ва унга эшиттириб, Парнелл — ярамас одам¹, деди. Ҳозир уйларида бу ҳақда мунозара қилишаётганмикан. Бу сиёсат дейиларди. Икки тараф бўларди: Дэнти бир тараф, отаси ва мистер Кейси — бошқа тараф, бироқ онаси билан Чарлз тоғаси бирор-бир тарафга қўшилишмасди. Ҳар куни рўзномалар бу ҳақда нималардир ёзишарди.

Сиёсат нима эканини яхши тушунмаслиги, Коинот қаерда тугашини билмаслиги унга алам қилади. У ўзини кичкина ва нимжон сезди. Қачон у поэзия ва риторика² синфидаги болалардай бўларкан? Уларнинг товуши катта одамларникидай, бармоқлари ҳам катта-катта, улар тригонометрияни ўтади. Бунгача ҳали жуда узоқ. Аввал таътил бўлади, кейин эса навбатдаги семестр, ундан кейин яна бир семестр, ундан кейин яна таътил. Бу поездга ўхшайди, туннельга киради, туннелдан чиқади ва яна шовқинга ўхшайди, агар ошхонада қулоғингни бекитиб туриб очсанг, бир эшитилиб, бир тинадиган шовқинга. Семестр — таътил, туннел — ташқари, шовқин — жимлик, эҳе, ҳали бу жудаям узоқ! Қанийди, тезроқ тўшакка кириб ухлаб қолса. Черковда ибодат қилиб олинса бўлди — тўшакка шўнғийди. Уни безгак тутди, эснади. Чойшаблар озроқ исигандан кейин тўшакда ётиш мазза-да. Кирган пайтингда муздай бўлади. Буни хаёлига келтириб, бадани қалтираб кетди. Кейин исийди, шундан сўнг уйкуга кетасан. Ўзингни ҳорғин сезишнинг гашти бор. У яна эснади. Кечки ибодат тугадими — тамом, тўшакка шўнғийсан, у керишди ва тагин эснагиси келди. Бир неча дақиқадан сўнг ҳузур қиласан. У шитирлаётган совуқ чойшабга илиқ нафас урилайётганини, бирдан

¹ Парнеллнинг оилали аёл Китти О'Ши билан алоқаси туфайли келиб чиққан жанжал назарда тутилаётир, бу жанжал Парнелл тарафдорлари ўртасида нифоқ чиқишига сабаб бўлган ва шу баҳонада Ирландия католик черкови Парнеллни қувғинга дучор этган.

² Юқори синф болалари.

исиб кетаётганини ҳис қилди, аззойи бадани қизиб кетди, кейин бироз совугандай бўлди, безгак тутди ва эснагиси келиб оғзини очди.

Кечки ибодатга қўнғироқ чалинди ва улар жуфт-жуфт бўлиб зинадан юриб, даҳлиз орқали черковга боришди. Узун даҳлиздаги чироқлар ҳам хира. Ҳадемай ҳаммаси ўчади, тинчийди. Черков совук, оқшомги салқин ҳаво уфуради, мрамар устунларнинг эса ранги тунги денгизникидай. Денгиз совук, кечаси ҳам, кундузи ҳам, бироқ кечаси совуқроқ. Қуйироқда, уларнинг уйларининг ёнида, тўлқинга қарши қурилган гов атрофи ҳам совуқ ва қоронғи. Уйларида оловда қозонча қайнаётти, унда пунш пишяётти.

Руҳоний тепасида туриб дуо ўқиди ва унинг хотирасида дуо сатрмасатр муҳрланди.

Танграм! Каломимни ўзинг рост этгайсан,
Каломим шарафларга буркагай номингни Сенинг,
Шошил, Худойим, менга нажот бергали.

Черков совуқ, оқшом нафаси ҳукм суради. Бироқ бу илоҳий нафас. Бу якшанба кунлари ибодат чоғида улардан орқароқда тиз чўкиб ўтирадиган деҳқонлардан анқийдиган ҳидга ўхшамайди. Деҳқонлардан қишлоқ ҳавосининг, ёмғирнинг, торф ва дағал матоларнинг ҳиди анқийди. Уларнинг нафаси шундоқ унинг кифтига урилиб туради, чўқинганида улар хўрсиниб қўйишади. Улар Клейнда яшайди, дейди бир бола. Кичик-кичик уйчалар бор Клейнда. Бир сафар улар Сэллинзни ёқалаб йўлдан ўтиб кетишаётганида у қия очиқ эшикда қўлида бола кўтариб турган аёлни кўрган. Қани, уйчада бир оқшом тунаб, торф тутаб ётган ўчоқ олдида, ловуллаб қизиб ётган чўғнинг алангаси ёритган ғира-шира қоронғиликда деҳқонлардан анқиган ҳиддан, ёмғир, торф ва дағал матоларнинг ҳидидан тўйиб-тўйиб нафас олсанг. Бироқ дарахтлар орасидан ўтган йўл қоп-қоронғу! Бундай зимистонда адашиб қолганнинг ҳолига вой! Бу ҳақда ўйлаб, уни ваҳима босди. У тиловатнинг сўнги сўзларини ўқиган руҳонийнинг товушини эшитди. Чўқина бошлади, бироқ хаёлини дарахтлар орасидаги қоронғулик ҳақидаги ўй тарк этмасди.

У ётоқхонада ечинаётганида бармоқлари титради. Бармоқларини бўйсундиришга уринди. Газни ўчиришгунча у ечиниши, тиз чўкиши, дуо ўқиши ва тўшакка ётиши керак эди. У пайпоқларини суғурди, шоша-пиша тунги узун кўйлагини кийди-да, қалтираб каравот ёнига тиз чўкли ва газ ўчиб қолишидан хавотирда наридан-бери дуо ўқий бошлади. У пичрлаганда елкалари силкиниб қўярди.

Танграм, отам билан онамни ўз паноҳингда
сақла ва уларни мен учун асра!

Танграм, укаларим ва сингилларимни ўз
паноҳингда сақла ва уларни мен учун асра!

Танграм, Дэнти билан Чарлз тоғани ўз
паноҳингда сақла ва уларни мен учун асра!

У чўқинди ва сакраб тўшакка шўнғиди, кўйлагининг этагига оёқларини чирмаб, аззойи-бадани титраб-қақшаб, муздай оқ чойшабга кулча бўлиб ўраниб олди. Қазо қилганида дўзахга тушмайди, қалтироғи эса ҳадемай босилади. Ётоқхонада болаларга хайрли тун тилаган овоз эшитилди. У бир зум бошини чиқариб қаради, каравотнинг олди ва ён томонларига тортилган, уни тўрт томонидан бекитиб турган яшил пардаларга кўзи тушди. Газни секин пасайтириб ўчиришди.

Назоратчининг қадам товуши узоқлашди. Қаёққа кетаяпти? Зинадан юриб пастга тушиб, кейин даҳлизга ўтармикан ёки даҳлизнинг

тўридаги ўзининг хонасига борармикан? У зулматни кўрди. Қора ит ҳақидаги гаплар ростмикан, тунлари бу ерда изғиб юрармиш, кўзлари тўрт филдиракли араванинг чироқларидай катта-катта. Айтишларича, бу қотилларнинг арвоҳлари эмиш. Кўркувдан унинг бадани қалтираб кетди. Кўзига қасрнинг зим-зиё даҳлизини кўрди. Қартайиб қолган хизматкорлар эски-туски коржомаларида, зина тагидаги дазмолхонага йиғилишди. Бу анча бурун бўлган. Қари хизматкорлар чурқ этмай ўтиришарди. Ўчоқда олов липиллайди, бироқ паст қоп-қоронғи. Биров¹ даҳлизга кўтариладиган зинадан чиқиб келаётир. Эгнида оқ маршаллик плаш, юзи газарган, бефарқ. Қўлини юраги устига маҳкам босган. Қари хизматкорларга бефарқ қаради. Улар ҳам хўжайинларининг юзини, кийим-кечагини танишди ва унинг ўққа учганини пайқашди. Бироқ улар қараган тараф қоронғи эди, зим-зиё, ўлик сукунат. Уларнинг хўжайини Прага бўсағасида, жуда узоқда, денгиздан олис жойда ажал ўқига дучор бўлган. У жанг майдонида турарди, кўли кўксига маҳкам босилган.

Ў, жуда совуқ ва бу ҳақда ўйлаш жуда қўрқинчли! Қоронғида баттар совуқ ва баттар қўрқинчли. Тўрт томонда юзидан қони қочган, ғалати башаралар, фонарга ўхшаган катта чақчайган кўзлар. Бу қотилларнинг арвоҳлари, узоқларда, денгиздан наридаги қонли жанг майдонларида ўққа учган маршалларнинг шарпалари. Улар нима демоқчи бўлишаётир, нега юзлари ғалати?

“Тангрим, ташрифингни бу даргоҳдан дариг тутма, бизни йўлдан оздиргувчи шайтон васвасасидан ўзинг омон сақла...”

Уйга — таътилга! Қандай саз бўларди! Болалар унга айтишган. Қиш бошида эрта тонгда қаср дарвозаси олдида ҳамма извошларга ўтириб олади. Филдираклар қайроқтон йўлда ғичирлайди. Ректорга хайр-хўш айтган сўзлар жаранглайди.

Ура! Ура! Ура!

Извошлар кичик бутхона ёнидан ўтади, ҳамма бош кийимини ечади. Ўйнаб-кулиб қишлоқ йўлига чиқиб олишади. Аравакашлар қамчи билан Бунденстаун² тарафга ишора қилади. Болалар қичқиради: “Ура!” Ижарачи Жоллининг уйи ёнидан ўтишади. Ура, ура ва яна бир бора ура! Шодон қийқириклар билан Клейндан ўтишади, йўл четида турган одамларга қичқиришиб салом беришади, улар ҳам кулиб-қийқириб алик олади. Қия очиқ эшиклар олдида қишлоқ аёллари қараб туришибди, у ер-бу ерда эркакларнинг қораси кўринади. Қиш ҳавосининг ажойиб ҳиди — бу Клейннинг ҳавоси: ёмғир ҳиди, эриётган торф ва деҳқонларнинг дағал уст-бошларидан анқиётган ҳид.

Поезд болалар билан тирбанд: узун шоколаднусаха поезд. Кондукторлар нари бориб, бери келиб, эшикларни ёпиб-очиб юришибди. Улар тўқ ҳаворанг зарҳалли мундир кийиб олишган, қўлларида кумуш хуштаклар, калитлари қувноқ жиринглайди: клик-клик, клик-клик.

Поезд Эллин қирларини ортда қолдириб, тап-тақир текисликда шитоб билан кетаётир. Телеграф оёчлари липиллаб ортда қолаётир...

¹ Клонгоус қалъасига XVIII асрда Браунлар оиласи эгалик қилган. Ирланд якобитининг ўғли Максимилиан фон Браун (1705-1757) Австрия армияси маршали бўлган. У 1757 йили Прага остонасидаги жангга ҳалок бўлган. Ривоятларда айтилишича, Брауннинг арвоҳи ҳар йили ҳалок бўлган қони қаср хизматчиларига кўринармиш.

² Қабристон, ирландиялик сиёсий арбоб, Ирландия озодлиги учун курашган Теобальд Уолф Тон (1763-1798) шу ерга дафн этилган. У французлар кўмагида Ирландияга денгиз орқали келиб тушади ва инглизларнинг Ирландияга ҳукмронлигини баргараф этишга уринади. Бу уриниши муваффақиятсизликка учрайди ва Тон ўз жонига қасд қилади.

Поезд елдек учеди... У йўлни билади. Уйлари айвонида фонарлар, яшил новдалардан ясалган гулчамбарлар бор. Печакгул ва игнабарглар¹ катта тошойнани чирмаб олган, бири яшил, бири қирмизи печакгул билан игнабарг чилчироқнинг гирдига чирмашиб кетган. Яшил печакгул ва қирмизи игнабарг девор бўйлаб эски суратларнинг теварагига ўралган. Печакгул ҳам, игнабарг ҳам унинг шодлиги учун, мавлуд айёми учун.

Қандай соз!

Ўз уйинг — ўлан тўшагинг. Салом Стивен! Шодон қийқириқлар. Онаси уни ўпади. Ўпиш шартмикан? Унинг отаси энди маршал, судья ҳам гапми. Мана уйингдасан. Салом, Стивен.

Шовқин...

Бу шарақлаб очилаётган парданинг шовқини эди, чаноклардан оқиб тушаётган сувнинг шовиллаши эди. Ётоқхонада уйғониб ўрнидан тураётган, кийинаётган ва ювинаётган болаларнинг шовқини: назоратчи кафтини кафтига уриб, нари-бери бориб келар, болаларга бақириб, уларни қистарди... Куёшнинг заиф нурлари суриб қўйилган сариқ пардаларга, гижимланиб ётган чойшабларга тушиб турибди. Унинг тўшаги танчадай қизиб кетган, юзи ҳам, аъзойи-бадани ҳам жуда иссиқ.

У ўрнидан туриб, каравотнинг четига ўтирди. Ўзини дармонсиз сездди. Узун пайпоғини киймоқчи бўлди. Пайпоғи жуда қаттиқ, дағал туюлди, ўзини беҳол сездди.

Флеминг сўради:

— Сенга нима бўлди, тобинг қочдими?

Ўзи билмасди нима бўлганини. Флеминг тагин сўради:

— Тўшагинга кира қол. Мен Макглэйдга айтаман, тоби қочиб қолди, дейман.

— У касал.

— Ким?

— Макглэйдга айтинглар.

— Кир, кириб ётавер.

— У касалми?

Болалардан бири қўлтиғидан ушлаб суяб турди. У оёғига ёпишиб қолган пайпоғини суғуриб олди ва иссиқ тўшакка кириб ётди.

У тўшаги совиб қолмаганига қувониб, ўзини чойшабнинг ичига олди. Қулоғига эрталабки ибодатга чоғланаётган болаларнинг ўзи ҳақидаги гап-сўзлари чалинди. Аблахлик қилди-да. Уни ҳожатхона тешигига итариш — аблахлик бўлди, дейишарди улар. Кейин болаларнинг овози тинди, улар чиқиб кетишди. Каравоти ёнидан кимнингдир овози келди:

— Дедалус, сен бизларни чақиб бермайсан-а, тўғрими?

Қаршисида Уэллснинг башараси кўринди. Унга қаради ва Уэллснинг кўрқаётганини сездди.

— Мен атай қилганим йўқ. Айтмайсан-а, Стивен?

Отаси зинҳор ўртоқларинг устидан чақимчилик қилиб юрмагин, деб тайинлаган. У бошини чайқали. “Йўқ” деди ва ўзини енгил ҳис этди.

Уэллс деди:

— Чин сўзим, ишон, мен атай қилганим йўқ. Мен ҳазиллашдим. Хафа бўлма.

Уэллснинг башараси ғойиб бўлди, товуши ўчди. Узр сўрапти, чунки кўрқади. Кўрқади, гўё у бедаво дардга йўлиққану... Гиёҳларни курт-кумурсқа еб битиради, жонзотларни қисқичбақа кемиради ёки

¹ Мавлуд байрамининг анъанавий безаклари.

аксинча. Бу анча олдин бўлган эди, ўшанда майдонда, кеч кириб қош қорая бошлаган паллада, у командасининг думида ер тепиниб юрар ва зим-замбил куш бўзранг ҳавода ер бағирлаб учарди. Лестер аббатлигида чироқларни ёқишди, у ерда Уолси қазо қилди. Уни аббатлар ўзлари дафн этишди.

Бу энди Уэллснинг эмас, унга тикилиб турган назоратчининг башараси эди. У тилёғмалик қилаётгани йўқ. Йўқ, ҳечам, у чиндан бетоб. Алдаётгани йўқ. У манглайда назоратчининг қўлини сезди, назоратчининг қўли остида манглайи жуда иссиқ ва ҳўл эканини ҳис қилди. Гўё каламушни ушлагандай сесканди — шилимшиқ, жиққа ҳўл ва совуқ. Ҳар қандай каламушда кўзи иккита, улар кўриш учун. Териси туксиз, тақир, силлиқ ва сирпанчиқ: оёқлари кичкина, йиғилган, сакрашга қулай, қоп-қора йилтиллаб турадиган кўзчалари бор, кўриш учун. Улар биледи қандай сакрашни. Бироқ тригонометрияни улар икки дунёдаям тушунмайди. Ўлганлари ёнбоши билан ётади, уларнинг териси қовжираб, қуриб қолади. Энди бу ўлимтик, холос.

Назоратчи қайтиб келди, гапираётган унинг овози, туриш кераклигини айтаяпти, унга ибодатхона бош руҳонийси турсин, кийиниб касалхонага борсин дебди. У ўрнидан туриб, кучининг борича илдамроқ кийинишга уринаётганда назоратчи деди:

— Мана энди биз бирга-бирга Майкл оғанинг қабулига борамиз ва қоринчамизда талотўп бўлаяпти, деб айтамыз унга.

Назоратчи шундай деди, чунки у яхши одам. Уни кулсин деб агай шундай гапирди. Бироқ у кула олмади, чунки ияги, лаблари қалт-қалт титраяпти, буни кўрган назоратчи ўзи кулиб қўйди. Кейин қичқирди:

— Қани бўл! Дадил-дадил қадам ташла!

Улар бирга-бирга зинадан пастга тушишди ва даҳлиздан юриб, ҳаммомнинг ёнидан ўтишди. Ҳаммомнинг эшигига рўпара келганда у безовта хавотир ичида илмилиқ, торф тусидаги бўтана сувни, илиқ намхуш ҳавони, сувга шўнғиётган гавдаларнинг шов-шуви ва сочиқларнинг дорилар ҳидига ўхшаш ҳидини эслади.

Майкл оға касалхона эшиги олдида турарди, унинг ўнг томонидаги қоронғи хона эшигидан дориларнинг ҳидига ўхшаш ҳид келарди. Бу жавонларга терилган шишалардан чиқаётган ҳид. Назоратчи Майкл оға билан гапга киришиб кетди. Майкл оға назоратчининг саволларига жавоб қилди ва уни “сэр”, деди. Унинг сариқ сочларига оқ оралаган, қиёфаси ғалатироқ эди. Унинг бир умр оғалигича қолиши қизиқ. Уни “сэр” деб чақириб мумкин эмаслигиям ғалати, чунки у оға — тамом-вассалом, бошқаларга ўхшамайди. У бошқалардай тақводор эмасмикан? Бошқалардан нимаси кам унинг?

Хонада иккита каравот қўйилган, биттасида бир бола ётган эди, улар ичкарига киришганда ўша бола қичқирди.

— Салом бошловчи Дедалус! Тепада нима гап?

— Тепада осмон бор, — деди Майкл оға.

Бу учинчи синфда ўқийдиган бола эди. Стивен ечинаётганда у Майкл оғадан бир бўлак қизартириб пиширилган нон билан ёғ узатишини сўради.

— Узатақолинг, илтимос, — деди у.

— Ёғ егилари келибди-да, — деди Майкл оға. — Ҳали доктор келсин, сенинг жавобингни берамиз.

— Жавобимни берасизми? — такрорлаб сўради бола. — Мен ҳали буткул соғайганим йўқ-ку.

Майкл оға гапини такрорлади:

— Берамиз, берамиз, кўнглинг тўқ бўлсин. Буни сенга мен айтаяпман.

У ўчоқдаги оловни кўзгамоқчи бўлиб энкайди. Унинг бели чана тортадиган отларникидай узун эди. У косовни ҳафсала билан силкилади ва учинчи синф боласига маънилатиб бош ирғаб қўйди.

Кейин Майкл оға чиқиб кетди, бироз ўтиб учинчи синф боласи девор томонга ўгирилиб олди ва ухлаб қолди.

Мана, у касалхонада. Демак, у касал. Улар ота-онасига хат ёзиб, хабар беришганмикан. Яхши бўларди агар руҳонийлардан бирортаси бориб айтса. Ёки ўзи хат ёзиб берарди, элтиб берса.

Меҳрибон онажоним!

Мен касал бўлиб қолдим. Уйга кетгим келаяпти. Тезроқ келинг, мени уйга олиб келинг. Мен касалхонадаман.

Суюкли ўғлингиз Стивен.

Улар жудаям узоқда! Дераза ортидан қуёшнинг тафтсиз нури йилтирайди. Бирдан ўлиб қолса-я? Ахир, қуёш чиқиб турган кунда ҳам ўлиб қолиши мумкин-ку. Эҳтимол, у онаси етиб келгунча ўлиб қолар. Ундай бўлса дафн маросимини черковда ўтказишади. Литгл ўлганда шундай қилишган — унга бу ҳақда айтиб беришганди. Ҳамма болалар қора кийимда черковда йиғилишади, ҳаммаси мотамсара қиёфада. Уэллс ҳам келади, бироқ бирорта бола унга қайрилиб қарашни истамайди. Кейин тобутни оҳиста кўтаришиб, черковдан олиб чиқишади ва катта хиёбон ортидаги жамоанинг мўъжаз қабристонига дафн этишади. Ушанда Уэллс қилган ишига афеусланади ва жомнинг маънос садоси таралади.

Қулоғига ҳатто жом садоси чалинди. Беихтиёр Брижет ўргатган қўшиқни ичида такрорлади:

Қўнғироқ динг, донглаб садо бер.

Алвидолар айтгин, онажон!

Асра мени эски мозорда.

Акажоним қабри ёнида.

Тобут четидаги жияк қародир.

Олти нафар малак ҳамроҳдир:

Дуо ўқир иккови, иккови қуйлар.

Иккиси жонимни фалакка элтар.

Қандай гўзал ва мунгли! Қандай чиройли сўзлар, айниқса, “Асра мени эски мозорда”, деган жойи. Баланида титроқ турди. Қандай мунгли ва қандай гўзал! Унинг йиғлагиси келди, хўрлиги келганидан эмас, ана шу, худди мусиқадай гўзал ва мунгли сўзлар учун. Жом жаранглаяпти. Алвидолар айтгин! Алвидо!

Қуёшнинг тафтсиз нури хира тортиб қолди. Майкл оға унинг каравоти бошида, қўлида шўрва солинган косани кўтариб турибди. У ичида севинди, чунки танглайи қуриб, томоғи қизиб кетганди. Майдонда ўйнаётган болаларнинг қий-чувлари қулоғига чалиниб турибди. Бу кун ҳам коллежда ҳаммаси олдингидай, худди ўзи бор пайтдагидай ўтаяпти. Кейин Майкл оға кетишга чоғланди, учинчи синф боласи унинг, алабатта, келиб туришини ва газеталардаги янгиликларни гапириб беришини илтимос қилди. У Стивенга исми Эдди эканини айтди, отасининг бир қўра пойга оти борлигини, уларнинг ҳаммаси соврин олган йўрғалар эканини ва яна отаси Майкл оғага қайси отга унинг учун соврин қўйишини айтиши мумкинлигини, чунки Майкл оға яхши одам эканини, унга ҳар қуни жамоага келиб турадиган газеталардаги янгиликларни қанда қилмай гапириб бериб туришини айтди. Газеталар турли-туман янгиликлар, воқеалар, кемалар ҳалокати, спорт ва сиёсат ҳақидаги хабарларга тўла.

— Ҳозир газеталарда нуқул сиёсат ҳақида ёзишади, — деди у. — Сенинг ота-онанг ҳам шу ҳақда гапиришса керак.

— Ҳа, — деди Стивен.

— Бизникилар ҳам, — деди у.

Кейин у бир дақиқа ўйлаб туриб деди:

— Сенинг исм-шарифинг ғалати-а — Дедалус, меники ҳам ғалати — Эдди. Менинг исм-шарифим шаҳар номидан, сеники лотинчага ўхшайди.

Кейин у сўради:

— Сен топишмоқ топишга устамисан?

Стивен жавоб қилди:

— Унчаликмас.

Шунда у деди:

— Қани топ-чи, Килдэр графлиги нимаси билан грамматикага ўхшайди.

Стивен жавоби қанақа бўларкан, деб бироз ўйланди, кейин деди:

— Ютқаздим.

— Чунки унда ҳам, бунда ҳам “Эди” бор. Тушунарлими? Эдди— Килдэр графлигидан шаҳар номи, эди — грамматикада феъл.

— Тушунарли, — деди Стивен.

— Бу эски топишмоқ, — деди у.

Кейин бироз сукут сақлаб туриб, деди:

— Биласанми?

— Нима? - сўради Стивен.

— Бу топишмоқни бошқача йўл билан топса ҳам бўлади.

— Бошқача йўл билан? — сўради Стивен.

— Шу топишмоқни-да, — деди у. — Биласанми, уни қандай қилиб бошқача йўл билан топиш мумкин.

— Йўқ, — деди Стивен.

— Тополмайсанми, а?

У ўмганини кўтариб, Стивенга қаради. Сўнг ўзини ёстиққа ташлаб, деди:

— Бошқача йўл билан топса бўлади, қандай топишни айтмайман.

Нега у айтмади? Унинг отасининг бир қўра пойга оти бор, демак Сориннинг, Сассиқ Роучнинг отасидай судья бўлса керак отаси. Стивен ўзининг отасини эслади, онаси роял чалганда отаси кўшиқ айтарди ва ҳар сафар у танга сўраганда отаси сўм берарди, отасининг бошқа болаларнинг отасидай судья эмаслиги унга алам қилди. Унда нега бу болаларга кўшиб, уни ҳам бу ерга ўқишга беришди? Бироқ отаси бир гап айтган, сенга бу жой бегона эмас, чунки бундан роса эллик йил бурун бобонг бу ерда Халоскор¹ номини олган, деган. Ўша замоннинг одамларини эски урфдаги камзуллари билан билса бўлади. Ўша пайтларда ҳаммаси тантанавор руҳда кечган, балки ўша пайтлар Клонгоуснинг тарбияланувчилари мис тугма қадалган ҳаворанг калта камзулда юришгандир, сариқ нимча ҳам, куён терисидан тикилган қалпоқ ҳам кийишгандир, пиво ҳам ичишгандир катталарга ўхшаб, куён ови учун този ҳам асрашгандир.

У деразага қаради, кундузнинг ёруғи янада хира тортиганини кўрди. Энди майдонча тепасини ҳам, эҳтимол, бўзранг булут қоплаб олгандир. Майдончада жим-житлик. Болалар синфда масала ечаётган бўлишса керак ёки ҳазрат Арнолди уларга овоз чиқариб китоб ўқиб бераётгандир.

¹Даниел О'Коннел (1775—1847) назарда тутилади; у ирланд миллий ҳаракатининг либерал қаноти йўлбошчиси бўлган, католикларнинг сайлов ҳуқуқи чекланишига қарши курашган. Ирландияда 1829 йили католикларнинг эркинлиги расман тан олинганидан сўнг, унга Халоскор номи берилган.

Унга бирор-бир дори беришмаётгани ғалати. Эҳтимол, Майкл оға қайтиб келса, ўзи билан олиб келар. Касалхонага тушсанг аллақандай сассиқ суюқлик ичиришади дейишганди. У ўзини олдингидан кўра тузукроқ ҳис қилди. Аста-секин соғайиб кетгани тузук-да. Соғайса китоб сўраши мумкин. Кутубхонада Голландия ҳақида китоб бор. Унда ажнабийча ғалати атамалар, ғаройиб шаҳарлар ва кемаларнинг суратлари бор. Уларни мазза қилиб томоша қилса бўлади!

Деразанинг ёруғи бунча хира бўлмаса! Бироқ шуниси маъқул. Деворда олов бир кўтарилиб, бир тушади. Бу денгиз тўлқинларига ўхшайди. Кимдир ўчоққа кўмир ташлади ва у овозларни эшитди. Улар гаплашаётганди, Худди тўлқинларнинг шов-шувидай. Ёки бу тўлқинлармикан — кўтарилиб, тушиб гаплашаётган.

У бостириб келаётган тўлқинларни кўрди — ўрқач-ўрқач узун қора пўртаналар булутдай кўтарилади, тушади, ойсиз оқшомда баттар қорайиб кўринади. Кемалар кирадиган кўрфаздаги минорага ўрнатилган маёқда хира шуъла милтиллайди ва у қирғоққа йиғилган одамларни кўрди. Улар кўпчилик эди, бандаргоҳга кириб келаётган кемани кўриш учун қирғоққа йиғилишганди. Бир новча одам кема ортида зим-зиё тақир қирғоққа қараб турибди. Маёқнинг хира шуъласида Стивен унинг юзини кўрди. Бу Майкл оғанинг мотамсора юзи эди¹.

У Майкл оға оломон сари қўлини қандай чўзганини кўрди ва сув устида таралган аччиқ қайғули овозни эшитди.

— У ўлди. Биз унинг жасадини кўрдик.

Оломон айтиб йиғларди:

— Парнелл! Парнелл! У ўлди!

Оғир мусибатга тушган оломон оху фарёд қилиб, тиз чўкди.

У жигарранг бахмал кўйлақда, елкасидан ошириб яшил бахмал ридо ташлаб олган, қирғоқ лабида тиз чўккан оломон олдидан виқор билан бир сўз демай, фоз юриб ўтиб бораётган Дэнтини кўрди.

* * *

Қип-қизил чўққа айланган тошқўмир уюми каминда алангаланаётир, печакгуллар қоплаган қандил остидаги мавлуд дастурхонига ноз-неъматлар тортилган. Улар бироз кечикишди, овқат эса ҳали ҳам тайёр эмас: бироқ онаси бирпасда тайёр бўлади, деди. Улар эшикнинг очилишини ва хизматкорларнинг оғир металл қопқоқлар ёпилган идишларни кўтариб кириб келишини кутиб ўтиришарди.

Ҳамма кутаётир. Чарлз тоға уй тўрида — дераза олдида ўтирибди. Дэнти ва мистер Кейси каминнинг икки тарафидаги оромкурсиларда, Стивен эса уларнинг ўртасида стулда оёғини каминнинг панжарасига қўйиб ўтирибди. Мистер Дедалус ўзини камин устидаги ойнага солиб қаради, мўйловининг учини бураб қўйди ва фракларини этакларини қайириб, орқасини оловга ўтириб турди, бироқ у тез-тез қўлини кўтариб, мўйловининг гоҳ у, гоҳ бу учини тобларди. Мистер Кейси бошини бир ёнбошга ташлаб, кулимсираб, гарданига шапатилаб уриб қўярди. Стивен ҳам жилмайди: у кумуш танга солинган ҳамён мистер Кейсининг кафтидадир деб ўйлаб, унинг маҳкам сиқилган муштини очмоқчи бўлиб уринди, лекин мистер Кейсининг бармоқлари тошдай қотиб қолган эди. Шунда мистер Кейси малика Викторияга туғилган куни² муносабати

¹ Стивен 1891 йил, 6 октябрда Англияда вафот этган Парнеллнинг жасади Дублинга олиб келинганини хаёлан тасаввур қилаётир.

² Мистер Кейсининг қамоқда бўлгани назарда тутилмоқда, эҳтимол, қамоқда қўлини зигирпоя толаси шилиб юборган.

билан совға тақдим этганидан бери шу учта бармоғим акашак бўлиб қолган, деб айтди унга. Мистер Кейси гарданига шапатилаб уриб қўйди ва Стивенга қараб уйқули кўзлари билан кулимсиради, мистер Дедалус эса шундай деди:

— Хў-ўш. Яхши бўлди-да. Аммо зўр бўлди юриб келганимиз! Тўғрими, Жон! Хў-ўш... Бугун овқатланиш насиб қилармикан ўзи, билсак бўладими? Тоза ҳаводан тўйиб нафас олдик. Ҳарқалай ёмон бўлмади, жин урсин.

У Дэнтига ўгирилиб деди:

— Сиз бугун умуман чиқмадингиз-а, миссис Райорден?

Дэнти қовоғини уйди ва қисқа жавоб қилди:

— Йўқ.

Мистер Дедалус фракининг этагини туширди ва буфетнинг олдига келди. У тоқчадан виски солинган каттакон сопол кўзани олди ва ундан секин графинга қуя бошлади, қуя туриб эгилди, қанча қуйганини кўрмоқчи бўлди. Кейин кўзани яна буфетга қўйди-да, иккита қадаҳчага оз-оздан виски қўйди, устидан озроқ сув қўшди ва қадаҳларни кўтариб каминнинг олдига келди.

— Овқат олдидан иштаҳани очади-да, Жон, — деди у.

Мистер Кейси қадаҳни қўлига олиб, бир кўтаришда бўшатди ва уни ёнига — каминнинг устига қўйди. Кейин деди:

— Ҳозир мен ошнаимиз Кристоферни эсладим, унинг қўли қўлига тегмайди...

У хохолаб кулди, йўталди, сўнг қўшиб қўйди:

— Терга ботиб йигитларига шампан улашади!

Мистер Дедалус қаттиқ кулди.

— Ўша Кристими? — деди у. — Ҳа, унинг тақир бошига битган ҳар битта сўғалда бир тўда фирибгарникидан ортиқроқ айёрлик бор.

У бошини осилтирди, кўзларини юмди ва ҳузур қилиб лабини ялади, сўнг хонадоннинг хўжайинига хос овозда гап бошлади:

— Ўзини нечоғи бўш-баёв қилиб кўрсатади! Сайраб юборади-я, доғули! Қўй оғзидан чўп олмагандай! Вой, анойи!

Мистер Кейсини ҳамон йўтал забтига олар, у ўзини кулгидан тўхтата олмасди. Стивен отасининг сохти-сумбагида, товушида хонадоннинг хўжайинини кўргандай, овозини эшитгандай бўлди ва кулгиси қистади.

Мистер Дедалус кўзига ойнакни қўндириб, ўғлига қараб, хотиржам ва меҳрибон оҳангда деди:

— Хўш, болакай, сен нега кулаяпсан, а?

Хизматкорлар кириб келишди ва идишларни дастурхонга қўйишди. Уларнинг ортидан миссис Дедалус кирди ва ҳаммани дастурхонга таклиф қилди.

— Марҳамат қилинглар, — деди у.

Мистер Дедалус ўзининг жойига келиб ўтирди ва деди:

— Ўтиринг, миссис Райорден.

— Келинг, Жон, азизим.

У Чарлз тоға ўтирган томонга ўгирилиб қўшиб қўйди:

— Марҳамат қилинг, сэр, таом мунтазир.

Ҳамма келиб жойлашганидан сўнг у овқат солинган идишнинг қопқоғига қўлини қўйди ва бирдан хато қилганини пайқаб қолиб, қўлини тортди:

— Қани, Стивен.

Стивен овқат олдидан дуо ўқиш учун ўрнидан турди.

¹Бу одамнинг бомба ясагани ва бомбаларни фениларга етказиб берганига ишора қилинаётир.

“Ўз паноҳингда асра бизни, Тангрим, мурувватингни дариф тутмагайсан. Халоскоримиз — Исо ҳаққи бизни раҳм-шафқатингга дохил этгайсан. Омин”.

Ҳамма чўқиниб олди ва мистер Дедалус хурсандлигидан нафасини ростлаб олиб, идишнинг гирдида ёғ томчилари ялтираб турган зилдай қопқоғини кўтарди.

Стивен идишдаги қовурилган куркага қаради, у куркани эрталаб ошхонадаги столда, оёғи бойланган ва кегай санчилган алпозда кўрган эди. Отаси Д’Олер-стритдаги Данда¹ бу курка учун бир гиней сарфлаганини ва сотувчи бармоғи билан курканинг тўшига ниқтаб, бу билан парранда жуда харидоргир эканини уқтирмақчи бўлганини Стивен биларди ва у беихтиёр сотувчининг овозини эслади:

— Олинг буни, сэр. Кейин хурсанд бўласиз. Зотдор парранда.

Нега мистер Баррет Клонгоусда болаларнинг кўлига урадиган чизғични курка дейди? Бироқ Клонгоус узокда, дастурхондаги идишлардан эса курка гўштининг, селдирнинг қайноқ хушбуй ҳиди таралади, каминдаги аланга гуриллаб тепага ўрлайди, ям-яшил печакгуллар ва қирмизи игнабарглр эса кўзни қувонтириб, кўнгилга шодлик улашади! Кейин эса, овқатланиб бўлишгач, бодом мағзи сепилган, кўкатлар билан безатилган каттақон плампудингни тортишади, унинг теграсида зангори олов жимирлайди, устида эса ям-яшил жажжи байроқча ҳилпираб туради.

Бу унинг биринчи марта мавлуд зиёфатида иштирок этиши эди. У укалари ва сингилларини ўйлади. Улар нариги хонада кутишяпти, ўзи ҳам неча марта кутган. Қайтарма кўкрак ёқали камзулида у ўзини бошқача, катталардай ҳис қилди, бугун эрталаб, ибодатга боришидан олдин кийинтиришиб, онаси меҳмонхонага уни бошлаб кирганида отаси йиғлаб юборди. Чунки уни кўрган пайт отаси ёдига тушган. Чарлз тоға шундай деди.

Мистер Дедалус идишнинг қоқоғини ёпиб кўйди ва иштаҳа билан овқат ейишга киришди.

— Шўрлик Кристи, — мингирлади у, — афтидан у ўзининг макру хийлаларига буткул ўралашиб қолганга ўхшайди.

— Саймон, — деди миссис Дедалус, — сен миссис Райорденга қайладан узатмаяпсан.

— Дарвоқе, — деди у ҳозиржавоблик билан, — миссис Райорден, мен гумроҳнинг гуноҳимдан ўтинг.

Дэнти кўли билан ликопчасини тўсди:

— Йўқ, миннатдорман.

Мистер Дедалус Чарлз тоғага ўтирилди:

— Сиз-чи, сэр?

— Ҳаммаси жойида, Саймон.

— Жон, сизга-чи?

— Менга бас. Ўзингиз олаверинг.

— Сенга-чи, Мэри? Ликопчангни узат, Стивен. Олсанг-чи, олавер, мўйловинг тезроқ чиқади. Қани!

У Стивеннинг ликопчасига қайладан уюб солди ва идишни столга кўйди. Кейин Чарлз тоғадан гўшт мазалими, деб сўради. Чарлз тоға гапира олмади, оғзи банд эди, бошини сермаб кўя қолди.

— Қадрдонимиз ўшанда руҳонийга муносиб жавоб қилганмиди? А? — деди мистер Дедалус.

— Мен бунга унинг қурби етади, деб ўйламаган эдим, — деди мистер Кейси.

¹ Дублиндаги Муқаддас Учлик коллежи ёнидаги ҳашаматли дўкон.

— “Черковнинг харажатини мен ўзим тўлайман, ҳазрат, сиз Тангрининг даргоҳини ташвиқот юритадиган минбарга айлантиришни бас қилсангиз бўлгани”¹.

— Ўз пирига бундан ортиқ гап айтиб бўладими, — деди Дэнти. — Аниқса, ўзини католикман деган одамнинг оғзидан шу гап чиқса-я.

— Улар айбни фақат ўзларидан қидирганлари маъқул, — деди мистер Дедалус сохта ҳалимлик билан. — Агар улар ақллироқ бўлишганда дин билан машғул бўлишарди, бошқаларнинг ишига тумшук тикиб юришмасди.

— Ахир, шунинг ўзи дин-да, — деди Дэнти. — Улар халқни огоҳлантириб, ўз бурчларини бажаришяпти. Улар ўз жамоаларига панд-насиҳат қилиб туришлари керак-ку.

— Биз черковга — Тангрининг уйига бош эгиб яратганга ибодат қилиш учун келамиз, — деди мистер Кейси, — сайловолди нутқларини тинглаш учун эмас.

— Шунинг ўзи дин-да, — такрорлади Дэнти. — Улар тўғри қилишяпти. Улар ўз жамоаларига ваъз ўқиб туришлари керак.

— Меҳробдан туриб ташвиқот юргизишларига нима дейсиз? — сўради мистер Дедалус.

— Тўғри-да, — деди Дэнти. — Бу жамоанинг маънавиятига дахлдор. Агар руҳоний ўз қавмига нима яхши-ю, нима ёмонлигини тушунтирмаса, унинг руҳонийлиги қаерда қолади?

Миссис Дедалус қўлидаги пичоқ билан санчқини дастурхонга қўйиб, деди:

— Худо хайрингизни берсин, сиёсий мунозараларингни жуда бўлмаса бугун, шундай кунда қўя турунлар!

— Мутлақо ҳақсиз, мэм, — деди Чарлз тоға. — Бас, етар, Саймон. Бўлди энди, тамом.

— Хўп, хўп, — деди бидирлаб мистер Дедалус.

У идишнинг қопқоғини илкис кўтарди:

— Хўш, кимга яна қуркадан?

Ҳеч ким жавоб қилмади. Дэнти яна гап очди:

— Воизликни католикка чиқарган, ҳа, шубҳасиз, католикка.

— Миссис Райорден, ўтиниб сўрайман, — деди миссис Дедалус, — бугунча шу гапни тўхтатиб турайлик.

Дэнти у томонга ўгирилиб деди:

— Сизнингча, мен черков аёнларини таҳқирлашларига чидаб туришим керакми?

— Агар улар сиёсатга аралашини бас қилишса, — беихтиёр гапга қўшилиб кетди мистер Дедалус, — ҳеч ким уларга бир оғиз ҳам гапирмайди.

— Ирландиянинг епископлари ва поплари ўз сўзларини айтишди, — эътироз билдирди Дэнти, — уларга бўйин бериш керак.

— Улар сиёсатдан воз кечсин, — гапга аралашди мистер Кейси, — бўлмаса халқ черковдан юз ўгиради.

— Эшитдингизми? — деди Дэнти миссис Дедалусга мурожаат қилиб.

— Мистер Кейси! Саймон! Бас, етар, ўтиниб сўрайман, — ялина бошлади миссис Дедалус.

— Яхшимас! Яхшимас! — деди Чарлз тоға.

— Бу қандай гап! — қичқирди мистер Дедалус. — Биз инглизларнинг бир ишораси билан ундан² воз кечармишмиз!

¹ Парнеллнинг католик черкови меҳробидан туриб айтган таънасига ишора қилинаётир.

² Парнелл назарда тутилаётир.

— У халқни ортидан эргаштиришга нолойиқ бўлиб қолган эди, — деди Дэнти. — У ҳамманинг кўз олдида гуноҳга ботиб яшади.

— Ҳаммамиз гуноҳқормиз, ҳаммамиз гуноҳкор бадбахтлармиз, — вазминлик билан жавоб қилди мистер Кейси.

— “Ҳою ҳавасдан буткул тийилиш мушкул, бироқ бундайин гуноҳдан ўзини четга ола билмаганинг ҳолига вой, — деди миссис Райорден. — Магар бундай кимсанинг гарданига тегирмон тошини бойласалар, боз уни денгизга ташласалар тузук, токи у ўзгаларни йўлдан оздирмагай”. Мана, муқаддас китобда нима дейилган.

— Ута бўлмағур сўзлар булар, агар менинг фикримни билишни истасангиз, — деди мистер Дедалус совуқ оҳангда.

— Саймон! Саймон! — Чарлз тоға уни туртди. — Ёш боланинг олдида-я!

— Хўп-хўп, — деди хато қилганини пайқаб мистер Дедалус. — Айтганча... Мен айтмоқчи эдимки... Бўлмағур гапларни станциядаги бир ҳаммол айтибди. Шундай десак тузукроқ бўлар. Қани, Стивен, ликопчангни чўз, ошна. Қолдирмагин-а, ҳаммасини егин.

У тўлатилган ликопчани Стивенга узатди ва Чарлз тоға билан мистер Кейсининг ликопчаларига курка гўштидан иккита катта бўлакни қўйиб, устига қайладан бостириб қуйди. Миссис Дедалус овқатдан камгина еди, Дэнти эса қўлларини тиззасига қўйиб ўтирарди. Унинг юзи қизариб кетган эди. Мистер Дедалус санчқи билан курканинг қолган-қутганини ковлаштираркан, деди:

— Бу ерда яна битта мазали луқма қолди, буни архиерей¹ луқмаси дейишади. Хўш, хонимлар, жентлменлар, қани кимга?..

У курка гўштини санчқига санчиб кўтарди. Ҳеч ким оғиз очмади. У луқмани ўзининг ликопчасига қўйиб деди:

— Менинг ишим таклиф қилиш. Бироқ энди бу ўзимга қолди, шекилли, ўзим ейман. Кейинги пайтларда негадир кучдан қолаётгандайман.

У Стивенга кўзини қисди ва бир қўли билан ликопчасини пана қилиб, ейишга тутинди. У еб бўлгунича ҳеч ким чурқ этмади.

— Ҳавоям зап ҳаво бўлди-да! — деди у. — Шаҳарда мусофирларнинг кўплигини айтмайсизми.

Ҳеч ким гап кўшмади. У яна гапира бошлади:

— Менимча, ўтган йилги мавлуд байрамга қараганда бу йил зиёратчилар кўп келди.

У ўтирганларнинг дастурхонга эгилган бир қадар мулзам юзларига кўз югуртиб чиқди ва ҳеч қандай жавоб эшитмагач, бир дақиқа сукут сақлаб турди-да, сўнг алам билан деди:

— Хулласи калом, менинг мавлуд зиёфатимни буздинглар!

— Черков аъёнларига хурмат бўлмаган уйда, — деб узиб олди Дэнти.

— бахт-саодатга, хушвақтликка ўрин йўқ.

Мистер Дедалус қўлидаги санчқи билан пичоқни ликопчага шарақлатиб ташлаб юборди.

— Хурмат!? — деди у. — Биллига² хурматми, шармандаларча сафсата сотгани учун-а ёки ўша армлиқ³ мешқорин очофатгами! Хурмат-а?!

— Черков амалдорлари! — аччиқ киноя қилди мистер Кейси.

— Лорд Лейтримнинг⁴ отбоқари, — кўшимча қилди мистер Дедалус.

¹ А р х и е р е й — юқори лавозимли руҳонийларнинг умумий номи.

² Дублин архиепископи (1841—1921, Парнеллга қарши ҳаракатда иштирок этган.

³ Майкл Лог (1840—1924) — Арм архиепископи. Парнеллнинг рақиби.

⁴ Ирланд черкови инглиз ҳокимиятининг хизматкори эканига ишора. Ирландиядаги инглиз ер эгаси, лорд Лейтрим шафқатсизлиги билан ном чиқарган. Ирланд кўзғолончилари томонидан ўлдирилган. Унинг отбоқари ўлдиришга халақит берган.

— Улар худонинг ёрлақаган бандалари, — деди Дэнти. — Мамлакатнинг фахри!

— Очофат мешқорин, — деди яна мистер Дедалус. — У ухлаган пайтдагина беэён. Унинг қировли қиш кунда чўчка гўштира карамни кўшиб уриб ётганини бир кўрсангиз эди! Полвон!

У тумтоқ башарасини бужмайтирди ва лабларини чапиллатиб кўйди.

— Кўйинг, Саймон, ёш боланинг олдида ярашмайди бундай гаплар. Яхшимас.

— Ҳа-да, катта бўлганда ҳаммасини эслайди, — гапни илиб кетди Дэнти қизишиб, — булар бари худога, динга ва руҳонийларга қарши гаплар-ку, уларни ўзи туғилиб ўсган уйда эшитиб ўтирса-я.

— Эсласин-да, — столнинг нариги тарафидан туриб қичқирди мистер Кейси, — руҳонийларнинг, уларнинг малайларининг амру маъруфлариниям эсласин. Ахир, Парнеллнинг юрагини адои тамом қилган, уни гўрга жойлаган шулар-ку! Катта бўлганида буни ҳам эсласин, ахир.

— Итдан тарқаганлар! — хитоб қилди мистер Дедалус. — Аҳволи танг бўлганда, пайт пойлаб Парнеллни сотишди-я! Худди палид каламушлардай унга ташланишди, гажишди! Ёвуз кўппаклар! Кўппакдан фарқи йўқ уларнинг. Худо ҳаққи!

— Жуда тўғри қилишган-да. — қичқирди Дэнти. — Улар ўзларининг епископларига ва попларига итоаткор бўлишган. Уларга шон-шарафлар бўлсин!

— Бас, етар ахир, кўйинглар бу бемаъни гапларни! — хитоб қилди миссис Дедалус. — Бирор кун йўққи, кўнглингни қоп-қора қиладиган шундай бемаъни можароларсиз ўтса.

Чарл тоға тинчланинглар деган маънода қўлини кўтарди:

— Жим, жим, жим! Наҳотки одам ўзининг фикрини газабга минмай, сўкинмай гапириши қийин бўлса. Бу яхшимас, ахир!

Миссис Дедалус Дэнтининг қулоғига шивирлаб, уни тинчлантирмоқчи бўлди, бироқ Дэнти ўшқириб берди:

— Йўқ, мен жим туrolмайман! Черковимни, эътиқодимни ҳимоя қиламан, бу диндан қайтганларга уни таҳқирлатиб, тупуртириб кўймайман.

Мистер Кейси олдидаги ликопчани стол ўртасига илкис сурди, кейин тирсагини столга тиради-да, ҳирқираган товушда уй эгасига қараб мурожаат қилди:

— Мен сизга ўша машҳур тупуриш тарихини гапириб берганмидим?

— Йўқ, Жон, айтганингиз йўқ, — деди мистер Дедалус.

— Наҳотки, — деди мистер Кейси, — аммо жуда ибрат олса арзийдиган воқеа-да. Бу воқеа бироз олдинроқ, Уиклоу графлигида, ҳозир сиз билан бирга яшаб турган жойда юз берган.

У тўхтаб, Дэнтига ўгирилиб, қаҳр билан салмоқлаб гапира бошлади:

— Ижозатингиз билан айтиб кўяй, хоним, агар сиз мени назарда тутиб гапираётган бўлсангиз адашасиз, мен динидан қайтганлардан эмасман. Католикман мен, худди отамдай, унинг отаси ҳам католик бўлган, унинг отасининг отаси ҳам жуда қадим замонлардаёқ католик бўлган ва ўша пайтларда биз ўз эътиқодимиздан қайтгандан кўра ҳаётнинг баҳридан ўтиб кўя қолишга тайёр эдик.

— Демак, сиздай одам учун, — деди Дэнти, — ҳозир оғзингиздан чиққан гапларни айтиш баттар уят.

— Айтинг, Жон, — деди Дедалус кулимсираб. — Кулоғимиз сизда.

— Католик эмиш! — деди яна киноя билан Дэнти. — Учига чиққан протестант ҳам бугун мен эшитган гапларга ўлсаям чидаб ўтирмасди.

Мистер Дедалус бошини ҳар ёққа саланглатиб, муқом қила бошлади.

— Мен протестант эмасман, буни сизга такрор айтаяпман, — деди мистер Кейси жони чиқиб.

Мистер Дедалус ўзича фингшиб ва бошини саланглатиб турди-да, туйқусдан хирқироқ товушда пинғиллаб хиргойи қилди:

Келинлар, ҳой, католиклар, сиз.
Ибодатдан юзни бурмангиз!

У қўлига пичоқ билан санчқини олиб, яна овқат ейишга тутинди ва мистер Кейсига қувноқ овозда деди:

— Айтинг ўшани, Жон, қулоғимиз сизда, бу овқат ҳазм бўлишига ёрдам беради.

Стивен меҳр билан мистер Кейсининг юзига қаради, мистер Кейси бошини қўлларига тираганча бир нуқтага термилиб турарди. Стивен каминнинг олдида у билан ёнма-ён ўтириб, унинг қаҳрли, қорамағиз чеҳрасига тикилишни яхши кўрарди. Бироқ унинг қора кўзлари ҳеч қачон ғазаб билан чақнамас, вазмин, салобатли товушини эшитиш мароқли эди. Нега у руҳонийларга қарши? Бундан чиқдики, Дэнти ҳақ экан-да. У отаси гапирганда эшитган, Дэнти ёшлигида таркидунё қилган — роҳиба бўлган, кейинча акаси билақузук ва бошқа майда-чуйда тақинчоқларни қора халққа пуллаб бойигач, монастирни тарк этган, Аллеганга кетган. Эҳтимол, шунинг учун у Парнеллга қарши бўлса керак? Ҳа, айтганча, у Эйлин билан бирга ўйнаса Дэнти ёқтирмайди, чунки Эйлин протестант-да, Дэнти ёшлигида протестантлар билан бирга ўйнаб юрадиган болалардан протестантлар муқаддас Биби Марямнинг қуйма ҳайкалчасини таҳқирлашганини эшитган. “Фил суякли минора — Тилла кўшк!”¹, дейишган улар. Қандай қилиб аёл киши фил суякли минора ёки тилла кўшк бўлиши мумкин? Унда ким ҳақ бўлиб чиқади? Унинг хотирасига Клонгоусдаги касалхона оқшоми, қоп-қора тўлқинлар, кўрфаздаги маёқ ёғдуси ва қайғули хабарни эшитган оломоннинг дод-фарёди келди.

Эйлиннинг қўллари узун, оппоқ эди. Бир куни кечкурун, улар кўз бойлаш ўйнаётганда Эйлин унинг кўзларини қўллари билан бекитди: қўллари узун, оппоқ, ингичка, совуқ ва нозик. Бу ўша фил суяги. Совуқ ва оппоқ, мана, фил суякли минора нима дегани.

— Бу қисқа ва жуда қизиқ воқеа, — деди мистер Кейси. — Бу Арклоуда бўлган эди, ҳаво совуқ, булутли кун эди, йўлбошчимиз қазо қилишларидан сал олдинроқ. Унинг руҳини ўзинг шод қилгайсан, илоҳим!

У мадорсизланиб кўзларини юмди ва бироз сукут сақлади. Мистер Дедалус ликопчадаги суякни қўлига олиб, гўштини тишлари билан узиб оларкан, деди:

— Айтмоқчисизки, уни ўлдиришларидан олдинроқ бўлган эди, демоқчисиз-да?

Мистер Кейси кўзларини очди, чуқур хўрсинди ва давом этди:

— Бир куни у Арклоуга келди. Биз митингга эдик, митинг тугагандан сўнг, бир амаллаб, тирбанд оломоннинг орасини ёриб, станцияга ўтишга тўғри келди. Умримда бунақанги қий-чувни, дод-фарёдни эшитмаганман! Оломон бизни гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа суриб кетади. Шунда бир кампир, қари пияниста алвасти, негадир менга

¹ Биби Марямга мурожаат этиб айтиладиган католиклар дуосидан.

аридай ёпишди-қолди. Атрофимда лойни кечиб гир айланади, кўзини менга қадаб олган, тинмай қичқиради: Рухонийларнинг душмани! Париж биржаси! Мистер Фокс!¹ Китти О'Ши!

— Хўш, сиз нима қилдингиз, Жон?— сўради мистер Дедалус.

— Мен унинг акиллашига эътибор қилмадим, — деди мистер Кейси.

— Жуда совуқ эди, баданни жиндай қиздирар деб (мени кечирсинлар, хоним) тилимнинг тегига денгиз тамакисидан не миқдор ташлаб олганман, турган гап, оғзимни очолмайман, чунки оғзим тамаки “шарбаги”га тўла.

— Хўш, кейин-чи, кейин нима бўлди, Жон?

— Хуллас, мен унга эътибор қилмадим, майли, Китти О'Шини қоралайдими, билганича акиллайверсин, дегандим, бироқ бу алвасти муҳтарама хонимни шундай бир сўз билан ҳақоратладики, бу сўзни айтишга тил айланмайди, ҳарқалай мавлуд дастурхонида ўтирибмиз, қолаверса, бегойим, сизнинг таъбингизни ҳам бузмай, ўзимнинг лафзимниям булғамай.

У жимиб қолди. Мистер Дедалус бошини кўтариб сўради:

— Хўш, кейин сиз нима қилдингиз, Жон?

— Нима қилардим? — деди мистер Кейси. — Қарасам, у ўзининг буришган жирканч башарасини нақ иягимга тираб келаяпти, менинг оғзимда лиқ тўла тамаки “шарбаги”. Шунда мен унга яқинроқ энгашдим-да, мана шундай “Тфу!” дедим.

У юзини четга буриб қандай қилганини кўрсатди.

— Тфу! Унинг шундек кўзига тупуриб юбордим.

У кўли билан кўзларини бекитди ва жонни қаттиқ оғриётган одамдай чинқириб юборди:

— “Вой, Исо Масих, Биби Марям, Юсуф! — деб айюҳаннос соларди у. — Вой-дод, кўр бўлиб қолдим, дод, ўламан!”

У хириллаб, кулгидан ва йўталдан ўзини тўхтата олмай, бўғилиб такрорлади:

— Кўр бўлиб қолди, кўр бўлиб қолди!

Мистер Дедалус қаҳ-қаҳ отиб кулганча ўзини стулнинг суянчигига ташлади. Чарлз тоға бошини чайқаб қўйди. Дэнтининг юзи қаҳрли тус олди, ўтирганлар хохолаб кулишаркан, у бир гапни тинмай такрорларди:

— Яхши, жуда яхши, жуда саз!

Аёл кишининг кўзига тупуриш яхшimas.

Ўша кампир Китти О'Шини қандай сўз билан ҳақорат қилдийкан, уни мистер Кейси ҳатто тилга олишга ҳам ҳазар қилди-я? Стивен оломон орасидаги мистер Кейсини кўз олдига келтирди: ана у, араванинг устида, тик туриб нутқ ирод қилаётир. Шунинг учун ҳам у қамоқда ўтирган. У беихтиёр эслади: бир куни уйларига сержант О'Нил келди, сержант даҳлизда туриб отаси билан шивирлашиб гаплашди, ора-сира бошидаги темир қалпогининг чарм бандини асабий тишлаб кўярди. Ўша оқшом мистер Кейси Дублинга одатдагидай поездда жўнамади, уйлари олдига арава келди ва отасининг Кэбинтили орқали ўтадиган йўл ҳақида нимадир деганини эшитди у.

У ҳам отаси каби Ирландия учун қайғурар, Парнеллни ёқлар эди, бироқ аслида Дэнти ҳам улар тарафда, чунки бир куни сайлгоҳда оркестр чалиб турганда Дэнти бир жанобнинг бошига

¹ Париж биржаси — 1888 йили Парнелл бошқарган фенианлар ташкилоти. Парнеллни пулни ноўрин сарфлаганликда ноҳақдан айблашган ва бу ҳаракат йўлбошчисининг обрўсига салбий таъсир этган. Мистер Фокс — Китти О'Ши билан хат ёзишганда Парнелл ишлатган исмлардан бири.

шамсия билан тушириб қолди, куй охирида оркестр “Худоё, қироличани ўзинг асра!”ни ижро этаётганда ўша жаноб бошидан шляпасини ечган эди.

Мистер Дедалус алам билан пихиллади.

— Ҳой, Жон, — деди у. — Улар ўзи шунга муносиб. Биз шўрликлар поплар қўл остида эзилган халқмиз. Умрбод шундай бўлиб келган ва охирагача шундай бўлиб қолади.

Чарлз тоға бошини чайқаб деди:

— Ҳа, аҳволимиз чатоқ, чатоқ!

Мистер Дедалус гапини такрорлади:

— Попларнинг қўл остида эзилган ва худонинг марҳаматидан бенасиб халқ!

Шундай деб у ўнг тарафида деворга осиглиқ бобосининг суратига ишора қилди.

— Жон, мана бу чолни кўряпсизми? — деди у. — Ҳалол ирланд, унинг даврида одамлар фақат мол-дунё деб ўлиб-тирилган эмас. У олий жазога ҳукм қилинган Оқ Болаларнинг бири эди. Минг етти юзу олтмишинчи йили оқ кўзғолончи¹ сифатида ўлимга ҳукм қилинган. У оғайнилариимиз — черков аёнлари ҳақида гапиришни яхши кўрарди, ҳеч қачон уларни ўзим ўтирган дастурхонга йўлатмайман, дерди.

Дэнти чидаб туролмади:

— Бизни руҳонийлар бошқариб турибди, биз бундан фахрланишимиз керак! Улар — яратганнинг кўз қорачиғи. Уларга отилган тош тангрига отилган тош билан баробар.

— Бундан чиқдики, бизнинг ўз ватанимизни севишга ҳаққимиз йўқ экан-да? — сўради мистер Кейси. — Бизни ортидан эргаштириш, йўлбошчи бўлиш учун тугилган инсонга эргашиш ҳам тақиқланганми?

— Ватан хоини, — бақирди Дэнти. — Хоин, хотинбоз! Черковимиз раҳнамонлари ундан юз ўгириб жуда тўғри қилишди. Улар ҳамаша Ирландиянинг содиқ дўстлари бўлишган.

— Сиз шунга ишонасизми? — деди Кейси.

У мушти билан столни урди ва қошларини асабий кериб, бармоқларини бирин-кетин ёза бошлади.

— Уния² даврида, епископ Лэниден маркиз Корнуоллисга³ фуқароликни байъат қилганда, ирланд епископлари бизни сотмаганмиди? Ўша епископлар ва поплар минг саккиз юзу йигирма бешинчи йили ўз мамлакатининг келажакини католик динининг эрки учун қурбон қилмаганмиди? Минбару меҳроблардан туриб фенилар ҳаракатини бадном этганлари-чи? Теренс Белью Макмэнус⁴ хокини таҳқирлаганлари-чи?

Кейсининг юзи ғазабдан бўғриқиб кетганди, Стивен унинг ёниб гапирётганидан ёноқлари чўғдай қизариб кетганини сизди.

Мистер Дедалус алам билан қулди.

¹ Бу ўринда XVIII асрнинг 60-йилларида Ирландияда пайдо бўлган деҳқонлар ташкилотидан бири — Оқ Болалар назарда тутилаётир. Улар, одатда, оқшомлари кийимлари устидан оқ кўйлак кийишиб (ном шундан олинган), ҳаракат қилишган. 1765 йилги қонунга кўра, бу ташкилотда иштирок этганга ўлим жазоси тайинланган.

² У н и я — иттифок; православ ва католик черковларининг бирлашиб, Рим папаси ихтиёрига ўтганини англатади (XVII аср). 1799 йили инглиз ҳукумати Дублиндаги ирланд парламентини тарқатиб, уни Лондондаги инглиз парламентига қўшиб юборишга қарор қилади. Ирландияда руҳонийлар унияни маъқуллаб чиқишган.

³ Чарлз Корнуоллис (1738—1805) — инглиз генерали ва сиёсий арбоби. 1708 йилдан 1801 йилгача Ирландия вице-қироли бўлган.

⁴ Теренс Белью Макмэнус (1828—1860) — ирланд ватанпарвари, Сан-Францискода қазо қилган, Дублинда тантанали дафн этилган.

— Ў, худойим, — дея ҳайқирди у, — мен қария Пол Каллинни¹ унутиб қўяёзиман. Мана, танграмнинг яна бир ёрлақанган кўз қорачиги.

Дэнти стол оша мистер Кейсига қараб қичқирди:

— Тўғри қилишган, жудаям тўғри! Улар ҳаммаша тўғри йўл тутишган! Худо, ахлоқ ва дин ҳамма нарсадан устун!

Миссис Дедалус унинг ғазабланганини кўриб деди:

— Миссис Райорден, ўзингизни босинг, улар билан пачакилашманг.

— Худо ва дин — ҳаммасидан устун! — қичқирди Дэнти.

Мистер Кейси маҳкам сиқилган муштини кўтарди ва зарб билан столга урди.

— Бўпти, яхши, — бўғилиб қичқирди у, — агар шунақа бўладиган бўлса, бас, Ирландияга худонинг кераги йўқ!

— Жон, Жон! — қичқирди мистер Дедалус меҳмоннинг енгидан тортқиларкан.

Дэнти унга тикилганча қотиб қолди: унинг ёноқлари пириллаб уча бошлади. Мистер Кейси стулни зарб билан сурди-да, стол оша Дэнти тарафга эгилиб, қўлини кўзлари олдида худди пашшани қуваётгандай асабий сермай бошлади.

— Ирландияга худонинг кераги йўқ! — бақирди у. — У Ирландияда жуда кўп бўлди. Бас, жонга тегди! Йўқолсин!

— Шаккок! Иблис! — Дэнти чийиллаганча ўрнидан сакраб турди ва сал бўлмаса унинг юзига тупираёзди.

Чарлз тоға билан мистер Дедалус мистер Кэйсини бир амаллаб жойига ўтиргизиб, тинчлантиришга уринишди. У нафратдан чақнаган қорамтир кўзларини бир нуқтага қадаб тинмай бақирарди:

— Йўқолсин, даф бўлсин!

Дэнти илкис кўзғалиб, стулни зарб билан четга сурди ва столдан нари кетди, стол устидаги қўлсочиклар солинган идиш ерга тушиб, гиламнинг устида юмалаганча оромкурсининг оёғига урилиб тўхтади. Мистер Дедалус ўрнидан чаққон туриб, Дэнтининг ортидан эшикка югурди. Эшик олдида Дэнти тўхтаб ортига ўгирилди, унинг ёноқлари учар ва ғазабдан лов-лов ёнарди, у хонани бошига кўтариб қичқирди:

— Дўзахилар! Биз ғалаба қилдик! Биз уни ўлимга маҳкум этдик! Иблис!

Эшик шарақлаб ёпилди.

Мистер Кейси ўзини ушлаб турганларни итариб ташлади ва манглайини столга уриб хўнграб юборди.

— Бадбахт Парнелл! — У ўкириб фарёд чекди. — Ҳалок бўлган қиролимиз!

У бўзлаб йиғларди.

Кўркувдан юзи докадай оқариб кетган Стивен бошини кўтариб қаради, отасининг кўзлари жиққа ёш эди.

* * *

Ҳар жой, ҳар жойда тўп-тўп бўлиб турган болалар гурунглашарди. Биттаси айтди:

— Уларни Лайенс-Хиллга яқин жойда ушлаб олишибди.

— Ким ушлабди?

¹ Пол Каллин (1803—1878) — архиепископ, Ирландия озодлиги учун курашганларнинг душмани. Макмэнуснинг дафн маросимидаги намоишни қоралаган.

— Мистер Глисон билан руҳоний. Улар аравада кетаётган экан. Уша бола тагин кўшиб кўйди:

— Менга буни юқори синфдаги бир бола айтди.

Флеминг сўради:

— Улар нега қочибди?

— Сабабини мен биламан, — деди Сесил Сандер. — Улар ректорнинг хонасидан пул ўмаришган.

— Ким ўғирлаган?

— Кикемнинг акаси. Кейин бўлишиб олишган.

— Жуда билафонсан-да, Сандер! — деди Уэллс. — Уларнинг нега куён бўлганини мен биламан.

— Хўш, айт-чи, нега?

— Айтма деб илтимос қилишган менга, — деди Уэллс.

— Айтақол, — чувиллашди болалар.

— Кўрқма, биз сени сотмаймиз.

Яхшироқ эшитиш илинжида Стивен бўйинини чўзди. Уэллс, бирортаси келмаяптимикиан, деб атрофга алантлади. Кейин шивирлаб гапира бошлади.

— Ибодат либослари турадиган шкафда черковнинг виноси сақланади, биласизларми шуни?

— Ҳа.

— Қисқаси, улар шу винони ичиб кўйган, гуноҳқорни қидирганда ҳидидан пайқаб қолишган. Мана, нега улар жуфтакни ростлашган, билдингларми энди?

Биринчи бўлиб гап очган бола айтди:

— Тўғри, тўғри, мен ҳам юқори синфдаги боладан шу гапни эшитдим.

Ҳамма жимиб қолди. Стивен уларнинг орасида бир сўз айтишга журъат этмай жим турар, эшитарди, холос. У кўрққанидан бироз ваҳимага тушди, аъзойи бадани бўшашиб кетгандай бўлди. Улар бунга қандай қўл уришдийкан? У жим-жит қоронғи ҳужрани кўз олдига келтирди. Ҳужрада ёғоч шкафлар бор эди, ичига диний китоблар тартиб билан териб кўйилган. Бу жой бутхона эмас, бироқ барибир бу ерда фақат шивирлаб гаплашиш мумкин. Бу муқаллас жой. У ёз оқшомини эслади, ўшанда маросим куни — ибодат либосини кийдириш учун уларни ўрмондаги кичик бир бутхонага олиб келишди. Сирли, синоатли жой. Эшикнинг олдида турган бола қўлидаги узун занжирга боғланган исриқдонни оҳиста тебрата, тебранганда исриқдоннинг кумуш қопқоқчаси хийла кўтарилиб-тушиб, ичидаги чўғ оловланарди. Исриқдонга писта кўмир солинган эди, бола идишни тебратганда кўмир милтиллаб чўғланар ва ундан ачқимтироқ ҳид тараларди. Ҳаммага ибодат либоси кийгизилгандан сўнг бола исриқдонни ректорга узатди ва ректор идишга бир қошиқ седана сепди, кўмир чўғининг устига тушган седана жизиллади.

Болалар майдончада тўп-тўп бўлишиб гап сотишарди. Унинг кўзига болаларнинг бўйи калтариб қолгандай туюлди. Бунинг сабаби бор эди, кеча пойгачилардан бири, иккинчи синфда ўқийдиган бола, уни велосипед билан уриб юборди. У шағал тўкилган йўлакка йиқилиб тушди, кўзидаги кўзойнаги учиб кетиб, уч бўлак бўлди, оғзига жиндай кум кирди.

Шунинг учун ҳам болалар унинг кўзига кичрайиб, дарвоза устунлари ингичка ва узоқ бўлиб кўринар, майин кулранг осмон эса жуда баландлаб кетган эди. Спорт майдончасида ҳеч ким йўқ эди, чунки ҳамма крикет ўйнаш учун бир жойга йиғилган, баъзи болалар

Барнс капитан бўлади деса, бошқалари Флауэрсни айтишарди. Ниҳоят майдончада тўпни ҳаволатиб, ташлаб бериб, уриб — ўйинни бошлаб юборишди. Муллоим ҳавони зарб билан урилаётган крикет таёқларининг товуши тутиб кетди. Пик, пак, пок, пек — худди фавворадан сув томчилари лиммо-лим ҳовузга оҳишта томчилаётгандай.

Шу пайтгача миқ этмай ўтирган Этти пичирлаб деди:

— Сизларнинг айтган гапларинг тўғримас.

Ҳамма ўгирилиб унга қаради:

— Нима учун?

— Нима, сен биласанми?

— Сенга ким айтди?

— Айтгин, Этти!

Этти кўли билан майдоннинг Саймон Мунен ёлғиз ўзи тош тепиб, айланиб юрган томонига ишора қилди.

— Ана ундан сўранглар, — деди у.

Болалар ўша томонга қарашди, кейин сўрашди:

— Нега ундан сўраш керак?

— Уям ўшалар биланми?

Этти товушини пасайтириб деди:

— Бу болалар нега жуфтакни ростлаб қолишганини биласизларми?

Мен сизларга айтаман, лекин ҳеч ким билмасин.

— Айт, Этти, айта қол. Ҳеч кимга айтмаймиз.

У бир дақиқа жим турди, кейин муҳим сирни ошкор этаётгандай шивирлаб деди:

— Кечаси Саймон Мунен билан Тис Бойлни ҳожатхонада кўриб қолишибди.

Болалар унга ҳайрон бўлиб қарашди:

— Кўриб қолишибди?

— Нима қилаётган экан улар?

Этти айтди:

— Ёпишишаётган экан.

Бирдан ҳамма жимиб қолди.

— Билдингларми энди нима бўлганини, — деди Этти.

Стивен жўраларининг юзига кўз ташлади, бироқ улар бари майдончанинг нариги тарафига қараб туришарди. Унинг кимдандир сўраб билгиси келди. Ҳожатхонада ёпишиш — нима дегани? Нега энди юқори синфнинг бешта боласи шу учун қочиб кетишди? “Бу—ҳазил”, деб ўйлади у. Саймон Мунен доим башанг кийинади, бир сафар кечки пайт унга Саймон шарбатли конфет солинган шарни кўрсатди, идишни футбол командасидаги болалар ошхонанинг ўртасидаги поёндоз устидан унга қараб юмалатишганди, Саймон эса эшик олдида турган эди. Бу кечкурун, бэктайв командаси билан мусобақадан кейин бўлган эди, шар эса ярми яшил, ярми қизил — нақш олманинг ўзгинаси, фарқи шуки, уни очса бўларди, ичи шарбатли карамелга лик тўла эди. Бир сафар Бойл филнинг иккита “сўйлоқ тиши” бор дейиш ўрнига “тиси” деди, шунинг учун унга Тис Бойл деб лақаб кўйишди. Баъзи болалар уни Бойл хоним деб чақирришади, нега деганда у доим тирноқларига зеб бериб, эговча билан уларни силлиқлаб юради.

Эйлиннинг ҳам узун ингичка совуққина оппоқ кўллари бор, чунки у — қиз бола. Кўллари худди фил суягидай, фақат юмшоқ. Мана фил суякли миноранинг маъноси, бироқ протестантлар буни тушунмас, тушунмаганлари учун ҳам масхаралаб кулишади. Бир сафар у Эйлин билан бирга меҳмонхона ҳовлисига қараб туришган эди. Хизматкор устунга узун байроқни қўндираётган эди, кунгай бетдаги чимзорда

эса бир тозича уёқ-буёққа чопқилаб юрарди. Эйлин қўлини унинг чўнтагига тикди, ўзининг қўли ҳам шу чўнтакда эди, шунда у қизнинг бармоқлари совуқ, нозик ва юмшоқ эканини ҳис этди. Чўнтагинг бўлса мазза-да, деди Эйлин. Кейин бирдан бурилиб, кулганча, айланма зинадан пастга югуриб кетди. Унинг кумушранг сочлари елкасида, худди қуёшда товланган олтиндай, ярқираб тўкилиб турарди. *Фил суякли минора. Тилла кўшк.* Бир ниманинг устида бош қотирсанг, ўшанда уни тушуна бошлайсан.

Бироқ нега айнан ҳожатхонада? Ҳожатхонага фақат заруратдан борасан-ку. У ерда сандикдай-сандикдай тош плиталар бор, майда тешикчалардан кун бўйи сув томиб туради, димиққан сувнинг қўланса ҳиди ўтириб қолган. Бир эшикка қизил қалам билан икки қўлида иккита гишт кўтарган, рим тоғасидаги¹ соқолли одам расми чизилган, расм тагида: “Балбес девор тиклаган”² деган ёзув бор.

Бунни болалардан бири кулги учун чизган. Башараси жуда кулгили чиққан-да, бироқ соқолли одамгаям ўхшаб кетади. Деворга эса жуда чиройли хуснихат билан ўнгдан чапга: “Юлий Цезарь галлик каллар ҳақида ёзган”³, деб ёзиб қўйилган.

Балки улар, болалар ҳазиллашиб ёзиб-чизиб ташлаган бўлар-бўлмас нарсаларни кўриш учун бу ерга кириб олишгандир. Барибир уларнинг бу қилиғини оқлаб бўлмайди, Эттининг гапи хунук чиқди, қайси юз билан айтди-я шу гапни. Улар қочиб кетишди-ку, демак, бу шунчаки ҳазил эмас.

У майдончанинг ҳамма қараб турган тарафига қаради ва уни ваҳима босди.

Флеминг деди:

— Ҳўш, энди улар учун ҳаммамизнинг таъзимимизни беришадими?

— Таътидан кейин бу ерга қайтиб қадамимни босмайман, мана кўрасан, келиб бўпман, — деди Сесил Сандер. — Уч кунлаб ошхонада миқ этишмайди-ю, сал-насага дарров чизғич билан савалай кетишади.

— Тўғри, — деди Уэллс. — Баррет бўлса “Жарима дафтари”ни қўлидан қўймайди, бир варақлашга тушиб кетса борми, тамом, тўхтатиб бўпсан — неча марта уришини худо билади.

— Менам қайтиб келмайман.

— Тўғри, — деди Сесил Сандер, — бугун эрталаб инспектор иккинчи синфга кирди.

— Келинглар, исён кўтарамиз, — деди Флеминг. — Нима дейсизлар?

Ҳеч ким чурқ этмади. Атроф жим-жит эди, крикет таёқларининг зарбалари энди олдингидан кўра жуда секин эшитиларди: пик, пок.

Уэллс сўради:

— Энди уларни нима қилишаркан?

— Саймон Мунен билан Тиснинг пайини қирқишади, — деди Этти, — юқори синфдагиларга бўлса биттасини танланглар: ё жазо ёки ҳайдаласизлар, дейишди.

— Улар қайсини танлади? — сўради биринчи бўлиб гап очган бола.

— Корригендан бошқа ҳаммаси ҳайдалишни маъкул кўрди, — деди Этти. — Уни мистер Глиссон савалайди.

¹ Т о г а — қадимги римликлар устки кийим ўрнида елкага ташлаб, ўраниб юрадиган ярим доира шаклидаги ёпинғич.

² Бу сўз ўйини Юлий Цезарнинг дўстларидан бири, гареслик Луций Корнелий Балбуснинг бузиб айтилган номи билан боғлиқ.

³ Цезарнинг “*Commentarii de bello Gallico*” — “Галл уруши ҳақида мактублар” асарининг номи билан боғлиқ сўз ўйини.

— Мен биламан нега Корриген буни танлаганини,— деди Сесил Сандер, — тўғри қилди-да, бошқа болалар адашди, чунки жазо олганинг одамларнинг эсидан чиқади-кетади, коллеждан ҳайдалсанг ёмон, бир умр иснодга қоласан. Қолаверса, Глисон, ҳарқалай ўласи қилиб урмайди-ку.

— Тўғри-ю, лекин иш шунгача бормагани маъқул-да, — деди Флеминг.

— Мен ҳечам Саймон Муненнинг ё Тиснинг ўрнида бўлишни истамасдим,— деди Сесил Сандер. — Уларни жазоламаса кераг-ов. Эҳтимол, фақат қўлларига яхшилаб уришар.

— Йўқ, йўқ,— деди Этти; — икковининг ҳам юмшоқ жойларига бошлаб савалашади.

Уэллс кетини силаб йиғламсираган товушда деди:

— Бошқа қилмайман, сэр, қўйиб юборинг, сэр...

Этти кулимсиради ва камзулининг энгини шимариб деди:

Гуноҳ қилдингми чила,
Ҳиқиллама, вақт ўтди.
Иштонингни тез тушир,
Тутиб тур, кетти.

Болалар кулишди, бироқ барибир уларнинг чўчиб туришганини у сизди. Майин, бўзранг ҳавода крикет таёғининг зарбалари эшитилди: пок, пок. Бу узоқдан келаётган зарбалар товуши, бироқ ўзингни уришаётганда бошқача бўлади — жонинг оғриганини сезасан. Қўлга урганда чизғичдан ҳам товуш чиқади, бироқ бу бошқача товуш. Болалар уни китнинг мўйлови ва терисидан қилинган, ичида қўрғошини бор дейишади, урганда қандай оғритишини у тасаввур қилиб кўришга уринди. Товушлар ҳар хил бўлади. Узун, ингичка хипчиннинг товуши қаттиқ шувиллаб чиқади, текканда қандай оғритаркан, деб ўйлади у. Хаёлига келган бу ўйлардан бадани қалтираб кетди. Эттининг гапини эслаб эти жунжикди. Нимаси кулгили экан? Бадани жимирлаб кетди, ахир, иштонингни туширган пайтда ўзи бироз совуқ бўлади-да, сал-пал қалтирайсан. Ваннада ечинаётганинда ҳам шундай бўлади-ку. Уларнинг иштонларини ким ечаркан — ўзларими ёки тарбиячими? Бунинг кулгили жойи йўқ-ку?!

У Эттининг турилган энгларига ва сиёҳ чапланган озгин қўлларига қаради. Этти мистер Глисон энгларини қандай қайиришини кўрсатмоқчи бўлиб энгларини шимарди. Бироқ мистер Глисоннинг энг қайтармаси думалоқ ва оппоқ, ярқираб туради, қўллари эса топ-тоза, оппоқ, лўппигина, тирноқлари узун ва ўткир. Эҳтимол, у ҳам тирноқларини Бойл хонимга ўхшаб эговча билан силлиқлаб юрар. Бироқ унинг тирноқлари кўзга хунук кўринади — узун ва ўткир. Оппоқ, лўппигина қўллари ҳечам кўрқинчли эмас, мулойим, бироқ тирноқлари узун, кўрқинчли. Гарчи Стивен кўрқинчли узун тирноқларни ва хипчиннинг шувиллаб урилган товушини, ечинаётганда кўйлак этагининг тагидан кириб баданни жунжиктириб ўтадиган қалтироқни тасаввур этиб, совуқ ва кўрқувдан титраётган бўлса-да, оппоқ, лўппигина, кучли ва мулойим қўлларни кўз олдига келтириб галати ва хотиржам хузур туйғусини ҳис этди. Шунда у Сесил Сандер айтган гапни эслади: мистер Глиссон Корригенни жонини оғритиб урмайди. Флеминг эса: тўғри, чунки унинг ўзи билади бундай қилмаса яхши бўлишини, деди. Нега шундай — тушунарсиз.

Майдонча тарафдан қичқирган овоз эшитилди:

— Ҳамма ётоққа!

Унга бошқа овозлар жўр бўлди:

— Ётоққа, ҳамма ётоққа!

Хуснихат дарсида у қўл қовуштириб ўтирди, синфда пероларнинг секин қитирлагани эшитиларди. Мистер Харфорд нари бориб, бери келиб юриб турибди, гоҳида қизил қалам билан кичик тузатишлар қилади, ора-сира перони қандай ушлашни кўрсатиш учун болалардан бирортасининг ёнига ўтиради. Стивен доскадаги биринчи сатрни, гарчи у ерда нима ёзилганини билса-да, ҳарфлаб ўқишга уринди, бу дарсликдаги энг охири гап эди: “Тушунмай туриб қилинган ҳаракат рулсиз кеманинг сузишига ўхшайди”. Бироқ доскадаги ҳарфларнинг чизикчалари қилдай ингичка кўринади, у ўнг кўзини қаттиқ қисиб, чап кўзи билан узоқ синчиклаб тикилибгина бош ҳарфларнинг думалоқ шаклини зўрға илғар эди.

Бироқ мистер Харфорд жуда меҳрибон, ҳеч қачон жаҳли чиқмайди. Бошқа ўқитувчилар қаттиқ дарғазаб бўлишади. Нега энди катта синфдаги болаларнинг қилгилиги учун улар жавоб беришлари керак? Улар хужрадаги шкафдан черков виносини олиб ичишган, бунинг ҳидидан билиб олишган, дейди Уэллс. Эҳтимол, улар муқаддас неъмат солинган идишни ўғирлаб, бир жойга олиб бориб сотишни ўйлашгандир? Бироқ барибир кечаси билдирмай кириш, қоронғида шкафни очиб, олтиндай товланиб турган идишни ўмариш — бу гуноҳи азим; ахир, унинг ичидаги винода, гуллар ва шамлар орасида тантанали тарзда ўтадиган маросим чоғи, ладаннинг хушбўй ҳиди ҳар икки тарафдан таралиб, руҳоний исириқдонни сермаб турган, Доминик Келли ёлғиз ўзи хорни етакчи овозда бошқараётган бир дамда тангрини ўзи ҳозир бўлади-ку. Улар идишни ўғирлашган пайтда тангри у ерда бўлмаган, албатта. Бироқ барибир идишга қўл текизишнинг ўзи ақлга сиғмайдиган иш, гуноҳ. Бу ҳақда у кўркувга қоришган ихлос туйғуси билан ўйлади: даҳшат, ақлга сиғмайдиган иш; пероларнинг энгилгина қитирлашини эшитиб ўтириб бу ҳақда ўйлаганида унинг юраги ортига тортиб кетди. Ахир, тап тортмай шкафни очиш ва черков виносини ичиш, кейин бунинг ҳидидан сезиб қолишлари... кимки юрак ютиб бу ишни қилган бўлса, гарчи унчалик даҳшатли ва ақлга сиғмайдиган иш бўлмаса-да, барибир, гуноҳ. Лекин винонинг ҳидидан бироз кўнгли айниди. У биринчи марта черковда қовушув¹ маросимида винони татиётиб кўзларини юмиб олди ва оғзини очди, тилини бироз чиқарди, ректор унга муқаддас неъматни улашиш учун эгилди, шунда у ректорнинг нафасидан винонинг энгил ҳидини сезди. Вино — ёқимли сўз. Кўз олдинга тўқ қизил ранг келади, чунки узум доналари тўқ қизил — Юнонистонда, оппоқ ибодатхоналарга ўхшаган уйлар олдида ўсадиган тоқларда бўлади. Бироқ барибир ректорнинг нафасидан унқиб турган винонинг энгил ҳиди ўша кунини — маросимда у биринчи марта қатнашиб, илк бор муқаддас неъматни татишга мушарраф бўлган кунини кўнглини бироз айнитди. Бу кун — ҳаётдаги энг бахтли кун. Бир сафар кўпчилик генераллар Наполеондан ҳаётингиздаги энг бахтли кун қайси, деб сўрашган. Наполеон бирор-бир йирик жангда галаба қозонган ёки император бўлган кунни айтса керак, деб ўйлашган. Бироқ у шундай деган:

— Жаноблар, менинг ҳаётимдаги энг бахтли кун — бу менинг биринчи муқаддас қовушув куним.

¹ Қ о в у ш у в (причастье) — христиан диний маросимларидан бири: бу маросим чоғи нон ва вино истеъмол этилади.

Синфга ҳазрат Арнолл кириб келди, лотин тили дарси бошланди, у эса ҳали ҳам қўлини қовуштириб ўтирарди. Ҳазрат Арнолл машқ ёзилган дафтарларни тарқатди ва синф иши жуда ёмон бажарилганини, ҳаммага машқни тузатилган хатолари билан қайта кўчиришни буюрди. Дафтарлар орасида энг ёмони Флемингники эди, чунки варақларига сиёҳ чапланиб кетганди. Ҳазрат Арнолл дафтарни бир четидан ушлаб кўтариб кўрсатди ва бундай дафтарни ўқитувчига бериш — учига чиққан ҳурматсизлик, деди. Кейин у Жек Лотенни доскага чақириб, *target*¹ отини турлашни буюрди, бироқ Жек Лотен ўрин-пайт келишигининг кўпликда қандай турланишини билмай, тўхтаб қолди.

— Уял, — деди ҳазрат Арнолл қатъий оҳангда. — Сен, ахир, аълочи ўқувчисан-ку!

Кейин у бошқа бир болани чақирди, сўнг яна бирин-кетин бошқаларни чақирди. Ҳеч ким билмади. Ҳазрат Арноллнинг юзи фавқулодда хотиржам тус олди, доскага чақирилаётган болалар ҳаракат қилишгани, бироқ жавоб бера олишмагани сайин унинг хотиржамлиги ортиб борди. Фақат қовоқлари бироз осилди, кўз қарашни жиддийлашди, товуши эса вазмин эди. Ниҳоят у Флемингни чақирди ва Флеминг бу сўзнинг кўплик сони йўқ, деди. Ҳазрат Арнолл бирдан китобни ёпди-да, бақириб берди:

— Ҳозироқ синфнинг ўртасига ўтиб, тиз чўк. Умримда бунақанги дангасани кўрган эмасман. Сизлар эса, бўлинглар, машқни қайтадан кўчиринглар!

Флеминг ўрнидан секин туриб, ўртага ўтди ва охири икки партавинг оралигида тиз чўкиб ўтирди. Қолган болалар дафтарлари устига эгилиб, ёза бошлашди. Синф сув қуйгандай жим-жит бўлиб қолди, Стивен чўчиброқ ҳазрат Арноллнинг хўмрайган юзига қаради ва унинг юзи жаҳдан қизариб кетганини кўрди.

Ҳазрат Арноллнинг жаҳл қилаётгани гуноҳга кирармикан, ё болалар эринчоқ бўлиб қолганда у жаҳл қилса бўлаверармикан, ахир, бу билан улар яхши ўқиб қолмайди-ку? Ёки эҳтимол, у ўзини жаҳл чиққандай кўрсатаётимикан? Бунга унинг ҳаққи бор, чунки у руҳоний, нима гуноҳ, нима гуноҳ эмаслигини ўзи билади, билгандан кейин, албатта, гуноҳга йўл қўймайди-да. Бироқ мабодо бехосдан гуноҳкор бўлиб қолса-чи, унда қаерга бориб тавба қилади? Тавба қилиш учун, балки, жамоа бошлиғининг ҳузурига борар-а? Мабода жамоа бошлиғи гуноҳ қилиб қўйса, ректорга боради, ректор эса провинциалга², провинциал бўлса иезуитлар генералига боради. Бу жой иезуитлар ордени, у отасининг иезуитларнинг бари ақлли одамлар, деганини эшитган. Агар улар иезуит бўлишмаганида эди, албатта, жуда мавқели-мартабали кишилар бўлишарди. У ҳазрат Арноллни, Педди Барретни ҳам, Макглэйд ва мистер Глисонни ҳам иезуит бўлишмаганида ким бўлишларини кўз олдига келтиришга уринди. Бироқ бунга тасаввур қилиш мушкул, чунки уларнинг ҳар қайсисини ҳар хил рангдаги камзулларда, шимларда, мўйловларию соқоллари билан, тагин бошларида ҳар хил шляпалар билан кўз олдинга келтиришинг керак.

Эшик шовқинсиз очилиб ёпилди. Синфга: “инспектор”, деган ваҳимали шивир-шивир яшин тезлигида ёйилди. Бир дақиқа оғир жимлик чўкди, кейин охири партадан чизғичнинг қаттиқ қарсиллаб урилган товуши эшитилди.

¹ Денгиз (лотинча).

² Иезуитлар ордени (ташкilotи) тизимидаги энг юқори мансаблардан бири. Провинциаллар ва генераллар бевосита Рим папасига бўйсунган.

Стивеннинг юраги орқасига тортиб кетди.

— Ҳазрат Арнолл, бу ерда жазога эҳтиёж сезаётганлар йўқми? — қичқирди инспектор. — Бекорчи ялқовлар йўқми бу ерда таъзирини ейишга лойиқ.

Инспектор синфнинг ўртасига келди ва тиз чўкиб ўтирган Флемингга кўзи тушди.

— А-ҳа! — хитоб қилди у. — Бу ким бўлди? Нега у тиз чўкиб ўтирибди? Исм-шарифинг нима сенинг?

— Флеминг, сэр.

— А-ҳа, Флеминг! Шубҳасиз, бу ғирт дангаса, кўзлари айтиб турибди. Нега у тиз чўккан, ҳазрат Арнолл?

— У лотин тили машқини ёмон ёзган, — деди ҳазрат Арнолл, — бунинг устига грамматикадан бирорта саволга жавоб беролмади.

— Тўғри-да, — бақирди инспектор, — туришидан маълум. Учига чиққан танбал. Кўзидан маълум, кўзидан.

У партани тақиллатиб урди ва ўшқирди:

— Тур ўрнингдан Флеминг! Чаққон!

Флеминг секин кўзгалиб ўрnidан турди.

— Кўлингни тут! — ўшқирди инспектор.

Флеминг кўлини чўзди. Чизғич қаттиқ қарсиллаган товуш чиқариб ура бошлади: бир, икки, уч, тўрт, беш, олти.

— Нариги кўлингни тут!

Чизғичнинг яна олти марта шиддат билан қарсиллаб урилгани эшитилди.

— Тиз чўк! — бақирди инспектор.

Флеминг, кўлларини пинжигга тикқанча тиз чўкди, оғриқдан унинг юзи буришиб кетди. Стивен Флемингнинг кўллари қаттиқлигини, чунки Флеминг кўлларига қатрон суртиб, ишқалаб юришини биларди. Эҳтимол, унинг жони қаттиқ оғригандир, ахир, урганда товуш жуда қаттиқ чиқди-ку? Стивеннинг юраги увишиб кетди.

— Қани, ҳамма ишга! — ўшқирди инспектор. — Бу ерда бизга дангасаларнинг, ишёқмас муттаҳамларнинг кераги йўқ. Ҳамма ишга! Ҳазрат Долан сизларни ҳар кун келиб текширади. Ҳазрат Долан эртагаям келади. — Шундай деб у чизғич билан ўқувчилардан бирининг биқинига туртди ва: — Хўш, қани, сен тур-чи! Ҳазрат Долан қачон келаркан?

— Эртага, сэр, — Том Ферлоннинг овози эшитилди.

— Эртагаям, индингаям, индинигаям — келаверади, — деди инспектор. — Буни кулоқларингга қуйиб олинглар. Ҳазрат Долан ҳар кун келади. Қани энди ёзишга киришинглар-чи. Хўш, сен кимсан?

Стивеннинг юраги шув этиб кетди.

— Дедалусман, сэр.

— Нега бошқалар ёзаяптию сен кўл қовуштириб ўтирибсан?

— Мен... ҳалиги...

Кўрқиб кетганидан унинг тили айланмай қолди.

— Нега бу ёзмай ўтирибди, ҳазрат Арнолл?

— У кўзойнагини синдирган, — деди ҳазрат Арнолл, — шунинг учун мен уни машғулотдан озод қилдим.

— Синдирди? Бу нима қилиқ? Исм-шарифинг нима? — сўради инспектор.

— Дедалус, сэр.

— Бери кел, Дедалус. Буни қара-я, мана яна битта ишёқмас муғамбир! Башаранг айтиб турибди найрангбозлигингни. Кўзойнагингни қаерда синдирдинг?

— Югурадиган йўлакда, сэр.

— А-ҳа, югурадиган йўлакдамиш! — бақирди инспектор. — Мен бунақа найрангларни кўп кўрганман!

Стивен ажабланиб бошини кўтариб қаради ва бир дақиқа унинг кўзи ҳазрат Доланнинг оқариб-бўзарган, қаримсиқ юзига, икки қаншарида туклари хўплайган оқиш-кулранг бошига, кўзойнагининг темир гардиши ва ойнаклар ортидан ўқрайиб турган нурсиз кўзларига тушди. Нега у бунақа найрангларни кўп кўрганман, деди?

— Ишёқмас тирранча! — ўшқирди инспектор. — Кўзойнагини синдирганмиш! Одатдаги найранг буям! Қани, тез бўл, қўлингни чўз!

Стивен кўзларини юмди ва кафтини тепага қилиб қалт-қалт титраётган қўлини олдинга чўзди. У бир дақиқа инспекторнинг бармоқлари, қўлини ёймоқчи бўлиб бармоқларига текканини сизди ва қўли тепага кўтарилганда кенг-мўл энги шитирлаганини, зарб билан уриш учун ҳаволанган чизғичнинг шувиллаган товушини эшитди. Бир зарб билан синдирилган таёқнинг товушидай қарсиллаган аччиқ, шиддатли ва аёвсиз зарбадан унинг қўли оловга тушган баргдай бужмайиб-тиришиб қолди, кетма-кет тушаётган зарбалар шовқини ва оғриқнинг зўридан кўзларига қайноқ ёш куйилиб келди. Кўрқувдан аъзойи бадани қалтирар, қўллари титрар, қип-қизариб олови чиқиб кетган кафти ва бармоқлари ҳавода муаллақ осилиб қолган баргдай титрарди. Ўпкаси тўлиб кетди, агар оғзини очса ўкириб, бўлди бас, қўйиб юборинг, дея хўнграб йиғлаб юбориши аниқ эди. Бироқ кўзлари қайноқ ёшларга тўлган, қўллари оғриқ азобидан қалт-қалт титраётган бўлса-да, у кўз ёшлари аралаш бўғзига тикилган фарёдни ичига ютди.

— Нариги қўлингни чўз! — қичқирди инспектор.

Стивен абжағи чиқиб кетган, титраётган қўлини туширди ва чап қўлини чўзди. Яна тепага кўтарилган қўл энги шитирлади, яна ҳаволанган чизғичнинг шувиллагани эшитилди ва қаттиқ қарсиллаган, аччиқ, чидаб бўлмас, чўғдай куйдириб юборадиган оғриқдан унинг кафти ва бармоқлари бир парча қип-қизил гўштга айланиб тугилиб қолди. Кўзларидан қайноқ ёшлар тирқираб отилди, алам, азоб ва кўрқув ичида юз-кўзлари ловулаганча, титраб турган қўллари тортди олди ва инграб юборди. Кўрқувдан вужуди карахт бўлиб қолди, аянчли аҳволидан алам билан тўлғанаркан бўғзидаги фарёд беихтиёр отилиб чиқаётганини, қайноқ кўз ёшлари тизиллаб лов-лов ёнаётган ёноқларидан оқиб тушаётганини ҳис қилди.

— Тиз чўк! — бақирди инспектор.

Стивен аёвсиз савалаб ташланган қўллари пинжига босганча дарҳол тиз чўкди. Эзилган, қавариб шишиб кетган қўлларига ичи ачиди, булар ўзининг эмас, бошқа бировнинг қўлларидай уларга раҳми келди. У тиз чўкиб ўтириб, бўғзидаги сўнги аламли ёшларни ичига ютиб, куйишиб оғриётган қўллари пинжига босиб, кафтини тепага қарата чўзган қўлини, инспекторнинг қўли бармоқларига қаттиқ текканини, титраётган бармоқларини қандай ёйганини, абжағи чиқиб, қавариб, қип-қизариб кетган кафтининг юмшоқ гўштини ва ҳавода нажотсиз қалтираб турган бармоқларини бир-бир кўз олдига келтирди.

— Қани ҳамма ишга! — қичқирди инспектор эшик томонга бурилаётиб, — ҳазрат Долан ҳар кун келиб хабар олади, текширади — қани бу ерда яна жазога лойиқ ишёқмас такасалтанглар, ялқовлар бормикан? Ҳар куни келади ҳазрат Долан, билиб қўйинглар! Ҳар куни!

Унинг ортидан эшик беркилди.

Юввош тортди қолган болалар нафасини ичига ютиб, бош кўтармай машқни ёзишни давом эттиришарди. Ҳазрат Арнолл ўрнидан турди

ва парталар орасидан юриб, ёқимли сўзлар билан болаларнинг кўнглини кўтарди, йўл қўйишган хатоларини тушунтира бошлади. Унинг овози жуда ёқимли ва майин бўлиб қолган эди. Кейин у келиб жойига ўтирди ва Флеминг билан Стивенга деди:

— Жойларингга бориб ўтиришларинг мумкин. Иккаланг ҳам.

Флеминг билан Стивен ўринларидан туришиб, бориб парталарига ўтиришди.

Уятдан юзлари бўғриқиб кетган Стивен шошиб-пишиб бир қўли билан китобни очди-да, эгилиб бошини варақлар орасига буркаб олди.

Ноҳақлик, шафқатсизлик бўлди бу, чунки унга доктор кўзойнаксиз ўқишни тақиқлаган эди, бугун эрталаб у отасига хат ёзиб, кўзойнак юборишларини сўраган эди. Ҳазрат Арнолл ҳам уйидагиларинг кўзойнак юборишгунча ёзмай туришинг мумкин, деганди. Шундан кейин ҳам уни бутун синфнинг олдида найрангбоз деб ҳақорат қилишди, савалашди, ахир, у синфда доим биринчи ёки иккинчи ўқувчи бўлса. Йоркларнинг сардори бўлса. Нега инспектор уни найрангбоз деди? У инспекторнинг бармоқлари кафтини ёймоқчи бўлиб бармоқларига текканини сезган пайтда кўришмоқчи шекилли, деб ўйлаганди, чунки инспекторнинг бармоқлари юмшоқ, лўппигина эди, бироқ шу дақиқада бир зум юқорига кўтарилган қўл енгининг шитирлагани эшитилди-ю, зарба тушди. Уни синфнинг ўртасига тиз чўктириб қўйишгани ҳам ноҳақлик ва шафқатсизликдан бошқа нарса эмас. Ҳазрат Арнолл иккаласига ҳам жойларингга бориб ўтиришларинг мумкин деди, бироқ бу гапни иккаланг ҳам бир гўрсан, деган оҳангда айтди. У ҳазрат Арноллнинг машқларни тузатаётиб хотиржам ва мулоийм овозда гапирганини эшитди. Эҳтимол, у энди афсусланаётгандир, раҳмдил бўлгиси келиб қолгандир. Бироқ барибир ноҳақлик, шафқатсизлик бўлди бу. Инспектор — руҳоний киши, аммо унинг бу иши ноҳақликдан, бераҳмликдан бошқа нарса эмас. Унинг оқишдан келган бўзранг башарасида, темир гардишли кўзойнаги ортидан ўқрайиб қараган нурсиз кўзларида раҳм-шафқатдан асар ҳам йўқ эди, чунки у аввалига ўзининг юмшоқ бармоқлари билан унинг кафтини ёйди, бироқ кўришмочи бўлиб эмас, аёвсиз савалаш учунгина шундай қилди.

— Мен буни учига чиққан разиллик деб ҳисоблайман, бор гап шу, — деди Флеминг болалар узун даҳлиздан турнақатор бўлиб ошхонага боришаётганда. — Ахир, ҳеч қандай айби йўқ одамни савалаш адолатданми?

— Чинданам сен кўзойнагингни билмай синдириб қўйдингми? — сўради Сассиқ Роуч.

Флемингнинг гапидан Стивеннинг юраги сиқилди. Сассиқ Роучга эса жавоб қилмади.

— Албатта-да, билмай, бехосдан, — деди Флеминг. — Мен бунга чидаб туrolмасдим. Мен тўғри бориб ректорга шикоят қилардим, ўлай агар.

— Тўғри, — унинг гапини чаққон илиб олди Сесил Сандер, — мен кўрдим унинг чизғични кифтига ташлаб билдирмай олиб кирганини. Бундай қилишга унинг ҳаққи йўқ.

— Жуда қаттиқ оғридими, а? — сўради Сассиқ Роуч.

— Ҳа, жудаям, — деди Стивен.

— Мен ҳечам бу Тозининг шу қилиғига чидаб ўтирмасдим. Умуман, бундай тозиларни кўришга кўзим йўқ, — гапга аралашди Сассиқ Роуч, — эртага яна келаман деди у, келиб у сени яна уради.

— Тўғри айтаяпти. Сен бориб ректорга шикоят қилмасанг бўлмайди, — чувиллашди болалар.

Иккинчи синфнинг баъзи бир болалари бу можарони эшитиб туришганди, улардан бири дабдабали оҳангда шундай деди:

— Сенат ва Рим аҳли қарор қилади: Дедалусга берилган жазо нотўғри.

Бу нотўғри берилган жазо эди, бу чиндан ноҳақлик ва шафқатсизлик эди. У ошхонада ўтириб бошига тушган кўргуликни бошдан-охир қайта-қайта эсларкан, кутилмаганда миясига: юзимга қараган одам мени найрангбоз деб ўйлаши мумкинми, деган ўй келди. Афсус, ҳозир чўнтагида кичкина ойнаси бўлганда юзига бир қараб кўрарди. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, унга нисбатан адолатсизлик қилинди, бу ноҳақлик, бориб турган шафқатсизлик.

Тўқ кулранг тусдаги балиқ котлети унинг томоғидан ўтмади. Уларга чоршанба, муқаддас рўза кунлари шундай котлет бериларди: битта картошкада белкуракнинг изи қолибди. Ҳа, тўғри, у шундай қилади, худди болалар айтганидай иш тутади. Тўғри бориб, ректорнинг олдига киради, ўзини ноҳақдан жазолашганини айтиб беради. Бир буюк одам ҳам шундай қилган, тарих дарслигида унинг сурати бор. Ректор унга жазо нотўғри берилганини эълон қилади — ахир, сенат ва Рим халқи ноҳақ жазоланганларни ҳамisha оқлаган ва улар нотўғри жазоланганлар, дея эълон қилган. Улар буюк одамлар бўлишган, исмлари Ричмел Мэгнолнинг¹ саволномасида битилган. Тарихда ҳам, Питер Парлининг² Юнонистон ва Рим ҳақидаги ҳикояларида ҳам шундай одамлар ва уларнинг ишлари ҳақида айtilган. Биринчи бетдаги суратда Питер Парленинг ўзи чизилган. Суратда текисликдаги икки томонини ўт-ўланлар ва буталар қоплаган йўл тасвирланган, Питер Парле эса протестантлар руҳонийсига ўхшаб, соявони кенг-мўл шляпада, кўлида йўғон ҳасса билан Юнонистонга ва Римга олиб борадиган йўлда жадал одимлаб бораётир.

Ахир, бунинг ҳеч қандай қийин жойи йўқ — ректорнинг олдига кириб, бор гап айтилади, холос. Бу осон: тушликдан ҳамма билан бирга чиқади, даҳлиздан юрмайди, аксинча, қасрга бориладиган зинадан кўтарилади: шундан сўнг ўнгга бурилса бўлди, бир зумда пастқам, ғира-шира, тор даҳлизда пайдо бўлади, бу жойдан ректорнинг хонаси бир қадам.

Қандай бўларкан? У юқори синф болаларининг столдан туришаётганини эшитди: ошхона ўртасидаги поёндоз устидан юриб бораётган болаларнинг қадам товушлари эшитилди. Ана Пэдди Рэт, Жимми Мэжжи, ана испан бола, португал бола ҳам кетаяпти, бешинчи бўлиб Корриген бораётир, Корригенни мистер Глисон савалайди. Инспектор Долан эса уни найрангбоз деб ҳақорат қилди ва ҳеч бир сабабсиз савалади: Стивен йиғидан қизариб кетган хира кўзларига зўр бериб, Корригеннинг кенг елкаларига қаради. Корриген қора бошини осилтириб ҳаммадан орқада у билан ёнма-ён бораётир. Бироқ Корригеннинг ўзидан ҳам ўтди-да, ҳарқалай, мистер Глисон уни жонини ачитиб урмайди. У Корригеннинг ҳаммомда жуда басавлат кўринганини эслади. Унинг териси торф рангидай, худди ҳовуз четидаги саёз лойқа сув тусига ўхшайди, йўлакдан юриб ўтганида оёқлари хўл плиталар устида гурс-гурс этади, қадам ташлаганда сонлари лорсиллайди, чунки у семиз.

Ошхонанинг ярми бўшаб қолди, болалар турнақатор тизилишиб эшикка қараб боришаётир. У зинадан тўғри юқорига қараб юради, чунки ошхонанинг эшиги ортида ҳеч қачон назоратчиам, инспектор ҳам

¹ *Ричмел Мэгнолл* — география ва тарих дарслиги муаллифи, XIX асрда жуда машҳур бўлган.

² *Питер Парли* — Сэмюэл Гудричнинг (1793—1860) тахаллуси, болалар учун туркум китоблар чиқарган америкалик ношир.

бўлмайди. Йўқ, бормагани маъқул. Ректор барибир инспекторнинг тарафини олади, булар бари найранг, дейди, бунинг устига инспектор ҳар кун келади-ку, баттар бўлади кейин, ректорга шикоят қилган шу болами, деб ёмон кўриб қолади уни. Болалар уни боришга ундашаяпти-ю, бироқ ўзларига қолса боришмасди. Улар ҳаммасини унутиб юборишган аллақачон. Йўқ, бормайди, уям унутгани маъқул. Айтганча, инспектор ҳар куни келаман деб шунчаки пўписа қилдимикан? Йўқ, бормагани тузук, яхшиси инспекторнинг кўзидан панароқда юради, нега деганда, кичкина бўлсанг, кўзга илинмасанг сенга тегишмайди.

Унинг столидаги болалар кўзғалишди. У ўрнидан туриб, болаларнинг ортидан эшикка юрди. Ҳал қилиш керак. Мана, эшикка яқинлашиб қолди. Агар болаларга эргашиб яна озгина юрса ўтиб кетади — ректорнинг хонасига боролмайди, чунки кейин спорт майдончасидан қайтиб келишнинг иложи бўлмайди. Ректорга борсаям, барибир, жазолашади, ҳамма унинг ғашига тегади, инспекторнинг устидан ректорга шикоят қилган тирранча Дедалус шу, деб гап қилиб юради.

У поёндоздан юриб эшиккача борди. Йўқ, Бормаслик керак. У бундай қилолмайди. Стивен инспекторнинг кал бошини, ўкрайган раҳмсиз кўзларини эслади ва қулоғига унинг исм-шарифинг нима, деган товуши қайта-қайта эшитилди. Нега у бир марта айтганда эслаб қололмади? Эслаб қололмагани учун қайта сўрадимикан ё исм-шарифини масхараламоқчи бўлдимикан? Тарихда ўтган буюк кишиларнинг исм-шарифлари уникага ўхшайди, бироқ ҳеч ким уларни масхаралаб қулмайди-ку. Калака қилгиси келган бўлса, ўзининг исм-шарифидан қулсин. Долан — уларнинг уйига кир ювиш учун келиб юрадиган бир хотиннинг исм-шарифига ўхшайди.

У тор, қоронғи даҳлиздан юриб, ҳужраларнинг пастак эшикчалари ёнидан ўтди. Гира-шира қоронғуликда ўнганга, чапга аланглаб бораётиб, бу ердаги деворларда суратлар бўлиши керак, деб ўйлади. Атроф қоронғи ва жим-жит эди, унинг кўзлари яхши кўрмас, йиғидан шишиб кетган, шу сабабдан у ҳеч нарсани ажратолмасди. Бироқ жамоанинг улуг кишиларининг суратлари девордан унга қараб тургандай туюлди: авлиё Игнатий Лойола¹ кўлида очик китоб, шаҳодат бармоғи билан “Ad Majorem Dei Gloriam”² иборасини кўрсатиб турибди, авлиё Франциск Ксаверий³ кўксига ишора қилган, бошига мовут қалпоқ кийган Лоренцо Риччи⁴ синф назоратчисининг ўзгинаси, художўй ўғлонларнинг уч нафар ҳомийси — авлиё Станислав Костка, авлиё Алоизий Гонзага ва саодатманд Иоанн Берхманс — учаласи ҳам навқирон қиёфада, чунки улар навқирон ёшда қазо қилишган, ҳазрат Питер Кенни⁵ эса оромқурсида кенг-мўл плашига ўраниб ўтирибди.

У кираверишдаги майдончага чиқди ва аланглаб атрофга кўз ташлади. Мана шу ердан ўтган Гамильтон Роуэн, аскарлар отган ўқларнинг изи бор эди бу ерда. Кекса хизматкорлар маршалнинг оппоқ либосига бурканган арвоҳини шу ерда кўришган.

Кекса хизматкор майдончанинг бир четини супураётган эди. У қариядан ректорнинг хонаси қаерда деб сўради, қария қарши томондаги охириги эшикни кўрсатди ва у юриб келиб, эшикни тақиллатгунча орқасидан кузатиб турди.

¹ Игнатий Лойола (1491(?)—1556) — иезуит ордени асосчиси.

² “Тангрини боз шарафламоқ чун” (лот.) — иезуит ордени шиори.

³ Франциск Ксаверий (1506—1552) — Игнатий Лойоланинг шогирди, биринчи иезуит-миссионерларидан.

⁴ Лоренцо Риччи (1703—1775) — 1758 йилдан эътиборан иезуит ордени генерали.

⁵ Питер Кенни — иезуит руҳонийси, Клонгоус коллежига асос солган.

Ичкаридан ҳеч ким жавоб қилмади. У қаттиқроқ тақиллатди ва ичкаридан бўғиқ овоз эшитилганда юраги шув этиб кетди:

— Кираверинг.

У эшикнинг тутқичини буради, эшикни очди ва ичкаридаги яшил намат қопланган иккинчи эшикнинг тутқичини излаб пайпаслади. Тутқични топиб босди ва хонага кирди.

Ректор столда ёзиб ўтирарди. Столда бош суяги турибди, хонада эски оромкурсига қопланган терининг ҳидига ўхшаган галати ҳид бор эди.

Бундай табаррук жойга кириб қолганидан ҳаяжонланиб ва хонадаги вазмин сукунат босиб, юраги тез уриб кетди: у столдаги бош суягига ва ректорнинг мулойим чехрасига қаради.

— Хўш, болақай, нима гаплар? — сўради ректор. — Тинчликми?

Стивен энтикиб, томоғига тикилган ҳаяжонни ютаркан деди:

— Мен ўзимнинг кўзойнагимни синдириб қўйдим, сэр.

Ректор оғзини очди ва таажжубланган оҳангда деди:

— Ў!

Кейин кулиб туриб деди:

— Начора, модомики кўзойнагимизни синдириб қўйган эканмиз, демак, энди уйга хат ёзишга тўғри келади, янгисини юборишсин.

— Мен уйимизга хат ёздим, сэр, — деди Стивен, — ҳазрат Арнолл ҳам айтдилар, уйдагиларинг янги кўзойнак юборишгунча ёзмай тургин, дедилар.

— Яхши, жуда яхши, — деди ректор.

— Бироқ...

— Хўш?

— Ҳазрат Долан бугун келиб, мени машқни ёзмаганим учун савалади.

Ректор бир сўз демай унга қараб турди, Стивен юзларига қон югураётганини ҳис қилди, шу дамда кўзларидан ёш тирқираб кетадигандай туюлди.

Ректор айтди:

— Сенинг исм-шарифинг Дедалус, шундайми?

— Ҳа, сэр.

— Қасрда синдинг кўзойнагингни?

— Юрадиган йўлакчада, сэр. Бир бола велосипедда мени уриб юборди, мен йиқилиб тушдим, кўзойнагим учиб кетиб синди. Мен у боланинг исм-шарифини билмайман.

Ректор яна бир муддат чурқ этмай унга тикилиб қолди. Кейин кулиб туриб, деди:

— Менимча, бу ерда англашмовчилик бўлган, ҳазрат Долан билмаган-да.

— Мен унга айтдим, сэр, кўзойнагимни синдириб қўйдим дедим, бироқ у мени жазолади.

— Сен уйингга хат ёзиб юборганингни унга айтдингми?

— Йўқ, сэр.

— Ана, кўрдингми, демак, ҳазрат Доланга тушунтириб айтмагансан. Унга айтгин, мен сени бир неча кунга машгулотлардан озод қилдим.

— Раҳмат, сэр, бироқ ҳазрат Долан айтди, эртага у яна келаркан, мени яна уради.

— Яхши, — деди ректор, — англашмовчилик бўлибди-да, ҳазрат Долан билан ўзим гаплашаман. Хўш, бўлдимми?

Стивен кўзларини ёш қоплаганини сизди ва пичирлаб деди:

— Ҳа, бўлди, раҳмат, сэр.

Ректор столнинг бош суяги турган тарафидан қўлини узатди ва Стивен бир лаҳза унинг совуқ, ҳўл кафтини ҳис қилди.

— Хўп, хайр, — деди ректор қўлини оларкан, бош ирғаб.

— Хайр, сэр, — деди Стивен.

У таъзим қилди ва хонадан астагина чиқиб, ордидан иккала эшикни ҳам секин, авайлаб бекитди.

Бироқ майдончада кекса хизматкорнинг ёнидан ўтиб, яна пастқам, тор ва қоронги даҳлизга келганда қадамини тезлатди. У тобора қичаб, гира-шира қоронғиликда шошиб-пишиб, энтикиб, тез-тез юра бошлади. Даҳлизнинг охиридаги эшикни тирсаги билан итариб очди-да, зинадан югуриб тушиб, яна иккита даҳлиздан чошиб ўтди ва — ташқарига отилиб чиқди.

У майдонда ўйнаётган болаларнинг қийқириқларини эшитди. Ўзини тўхтатолмай югуриб кетди ва шу чопишда югурадиган йўлакдан ўтди-да, майдончага етганда нафаси тикилиб, ўзининг синфи олдида тўхтади.

Унинг чошиб келаётганини болалар кўриб туришганди. Улар дарҳол Стивенни кўргалаб ўраб олишди, гапини яхшироқ эшитиш учун бир-бирларини туртиб-сура бошлашди.

— Хўш, айт қани, нима бўлди?

— У нима деди?

— Кирдингми олдига?

— У нима деди?

— Айт қани, нима бўлди?

У болаларга ўзи нима деганини ва ректор нима деб гапирганини айтиб берди. Гапини туғатиши билан болалар бир варакайига фуражжаларини осмонга ирғитишиб, қичқириб юборишди:

— Ур-ра!..

Улар фуражжаларини илиб олишиб, яна осмонга қараб ирғитишди ва яна қичқирдишди:

— Ура! Ура!

Кейин бир-бирларининг қўлларини чалиштириб ушлашиб, устига уни кўтариб ўтқазди ва то ўзи сакраб тушиб қочиб кетганча кўтариб чопишди. У ўзини ерга ташлаб бир четга қочгандан сўнг болалар ҳар ёққа сочилиб, ётган жойларида яна фуражжаларини осмонга ирғитишди ва фуражжалари ҳавога кўтарилганда хўштак чалиб, қичқирдишди:

— Ура!

Кейин улар уч марта кал Доланга қарши ғазаб билан ҳайқирдишди ва яна уч бор Конми шарафига “ура” айтишди ва уни Клонгоус коллежи тарихида энг зўр ректор, деб эълон қилишди.

Майин бўзранг ҳавода олислан келаётган қийқириқлар товуши тинди. У ёлғиз ўзи ўтирибди. Елкасидан оғир юк тушгандай енгил, вақти чоғ. Бироқ барибир у ҳазрат Доланнинг олдида кеккаймайди, интизомли ва итоаткор бола бўлади. Кўнглида ҳазрат Доланга бирор-бир яхшилик қилгиси, такаббурлик қилмаётганини билдиргиси келди.

Ҳаво майин, булутли ва сокин эди: қош қорая бошлаганди. Кечки салқин турди, қишлоқда дала ҳавоси шунақа ёқимли бўлади, улар далада майор Бартоннинг чорбоғида шолғом кавлашди, шолғомни шу ердаёқ тозалашиб, йўл-йўлакай ейишди: айвонча ортидаги, мозилар ўсадиган ўрмондан шунақа ёқимли ҳид таралади.

Болалар узоқдан ва яқиндан тўп оширишни машқ қилишяпти. Булутли майин ҳавода дуккиллаган паст товуш кулоққа чалинади ва бу осойишталикни бузиб, ҳар тарафдан кркет таёғининг зарбалари эшитилади: пик, пок, пак — худди фаворадаги сув томчиси лиммолим ҳовузга оҳиста томиб тушаётгандай.

ИККИНЧИ БОБ

Чарлз тоға чекадиган тамаки шу қадар аччиқ эдики, охир-оқибат унга боғнинг этагидаги саройчага бориб, эрталабки кайфини ўша ерда қилишини тайинлашди.

— Зўр, Саймон. Жуда соз! — деди қария босиқлик билан. — Қаерда бўлганда-чи. Саройда бўлса сарой-да, қайтага яхши.

— Ҳе, жин урсин, — деди қизишиб мистер Дедалус, — бу бемаъни нарсани оғзингизга қандай оласиз, ҳеч аклимга сиғдиролмаман. Ахир, бу захри қотилнинг ўзгинаси-ку, худо ҳаққи!

— Ажойиб тамаки, Саймон, — деди қария, — баданни юмшатади, кайфни чоғ қилади.

Ушандан бери Чарлз тоға ҳар куни эрталаб сочларини ҳафсала билан орқага тараб-текислаб, бошига гард қолдирмай тозаланган цилиндрни кўндиргач, ўзининг саройига йўл олади. У чекиб ўтирганда эшикнинг тирқишидан цилиндрининг бир чети ва трубкасининг бошчаси кўриниб туради. Менинг бошпанам, дейди у бадбўй саройчани, бу ерда яна мушук ва боғда ишлатиладиган асбоб туради, шунингдек, бошпанаси унга ашула машқ қиладиган студия вазифасини ҳам ўтайди ва ҳар куни эрталаб у ўзининг яхши кўрган кўшиқлари: “Шох-шаббалар кўланкаси чекинди” ёки “Мовий кўзлар, олтин сочлар”, ё бўлмаса “Бларни дарахтзори”ни берилиб, димоғида минғирлаб хиргойи қилади, кулранг ва зангори тутун ҳалқалари эса трубкадан оҳиста ўрмалаб, очиқ ҳавога сингиб кетади.

Ёзнинг биринчи ярмида Блэкрөкда Чарлз тоға Стивеннинг содиқ ҳамроҳига айланди. Чарлз тоға қоровули, юзларидан қатъияти аниқ кўриниб турадиган, офтобда тобланган, оппоқ чакка соқолли чол эди. Дам олиш ва байрамдан бошқа кунлари унга озик-овқатга буюртма бериб келиш вазифаси юкланар, у уйдан чиқиб, Кэрисфорт-авенюга, шаҳарнинг шоҳ кўчасидаги, одатда, оила зарур нарсаларни харид қиладиган дўконга йўл оларди. Стивен у билан дўкон айланишни яхши кўрарди, чунки Чарлз тоға йўл-йўлакай очиқ кутиларга, катта ёғоч челақларга тўлатилган мева-чевалардан олиб унга улашарди. Бир бош узумни хас-хашаги билан чангаллаб кўтарган ёки икки-уч дона олмага қўл солган ва уларни болага бажонидил ҳада этган пайтлари бўлган. Бундай пайтда сотувчи тиржайиб кўяди; агар Стивен ўзини олгиси келмаётгандай кўрсатса, сотувчи қовоғини солиб дейди:

— Олаверинг, сэр, эшитаяпсизми гапимни! Ичак-чавоққа нафи бор бунинг!

Буюртма қабул қилиб олингандан сўнг улар боғга йўл олишарди, боғда уларни Стивеннинг отасининг эски ошнаси Майк Флинн ўриндикда кутиб ўтирган бўларди. Шу ердан Стивен боғни айланиб югура бошларди. Майк Флинн қўлида соат билан вокзалга юриладиган йўлак бошида турар, Стивен эса боғни айланиб, Майк Флинннинг қондаси бўйича — бошини ғоз тутиб, тиззаларини баланд кўтариб, қўлларини икки биқинига тираган ҳолда югурарди. Эрталабки югуриш тугагандан сўнг мураббий унга хатоларини уқтирар ва баъзан қандай югуриш кераклигини кўрсатиш учун эски кўк каноп туфлида, оёқларини бир-бирига уриб, завқ билан бир неча қадам югурарди. Гарчи унга отаси бизнинг замоннинг энг зўр чопагонлари Майк Флинннинг қўлида тарбия топган, деб айтган бўлса-да, Стивен устозининг сўлғин, тикандай тук босган юзига, тамаки ўрайвериб сарғайиб кетган узун бармоқларига ачиниб кўз ташлаб кўяр, қаварган

узун бармоқлари тамаки ўрашдан тўхтаганда, тамаки увоклари шувиллаб халтачага тўкилиб тушаётганидан беҳабар ҳолда туйқусдан узоқ-узоқларга ўйчан термилиб қоладиган зангор хира кўзларига қарарди.

Уйга қайтаётганларида Чарлз тоға кўпинча черковга кирарди. Бу ердаги муқаддас сув солинган идишга Стивеннинг кўли етмасди, шунда чол идишга кўлини ботириб олиб, тез-тез силкиб Стивеннинг уст-бошига ва черковнинг эшиги олдига сув сачратарди. Чўқина туриб у тиз чўқарди, бунгача қизил дастрўмолини ёзар ва ҳар бир саҳифасининг тагига дуонинг илк сўзлар битилган, эскириб қорайиб кетган дуолар китобига қараб пичирлаб овоз чиқариб ибодат қиларди. Стивен унинг тақводорлигига хайрхоҳ эмасди, бироқ чолнинг эътиқодига ҳурмат юзасидан ёнида тиз чўкиб ўтирарди. У кўпинча: Чарлз тоға нега бунчалик берилиб дуохонлик қиларкан, деб ўйларди. Эҳтимол, аросатда қолган руҳларга Яратгандан шафқат тилар ёки охирини осон қилишини илтижо этар, балки Коркда ўзи шамолга совурган катта бойликнинг ҳеч бўлмаса бир бўлагини қайтариб беришини Яратгандан ўтиниб сўрар.

Якшанба кунлари Стивен отаси ва тоғаси билан бирга сайрга чиқарди. Оёғидаги қалокларига қарамай чол бемалол яёв юрарди ва кўпинча улар ўн, баъзан ҳатто ўн икки миль йўл босиб қўйишарди. Стиллерген қишлоқчасида йўл иккига ажраларди. Улар ё чапга, Дублин тоғлари тарафга қайрилишар ёки Гоутстаунга қараб юриб, у ёқдан Дандремга ўтиб ва Сэндифорд орқали уйга қайтишарди. Юриб бораётиб ёки оёқларини совутиш учун йўл четидаги бирор-бир ошхонага бош суқишганда катталар ҳар доимдагидай ўзларининг яхши кўрган мавзулари — Ирландиядаги сиёсий масалалар ҳақида, Манстер¹ ёки бир пайтлар оилада бўлиб ўтган воқеалар тўғрисида гапга тушиб кетишарди, Стивен эса уларни жон қулоғи билан тингларди. Тушунарсиз сўзларни у ичида қайта-қайта такрорлар, ёдлаб олгунча тинчимасди ва атрофидаги дунёни уларнинг гап-сўзларидан тушуниб олишга шў тариқа оз-оздан ўрганиб борарди. Назарида, дунё ишларида ўзи ҳам иштирок этадиган вақт-соатлар яқинлашиб қолгандай туюлар ва у зимдан улуг ишга тайёрлана бошлаган, бу улуг иш ўзининг тақдир-пешонасига битилганини кўнглида ҳис этар, бироқ моҳиятини гира-шира тасаввур қилар эди.

Тушликдан кейин унинг ихтиёри ўзида бўларди: эскириб тўзиган китобни — “Граф Монте-Кристо”нинг таржимасини ўқишга бериларди. Бу қайғули қасоскор образи унинг тасаввурида болалигида хаёл қилган тушунарсиз ва қўрқинчли нарсаларга боғланиб кетарди. Кечалари у меҳмонхонадаги стол устида қоғозга кўчириладиган суратлардан, қоғоз гуллар, рангли юпқа қоғозлар ва шоколад ўрайдиган ялтироқ қоғоз тасмачаларидан оролдаги ваҳимали гор шаклини ясарди. Кейин бу иншоотни, сохта ялтироқлигидан юраги сиқилиб, бузиб ташларди ва шунда кўз ўнгида Марселнинг ёрқин манзараси, қуёш нурлари тўкилиб турган боғ теварагидаги тўсиқлар ва Мерседес пайдо бўларди.

Блэкрок ортида, тоққа олиб борадиган йўлда, атиргуллар ўсадиган боғда кичкина оқ уйча бор, бу уйчада, дерди у ўзига-ўзи, бошқа бир Мерседес яшайди. Сайр қилгани чиқаётиб ёки уйга қайтиб келаётиб, у ўша жойгача бўлган масофани ўзича чамалар ва хаёл-орзусида худди китобдагидай, узундан-узоқ фаройиб саргузаштларни бошдан кечирар,

¹ Манстер — Ирландиянинг жанубидаги тўрт вилоятдан энг каттаси; бу вилоят фуқаролари XVI ва XVII асрларда инглизлар ҳукмронлигига жуда кескин қарши чиқишган, оқибатда қатағонга учрашган.

охирда эса ўзи пайдо бўларди: мана у — қариб қолган ва ғамгин, ой ёғдусига чўмган боғда Мерседес билан ёнма-ён турибди, кўп йиллар олдин қиз унинг муҳаббатига хиёнат қилган ва у ҳасратга тўлиб, бироқ мағрур туриб деди:

“Хоним, мен мускат узумини тановул этмайман”.

У Обри Миллз деган бола билан дўстлашди ва у билан биргаликда боғда саргузашт ишқибозлари иттифоқини тузди. Обри камзулининг ёқаси устидан ҳуштак, белидаги камарига велосипеднинг кичкина чироғини осиб олган, бошқа болалар камарларига калта таёқчаларни ханжарга ўхшатиб тиқиб олишган. Стивен бир жойда Наполеоннинг оддий кийинишни маъкул кўргани, бўлар-бўлмас нишонлардан воз кечганини ўқиган эди ва бу унга аскарлари билан кенгаш ўтказганда айрича қониқиб бағишларкан. Иттифоқ аъзолари алвастилар чорбоғига ҳужум уюштирар ёки қасрдаги¹ кўрғончага жам бўлишиб, йўсин қоплаган пахмоқ харсанглар устида жанг қилишарди: кейин ҳориб-толиб уй-уйларига қайтишар, думоғларига суви эскириб айний бошлаган ҳовузнинг бадбўй ҳиди ўтириб, қўллари, бошлари бақатўнларнинг аччиқ шилимшиқ ширасига буткул беланиб қоларди.

Обрига ҳам, Стивенга ҳам сутни фақат бир киши олиб келарди ва улар тез-тез аравада у киши билан бирга Каррикмайнзга боришарди, сигирлар шу ерларда ўглаб юрарди. У сигирларни соғиб олгунча болалар навбат билан ювош бияга миниб, далани айланарди. Бироқ куз келиб, сигирларни даладан молхонага ҳайдаб кетишди ва Стивен Стрэдбуркдаги сасиб ётган молхонани бир кўриб қолди — бижғиб ётган кўлмаклар, уюб ташланган суюқ гўнг, охурларда кепак қорилган емишдан кўтарилаётган буғдан сал бўлмаса ичи ағдарилаёзди. Куёшли кунларда ям-яшил қирларда ёйилиб ўглаб юрган сигирларни кўрганда кўзи қувонарди, энди молни кўрса жирканадиган, ҳатто сутга ҳам қайрилиб қаролмайдиган бўлиб қолди.

Бу йил сентябрнинг яқинлашиб келаётгани унинг дилини сиёҳ қилмасди, чунки энди Клонгоусга қайтиб боришининг ҳожати йўқ. Майк Флинн касалхонага ётди, шу билан боғдаги машқлар ҳам барҳам топди. Обри мактабга қатнай бошлади, унга ўйнаш учун фақат тушдан сўнг бир соатгина рухсат беришарди. Иттифоқ ҳам тарқаб кетди, алвастилар чорбоғига ҳужумлар, харсанглар устида жанг қилишлар ҳам тугади. Баъзан Стивен сутчи билан кечқурун соғилган сутни тарқатиш учун аравада бирга юрар, кечки салқинда эсан совуққина шабада молхонанинг қўланса ҳидини хотирасидан қувгандай бўлар, пичан боғламлари ва сутчининг уст-бошига илашган молнинг юнглиридан энди жирканмасди. Арава бирор уй олдига келиб тўхтаганда: ҳозир эшик очилиб, бир зум ялтиратиб тозаланган ошхона ёки ёп-ёруғ даҳлиз кўринади, ичкаридан хизматкор аёл чиқиб, кўзчасини кўяди-да, эшикни беркитади, деб кутиб қараб турарди. Бироқ айни шундай— унинг юрагини сиқиб, боғда машқ қилаётганида туйқусдан оёқларидан мадорини қуритадиган гумон туйғуси, устози Майк Флинннинг узун, сарғайиб кетган, қадокли бармоқларига, маъюс эгилган сўлғин, тикандай тук босган юзига умидсиз қарашга мажбур этадиган хавотир ҳисси келажак ҳақидаги ширин орзуларини тўзғитиб юборарди. Отасининг ишлари чатоқлигини у оз-моз пайқаган эди: шунинг учун ҳам уни Клонгоусга жўнатишмади. Яқиндан бери уйларида рўй бера бошлаган баъзи бир нохушликларни у сезиб юрарди, бу ўзгаришлар унинг назарида жуда мустаҳкам бўлиб кўринган нарсаларни бирин-

¹ Мартелло қасри ва унинг миноралари назарда тутилаётир.

кетин бузиб ташлаётгани ҳар сафар унинг дунё ҳақидаги болаларча тасаввурига сезиларли зарба бўлиб тушарди. Гоҳи-гоҳида қўзғаладиган иззатталаблик туйғуси юрагининг туб-тубида ғимирлаб қўяр ва юзага чиқиш учун йўл қидирмасди. У от туёқларининг дупирига, Рок-роудга томон темир излардан келаётган кўнка-вагонларнинг тарақ-туруқига қулоқ солганда, шундоқ ортида тарақлаб юмалаб тушган каттакон тунука идишнинг шовқинини эшитганда онгини, ерни қоплаган шом пардасидай, қоронғулик чўлғаб оларди.

У хаёлида Мерседеснинг ёнига қайтар ва кўз олдида қизнинг қиёфаси жонланганда томирларида ғалати бир безовталиқ уйғонарди. Аҳён-аҳёнда вужудини аллақандай ҳаяжон забт этар ва уни беихтиёр шом қоронғуси қоплаган сокин кўчаларига қувиб соларди. Боғлардаги осудалик, деразалардан ёғилиб турган нурафшон ёғдулар ҳаяжондан ҳапrikaётган юрагига тасалли берарди. Уйнаб юрган болаларнинг қий-чувлари унинг ғашини қўзгар, уларнинг аҳмоқона бақирӣқ-чақирӣқлари эса унга, Клонгоуслагидан кўра ҳам қатъироқ тарзда, ўзининг ҳечам бошқаларга ўшамаслигини ҳис этишга мажбур қиларди. Унинг ўйнагиси келмасди. У ўзи кўриб турган мана шу ҳақиқий ҳаётда юрагини бесаранжом қилаётган ўша тутқич бермас қиёфани учратгиси келарди. Уни қаердан, қандай излаб топишини билмасди. Бироқ ҳеч қандай заҳмат чекмаса-да, бир куни ўша қиёфа қаршисида пайдо бўлишини кўнглида сезарди. Шунда иккаласи, гарчи бир-бирини олдиндан билишса-да, олдиндан бирор-бир шийпон остидаги ёки бошқа хилватроқ жойда учрашишга аҳдланган бўлишса-да, албатта, хотиржам кўришишади. Фақат иккаласи бўлади — атроф эса қоронғу ва жим-жит; ана шу беқиёс файзу тароватли лаҳзада у қайта тугилади. У қизнинг кўз ўнгида бир зум ғойиб бўлади, жонсиз, танасиз шаффоф руҳга айланади ва шу лаҳзанинг ўзидаёқ қайта яраллади. Бўшанглиги, маъюслиги, тажрибасизлиги ана шу сеҳрли лаҳзада уни буткул тарк этади.

Бир куни эрта тонгда дарвоза олдида бир жуфт сариқ соябон арава келиб тўхтади ва одамлар оғир-оғир қадам ташлашиб уйга киришди, улар жиҳозларни олиб кетиш учун келишганди. Мебелни аравага гулзорни босиб кўтариб олиб ўтишди, гулзорда похол ва ип-арқонларнинг узук-юлуқ парчалари сочилиб ётарди. Жиҳозларни юклаб бўлишгач, аравалар тарақлаганча кўчада юриб кетди. Йиғламсираган онасининг ёнида ўтирган Стивен кўнканинг деразасидан Мэрион-роуд бўйлаб йўртиб кетишаётганини кўрди.

Ўша куни кечкурун меҳмонхонадаги каминни ёқиш қийин бўлди, мистер Дедалус темир косов билан каминни қовлаштирди, кўмирнинг олов олишини кутиб турди. Чарлз тоға бўшаб қолаётган, тўшанчилари йиғиб олинган хонанинг бир бурчагида мудраб ўтирибди. Столдаги чироқ юк ташувчилар оёқ излари қолган кир-чир полни хирагина ёритади. Стивен отасининг ёнида кичкина курсичада, унинг ўзига-ўзи айтаётган узук-юлуқ гапларни эшитиб ўтирибди. Авваллари у кам нарсани тушунар ё умуман ҳеч нарсани тушунмас эди, бироқ аста-секин отасининг душманлари борлигини ва қандайдир кураш бўлиши кутилаётганини илғай бошлади. У ўзини ҳам бу курашга тортишаётганини, унга ҳам аллақандай мажбурият юкланаётганини сизди. Унинг орзуларини, Блэкрокдаги осойишта ҳаётини остин-устун қилиб юборган кутилмагандаги кўчиш, туман босган файзсиз шаҳардан аравада юриб ўтганлари, энди улар яшайдиган, саранжом-саришгасиз яп-яланғоч уй ҳақидаги ўйлар юрагини сиқарди. Шундай дамларда яна қандайдир бир нур, келажакдан умидворлик туйғуси унга куч бағишлади. У энди хизматкор аёлларнинг даҳлизда нега сирли пичирлашганини, отасининг

нега камин тагига тўшалган гиламча устида тик туриб оловга орқасини тутиб, овози борича Чарлз тоғага бир нималарни уқтирмақчи бўлгани-ю, Чарлз тоғанинг уни ўтиришга, овқатланиб олишга кўндирмақчи бўлиб уринганларининг сабабини биларди.

— Мен ҳали таслим бўлганим йўқ, Стивен, ўғлим, — дерди мистер Дедалус косов билан каминдаги милтиллаб турган оловни асабий кўзгаркан, — ҳали биз курашамиз, жин урсин (ўзинг кечиргайсан, танграм), ҳа, ҳали шундай жанг қилайликки!

Дублин янги ва нотаниш жой эди. Чарлз тоға шу қадар уқувсиз бўлиб қолдики, уни топшириқ билан бирор жойга ишониб жўнатишнинг иложи йўқ эди, боз устига, кўчиб келишгандан сўнг уйда авж олган бесаранжомлик ва ташвишлардан Стивен, Блэкрокдагидан кўра ҳам, бекорчи бўлиб қолди. У дастлаб қўшни уй олдидаги майдончани айланишга журъат этди, бир тор кўчанинг ярмигача бора олди, бироқ кейин хаёлида ўзича шаҳар тарихини чизган бўлиб, марказий кўчалардан бирига чиқиб олди ва дадил юриб божхонагача борди. У дарё қирғоғидаги кемалар таъмирланадиган устахоналар ёнида шунчаки сандирақлаб юрди, сув бетидаги қалин сарғайган кўпик ичида қалқиб турган бир талай пўкак-сузгичларга, бандаргоҳда уймалашиб турган юк ташувчиларга, тарақлаб бораётган аравалару пала-партиш кийинган, соқолли полициячиларга ажабланиб қаради. Қирғоққа уюб ташланган ёки кемаларнинг ичида осилиб турган той-той нарсалар унга ҳаётнинг залворли ва фавкулудда галатилигидан дарак берар, тагин қалбида кечқурунлари боғдан боққа Мерседесни қидириб изгишга мажбур этадиган ўша безовта туйғуни кўзгар эди. Ва бу янги гуллаган қайноқ ҳаёт ичида у Марселни ҳам тасаввур қила олиши мумкин эди, бироқ бу ерда на шишадай тоза осмон ва на куёш нури ярақлаб турган шароб дўконларининг панжарасимон деразалари бор. У қирғоққа назар ташлаганида, дарёга ва ер бағирлаб турган осмонга қараганида ичида мубҳам бир ғашлик тошиб келар, бироқ у барибир ҳар куни шаҳарни изгишини қанда қилмас, гўё ўзига чап бераётган кимнидир излаётгандай тиниб-тинчимас эди.

У икки марта онаси билан қариндошларининг уйига меҳмонга борди ва ҳар гал мавлуд байрами учун безатилган — ярқираб нур сочиб турган савдо растаси ёнидан юриб ўтилган бўлса-да, чиройи очилмади, ғамгин кайфият уни тарк этмади. Ғамгинлигининг эса ўзига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган сабаблари кўп эди. Ўзининг ҳали кичик экани унга алам қилар, аллақандай аҳмоқона тийиқсиз эҳтиросларга берилиб қолишлари, уйларида ҳаёт маромининг ўзгариб кетгани орзу-ўйларини остин-устун қилиб, у яшаётган оламни фақирона ва сохта бир нимага айлантириб қўйгани пушаймонга соларди. Бироқ алам ва пушаймонлар унинг теварак-атрофдаги оламни англай бошлаган идрокига йилл этган янгилик олиб кирмади. У нимаики кўрган бўлса, барчасини чидам билан, оғриниб кўнглидан ўтказар ва бу оғир кайфият зимдан унинг қон-қонига сингиб борарди.

У холасиникида, ошхонада курсида ўтирарди. Каминнинг ортидаги локланган деворда қалпоқли чироқ осилиб турар ва унинг ёруғида холаси тиззасига ташлаган оқшомги газетани ўқирди. Холаси кулиб тушган аёллар суратига узоқ қараб турди, кейин ўйчан оҳангда деди:

— Гўзал Мейбл Хантер.

Кўнғироқсоч қизалоқ оёқларининг учига кўтарилиб, суратга қаради-да, секингина сўради:

— Бу қайси пьесада, ойи?

— Пантомимада, қизалогим.

Кизча кўнғироқсоч бошчасини онасининг кўлига кўйди ва суратга қараб, гўё сеҳрланиб қолгандай шивирлади:

— Гўзал Мейбл Хантер!

Айёрона кулиб турган бу қув кўзлардан, гўё сеҳрланиб қолгандай, кизча кўзларини узолмай турди ва ҳаяжонланиб пичирлади:

— Вой, қандай чиройли!

Кўчадан елкасида бир қоп кўмир билан оғир қадам ташлаб букчайиб кириб келган бола унинг гапини эшитди. Бола елкасидаги қопни ерга чаққон ташлаб, югуриб келди. У қизаринқираган, кўмирдан қорайган кўллари билан газетани ўзига тортди ва қизчани четроққа суриб, ўзига кўринмаётганидан нолинди.

Стивен деразалари қорайган эски уйнинг тепа қаватида энсиз тор ошхонада ўтирибди. Ўчоқдаги олов акси деворда жилпанглаб ўйнаяпти, дераза ортида дарёни қоплаган шом қоронғуси қуюқлашаётир. Кампир ўчоқ олдида куймаланади, чой дамламоқчи: у ишидан бошини кўтармай руҳоний билан доктор нима дейишганини секин гапириб бераяпти. Ва яна кампир беморнинг аҳволи қай томонга ўзгараётгани, ҳаракатлари, гап-сўзларидаги ғалати аломатларни ҳам айтаётир. У бу гапларни эшитаяпти, хаёли эса қаршисида милтираётган кўмир уюмида — қасрлар ва саройлар ичида эгри-бугри узун йўлақлар ва тор, зимистон ғорларда кечаётган олатасир саргузаштлар билан банд.

Туйқусдан у эшик олдида аллақандай шарпани сезд. У ерда, ғира-ширада, қия очик эшикнинг қоронғу тирқишида бир бош кўринди. Маймунбашара ғариб мавжудот ўчоқ бошидаги овозларга музтар бўлиб турибди. Инграган овоз сўрайди:

— Жозефинами бу?

Куймаланаётган кампир, ўчоқ бошидан жилмай, дадил жавоб қайтаради:

— Йўқ, Эллен, бу Стивен!

— Ҳа... салом Стивен.

У саломга алик олади ва эшикдаги башарада маънисиз табассумни кўради.

— Сенга бирор нима керакми, Эллен? — сўрайди кампир.

Бироқ у, саволга жавоб бермай, дейди:

— Мен бу Жозефина, деб ўйлабман. Мен сизни Жозефина дебман, Стивен. — Қиз буни бир неча бор такрорлайди ва сездирмай қикирлаб кулади.

У Харольд-кроссдаги болалар байрамида ўтирибди. Одамови сергак кайфият тобора уни ўз таъсирига олаётир, у ўйинларга деярли кўшилмаяпти. Болалар бошларига қалпоқ кийиб олишиб, сакрашиб рақс тушаётир, унинг ўйин-кулгиларга кўшилгиси келаётган бўлса-да, барибир бу серзавқ даврада ола-була қалпоқлар орасида ўзини бегонадай, ғамгин ҳис этади. Бироқ ўзи тайёрлаган кўшиқни айтиб бериб, тинчгина бурчакка келиб қулай ўрнашиб олгач, ёлғиз ўтиргани ўзига ёқди. Бошида унга сохта ва бемаънидай туюлган хурсандчилик оқшоми энди туйғуларини эркалаётган, бегона кўзлардан сир тутишга уринаётган эҳтиросига тасалли бераётган ёқимли шабададай ҳузур бағишлар, боз устига, аңгула айтиб рақсга тушаётган болалар орасидан, мусиқа ва ўйин-кулгилар ичида қизнинг у ўтирган бурчакка қалалиб-қалалиб қараётган меҳрли, бесаранжом ва аини дамда интизор нигоҳи юрагини тўлқинлантириб юборарди.

Даҳлизда болалар кийинишяпти. Байрам оқшоми тугади. Қизалоқ бошига шолрўмолини ташлаб олди ва улар ёнма-ён юриб чанага боришаётганда унинг иссиқ нафасидан чиққан буғ рўмолга бурканган боши узра ўйноқлаб кўтарилар, бошмоқлари муз қотган йўлга урилиб бепарво тақилларди.

Бу чананинг охирги қатнови эди. Ҳориган тўриқ отлар буни сезар ва ойдин кечага пўписа қилгандай бўйинларидаги кўнғироқчаларни силкиб-силкиб қўярди. Паттачи йўл бошловчи билан гаплашиб олди ва яшил чироқ ёруғида улар бир-бирига бош силкишди. Бўм-бўш ўриндиқларда бир талай рангли патталар сочилиб ётарди. Кўчанинг на у ва на бу тарафидан оёқ товуши эшитиларди. Тунги сукунатни ҳеч қандай товуш бузмас, фақат ҳориган тўриқ отлар тумшукларини бир-бирига суйкашар ва кўнғироқларни силкитиб қўйишарди.

Улар, афтидан, айтилган гапга қулоқ солишди: у юқоридаги ўриндиққа, қиз пастдагисига ўтирди. Қиз бир неча бор унинг ўриндиғига чиқди ва яна ўзиникига тушди, гап тугаганда қиз пастга тушишни унутиб, икки марта унинг ёнида бир дақиқача туриб қолди, бироқ кейин тушди. Унинг юраги сув юзидаги пўкак-сузгичдай қизнинг ҳаракатларига монанд кўтарилиб-тушарди. Қизнинг шолрўмол тагидан қараган кўзлари нима деб сўзлаётганини у эшитди ва бундай сўзларни у қачондир бир замонлар, ҳаётдами ё ҳаёлдами, эшитган эди. У қизнинг ўзини чиройли кўрсатиб, ярашиб турган қўйлагини, сумкаси ва узун қора пайпоқларини намойиш қилиб, атай юрагини ўртаётганини пайқади, бироқ ундан кўзини ҳеч узолмасди. Шунда ҳапқириб ураётган юрагининг туб-тубидан тошиб келаётган аллақандай овоз: у қизнинг, шундоқ қўл узатса етадиган тухфасини қабул қила олармикан, дегандай бўларди. Бир куни Эйлин билан меҳмонхона ҳовлисига қараб туришгани ёдига тушди: меҳмонхона ходими устунга узун байроқни кўндираётган эди, кичкина ов тозиси кўнғайдаги майсада у ёқдан-бу ёққа чопқиллаб юрарди, шунда Эйлин тўсатдан кулиб юборди ва қия йўлакдан пастга қараб чопиб кетди. Ҳозир ҳам у, яна ўша пайтдагидай, жойидан жилмай, ҳаракатсиз турибди — гўё саҳнада ўйнаётган томошани кузатаётган хотиржам томошабиндай.

“Уям хоҳлаяпти менинг қўл тегизишимни, — деб ўйлади у, — шунга мен билан бирга кетаяпти-да. Агар у менинг ўриндиғимга чиқса, унга яқинлашишим осон бўлади: шунда бизга ҳеч кимнинг кўзи тушмайди. Мен уни кучоқлардим, ўпардим”.

Бироқ у бундай қилгани йўқ; кейин бўм-бўш чанғида, оёғи остидаги тарам-тарам зинага гўссага ботиб термилиб ўтирди ва қўлидаги паттани йиртиб-йиртиб қиймалаб ташлади.

Эртаси куни у ўзининг тепадаги бўм-бўш хонасига қамалиб олиб, бир неча соат столга эгилиб ўтирди. Олдида янги перо, янги оч яшил дафтар ва янги сиёҳдон турарди. Дафтарнинг биринчи бетини очиб, тепасига, одатига кўра, иезуит ордени шиорининг бош ҳарфларини ёзди: A.M.D.G. Биринчи йўлга ёзмоқчи бўлган шеърининг сарлавҳасини битди: Э.га. Шеърга шундай сарлавҳа қўйса ҳам бўлишини биларди, чунки лорд Байроннинг шеърлар тўпламида шунақа сарлавҳани кўрган эди. Сарлавҳани ёзиб, тагига тўлқинли чизиқ тортиб, кейин ўйланиб қолди ва беихтиёр муқовага алламбалюларни чизабошлади. Ёдига Брэда мавлуд зиёфатининг эртаси куни столда қандай ўтиргани ва миясига ўрнашиб қолган отасининг ибораларини ишлатиб, Парнелл ҳақида шеър ёзишга урингани тушди. Бироқ ўшанда мавзу офирлик қилганди чоғи, машқдан воз кечиб, варақни тўлдириб синфдошларининг исм-шарифларини ёзиб ташлаган эди:

Родирик Кикем
Жек Лотен
Энтони Максунни
Саймон Мунен

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Афтидан, ҳозир ҳам урингани билан бир иш чиқмайдиган кўринди, бироқ ўша байрам оқшомини эслаб кўнгли ёришди, ўзига ишончи ортди. Ушандаги аҳамиятсиз, ўткинчи нарсалар ёдидан кўтарилиб кетган, хотирасида на чанғи, на паттачи билан извошчи, ва на отлар қолган, ҳатто ўзи билан қиз ҳам ҳаёлидан жуда узоқлашиб кетгандай эди. Шеър фақат оқшом ҳақида, беҳолгина эсаётган шабада ва ойнинг бокира ёғдуси ҳақида сўзларди, холос; баргларидан айрилиб мунғайиб қолган дов-дарахтлар тагида туришган қахрамонларнинг юракларидаги ноаён дард тарқаб борар, хайрлашув фурсати етганда эса уларнинг бири жойидан жилмади ва бўса уларни бир-бирига қовуштирди. У шеърни битириб, варақнинг пастига L.D.S.¹ ҳарфларини ёзиб қўйди, кейин дафтарни ёпиб, онаси ётадиган уйга кирди ва у ердаги ойнага қараб ўзининг юзига узоқ тикилди.

Бироқ эмин-эркин кунлар ҳам оёқлаб бораётган эди. Кунларнинг бирида отаси бир дунё янгилик билан келиб қолди, овқат устида жағи тинмай жавради. Стивен отасини кутиб ўтирганди, чунки бугун кўй гўштидан қовурма пиширилган, отаси унга нонни қовурманинг қайласига булаб егин, деб қисташини биларди. Бироқ бу сафар қайланинг мазаси унга татимади, чунки Клонгоус ҳақида гап очилиши биланоқ томоғига бир нима тикилди.

— Унинг ёқасидан олишимга сал қолди², — деди мистер Дедалус бир гапни тўртинчи марта такрорлаб, — майдоннинг шундоқ бурчагида тутдим-да ўзиниям.

— Ишқилиб, бу ишнинг уддасидан чиқармикан у? — сўради миссис Дедалус. — Мен Бельведер³ ҳақида гапираяпман.

— Бўлмаса-чи, чиққанда қандоқ, — деди мистер Дедалус. — Мен сенга айтгандим-ку, ахир, у энди иезуитлар орденининг раҳбари — провинциал.

— Менга қолса, сира ҳам уни христиан биродарлар мактабига⁴ бергим йўқ, — деди миссис Дедалус.

— Жин урсин ўшаларни, — бақирди мистер Дедалус.

— Аллақандай Пэддию Майклар билан оғиз-бурун ўпишиши етмай турганди! Йўқ, иезуитлар билан бирга бўлсин, шу ерда бошладими ўқишни — шу ерда тугатсин. Кейин ҳам унга фойдаси тегади. Обрўйироқ жойга жойлаштириб қўйишга ҳам имконият бор уларда.

— Бунинг устига энг бой ташкилот, тўғрими Саймон?

— Ҳа-да! Кунлари пошшолик билан ўтади! Сен кўрганмидинг уларнинг Клонгоусдаги дастурхонини? Яратганга шукр, уларнинг егани олдида, емагани ортида.

Мистер Дедалус ўзининг ликопчасини, қолган овқатни тозалаб есин деб, Стивеннинг олдида сурди.

— Энди сен, Стивен, кунт билан киришгин, — деди у. — Сандирақлаб юрганинг етар.

— Мен унга ишонаман, у энди тиришиб ўқийди. — деди миссис Дедалус, — бунинг устига Морис ҳам энди у билан бирга бўлади.

— Вой, худойим, эсим қурсин, Морисни унутиб қўйибман-ку, — деди мистер Дедалус. — Қани, ярамас, бу ёққа кел-чи. Кел олдимга тирранча. Биласанми нима, мен ҳали сени мактабга олиб чиқаман, у

¹ *Laus Deo Semper* — тангрини боз шарафламоқ учун (лотинча). Иезуит мактабларида ёзма ишга қайд этиладиган одатдаги белги.

² Ҳазрат Конми назарда тутилаётир — Клонгоус коллежининг ректори.

³ Клонгоус коллежи.

⁴ Х р и с т и а н б и р о д а р л а р — ўзларини камбағал болалар тарбиясига бағишлаган монахлар ташкилоти.

ерда сенга ҳарфларни қўшиб ўқишни ўргатишади: н-о-н—нон. Мен сенга яна чиройли дастрўмолча сотиб олиб бераман, бурнингни тозалаб артиб юрасан. Зўр бўлади, а?

Морис кайфи чоғ бўлиб, аввал отасига, кейин Стивенга қаради. Мистер Дедалус кўзойнагини кўзига қистириб, иккала ўғлига синчковлик билан кўз ташлади. Стивен нон чайнаётган эди, отасига қарамади.

— Ҳа, дарвоқе, — деди ниҳоят мистер Дедалус, — ректор бору, ўша-да, ҳалиги провинциал, менга сен билан ҳазрат Доланнинг ўрталарингда бўлиб ўтган можарони гапириб берди. Сен дейман, бу, жуда шумтака чиқиб қолдинг-ку, а, уятсиз.

— Наҳот у шундай деган бўлса, Саймон?

— Йўқ, гап бошқа ёқда! — Кулди мистер Дедалус. — Бироқ у менга бу воқеани оқизмай-томизмай гапириб берди. Биз у билан у ёқ-бу ёқдан анча валақлашдик... Эҳ-а, эсим курсин! Айтганча, биласанми у менга нима деди? Ҳа, унинг жойини ким эгаллаганидан хабаринг борми? Майли, бу ҳақда кейин. Хуллас, биз у билан жуда очилиб-сочилиб лақиллашдик, у мендан ошнамит ҳалиям кўзойнак тақиб юрибдими, деб сўради, кейин ўша можаро тарихини эринмай гапириб берди.

— У норозими, Саймон?

— Норози! Бўлмаган гап! “Ўғил бола экан”, деди у.

Мистер Дедалус провинциалнинг манқаланиб оҳанжама билан гапиришини калака қилди:

— “Энди кўяверасиз, ҳазрат Долан ҳам, ҳаммамиз қотиб-қотиб кулдик, десайиз, мен буни овқат устида уларга гапириб бердим-да”. “Эҳтиёт бўлинг, ҳазрат Долан, — дедим мен, — тагин тирранча Дедалус қўлларингизни аёвсиз савалаб, таъзирингизни бериб қўймасин!”. Энди кўяверасиз, ҳазрат Долан ҳам, ҳаммамиз қотиб-қотиб кулдик! Ҳа, ҳа, ҳа!

Мистер Дедалус хотинига ўгирилиб қаради ва ўзининг одатдаги гап оҳангида таъкидлаб деди:

— Кўрдингми, у ерда қандай тарбиялашларини! Иезуит дегани — бу суяк-суягигача дипломат, ахир!

У яна провинциалнинг овозига тақлид қилиб, такрорлади:

— “Энди кўяверасиз, ҳазрат Долан ҳам, ҳаммамиз қотиб-қотиб кулдик, десайиз, мен буни овқат устида уларга гапириб бердим-да. Ҳа, ҳа, ҳа!”.

* * *

Кечқурун мактаб спектакли бошланишидан олдин Стивен кийим жавони олдида, тепасига хитой фонусчалари чамбарак қилиб тортиб илинган мўжазгина майсазорга тикилиб турарди. У меҳмонларнинг бош бинодан зина орқали тушиб келиб, театрга киришаётганини кўрди. Фрак кийган мезбонлар, Бельведер қариялари театр эшиги олдида навбатчилик қилишар, меҳмонларни тавозе билан жойларигача бошлаб боришарди. Туйқусдан ёнган фонусча ёруғида у руҳонийнинг кулимсираган юзини кўрди.

Муқаддас неъматлар қовчегдан¹ олиб қўйилган, меҳроб супаси ва унинг теvaraги холироқ бўлиши учун биринчи қатордаги ўриндиқлар

¹ К о в ч е г — диний маросим чоғи истеъмол этиладиган муқаддас неъматлар сақланадиган меҳробдаги жавон.

орқага сурилган. Девор тагига гантеллар, иргитиб ўйналадиган хўққалар ва бошқа спорт анжомлари кўйилган, оғир тошлар бурчакка уюб ташланган, жигарранг қопларга нари-бери тиқиб жойланган сон-саноксиз гимнастика туфлилари, камзул ва кўйлақлар уюмлари орасидаги устига чарм қопланган ёғоч от эса ўз навбати кутиб турибди, спорт дастури охирида уни саҳнага олиб чиқишади ва атрофида беллашувчи командалар саф тортади.

Стивен гарчи ёзма ишларда эришган ютуқлари учун гимнастика синфига синфбоши этиб сайланган бўлса-да, томошанинг биринчи турида иштирок этмади, бироқ иккинчи турда намоён этиладиган спектаклда ўқитувчининг бош комик роли унга топширилган эди. Жуссаси ва сиполигини инобатга олишиб, шу ролга маъқул кўришганди. У энди Бельведерда иккинчи йилни ўтказаётган ва охириги синфдан битта олдинда ўқиётган эди.

Оппоқ пайпоқ ва камзулча кийиб олган болалар қатори тўпираб руҳонийлар кийими сақланадиган хона орқали черковга югуриб ўтди. Кийимхонада ва черковда ҳаяжонланган тарбиячилар ва ўқувчилар уймаллашиб туришарди. Хомсемиз тепакал сержант ёғоч от олдидаги трамплинни оёғи билан босиб кўрди. Хўққалар билан ўйин кўрсатадиган узун пальтодаги озгин йигит унинг ёнида қизиқсиниб қарар, ярқираган кумушранг хўққалар унинг чуқур ён чўнтақларидан чиқиб турарди.

Аллақаердан ёғоч соққаларнинг қарсиллаб урилган товуши эшитилди, команда саҳнага чиқишга тайёрланаётган эди, бир дақиқа ўтиб, шошиб-пишаётган тарбиячи, ғозлар галасини қувлаётгандай, узун тўнининг этагини ҳовлиқиб силкиб, ортда қолганларга бақириб, кийимхонадан болаларни олдига солиб ҳайдади. Қадимги деҳқонларга ўхшаб кийиниб олган бир тўда бола черковнинг ичкарасида, баъзилари кўлини боши узра кўтариб, бошқалари ўтирган жойларида сунъий гуллар солинган саватчаларни силкитиб, рақсни машқ қилишарди. Меҳроб равоқининг қоронғи бурчагида семиз кекса хоним кенг-мўл қора кўйлагининг ичида хирмондай бўлиб тиззалаб турарди. Хоним ўрнидан турганда ёнида пуштиранг кўйлақ кийган, гажаклари олтин тусли ясама соча, бошига урфдан қолган похол шляпа кийган, қошларини териб, ёноқларини дид билан қирмизига бўяб, упа сурган хушбичим қомат кўринди. У кўзга кўринган чоғда черковни таажжубли оҳангдаги шивир-шивир тутиб кетди. Тарбиячилардан бири кулимсираб, бошини сермаб ишора қилиб, қоронғи бурчакка борди ва семиз кекса хонимга таъзим бажо келтириб, илтифот билан деди:

— Нимади бу — ёш гўзал ледими ё кўғирчоқми, миссис Тэллин?

У шундай деб шляпанинг пешайвони тагидаги оро бериб бўялган табассумли чехрани кўрмоқчи бўлиб эгилиб қаради ва беихтиёр хитоб қилди:

— Наҳотки! Бу, ахир, жажжи Берти Тэллен-ку!

Стивен ўзининг дераза ёнидаги кузатиш постида туриб кекса хоним билан руҳонийнинг қулишганини эшитди, кейин орқа тарафдаги, якка ўйин — похол шляпа рақсини ижро этадиган болачани кўргани йигилган ўқувчиларнинг қойил қолишиб шивирлашаётгани эшитилди.

Стивен тоқатсизланиб кескин ҳаракат қилди. У парданинг четини кўйиб юборди ва ўзи тик турган курсидан тушиб, черковдан ташқарига чиқиб кетди.

У коллеж биноси ичидан ўтиб, боғга туташган шийпон тагида тўхтади. Қаршидаги театрдан овозларнинг бўғиқ саси ва ҳарбий оркестрнинг мис асбоблари шапилаб урилаётгани эшитилиб турарди. Ёруғлик бинонинг ойнаванд тоmidан тепага таралар, театр гўё байрамона безатилган кемадай тигиз жойлашган уйлар орасида лангар

ташлаган, милтираб турган фонуслар шодаси билан қирғоққа бойлаб қўйилгандай. Театрнинг биқинидаги эшик туйқусдан ланг очилди — ёруғлик поёндоздай майсазор узра тўшалди. Кемадан кутилмаганда мусиқанинг гумбирлаган садоси таралди — вальсинг биринчи вазнлари чалинди, эшик яна бекилди ва энди мусиқа садоси бир қадар сўник, майин эшилиб-оқиб эшитилди. Биринчи вазнларнинг оҳанрабоси, ишвали майин таронаси унинг юрагида тушунтириб бўлмайдиган сирли туйғуларни кўзгади ва айти шу туйғулар уни кун бўйи кўним тополмай юриб туришга, ҳалигина эса тоқатсизланиб черковдан чиқиб кетишга мажбур этгани. Беҳаловат туйғулар тўлқиндай ичидан тошиб келар ва тобора авж олаётган мусиқа тошқинида фонусчалар шодасини чуватиб, гўё кема сузиб борарди. Кутилмаганда, худди ўйинчоқ тўпдан ўқ отилгандай, қарсиллаган шовқин бу ҳаракат маромини бузди. Томошабинлар саҳнага чиққан гимнастикачиларни қарсак чалиб олқишлашаётган эди.

Шийпоннинг охирида, кўча билан туташган жойида қоронғуликда қип-қизил нуқта милтиллади. Уша тарафга қараб бораётиб, у энгил ёқимли хид думоғига урилганини сездди. Иккита бола йўлакда чекишиб туришарди: у узокдан Куронни овозидан таниди.

— Ана, олижаноб Дедалус келаётир! — хириллаган овоз қичқирди. — Садоқатли дўстга саломлар бўлсин!

Саломлашиш тугар-тугамас паст товушдаги сохта кулги эшитилди ва Курон таъзим қилди, қўлдаги хивични ерга уриб-уриб қўйди.

— Ҳа, бу менман, — деди Стивен тўхтаб, нигоҳини Курондан олиб, унинг ёнидаги дўстига кўз ташларкан.

Куроннинг йўлдошини у биринчи бор кўриши эди, бироқ сигаретнинг туташган чўғи ёруғида унинг рангпар юзини, масхараомуз кулги югурган бироз олифтаномо турқини, пальто кийган бўйчан қомати ва бошидаги кўнқайган шляпасини илғади. Курон уларни таништиришга уринмади ва бунинг ўрнига даб-дурустдан деди:

— Мен ҳозир дўстим Уоллисга айтиб турган эдим: агар сен бугун кечкурун ўқитувчи ролида ректорни кўрсатсанг борми, роса кулги бўларди-да. Жуда зўр томоша чиқарди!

Курон ўзича ректорнинг майдакаш йўғон овозини калака қилмоқчи бўлиб удалай олмади, укувсизлигидан ўзи кулиб, Стивенга мурожаат қилди:

— Ўзинг бир кўрсат, Дедалус, сен унга жуда зўр тақлид қилиб кўясан-да. “Ма-агар че-ерковга ку-улоқ осмас э-экан, де-емак энди у бо-ориб турган маж-жусий ва йў-ўлдан оз-зган гай-йридиндир”.

Бироқ унинг гапини Уоллиснинг хотиржам хитоби бўлди, унинг сигарети муштуғига текилиб қолган эди:

— Жин урсин бу лаънати муштукни, — Уоллис оғзидан муштукни оларкан, ижирганиб тиржайди. — Доим шундай текилиб қолади-я. Сиз ҳам муштук билан чекасизми?

— Мен чекмайман, — деди Стивен.

— Ҳа, — деди Курон, — Дедалус одобли бола. У чекмайди, хайр-эхсон улашадиган бозорларга бормади, қизларга илакишмайди — унисиниям қилмайди, бунисиниям қилмайди.

Стивен рақибининг қизарган, жонланган юзига, қирғийнинг тумшугидай қайрилган бурнига кулимсираб қараб, бошини чайқаб қўйди. Уни доим Винсент Куроннинг исм-шарифи кушнинг номидан олингани, боз устига, юзи ҳам қушга ўхшаб кетиши ҳайрон қолдирарди. Манглайига рангсиз соч толалари, худди пахмайган пўлакчадай, тушиб турарди. Чўтманглайи туртиб чиққан, ингичка

қиргий бурни бир-бирига яқин жойлашган чақчайган маъносиз кўк кўзлари орасидан осилиб тушган эди. Аслида рақиблар мактабдош дўстлар эди. Улар синфда бирга ўтиришар, черковда ёнма-ён тиз чўкишиб ибодат қилишарди, ибодатдан сўнг нонушга устида мириқиб лақиллашарди. Биринчи синфда ўқувчиларнинг зеҳни пастроқ эди, шу боис асосан Курон билан Стивен синфни бошқаришарди. Улар бирор кунга жавоб олиш ёки гуноҳ қилиб қўйган болага афв сўраш лозим бўлганда биргалашиб ректорга боришарди.

— Ҳа, айтганча, — деди Курон. — Мен бу ерда отангни кўрдим.

Стивеннинг юзидаги табассум йўқолди. Қачон ва ким бўлмасин, дўстими ё ўқитувчисими, отаси ҳақида гап очилди дегунча Стивен сергак тортиб қоларди. У сукут сақлаб, ичида ҳадик билан Курон яна нима деркин дея унинг оғзини пойлади. Бироқ Курон уни тирсаги билан маънодор қилиб туртиб, деди:

— Сен, жуда айёр экансан-а.

— Нега энди? — сўради Стивен.

— Сиртдан қарасанг қўй оғзидан чўп олмайдигандай, — деди Курон, — аслида пихини ёрганлардансан.

— Марҳамат қилиб айтинг-чи, сиртдан қараганда нимани назарда тутаяпсиз? — хушмуомалалик билан ўсмоқчилади Стивен.

— Дарҳақиқат, марҳамат қилсинлар! — деди Курон. — Биз ўша қизни кўрдик, тўғрими Уоллис? А? Жуда чиройли қиз экан, кургур! Ҳамма нарсани билгиси келаверганини айтмайсанми! “Стивен қайси ролни ўйнаркан-а, мистер Дедалус? Стивен қўшиқ айтармикан, мистер Дедалус?” Сенинг отажонинг ҳам ойнагининг устидан жуда сирли қараб қўйди: ҳарқалай, дардингдан хабари борга ўхшайди. Хўш, нима бўпти, билгани яхшимами, шахсан мен бундан ҳечам хижолат бўлмасдим! Аммо жуда дилбар қиз экан, тўғрими Уоллис?

— Ҳа, ёмонмас, — деди Уоллис хотиржамлик билан муштугини яна оғзининг четига қистираркан.

Бегона боланинг олдида айтилган бетакаллуф қочириқлардан Стивеннинг нафрати кўзиди. Қизнинг у билан қизиққани-ю, у ҳақда сўраб-суриштирганларидан Стивен ҳеч қандай завқ туймади. Кун бўйи унинг хаёлини қиз билан Харольд-кроссда чана ўриндиғида туриб хайрлашганлари, ўша оқшомги ҳаяжонли кечинмалар, кейин уйга бориб ёзган шеъри ҳақидаги ўйлар банд этди. Кун бўйи у қиз билан яна учрашишини кўз олдига келтиришга уринди, чунки унинг бугун спектаклга келишини биларди. Худди ўша оқшомдагидай безовталиқ унинг юрагини сиқар, бироқ бу азоб энди шеърга кўчиб, кўксидан чиқиб кета қолмасди. “Бугун” билан “ўша пайт” орасида икки йил ётибди, кўп нарсага ақли етиб улгурган шу икки йил уни бугунгидай хузурли имкониятдан ажратиб қўйган эди ва бугун кун бўйи вужудини ўртаган хузурбахш изтироб асов тўлқиндай чайқалиб-тошган, гоҳ тушиб, гоҳида қутуриб ва яна ортга чекиниб, сўнгра тагин шитоб билан кўтарилиб турдики, у ниҳоят, буткул ҳолдан тойишигача бориб етган бир пайтда тарбиячининг қўғирчоқдай ясатилиб, грим қилинган болакайга отган қочириқли гап-сўзлари уни мувозанатдан чиқиб кетишга—туйқусдан кескин ҳаракат қилишига сабаб бўлди.

— Кел, яхшиси, айбингни бўйнингга олиб, тавба қил, — деди Курон. — Биз сени бу сафар қўлга туширдик. Энди ўзингни ҳар ёққа ташлаб, авлиёга ўхшатиб кўрсатишинг бефойда, ҳаммаси ойдай равшан!

У беихтиёр такаббурлик билан ҳиринглаб кулиб юборди ва эгилиб Стивеннинг оёғига хивич билан койиганнамо секин уриб қўйди.

Стивенни энди нафрат туйғуси тарк этганди. У энди ўзини на мамнун ва на гамгин ҳис этар, шунчаки ҳазил-ҳузул билан вазиятдан чиқиб кетишга чоғланган эди. У ҳалигина бетакаллуф туюлган қочириқларга энди хафа бўлмас, қалбида кечаётган сохир туйғуларга ҳеч қандай гап-сўз дахл қилолмаслигини билар ва шу боисдан рақибининг кўнглига қараб, майнавозчилигига сохта кулги билан жавоб берарди.

— Тавба қил, — дея такрорлади Курон хивич билан унинг оёғига уриб.

Ҳазиллашиб урган бўлса-да, бу зарба олдингисидан кучлироқ эди. Стивен энгил, бироқ жизиллатиб ўтган зарбани туйди ва итоаткорона бош эгиб, дўсти бошлаган ўйинни давом эттиришга майл сезаётгандай “Confiteor”¹ни ўқишга тутинди. Бу сахна яхшигина якун топди, Курон билан Уоллис бу таҳқиромуз тазаррудан завқланиб, такаббурларча кулишди.

Стивен дуо сўзларини беихтиёр айтиб юборди, сўзларнинг ўзи гўё унинг оғзидан учиб чиқаётгандай эди ва шу лаҳзада унинг ёдида бошидан кечган бошқа бир шундай ҳолат жонланди; ўша ҳолат, у Куроннинг тиржайиб турган оғзининг икки четидаги ажинларга кўзи тушганда худди сеҳру жоду таъсирида намоён бўлгандай хотирасидан сизиб чиқди. У оёғига тушаётган ўша таниш зарбларни ҳис этди ва айнаи дамда танбеҳ бериб айтишган ўша таниш сўзни ҳам эшитди:

— Тавба қил!

* * *

Бу воқеа биринчи семестрнинг охирида, у коллежга келган йили содир бўлди. Унинг ҳиссиётга берилувчан мижози ҳануз ғариб, омонат ҳаётнинг аёвсиз турткиларидан азоб чекарди. Дублиннинг зерикарли манзараларини кўравериб сиқилиб кетган юрагини эса ҳали ҳам ғашлик ва саросима тарк этмаган эди. Икки йил у орзулар оғушида яшади, энди эса мутлақо нотаниш дунёга тушиб қолгандай, бу ердаги ҳар бир ҳодиса, ҳар қандай янги одам унинг иззат-нафсига жуда қаттиқ тегиб кетар, бу ҳол уни гоҳ умидсизликка туширса, гоҳида мафтун этар ёки аксинча, мафтун этиб ва умидсизликка тушириб, доимо қалбида безовталиқ, қайғули ўй-хаёлларни кўзғар эди. У ўзининг бўш вақтини асосан исёнкор ёзувчиларнинг асарларини ўқиб ўтказарди, уларнинг захархандалиги ва ғазабга қоришган нутқлари кўнглига оғир ботар, ўзича ижодга берилиб, ҳали гўр бўлса-да, ёзган иншоларига кўнглидагини тўкмагунча, фикр-ўйларига гулгула солиб, тинчлик бермасди.

Иншо унинг учун ўқув ҳафтасининг энг муҳим машғулоти эди ва сешанба куни уйларида мактабга келаётиб у ўзидан олдинда бораётган бирор-бир одамни мўлжалга олар, шу одамдан маълум жойга етганда ўзиб кетишга ёки қадамларининг йўлакка ётқизилган ҳар бир плитага тўғри тушишига уринар ва шу тариқа ўзининг иншодан биринчи бўлиш-бўлмаслигини тусмоллар эди.

Мана сешанба ҳам келди ва кутилмаганда омадли кунлар якун топди. Мистер Тейт, инглиз тили муаллими, унга бармоғини ўқталиб, дона-дона қилиб деди:

— Мана бу ўқувчи иншосида бидъатни ёзибди.

Жимлик чўкди. Мистер Тейт жимликни бузмай, қўли билан тиззаларининг орасини қашлади, синфда унинг оҳорланиб қотирилган

¹Т а в б а-тазарру дуоси.

қайтарма енги ва ёқасининг майин қисирлагани эшитиларди, холос. Стивен бошини кўтармади. Кўкламнинг булутли куни эди, унинг кўзлари ҳали ҳам заиф, оғриб турарди. У тамом бўлдим деб ўйлади, ўзини фош этилгандай ҳис этди, ақлим ҳам нотавон менинг, оиламиз ҳам ночор, деган хаёлга борди ва бўйнига ёпишиб турган ғадир-будир қайтарма ёқасининг дағал гирдини ҳис қилди.

Мистер Тейтнинг баланд товушдаги қисқа кулгиси синфдаги оғир жимликни юмшатди.

— Балки буни ўзингиз билмагандирсиз? — деди у.

— Қайсини? — сўради Стивен.

Мистер Тейт тиззаларининг орасидан қўлини олиб, ёзма ишни очди.

— Мана бу жойини айтаяпман. Яратганга ва руҳга доир жойини. Хў-ш-ш! А-ҳа! Мана... “Қачондир яқинлашишга имкон йўқлигидан”. Бу шаккоклик.

— Мен “Қачондир эришишга имконият йўқлигидан”, демоқчи эдим, — минғирлади Стивен.

Бу билан у ён берган эди ва мистер Тейт тинчланиб, дафтарни ёпиб, унга узатаркан, деди:

— Ҳа! Дарвоқе! “Қачондир эришишга”. Бу бошқа гап.

Бироқ синфдагилар ҳа деганда тинчишмади. Гарчи дарсдан сўнг ҳеч ким унга бу ҳақда оғиз очмаган бўлса-да, у теварагида давом этаётган ифвогарликларни ҳис этди.

Оғзаки танбехдан сўнг, орадан бир неча кун ўтиб, хатни қутига ташлаш учун Драмкондр-роуд бўйлаб кетаётганида у туйқусдан кимнингдир чақирганини эшитди:

— Тўхта!

У орқасига ўтирилди ва шом қоронғусида ўзи томон яқинлашиб келаётган учта синфдошини кўрди. Уни чақирган Курон эди, у икки дўстининг ўртасида дадил қадам ташлаб, қўлидаги хивич билан ҳавони қадамига мос тарзда шувиллатиб кесиб келарди. Ошнаси Боланд у билан бақамти қадам ташлар, оғзи қулоғида, Нэш эса тез юраётганидан ҳансираб, хумдай сариқ бошини саланглатиб орқароқда пилдираб келарди.

Болалар Клонлифф-роуд томонга бурилган жойда китоблар ва ёзувчилардан гап очилди, ким қанақа китоб ўқиганию, уйларидаги жавонларда ота-оналарининг қанча китоби борлигини айтишиб мақтанишга тушиб кетишди. Стивен уларнинг гапларини эшитиб ҳайрон қолди, чунки Боланд синфда энг зеҳни паст бола ҳисобланса, Нэш учига чиққан ялқов эди. Шунга қарамай, сеvimли ёзувчи ҳақида гап очилиши биланоқ Нэш тап тортмай энг улур ёзувчи—бу капитан Мэрриет¹, дея билағонлик қилди.

— Бекор гап! — деди Курон. — Дедалусдан сўра-чи. Сенингча, энг буюк ёзувчи ким, Дедалус? А?

Стивен, унинг пичинг қилаётганини сезиб сўради:

— Носирларданми?

— Ҳа.

— Менимча, Ньюмен².

— Кардинал Ньюменми?

— Ҳа, — деди Стивен.

Нэш Стивенга ўгрилиб савол бераркан, унинг сепкил босган юзи кулгидан ошқовоқдай ёйилиб кетди:

¹ *Фредерик Мэрриет* (1792—1848)—ўртамиёна инглиз ёзувчиси, денгизчилар ҳаётидан олиб ёзилган қиссалар муаллифи.

² *Жон Генри Ньюмен* (1801—1890)—ёзувчи, моҳир услуб соҳиби, таниқли ақоид олими. Инглиз кашини бўлган, 1845 йили католикликни қабул қилган.

- Ўша кардинал Ньюмен сенга ёқадими?
 — Кўпчилик Ньюменнинг услубини жуда зўр деб ҳисоблайди, — тушунтира кетди Курон икки ошнасига, — тўғри-ю, лекин у шоир эмас-да.
 — Энг зўр шоир ким, Курон? — сўради Боланд.
 — Албатта, лорд Теннисон-да¹, — жавоб қилди Курон.
 — Тўғри, лорд Теннисон, — деди Нэш, — бизнинг уйимизда унинг бир жилдли тўла шеърлар тўплами бор.
 Шу гапдан сўнг Стивеннинг сабри чидамади, гапирмайман, деб ўзига берган ваъдасини бузди:
 — Теннисон—шоир? Қофиябоз-ку у?
 — Нима деяпсан! — деди Курон, — Теннисоннинг буюк шоирлигини ҳамма билади.
 — Сенинг-ча, ким буюк шоир? — сўради Боланд ёнидаги ошнасини елкаси билан туртиб.
 — Байрон—буюк шоир, — жавоб берди Стивен.
 Аввал Курон, кейин ошналари уни масхаралаб кулиб юборишди.
 — Нега кулаяпсизлар? — сўради Стивен.
 — Сенинг устингдан кулаяпмиз, — деди Курон. — Байрон—буюк шоир эмиш? Чаласавод нодонларгина уни шоир дейиши мумкин.
 — Ол-а! Ана сенга зўр шоир! — деди Боланд.
 — Сен, яхшиси, тилингни тийсанг бўларди, — деди Стивен унга дадил бурилиб қараб. — Сенинг поэзия ҳақида бор билганинг ҳовлидаги деворга ёзганингдан маълум-ку? Бемаъни қилигинг учун таъзирингни беришмоқчи бўлишди-ку.
 Ҳақиқатан ҳам Боланд ҳовлининг деворига коллеждан уйига пастдаккина тоти отда борадиган бир бола ҳақидаги анчайин мисраларни ёзган, деб гапиришарди:

Тайсон отда Куддусга кетди,
 Йиқилиб йўлда лат еди кети?

- Стивеннинг бу ҳужумидан шерикларининг уни ўчган бўлса-да, Курон тийилмади:
 — Нима бўлгандаям барибир Байрон шаккок бўлган, бунинг устига ахлоқи бузук бўлган.
 — Унинг қандай бўлгани билан менинг ишим йўқ, — кўрс жавоб қилди Стивен.
 — Унинг шаккок бўлгани ёки бўлмагани сенга барибирми? — гапга қўшилди Нэш.
 — Сен бу ҳақда ниманиям билардинг? — қичқирди Стивен. — Умрингда дарсликдаги битта-ярим мисолдан бошқа балониям ўқимагансан-ку, сен ҳам, Боланд худди шундай.
 — Мен биламан, Байрон тутуриқсиз одам бўлган, — деди Боланд.
 — Қани, ушланглар бу шаккокни, — қичқирди Курон.
 Шу дамдаёқ Стивенни ушлаб олишди.
 — Тейт беҳудага думингни бурамади сенинг, иншода шаккокликка йўл қўйганинг учун шундай қилди, — деди Курон.

¹ *Альфред Теннисон* (1809—1892)— таниқли инглиз шоири. Жойс авлодига мансуб ижодкорлар унинг шеърятини билан қизиқишмаган, шеърлари саёз ва сийқа деб ҳисоблашган.

² Номаълум муаллифнинг балласидан. Унинг бир неча вариантлари бўлган, бироқ аксариятида тилга олиб бўлмайдиган беадаб сўзлар ишлатилган.

— Эртагаёқ унга ҳаммасини айтиб бераман, — таҳдид қилди Боланд.

— Сен-а? — деди Стивен. — Оғзингни очишга қўрқасан-у!

— Қўрқаманми?

— Ҳа, қўрқасан!

— Керилма! — қичқирди Курон Стивеннинг оёғига хивич билан уриб.

Бу Стивенга ташланишга шай турганларга бир ишора эди. Нэш унинг иккала қўлини орқасига қайириб ушлаб турди, Боланд эса ариқ четдаги қуриб қолган карамнинг узун томирини суғуриб олди. Стивен хивич билан таёқдай қаттиқ карам томирининг зарбаларидан қутилмоқчи бўлиб, жон-жаҳди билан силтаниб юлқинмасин, иложсиз эди, уни тиконли сим ўралган тўсиққа қисиб олишганди.

— Бўйнингга ол, сенинг Байронинг бир пулга қиммат.

— Йўқ.

— Бўйнингга ол.

— Йўқ.

— Бўйнингга ол.

— Йўқ. Йўқ.

Нихоят, қаттиқ олишувлардан сўнг у бир амаллаб қутилиб чиқишга муваффақ бўлди. Унга азоб берган болалар хохлашиб, уни масхаралашиб Жонсис-роуд томон кетишди, у ёшланган кўзларини уқалаб, ҳеч нимани кўрмай, туртиниб-суртиниб муштини маҳкам сиққанча аламзада кайфиятда алаҳсираб борарди.

Ҳозир ҳам, ўзини маъкуллаб ҳиринглаб турган болалар олдида тавба-тазарру дуосини айтиб турибди-ю, хотирасида ўша шафқатсиз олишув манзараси аниқ-тиниқ жонланди ва у ажабланиб ўзига-ўзи: менга ўшанда азоб беришган бу болаларга нега кўнглимда зигирча нафрат йўқ, деб савол берди. У ҳаммасини жуда яхши эслайди, уларнинг кўрқоқлигини ҳам, раҳмсизлигини ҳам, бироқ негадир хотирасидаги ўша воқеа энди ғазабини кўзгамасди. Уқиган китобларидаги изтиробга тўлиб-тошган оҳ-воҳлар-у қаҳр-ғазабларнинг унга сохта туюлгани шундандир, балки. Ҳатто ўша куни, кеч кириб қоронғу тушган маҳалда, Жонсис-роуд бўйлаб туртиниб-суртиниб аламзада кайфиятда алаҳсираб уйларига кетаётган пайтда ҳам аллақандай куч вужудини қамраб олган нафрат туйғусини, ҳил-ҳил пишган шафтолининг пўстини осонгина шилгандай, сидириб олаётганини ҳис этганди.

У ҳануз шийпон тагида, икки ошнасининг бири қўйиб, бири олаётган сафсаталарини, қолаверса, театрдан келаётган гулдурос қарсақлар товушини бепарво эшитиб турибди. Қиз бу пайтда театрда, бегоналар орасида, балки унинг саҳнага чиқишини пойлаб ўтиргандир. У қизни кўз олдига келтиришга уриниб кўрди, бироқ бунинг иложи бўлмади. Фақат бошига ўралган шолрўмолни эслай олди, холос, бу қизлар қишда қиядиган боғичли бош кийимига ўхшарди; қизнинг тим қора кўзлари эса ғойибдан уни ўзига чорлар ва ақлини шоширарди. У ўзидан: мен уни ўйлаганимдай, у ҳам мен ҳақимда ўйлармикан, деб сўради. Кейин қоронғида ёнидагиларга сездирмай бир қўлининг бармоқлари учини иккинчи қўлининг кафтига тегизди ва билинар-билинемас тарзда оҳиста силади. Бироқ қизнинг бармоқлари мулоғим ва хийла дадил теккан эди ва ўшандаги ҳолат хотирасида жонланиб, вужуди, тўлқин кўз илгамас тебранганидай, бир зум чайқалиб кетди.

Бир бола тўсиқ бўйлаб шийпон тагидан улар томонга чопиб келарди. Боланинг нафаси тиқилиб, ҳаллослаб қолди.

— Эй, Дедалус, — қичқирди у, — Дойл жинни бўлиб қолди-ку! Югур тезроқ, тез бўл, кийин! Саҳнага! Тезроқ!

— Боради, — деди Курон калондимоғлик билан. — Қачон лозим кўрса, шунда боради.

Бола ўғрилиб Куронга қаради ва такрорлади:

— Тез бўл! Дойлнинг жаҳли чиқаяпти.

— Менинг саломимни етказиб қўй Дойлга, мен тупирдим унга, — жавоб қилди Курон.

— Майли, боришим керакка ўхшайди, — деди Стивен, бунақа орият талашиниш унга бегона эди.

— Сенинг ўрнингда бўлсам бормасдим, — деди Курон, — ҳеч ҳам бормасдим, худо ҳаққи! Юқори синф ўқувчиларигаям шунақа муомала қиладими? Нима бўпти, жаҳли чиқса чиқар! Унинг аҳмоқона пьесасида ўйнаётганингга шукр қилсин.

Кўпгина ўртоқларига хос бўлган бундай манманликни Стивен яқиндан бери рақибиди ҳам пайқаган эди, бироқ бу унинг феъл-атворидаги вазмин итоаткорлик одатига зиғирча таъсир қилмади. У ўзбошимчаликнинг нафига ишонмас, бунақа дўстликнинг самимийлигига шубҳа билан қарар ва буни балоғат ёшининг тийиқсиз бебошликлари, деб биларди. Ҳозир кўзгалган орият масаласи ва шунга алоқадор бошқа гаплар унга аҳамиятсиз туюлди. Ўзича хаёл суриб, учқур орзу-ўйлар оғушида парвоз қилган лаҳзаларда кутилмаганда хаёли бузилар, беихтиёр ширин орзуларидан воз кечар, шунда кулогига ўтириб қолган отасининг ва муаллимларининг овозлари қайта жаранглагандай бўларди, улар Стивенни аввал бошда жентльмен ва эътиқодли католик бўлишга даъват этишарди. Энди бу овозлар унга маънисиз туюлади. Коллежда спорт гимнастикаси синфи очилганда у бошқа бир овозни эшитди, энди уни кучли, жасур ва соғлом бўлишга даъват этишарди; коллежда миллий тикланиш¹ учун кураш шарпалари оралай бошлагач эса, яна бир овоз уни ватанга содиқ бўлишга, она тилини, миллий урф-одатларни тирилтиришга ёрдам беришга ундай бошлади. Кундалик турмуш, оила ташвишлари бир кун келиб уни тер тўкиб, ўз меҳнати билан отасининг қўлдан кетган мавқеини тиклашга мажбур этишини билар ва бу ҳозир уни яхши дўст бўлишга, жўраларининг ёнини олишга ёки уларни жазодан асраб қолиш ва қандай йўл билан бўлмасин, бир кун ҳордиқ чиқариш учун синфга рухсат олиб беришни сўраётган тенгқурларининг овозига ўхшаб кетарди. Бу маънисиз овозларнинг қоришган ғала-ғовури уни қатъийятсиз қилиб қўяр, бемалол хаёл суришига йўл қўймасди. У ора-сира бу овозларга ҳам кулоқ тутар, бироқ улардан узоқлашганда, улар етиб бормайдиган жойда ёлғиз ўзи қолганида ёки хаёлан яқинлари орасида бўлганида ўзини бахтиёр ҳис этарди.

Рухонийлар кийимхонасида юзлари қип-қизил иезуит билан кексароқ бир киши, иккаласи ҳам оҳори кетиб қолган кўк ятакда, упа-элик солинган қутини титкилашарди. Аллақачон грим қилиб олишган ўғил болалар у ёқдан бу ёққа саланглаб юришибди, баъзилари гарангсиб бир жойда туپирлашиб туришибди, бўялган юзларини бармоқларининг учи билан эҳтиёт бўлиб ушлаб қўйишади. Коллежда меҳмон бўлиб турган ёш иезуит, қўлларини чуқур ён чўнтақларига тикиб, кийимхонанинг ўртасида турибди, у оёғининг учида кўтарилиб, тушиб, бир маромда тебранади. Унинг ипакдай майин малла жингалак сочли кичкина боши ва арчилган тухумдай текис

¹ Бу ўринда гап 1893 йили ташкил топган, кўпчилик ирланд ёзувчи ва олимларни бирлаштирган Гэль иттифоқи ҳақида бораётир: у ўз олдига ирланд тилига ва ирланд маданиятига эътибор уйғотиш ва уларни инглиз тили ҳамда инглиз маданиятига қарши қўйишни мақсад қилган.

қиртишланган ияклари эгнидаги ниҳоятда озода руҳонийча либоси ва ялтиратиб тозаланган ботинкасига қуюб қўйгандай ярашиб тушган.

Тебраниб турган қоматга қараб туриб, руҳоний йигитнинг истехзоли кулимсираши сабабини билгиси келаётган Стивен отасининг уни Клонгоусга жўнатаётиб, иезуитни ҳамиша дид билан кийина олишидан билса бўлади, деганини эслади. Шу пайт хаёлидан отамнинг феъл-атворида кулимсираб турган, пўрим кийинган шу руҳонийга хос нимадир бор, деган фикр кечди ва туйқусдан муқаддас мартаба, қолаверса, руҳонийлар кийимхонасининг ўзи ҳам таҳқирланаётганини ҳис этди, чунки бу осуда масканга тутуруқсиз гап-сўзлар, ҳазил-хузуллар шовқини бостириб кираётган, ҳавони эса упа-элик ва газ чироқларнинг бадбўй ҳиди булғаётган эди.

Кўк халатли кекса киши манглайига ажинлар тортиб, оғзининг икки четига кўк ва қора бўёқларда соя солгунча Стивен сахнада баланд овоз билан аниқ-равшан гапириш кераклигини уқтираётган дўмбоққина ёш иезуитнинг овозини паришонхотир тинглади. Қулоғига оркестрнинг “Лилия Киларни”ни чалаётгани эшитилди ва ҳозир, бир неча сониядан сўнг парда очилади, деб ўйлади. У сахнага чиқишдан чўчимаётганини сезиб турарди, бироқ ижро этадиган роли ўзини камситадигандай туюлди. Ўзи айтадиган баъзи кинояли гапларни эслаганда бўёқ сурилган ёноқларига қон югурди. У қизнинг залдан жиддий, мафтункор кўзларини тикиб қараб турганини тасаввур қилди ва шу лаҳзадаёқ кўнглидаги шубҳа-гумонлар йўқолди, ўзига ишончи ортди. Гўё ғойибдан хушқайфият инъом этилгандай эди — у туйқусдан гўдакларга хос шўх-шаддодликнинг юқумли таъсирига тушди ва бу кайфият табиатидаги эзгин умидсизликни буткул тарқатиб юборди. Бир сония ичида у болаларча бахтиёрлик оғушида, гўё қайта тугилгандай тамом ўзгарди-қолди: спектаклнинг бошқа иштирокчилари билан сахна ортида туриб, уларга қўшилиб, икки бақалоқ руҳонийнинг тоб ташлаб қийшайиб қолган сахна пардасини жон-жаҳдлари билан суриб очишаётганини кўриб қийқириб кулди.

Орадан санокли дақиқалар ўтиб, у ўзини сахнада — чарақлаган чироқлар ёруғи ва нурсиз, хира безаклар орасида кўрди, ҳайҳотдай бўшлиқдан беҳисоб чехралар унга тикилиб туришарди. Машқ пайти унга қовушмагандай, сунъий туюлган пиеса сахнада фавқулодда жонли чиқаётганини англаб у ажабланди. Спектакл гўё ўзидан-ўзи очилиб, авж олиб қизир, у ва унинг шериклари эса ўзларининг кинояли гап-сўзлари билангина томошага кўмаклашиб туришарди. Томоша тугаб, парда ёпилганда у бўшлиқ қарсақлар садосидан гумбурлаганини эшитди ва ён тарафдаги оралиқдан қараб, беҳисоб чехралардан таркиб топган улкан яхлит тўда бир неча гуруҳларга бўлиниб, қизгин муҳокамага киришиб кетганини кўрди.

У сахнадан чаққон тушиб, кийимларини алмаштирди ва черковдан боғ тарафга чиқди. Энди, томоша тугагандан сўнг, унинг кўнгли баттар бетоқат бўлиб, янги саргузаштни кўмсар эди. Айни шунинг кетидан тушгандай, у чопқиллаб кетди. Театрнинг барча эшиклари ланг очик, зал аллақачон бўшаб қолган эди. Унга кема лангарининг занжирини эслатган сим арқонда бир неча фонус тунги шамолда тебраниб гира-шира нур сочарди. У ҳовлиқиб, қандайдир ўлжани бой берадигандай, югурганча боққа чиқиладиган айвонга борди ва меҳмонларга таъзим бажо этиб, қўл сиқишиб хайрлашаётган икки иезуит ёнидан ўтиб, боққа чиқаётган тўда орасига ўзини урди. Упага беланган бошига бировларнинг кулиб, бировларнинг мазах қилиб ё ажабланиб қараб қолаётганини илғаб-илғамай ҳовлиққанча олдинга

талпинар, ўзини жуда шошаётганга ўхшаб кўрсатарди.

Ташқарида у ўзининг оида аъзоларини кўрди, улар фонус тагида уни кутиб туришарди. Бир қарашдаёқ бу гуруҳдагилар ўзига тегишли одамлар эканини пайқади ва зинапоядан пастга чошиб тушиб кетди.

— Мен бир иш билан Жоржис-стритга ўтишим керак. — деди у чошиб бораётиб отасига. — Уйга кечроқ қайтаман.

У отасининг жавобини кутмай, югурганча йўлни кесиб ўтди-ю, тепаликдан пастга эниб кетди. Қаёққа бунчалик шошаётганини ўзи ҳам билмасди. Фурур, умид ва ишонч, мисоли оёқ остида топталган ўт-ўландай, ўзининг ўткир ифори билан унинг юрагини ўртаётган, ақл-хушини ўғирлаган эди. У қирдан қуйига елдай учиб борар, кутилмаганда дарду дунёсини ўртаб юборган камситилган фурур, топталган умид ва алданган ишонч оғуси уни тамом гангитиб қўйган эди. Бу оғу бурқираб унинг кўзлари олдида паға-паға бўлиб тепага ўрлади ва аста-секин, ҳаво яна тиниқлашиб совий бошлагач, ниҳоят, йўқолди.

Ҳануз кўз олдини туман тўсиб турарди, бироқ энди кўзлари боягидай ёнмасди. Бот-бот газаб ва умидсизликдан воз кечишни буюрадиган ички бир даъватга ўхшаш аллақандай куч уни тўхташга мажбур қилди. У энди ҳаракат қилмас, қаршисидаги ўликхонанинг қорамтир томига ва қайроқтош ётқизилган қоронғи тор кўчага қараб турарди. У уйнинг деворидаги лавҳада тор кўчанинг “Лоттс” деган номини ўқиди ва оғир аччиқ ҳиддан оғриниб нафас олди.

“Отнинг сийдиги билан чириган пичан, — деб ўйлади у. — Ундан нафас олиш фойдали. Юрагимни тинчлантиради. Мана, энди юрагим анча хотиржам. Ортга қайтаман”.

* * *

Стивен тагин отаси билан Кингс-бриш вокзалида поездда ўтирибди. Улар кечки поезд билан Коркка кетишаётир. Паровоз пишқириб, буғ чиқариб, поезд вокзал саҳнидан жилганда Стивен бир неча йил бурун, Клонгоусга йўл олишганда кўрганларидан болаларча ажабланганини ва мактабдаги биринчи кунни бутун тафсилотлари билан эслади. Бироқ ҳозир у ҳечам ажабланмаётган эди. У бир текис сузиб ўтаётган довдалага, ҳар тўрт сонияда липиллаб ўтаётган сим ёғочларга, худди асов отнинг туёғидан сачраган учкундай, қоронғуликда ялт этиб ва шу зумда ортда қолиб кетаётган кичик, хира ёруғ бекатлар, уларнинг саҳнида қотиб турган навбатчиларга қараб кетаётир.

У отасининг Корк ҳақидаги, ёшлиги ҳақидаги ҳикояларини гап қўшмай, бепарво эшитди: отаси вафот этган бирор-бир биродари ёки бу гал сафарга чиқишга нима мажбур этгани ҳақида гап бошлади дегунча чуқур хўрсиниб қўяр ёки беихтиёр қўлини идишга чўзарди. Стивен жим ўтириб тинглар, бироқ кўнглида ҳамдардлик туймасди. Отаси элаган марҳумлар орасида у Чарлз тоғадан бошқасини танимас, энди унинг қиёфаси ҳам хотирасидан ўча бошлаган эди. У отасининг мол-мулки аукциондан сотилишини биларди, отаси ўзининг хонавайрон бўлаётгани сабабини бу шафқатсиз дунёнинг орзу-умидларига тажовузидан, деб қарарди.

Мэриборда у ухлаб қолди. Кўзини очганда Мэллоудан ўтиб кетишганди: отаси ён томондаги ўриндиққа чўзилиб ухлаб ётарди. Совуқ сахар ёғдуси ҳосилсиз далаларни, дарахтлар, уйкута чўмган уйлар томини ғира-шира ёритди. Жим-жит қишлоқларга қараб, отасининг чуқур нафас олиб, уйқусида алаҳсираётганини эшитиб бораркан, гафлат уйқусида ётган дунё қаршисида унинг ўй-

хаёлларини ваҳима босди. Теварагида чала ўликдай донг қотган одамлар юрагига гулгула солди, улардан ўзига бирор-бир зиён-заҳмат етадигандай туюлди ва тезроқ тонг отишини ўтиниб сўраб, дуо ўқий бошлади. Унинг тангрига ва авлиёларга юкинмай, шунчаки ўқиган дуолари эшик тирқишидан эсаётган саҳарги салқин шамолда қалтироқ билан бошланиб ва поезднинг бир маромдаги тақ-туқига монанд, аллақандай қовушмаган сўзларининг саросимали пичир-пичири билан якун топди; қаққайган, ҳар тўрт сонияда липиллаб, шовқинга басмабас ўтиб турган телеграф ёғочлари гўё ҳаракат маромини таъкидлаётгандай эди. Бу асов мусиқа унинг юрагидаги ваҳимани бироз босгандай бўлди ва у дераза панжарасига суяниб, тагин кўзини юмди.

Поезд шовқин-сурон солиб Коркка кириб келганида ҳали жуда эрта эди. “Виктория” меҳмонхонасида Стивен яна улагани ётди. Чарақлаган қуёшнинг илиқ нурлари деразани қоплади. Стивен кўчада ҳаёт қайнай бошлаганини эшитди. Отаси қўл ювиладиган жойда тик туриб, сочига, юзига ва мўйловига синчиклаб қараётир, у сув солинган кўза устидан бўйнини чўзиб, ўзини яхшироқ кўрмоқчи бўлиб бошини бурди. Айни пайтда оҳиста, ҳар бир сўзни оҳангга солиб, чўзиб хиргойи қилди:

Ёшлигимда гўрлик қилиб,
Уйландим-қўйдим.
Мана энди, жонгинам,
Баридан тўйдим.
Рўзғор деган ғор экан,
Билибман қайдан.
Бахтимни излаймикан
Мен Амриқодан.
Бироқ вақт оқар сувдай,
Сулув қарийди.
Мисли тонги шудрингдай
Нурдан арийди.

Дераза ортидаги серқуёш шаҳар шовқини ва отасининг ҳазил аралаш ҳазин кўшиққа турли пардаларда сайқал бераётган овози Стивеннинг кўнглидаги тунги ваҳималар асоратини буткул ҳайдади. У ўрнидан ирғиб туриб, кийина бошлади ва хиргойи тутагач, отасига деди:

- Бу сизларнинг “Бери келинг, эр ирландлар” ингиздан¹ кўра яхши.
- Сен шундай деб ўйлайсанми, — деди мистер Дедалус.
- Менга бу кўшиқ ёқади, — деди Стивен.

— Ҳа, бу ажойиб қадимги кўшиқ, — деди мистер Дедалус мўйловининг учини бураб. — Эҳ, сен буни Мик Лейси айтганини эшитганингдами? Шўрлик Мик Лейси! У ҳар бир пардани қанақа ўйнатиб айтарди, йўқ мен бундай айтолмайман. Ҳа, энди “Бери келинг, эр ирландлар”ни у бир айтиб ўтди-да, эшитиб туриб сел бўлиб кетардинг.

Мистер Дедалус нонуштага жигар қиймасидан тайёрланган овқат буюрди ва овқат устида хизматчидан шаҳардаги янгиликлар ҳақида сўраб-суриштирди, уларнинг гаплари чалкашиб, бир-бирларини тушунишлари қийин бўлди, чунки хизматчи ҳозирги пайтдаги хўжайинини назарда тутса, мистер Дедалус унинг отасини ёки бобосини назарда тутиб гапирарди.

¹ Дублин кўчаларида тез-тез айтиб туриладиган ва, албатта, ҳар бир банди “Бери келинг, эр ирландлар, кўшиғимни тингланглар” сатри билан бошланадиган кўшиқ.

— Ҳарқалай, Қироллик коллежи жойидами ишқилиб, — таъкидлади мистер Дедалус. — Уғилчамга бир кўрсатай дегандим-да.

Мардайк кўчасида дарахтлар қийғос гуллаган эди. Улар коллеж дарвозасидан киришди ва сўзамол қоровул уларни чоғроқ ҳовлидан олиб ўтиб, бино томон бошлади. Бироқ улар ҳар ўн-ўн беш қадамда шағал тўшалган йўлакда тўхтаб қолишар ва отаси билан қоровул ўртасида шундай савол-жавоб бўларди:

— Наҳотки! Бечора Мешқорин қазо қилдими?

— Ҳа, сэр, қазо қилди.

Улар тўхтаб қолишганда Стивен бетоқат бўлиб, гаплари қачон тугар экан, деб депсиниб турарди. Бироқ ҳовличадан ўтгунча улар шу алпозда узоқ судралишди, бундан унинг бетоқатлиги багтар ошиб, ғазаби келди. У ҳайрон бўларди, наҳотки, оқ-қорани балодай ажрата оладиган, ҳар кимга ҳам ишонавремайдиган отаси шу ялтоқи қоровулнинг тилбегламалигига алданиб ўтирса: эрталаб эшитганида завқи келган жануб шевасидаги аломат сўзлар ҳам энди унинг асабини кўзгай бошлаганди.

Улар анатомия театрига киришди, мистер Дедалус қоровул кўмагида исм-шарифининг бош ҳарфлари ўйиб ёзилган партани қидира бошлади. Стивен орқароқда, бу ердаги тушқин, ўлик сукунат ва биқик муҳит ҳавосидан кўнгли ғашланиб, зўрға оёғини судраб босарди. Парталардан бирида у сиёҳ сачраган тахтанинг бир неча жойига ўйиб ёзилган Foetus¹ сўзини ўқиди. Бу қутилмаган ёзувдан унинг аъзойи-бадани қизиб кетди: ёнида талабалар қараб тургандай туюлиб, ноқулай аҳволга тушиб ўзини уларнинг нигоҳидан панароққа олгиси келди. Отасининг ҳикояларини эшитиб, ҳеч тасаввур қила олмаган ўша ҳаёт манзаралари тўйкусдан партага ўйиб ёзилган шу сўз таъсирида кўз олдида пайдо бўлди. Чорпахил мўйловли талаба қаламтарошда ҳафсала билан ҳарфларни бири-кетин ўйиб ёзарди. Бошқа талабалар унинг ёнида тик туриб ёки ўтириб қараб, қаламтарош тагидан чиқаётган ҳарфларни қийқириб кулиб кузатишарди. Талабалардан бири унинг тирсагига туртди. Чорпахил талаба қовоғини уюб ўгирилиб қаради; унинг ёнида кенг бўзранг кўйлак, оёғида тўқ жигарранг ботинка бор эди.

Стивенни чақирди. У кўзига кўринган рўдан қочиб қутилмоқчидай, аудитория зинапояларидан югуриб пастга тушди ва бўғриқиб кетган юзини яшириш учун партага эгилиб, отасининг исм-фамилиясининг бош ҳарфларига қаради.

Бироқ ўша сўз ва унинг таъсирида пайдо бўлган рўё Стивен орқага қайтиб, ҳовлидан ўтиб коллеж дарвозасига томон бораётганда ҳам кўз ўнгида жимирлаб турарди. У шу кунгача ботинидаги жирканч бир иллатдай туюлган нарсанинг аллақандай аломатларига ҳаётда дуч келиб қолганидан тамом гарангсиз қолганди. Уни мудом таъкиб этиб юрган кўрқинчли шарпалар ҳаёлида қайта жонланди, шарпалар Стивеннинг ҳаёлига келган сўзлардан қутилмаганда важоҳатли тус олди. Гарчи улар қаердан — қабих арвоҳларнинг қай бир маконидан қайнаб чиқаяпти, деб ҳайрон қолаётган бўлса-да, Стивен тезда уларнинг таъсирига тушди ва ақл-ҳушини эгаллаб, кўнглига васваса солишига қўйиб берди. Шарпалар унинг вужудини тамом асир қилиб олгандан сўнг эса у ўзини буткул ожиз ва хўрлангандай ҳис этди, нима қиларини билмай бетоқат бўлди ва ўзидан-ўзи жирканиб кетди.

— Мана ўша дўкон! Худди шу! — қичқирди мистер Дедалус. — Мендан бу ҳақда кўп эшитгансан-а, тўғрими, Стивен? Бу дўконга бизлар бир тўда бўлиб тез-тез кириб турардик, ўша пайтлар бизларни ҳамма танирди.

¹ Уруғ, пушт (*лотинча*).

Гарри Пирд, кичкина Жек Маунтен, тагин Боб Дайес, яна француз Морис Мориарти, Том О'Грейд, Мик Лейси, мен сенга эрталаб у ҳақда гапириб бергандим, Жоун Корбет, бечора оққўнгил Жонни Киверс.

Мардаик кўчасидаги дарахтлар барги шитирлаб, қуёш нурида ялтиллаб шивирлайди. Уларнинг ёнидан крикет командаси ўйинчилари, спорт кийимида барваста ёш йигитлар ўтишди, биттаси дарвоза тўри солинган узун яшил қопни кўтариб олган. Бўм-бўш тор кўчада саёқ мусиқачи-немислар —ранги униқиб кетган ҳарбий мундирлардаги беш киши—эскириб қолган асбобларда ўзларини кўрғалаб олган болаларга, шу атрафдаги идораларнинг бекорчи югирдакларига куй чалиб бераётир. Бошига оқ рўмол танғиб олган фартукли оқсоч аёл қуёшда оқ мармардай ялтираб турган дераза раҳига қўйилган қутидаги гулларга сув қуяётир. Бошқа бир ланг очиқ деразадан роялнинг садоси таралади, мусиқа садолари тобора юқорилаб авжига чиқади.

Стивен отасининг ёнида, унинг ҳикояларини эшитиб бораётир. Отасининг йўқолиб, ўлиб кетган ҳамшишалари, ёшликдаги дўстларининг исмларини у олдин ҳам кўп эшитган эди. Унинг кўнгли айниб, юраги сиқила бошлади. У ўзининг Бальведерда кечирган беқарор аҳволи ҳақида ўйлади—стипендия оладиган, синфда энг аълочи, ўзининг обрўсидан чўчидиган, магрур, сал нарсага аразлаб қоладиган, ҳар нарсага шубҳаланадиган, турмушнинг нотавонлиги ва ўзининг тийиқсиз ўй-хаёлларидан зада ўқувчи. Сиёҳ чаплаган партага ўйилган ҳарфлар жимирлаб, унинг жисмонан кучсизлигини, бемаъни эҳтиросларини масхаралагандай ажи-бужи бўлиб кўз олдида ўйноқлар, ўзининг ўқувсиз ёввойи феъл-атворидан жирканишга мажбур этарди. Оғзидаги сўлаги захардай аччиқ туюлди, томоғига тикилди, кўнгли айниб боши гангиди ва у бир дақиқача кўзини юмиб, ҳатто ҳеч нимани кўрмай қадам ташлади.

Отасининг овози эса ёнгинасида эшитилиб турарди.

—Сен вояга етиб, одамлар қаторига қўшилганингда, Стивен, мен шундай бўлишига жудаям ишонаман, бир нарсани унутмагин: қандай ишнинг бошини ушлашингдан қатъи назар, доимо интизомли, инсофли одамлар билан бирга бўл. Ёшлик пайтимда мен, сенга очиғини айтиб қўя қолай, давримни сурганман, дўстларим ҳам ҳалол, олижаноб йигитлар эди. Ҳар қайсимиз қайсидир томондан устун эдик. Бировининг овози зўр бўлса, бошқа бировида артистлик қобилияти бор эди, кимдир бир банд шеърни қойил қилиб айтолса, кимдир эшкак тортишда тенги йўқ ёки теннис кортида биринчи эди, бошқаси латифани сув қилиб ичарди. Биз ҳамма нарсага қизиқардик, ҳаётдан кўнглимиз тусаган, қўлимиз етган ҳамма нарсани олардик, хуллас, ўз шавқу шаробимизда яшаганмиз, бироқ бундан бирор-бир инсоннинг кўнглига зиғирча оғирлик ботмаган. Чунки ҳаммамиз бирдай тартибли-интизомли йигитлар эдик, ҳалол ирландлар эдик, Стивен. Сен ҳам шундай — ҳалол, олижаноб йигитлар билан улфат бўлишингни хоҳлайман, ўғлим. Кўриб турибсан, мен сен билан худди дўстим билан гаплашгандай гаплашаман, Стивен, чунки ўғил бола ҳеч қачон отасидан ҳайиқиб, ўзини олиб қочиб юрмаслиги керак, деб ҳисоблайман. Шунинг учун, бобонг раҳматли сенинг ёшингда менга қандай муомала қилган бўлса, мен ҳам сенга шундай муомала қиламан. Бобонг билан икковимиз ота-боладан кўра кўпроқ ака-укага ўхшардик. Мени биринчи марта оғзимда трубка билан ушлагани ҳеч ёдимдан чиқмайди. Кечагидай эсимда, Саут-террасда ўзим тенги мишиқилар билан ғўддайишиб турибмиз, ўзимизни ғўё ботмон чоғлаймиз, тумшук осмонда, ҳаммамизнинг оғзимизда трубка. Бир пайт, бундоқ қарасам,

ёнгинамдан отам ўтиб бораяпти. Бир оғиз гапирмади, тўхтамади ҳам ҳатто. Эртаси куни якшанба эди, иккаламиз бирга айлангани чиқдик, бир пайт, уйга қайтаётганимизда, у чўнтагидан папирос қутисини чиқариб нима дейди де: “Ҳа, айтганча, Саймон, мен сенинг чекишингни билмас эканман”, дейди. Мен нимадир деган бўлиб минғирладим чоғи, у қутини менга чўзиб: “Яхши тамакига тобинг қалай, қани бу сигараниям синаб кўр-чи. Менга буни кеча кечқурун Куинстаунда америкалик бир капитан совға қилди”, дейди.

Стивен отасининг пиққиллаганини эшитди, бу кулгидан кўра хўрсиниққа ўхшаб кетарди.

— Ўша пайтда у Коркдаги йигитларнинг энг олди эди. Сенга бор гапни айтаяпман. Кўчадан юриб ўтса аёллар тўхтаб, орқасидан термилиб қараб қоларди.

Шу ерда отасининг товуши йиғидан бўғилиб қолди ва Стивен беихтиёр кўзларини катта очди. Бирдан кўзининг қорачиғига ёпирилиб кирган ёруғ нур ичида у ғаройиб сеҳрли оламни—қорамтир тусдаги осмонда бурқираб ётган паға-паға булутлар ва уларга сел бўлиб қуйилаётган тўқ қизил ёғдуни кўрди. Миясининг ичи лўқиллаб оғрир, боши танасига бўйсунмаеди. У дўконлар пештоқига илинган лавҳалардаги ҳарфларни зўрға фарқларди. Ўзининг ёввойи феъл-атвори боис, у ҳаётдан тамом бегоналашиб қолгандай эди. Атрофда рўй бераётган бирор-бир ҳодиса, агар унинг тушкун кайфиятига ҳамоҳанг бўлмаса, унга таъсир этмас ва уни ўзига жалб қилолмасди. На ёзнинг кўрк-тароватига, на шодлигу дўстликка кўнглида рағбат сезар, на тириклик шавқи ёки олдий исоний даъват унинг чиройини очар, отасининг овози эса асабини кўзгар ва эзгин руҳини баттар азобларди. У миясида кечаётган фикрларни зўрға идроклар ва ичида секин такрорларди:

“Мен—Стивен Дедалус. Отам билан бирга кетаяпман, унинг исм-шарифи Саймон Дедалус. Биз ҳозир Коркдамиз, Ирландиядамиз. Корк—бу шаҳар. Биз “Виктория” меҳмонхонасига тушдик. Виктория. Стивен. Саймон. Стивен. Виктория. Исмлар”.

Болалик хотиралари тўсатдан хира тортиди. У ёдида қолган ёруғ дақиқаларни эслашга уринди, бироқ эслай олмади. Хотирига фақат номларгина келди: Дэнти, Парнелл, Клейн, Клонгоус. Ушоқдай болакайни кекса аёл географияга ўқитарди, жавонда аёлнинг иккита чўткаси бўларди. Кейин уни коллежга жўнатишди. У биринчи марта илоҳий қовушиш маросимида қатнашди, крикет ўйнаганда киядиган қалпоғига яширган шоколадларни еди, касалхонанинг тор палатасида, деворда биланглаб ўйнаётган олов аксига термилди, хаёлида қандай ўлишини, ректорнинг ҳашамли либосда келиб, унинг дафн маросимида хизмат қилишини, жасадини эса бош арғувонзор хиёбон ортидаги чоғроққина қабристонга дафн этишларини тасаввур қилди. Бироқ ўшанда у ўлмади. Парнелл эса ўлди. На черковда ибодат, на дафн маросими бўлди. Парнелл ўлгани йўқ, балки куёшда тарқаган тумандай эриб кетди. У йўқолди, ё бўлмаса ҳаётни тарк этди, чунки энди у йўқ. Ғалати, тасаввурга сиғмайди—у ҳаётдан кетди-борди, ўлгани йўқ, куёшда эриб битди ё коинотнинг аллақерларида сарсон-саргардон кезиб юрибди! Кўзига бир сония кичкина болакай кўриниб кетгани ғалати бўлди: ана у, ўзи—бўзранг белбоғли камзулда. Қўллари ён чўнтақларига тикилган, чолварчаси тиззасидан пастдаги боғичлари билан айлантриб тортиб боғлаб қўйилган.

Ўша куни кечқурун, отасининг мол-мулки сотилиб бўлганидан кейин, Стивен унинг ортидан итоаткорона эргашиб, шаҳар бўйлаб майхоналарга кириб-чиқиб юрди. Мистер Дедалус бозордаги

савдогарларга, майхона хизматчиларига, овқат ташувчилар-у хайр-садақа сўраган гадоларга тап тортмай бир гапни қайта-қайта такрорлар: ўзининг Коркда туғилгани, асли таги корклик экани, ўттиз йилдан бери Дублинда яшаётганига қарамай жануб шеvasини унутиб қўймагани ва ёнидаги мана бу йигитча—тўнғич ўғли ғирт дублинлик такасалтанг экани ҳақида тинмай жаврар эди.

Эрталаб улар “Ньком” қаҳвахонасидан чиқишди, қаҳвахонада мистер Дедалуснинг қўли қалтираб, чашкаси ликопчага урилиб, қаттиқ жаранглаб кетди. Стивен стулни қимирлатиб, йўталиб, бу хижолатли аҳволни—кечаги ичкиликбозликнинг шармандали оқибатини сездирмасликка уринди. Хўрланишларнинг эса кети кўринмасди: мистер Дедалус ўзича меҳр кўрғазмоқчи бўлган бозордаги савдогарларнинг масхаралаб қилишлари, буфетчи хотинларнинг илжайишиб майна қилишлари-ю отасининг дўстлари бири қўйиб, бири олиб оғиз кўпиртириб мақташлари. Улар Стивенга сен худди қўйиб қўйгандай бобонга ўхшайсан дейишди, мистер Дедалус маъқуллади, ўхшашга ўхшайди-ю, фақат Стивен ундай чиройли эмас, деди. Улар узоқ тортишувдан сўнг мистер Дедалусни нутқидан корклик эканини билса бўлади, деган хулосага келишди ва уни Ли дарёси Лиффи¹ дарёсидан чиройли эканини тан олишга мажбур қилишди. Улардан бири Стивеннинг лотинчадан билимини синаб кўрмоқчи бўлиб, “Дилектус”дан² бир неча иборани таржима қил-чи, деб туриб олди ва: “Tempora mutantur nos et mutantur in illis” тўғрими ёки “Tempora mutantur et nos mutantur in illis”³ тўғрими, деб сўради. Мистер Дедалус Жонни Кэнмен деб чақирган бошқа бир эзма чол ундан қаернинг қизлари чиройли — Дублиннинг ё Коркнингми, деб сўрайвериb энсасини қотирди.

— Ҳой, у сен ўйлаганларданмас, — деди мистер Дедалус. — Тирғалавермасанг-чи унга. У жиддий, ақли бола, ҳеч қачон бундай бўлмағур нарсаларга бошини қотирмайди.

— Ҳа-а, бундай бўлса, демак, у отасининг ўғли эмас экан-да, — деди эзма қария.

— Бунисини бироқ мен билмадим, — деди мистер Дедалус ишшайиб.

— Сенинг отанг, — деди эзма чол Стивенга, — ёшлигида Коркдаги қизларни қийратарди. Сен буни билмасмидинг?

Стивен бошини қўйи солди, майхонанинг кафел ётқизилган ерига термилди.

— Улгирарсан ҳали унинг бошини қотиришга, — деди мистер Дедалус. — Қўй ўз ҳолига.

— Нега бошини қотирарканман? Бобоси тенги одам бўлсам. Ҳақиқатан ҳам мен бобо бўламан сенга, тўғрими, — деди қария Стивенга. — Сен шуни биласанми?

— Йўқ, — деди Стивен.

— Наҳотки, — деди эзма чол. — Сандз Уэллда иккита тойчоғим—неварам бор. Хўш? Сенингча, менинг ёшим нечада? Мен сенинг бобонгни яхши эслайман, қизил камзул кийиб, тулки овлашга чиқарди. У пайглари сен ҳали дунёга келмаган эдинг.

— Унинг дунёга келиши ҳеч кимнинг хаёлида ҳам йўқ эди, — деди мистер Дедалус.

¹ Ли—Коркдан оқиб ўтадиган дарё. Ли и ф ф и—Дублиндан оқиб ўтадиган дарё.

² “Д и л е к т у с”— лотинча ҳикматли сўзлар тўплами.

³ “Вақт ўзгаради ва биз ҳам у билан бирга ўзгариb борамиз” (лотинча). Биринчиси тўғри.

— Бўлмасам-чи! — маъқуллади эзма чол.

— Биласанми, мен ҳатто сенинг бобонгнинг отасини, Жон Стивен Дедалусниям танирдим. Ашаддий дуэлчи эди-да ўзиям! Хўш! Хотира қалай?

— Гапингга қараганда уч, йўқ, тўрт авлодни биларкансан, — деди суҳбатдошлардан бири. — Ҳадемай, Жонни Кэшмен, нақд юзни ураркансан.

— Мен сизларга ёшим нечадалигини айтаман, — деди эзма чол. — Мен ропа-роса йигирма еттидаман.

— Тўғри, Жонни, — деди мистер Дедалус. — Ўзингни тетик ҳис этаётган бўлсанг, демак, ҳали ёшсан-да. Қани, олдикми, тагида қолганини тинчитайлик, кейин бошқасини очамиз. Ҳой бола! Тим, Том, исминг нимади сенинг, шунақасидан яна бир шиша келтир. Гапнинг рости, ўн саккиздаман гўё, менга шундай туюлади, шу ўғлим мендан икки карра ёш, хўш, шундай бўлгандан сўнг у менинг олдимга туша олармиди!

— Унга тан беришинг, Дедалус, ҳарқалай, қийин бўлмайди сенга, — деди ҳалигина гапга қўшилган киши.

— Йўқ, йўқ, жин урсин! — қичқирди мистер Дедалус. — Мен ашуланинг авжини ундан яхши айтаман, овдаям олдимга тушишга йўл бўлсин унга, мен билан тулки тутишга юраги бетлармикан, эҳе, ўттиз йил бурун, керрилик¹ болалар билан овлардик-да тулкини! Улар овнинг маънисига боришарди, маънисига!

— Бироқ у сени мана бу билан енгади, мана бу билан, — деди эзма чол бармоғини манглайига нуқиб ва бир кўтаришда қадахни бўшатди.

— Ҳа, уям отасидай оқибатли инсон бўлади, деб умид қиламиз, бундан ортиқ нима ҳам дердик, — жавоб қилди мистер Дедалус.

— Бундан ортиқ тилак бўладими, ахир, — деди эзма чол.

— Худога шукр қилайлик, Жонни — деди мистер Дедалус, — кўп яшадик, бироқ ёмонликни кам қилдик.

— Аксинча, хайрли ишларни кўп қилдик, Саймон, — гурурланиб қўшиб қўйди эзма чол. — Ўзингга шукр яратган эгам, умримизга умр қўшганинга, эзгу ишларни бисёр раво кўрганинга қуллуқ.

Стивен учала қадахнинг қандай кўтарилганига қаради, отаси ва унинг икки кекса ошнаси ўзларининг ёшлиги учун ичишди. Тақдир ё феъл-авторданми, ишқилиб, алақандай жарлик Стивенни улардан бездирарди. Назарида, унинг ақли қаҳру ғазабга мойил ва қартайгандай туюларди: у худди ер тепасидаги тафтсиз ойдай, гуруглашаётганларнинг баҳслари, қувонч ва андуҳлари устида, совуқ нур таратиб турарди. Вужудида бир пайтлар отаси ва унинг ошналари ҳис этаётган ҳаёт ва ёшлик шавқини ҳис этмасди. Дўстона гурунлар қувончи, эркак кишига хос метиндай соғлиқ ва фарзандлик туйғуси унга бегона эди. Унинг қалбида совуқ, қаҳрли ва меҳрдан холи майллардан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Унинг болалиги барҳам топган ёки ғойиб бўлган, у билан бирга оддий қувончларга мойил кўнгли ҳам ҳамма нарсадан безиган ва ҳаётда гўё осмондаги сўник ой гардишидай, саргардон кезиб юрарди.

Толмадингими кўкда, ой? Рангинг синиқ, бенаво.
Фалак тоқидан ерга қарайсан ғамгин, маъюс.
Сайр этасан, танҳо...²

¹ Керри графлиги Ирландиянинг жануби-ғарбида жойлашган. Питер Финли Даннинг "Мистер Дули тиңчлик пайтида ва урушда" (1898) номи романи орқали керрилик болакай машҳур бўлиб кетган. Романда енгилтак маишатпарастнинг образи берилган.

² *Перси Биши Шеллинг* "Ойга" (1820) шеърдан.

У ичида Шеллининг сатрларини такрорлади. Инсонга хос норасоликни одам боласига насиб этмайдиган олиймақом қудратга қарши қўйгани уни ҳушига келтирди ва у ўзининг шахсий, ночор ва арзимас ғам-андухларини унутди.

* * *

Стивеннинг онаси, укаси ва амакиваччаларидан бири кимсасиз Фостер-плейснинг бурчагида кутиб турадиган бўлишди, Стивен эса отаси билан зиналардан кўтарилишди ва соқчи-шотланд бориб-келиб юриб турган устунлар ёнидан юриб кетишди. Улар ҳайҳотдай залга киришиб, кассанинг дарчасига яқинлашганда Стивен чўнтагидан Ирландия банки директори номига ёзилган — биттаси ўттиз, иккинчиси уч фунтли чекларини чиқарди. Кассир чекларга берилдиган суммани, унинг стипендияси ва ёзма ишига берилган мукофот — ҳаммасини қўшиб, муомалада пул ўрнида юрадиган банкнотлар ва жаранглаган танга билан ҳисоблаб санаб узатди. Стивен хотиржамлик билан уларни бўлиб-бўлиб чўнтақларига жойлади ва отаси билан гаплаша туриб уни қутламоқчи, келажаги порлоқ бўлишини тиламоқчи бўлаётган очиқкўнгил кассирга энли тўсиқ устидан итоаткорона қўл узатди. Уларнинг овози Стивеннинг ғашини кўзгади ва у бетоқат бўлиб, типирчилай бошлади. Бироқ кассир, бошқаларни куттириб қўйиб, замон ўзгариб бораётгани, ҳозир энг муҳими, агар чўнтак кўтарса, албатта, фазандни яхшилаб ўқитиш кераклигини жаврай кетди. Мистер Дедалус шошилмасди, бир атрофга аланглар, бир шипга қарар, тоқатсизланаётган Стивенга ҳозир улар эски ирланд парламентининг¹ биносида туришганини, жамоа палатаси шу ерда бўлганини ўқтирарди.

— Ажаб замонлар эди-да! — деди мистер Дедалус оғзидан бол томиб, — у даврнинг одамлари бошқача эди — Хили-Хатчинсон, Флуд, Генри Граттен, Чарльз Кендл Буш². Ҳозирги зодагонман деганлардан ўргилдим, нуқул тимирскиланишди! Шулар-да энди ирланд халқининг доҳийлари! Биласанми Стивен, бу бойваччаларни ҳатто қабристондаям ҳақиқий ирландлар билан ёнма-ён ётишини тасаввур қилиб бўлмайди. Эҳ, жигарим, Стивен, бу, биласанми, ҳалиги бир қўшиқда айтади-ку: “Саратонда кўклам ҳавоси” деб, шунинг ўзгинаси.

Банк теварагида октябрнинг изғиринли шамоли изғийди. Улар лой йўлакнинг четида туришибди, уччаласининг ҳам юзлари совуқдан кўкариб кетган, кўзлари ёшланади. Стивен онасининг енгил кийинганини сезди ва бир неча кун олдин Бернардо магазини витринасида йигирма гинейя турадиган елкага ташланадиган аёллар камзулини кўрганини эслади.

— Хўш, пулниям олдик, — деди мистер Дедалус.

— Энди овқатлангани борсак ёмон бўлмасди, — деди Стивен. — Қаерга борсак экан!

— Овқатланамизми? — деди мистер Дедалус. — Маъкул бу, ҳар қалай, яхши таклиф.

— Арзонроқ жойга кирақолайлик, — деди миссис Дедалус.

— Камбағалбоп жойга-я?

— Ҳа, бирор оддийроқ ошхонага.

¹“Иттифоқ тўғрисидаги ҳужжат” (1801) туфайли Ирландиянинг озод парламенти йўқ қилинган, парламент биноси эса 1802 йили Ирландия банкига сотилган эди.

²Ирландия мустақиллиги учун курашган, эркин савдо ва сиёсий ислохотларни талаб қилиб чиққан таниқли ирланд давлат арбоблари, иқтисодчи ва ҳуқуқшунослари.

— Кетдик, — деди Стивен тоқатсизланиб. — Қимматми, арзонми — нима фарқи бор.

Стивен уларнинг олдига тушиб, майда нотекис қадам ташлаб, жилмайиб борарди. Улар ортда қолиб кетмаслик учун қадамларини тезлатишди ва унинг қичаб юраётганига кулимсирашди.

— Ҳовлиқмасанг-чи, — деди отаси. — Ёв қуваяптими, кап-катта йигитга ярашмайди бундай шошқолоқлик. Совгадан қуруқ қолаяпмизми бунча югуриб!

Улар бўлар-бўлмас кўнгилхўшликларга пул сарфлаб юриб куннинг қандай ўтганини сезишмади, Стивеннинг кўлидаги мукофот пули ҳаш-паш дегунча тугаб битди. Шаҳардан уйга турли-туман ширинликлар, конфету қуритилган мева-чевалар солинган катта қутиларни кўтариб келишди. Ҳар куни Стивен оила учун тайёрланадиган таомлар рўйхатини тузар, кечқурунлари улар уч ёки тўрт киши бўлиб, “Ингомара” ё “Лионлик нозанин”ни томоша қилгани театрға отланишарди. Унинг калта камзулининг чўнтагида улфатларга аталган вена шоколади бўлар, шимининг чўнтагида эса бир сиқим кумуш ва мис тангалар шақирларди. У ҳаммага совға харид қилар, ўзининг хонасини қайта бошдан безашга киришиб кетар, алпақандай лойиҳалар устида бош қотирар, жавондаги китобларнинг жойини алмаштирар, нарх-наволар ёзилган маълумотномаларни ўрганар, оиланинг ҳар бир аъзосига аниқ вазифа юкланадиган янгича қатъи тартиб-қоида ўрнатмоқчи бўларди. Уйдагилар учун фоиз эвазига қарз берадиган касса очди ва фақат квитанция ёзиш-у тушадиган фоизни ҳисоблашнинг завқига берилиб, ёрдам сўраганларга қарз улаша бошлади. Бу машғулотлар жонига теккач, у оёғига коньки танғиб олиб, шаҳар бўйлаб санғиди. Охир-оқибат барча эрмакларидан безди. Қирмизи сир бўёқ тунука қутида қотганча қолди, деворға қопланган тахта бўялмади, чала-чулпа урилган сувоқ эса кўчиб туша бошлади.

Оила одатдаги турмуш тарзига тушиб олди. Онаси энди уни исрофгарчиликка йўл қўйгани учун койимасди. Ўзи ҳам бурунги, мактабда пайтидаги ҳаёт йўсинига қайтди, ўрнатган янгиликлари эса барбод бўлди, республикаси қулади. Қарз берадиган кассаси жуда катта камомад билан ёпилди. Узи учун тузган яшаш тартиб қоидаси ўз-ўзидан бузилиб кетди.

Нақадар бемаъни ҳаракатлар эди бу! У теварагидаги ҳаётнинг бўтана оқимига қарши тартиб ва файзу тароват тўғонини тикламоқчи, ахлоқ қоидалари ҳамда фойдали машғулотлар кўмагида янгича оилавий муносабатларни жорий этиб, вужудидаги безовта туғённи босмоқчи бўлди. Бари бекор кетди. Бўтана оқим ҳам сиртдан, ҳам ичдан тўсиқни бузиб бостириб кирди: фарқ бўлган тўғон устида ҳар икки оқим шиддат билан тўкнашди.

У энди бу ҳаётга ўзининг тамом бегоналигига ҳам ақли етиб турарди. Туғишганларига ҳам олдингидай бемалол ёндашиб боролмайдиган бўлиб қолди, хижолатга солган бўлар-бўлмас ишларини, ортирган беҳуда ташвишларини ёдидан чиқаролмас, бу қилғиликлари уни онаси, укаси ва сингилларига бегонасирашиб қўйган эди. Ўзининг улар билан қондошлигини ҳис этмас, назарида алпақандай сир уларни боғлаб тургандай, гўё бу оилага ўзи асранди фарзанд, укаси, сингиллари эса шунчаки бир кўкракдан сут эмишган-у, аслида бегоналардай эди.

У яна вужудини қийноққа солаётган ташналикни қондиришга уринди. Бу ташналик олдида кўзига ҳеч нарса кўринмас, оғир гуноҳға ботгани-ю, ҳаёти ёлғон-яшиқ ваз-қарсонларга қоришиб кетаётгани уни ортиқ безовта қилмасди. Жонини азоблаётган-жирканч хоҳиш

йўлдан озишга ундар, унинг учун бирор-бир азиз нарса қолмаганди. У лоқайдлик билан тийиқсиз ўй-хаёлларига эрк бериб, кўзи тушган ҳар қандай қиёфани тасаввурида жонлантириб, шаҳвоний майлга пинҳона ружу кўярди. Қаршисидан чиқиб қолган нотаниш аёл, гарчи кундуз кун унга нечоғли бокира гуюлмасин, оқшомлари босиринқи тушларида бетлари ловиллаб, кўзлари ҳайвоний ҳирс билан ёниб кўринарди. Фақат эрталаб, ўрнидан тургач, тўшакда хаёлидан кечирганларини эслаб безовталанар, тобора гуноҳга ботиб бораётганидан ич-ичидан эзиларди.

Унинг боши тагин уйга сифмай қолди. Туманли куз оқшомлари, худди бир неча йил бурун Блэкрокнинг сокин кўчаларини кезишга жазм этгандай уни яна тор кўчаларда сағишга ундарди. Бироқ энди на уйлар олдидаги бир текис қилиб буталган боғчаю гулзорлар ва на деразалардан ёғилиб турган нурафшон ёғдулар унинг юрагига илиқлик олиб кирарди. Фақат ора-сирала, кўнгли хотиржам тортиб, хоҳиш тугилган дамларда ва тинкасини қуритган шаҳват ўрнини ҳузурли чарчоқ эгаллаганда хотирасининг туб-тубидан Мерседес қиёфаси қалқиб чиқиб келарди. Яна тоғ йўлидаги кичкина оқ уйда ва барқ уриб очилиб ётган агиргулларга тўла боғчани кўрди ва ойнинг кумуш нурларига чўмилиб ётган боғчада қиз билан, шунча йилларга чўзилган айрилиқ ва сарсон-саргардонликдан сўнг, кўл ушлашиб турганини, ғамгин қиёфада, бироқ ўзини мағрур тутиб, бошини сермаб қизга рад жавобини қилганини ва айтиши лозим бўлган ўша гапни айтганини эслади. Шу дақиқаларда хаёлида Клод Мильнотнинг¹ сокин нутқи жаранлагандай бўлиб, юрагидаги ғашликка таскин берди. У бир пайтлар интизор бўлиб кутган тотли учрашув хаёли, гарчи ўша вақтлардаги орзу-умидлари билан феъл-атворидаги қатъиятсизлик, тортинчоқлик ва тажрибасизликка бир зумдаёқ барҳам берадиган ҳақиқий, ҳузур-ҳаловатли висол иштиёқи ўртасида шафқатсиз борлиқ тубсиз жардай бўлиб ётганига қарамай, унинг қалбини мунаввар туйғуларга тўлдирди.

Бу тотли лаҳзалар ўтиб, ўча бошлаган шаҳват алангаси яна вужудини жунбушга келтира бошлади. Шеър сатрлари унинг лабларида қотди, ёввойи ҳайқириқ ва беандиша сўзлар миясида чарх уриб, отилиб чиқишга шай эди. Томирларида қон гупирарди. У шилтаси чиқиб кетган кўчада изгир, тор кўчаларнинг қоронғу бурчақларига, дарвозаларга суқланиб қарар, тик этган товушга кулогини динг қиларди. У худди ўлжасининг изини йўқотиб қўйган йиртқичдай увлади. У ўзига ўхшаган маҳлуқ билан айб ишга бош қўшиш, уни гуноҳ қилишга мажбурлаш ва у билан гуноҳга ботиб роҳатланишни кўмсарди. У зимистон қаъридан аллақандай қора нарса шиддат билан ўзи томон, худди тутқич бермайдиган ва вишиллаган асов селдай бостириб келаётганини ҳис қилди ва бу оқим уни тамом фарқ этгудай эди. Бу ваҳимали вишир-вишир босиринқи тушдаги каби кўпириб-тошиб кулоқларига урилди, кўз илғамас узун томчилар аъзойи-баданини илматешик қилиб ўтгандай бўлди. Бу чидаб бўлмас оғриқ азобидан бармоқлари титраб-қақшаб мушт бўлиб тугилди, тишлари бир-бирига қанишиб кетди. Кўчада туриб аллақандай нозик, силлиқ ва мафтункор бир нимани тутиб қолмоқчи бўлиб кўлларини узатди, ва аллақачондан бери бўғзида тутиб турган чинқириқ лабларидан отилиб чиқди. Чинқириқ мисоли бадбахт гуноҳкорларнинг жаҳаннамдаги оху нолаларидай фиғонли чиқди ва аччиқ, йиғламсираган ҳирқироқли илтижога айланиб ўчди, бу айни ҳожатхонанинг зах торган деворида у кўрган уятсиз ёзувнинг аянчли акс-садоси эди.

¹ Булвер-Литтоннинг «Лионлик нозанин» пьесаси қаҳрамони.

Бир маҳал у боши айланиб тор, ифлос кўчаларга кириб қолди. Бадбўй жинкўчалардан унинг қулоғига шовқин, маст-алас бақирик-чақириклар, сўкинишлар, ҳирқираган ширакайф товушлар эшитилди. Буларнинг унга таъсири кам эди, у қаерга келиб қолдим, бу яҳудийлар квартали эмасми, деб ҳайрон бўлиб турарди. Узун ялтироқ қўйлақлар кийиб, атир-упага беланиб олган хотинлар ва ёш қизлар кўчани кесиб ўтишиб, у уйдан бу уйга кириб-чиқиб юришарди. Уни қалтироқ босиб, кўз олди қоронғулашди. Туман босган нигоҳида, булутли ҳаво қоронғусида фонусларнинг сарғиш қўзоғи меҳроб пештоқига ёқиб қўйилган шамлардай йилтиллаб кўринди. Эшиклар олдида ва ёруғ айвончаларда хотинлар, аллақандай маросимга шайланаётгандай, тўда-тўда бўлиб туришарди. У бутунлай бошқа дунёга тушиб қолди: гўё минг йиллик уйқудан уйғонди.

У кўчанинг ўртасида турар, юраги кўкрагини ёриб чиққудай гурсиллаб урарди. Қизил қўйлакли ёшгина аёл қўлини унинг елкасига қўйди ва кўзларига тик қаради.

— Хайрли шом, ёқимтой Вилли! — деди жувон қувноқ оҳангда.

Унинг хонаси иссиқ ва ёруғ эди. Каттакон қўғирчоқ оёқларини кериб, каравот олдидаги оромкурсида ўтирибди. Стивен жувон қўйлагини қандай ечаётганига қаради, атир уфурган бошининг мағрур, қатъиятли ҳаракатини кўрди, ўзини бамайлихотир кўрсатиш илинжида биргина сўз айтишга ўзини мажбурлашга уринди.

Ва шу зайл миқ этмай хонанинг ўртасида қаққайиб турганида жувон яқинига келди ва уни кучоқлади — шодон ва хотиржам кучоқлади. Жувоннинг лўппи қўллари уни қаттиқ кучди ва унинг ортга энгашган жиддий, хотиржам юзини кўриб, кўкрагининг сокин ва бир текис кўтарилиб тушаётганини ҳис этиб, Стивеннинг жазавала ўкириб йиғлаб юборишига сал қолди. Унинг маҳдиё бўлган кўзларида севинч ва ором ёшлари балқиди, гарчи бир сўз айтмаган эса-да, лаблари очилди.

Жувон балдоқлари жиринглаган қўли билан унинг сочларини силади ва уни шумтака, деб атади.

— Ўп мени, — деди жувон.

Унинг лаблари қимир этмади, жувонни ўпмади. Жувон ўзини яна қаттиқроқ кучиб туришини ва оҳиста-оҳиста эркалашини хоҳларди у. Жувоннинг кучоғида у ўзини фавқулудда кучли, ботир ва қатъиятли ҳис этди. Бироқ унинг лаблари қимир этмади, жувонни ўпмади.

Бехос ҳаракат билан жувон унинг бошини эгди ва ўзининг лабларини унинг лабларига босди, Стивен жувоннинг ўзига ошкора тикилиб қараган кўзларидан ҳаракатининг маъносини уқди. Бу энди унинг имконидан ташқарида эди. У кўзларини юмди, жону танини аёлга топшириб, унинг юмшоқ хиёл очиқ лабларидан ўзга дунёдаги ҳамма нарсани унутди. Ўпаётиб, жувоннинг лудоқлари унинг лабларигагина эмас, ақлу хушига ҳам таъсир этди, гўё унга нимадир айтмоқчи бўлди ва туйқусдан, лаҳза ичида, у ҳеч қачон ҳис этмаган, энг мудҳиш гуноҳдан-да оғир, ҳид ёки товушдан майин ва маъсум алоқани туйди.

УЧИНЧИ БОБ

Қайғули кун ўтиб, декабрнинг тез коршом қоронғуси, аланг-биланг масхарабоздай, бир зумдаёқ ерни қошлади, у синф хонасида деразанинг тўртбурчак хира ойнасига термулиб ўтириб, қорни овқат талаб қилиб таталаётганини ҳис қилди. У кечки таомга сабзи, шолғом солинган ва аччиқ мурч сепилган унли қайла устига картошка

қайласи ва ёғли кўй гўшти бостириб солинган қовурдоқ бўлар, деб умидланди. Буларнинг барини жойла, дерди гўё қорни кутқи солиб.

Оқшом қоп-қоронғи бўлади, зим-зиё тун. Бироз қоронғи тушини билан исқирт маҳалладаги исловатхоналарнинг у ер-бу ерида сарғиш фонуслар милтиллаб ёнади. У тор кўчаларда санқийди, ўша тарафга интилиб бораверади, оёқлари ўша қоронғи бурумга бошлаб олиб кириб кетмагунча ҳаяжон ва кўрқувдан қалтирайди. Айни пайт фоҳишалар ҳам кундузги уйқудан туришиб, эснашиб, сочларидаги тўғнағичларни тузатишиб, тунги учрашувларга чоғлангани кўчага чиқишади. У хотинларнинг фавқулудда имо-ишора қилиб қолишларидан ёки гуноҳга кўникиб қолган юрагини ўртайдиган атир ҳиди анқиган бирор-бир момик баданнинг чорловидан умидвор бўлиб, уларнинг олдидан хотиржам юриб ўтади. Ва бу чорловни у сергак кутаркан, тийиқсиз майлларига эрк бергани оқибатида заифлашиб қолган ҳис-туйғуларини ерга уриб, нафсониятини топтаётган нарсаларга беҳад диққат бўлиб эътибор қилади: кўзлари — яланғоч столга тўкилган пивонинг ҳалқа-ҳалқа кўпикларига, ҳарбийчасига ғўдайиб турган икки аскарнинг суратига, тумтароқ афишага тушади; кулоқлари — бақириб-чақирган, қийқириб ҳол сўрашишган товушларни эшитади.

— Хелло, Берти, хўш, нима билан хурсанд қиласан, азизим?

— Ҳа, сенмисан, дўндиқча?

— Унинг номерга кир, жажжи Нелли кўзлари тешилиб кутаяпти.

— Бу оқшом бир яйрай депсан-да, а, йигитча?

Унинг дафтаридаги тенглама, даражаларни билдирадиган кўзча ва юлдузчали белгилар билан товуснинг серҳашам думидай ёйилиб тарвақайлаб кетди; даражаларнинг кўзчалари ва юлдузчалар ўзаро чоғиштирилиб қисқартирилгач, дум аста-секин ихчамлаша бошлади. Даражалар худди бир очилиб, бир юмилиб турган кўзчалардек пайдо бўлиб ва йўқ бўлиб турар, кўзчалар ёниб-ўчиб турган юлдузчалардай очилар ва юмиларди. Юлдузли ҳаётнинг улкан гирдобини унинг толиққан ақл-хушини бир четга суриб кетар ва яна ҳаял ўтмай ортга қайтариб олиб келар ва узоқдан элас-элас эшитилаётган муסיқа садоси бу ҳаракатга жўр бўларди. Бу қандай муסיқа бўлди экан? Куй оҳанги яқинроқдан эшитила бошлади ва у Шеллининг қоронғу осмонда танҳо кезиб юрган, толиқиб ранги синиққан ойга бағишланган мисраларини эслади. Юлдузлар уваланиб кета бошлади ва юлдузлар чангининг юпқа пардаси коинот қаърига сингиб кетди.

Бошқа бир тенглама ёйилиб, секин дум чиқара бошлаганда варақдаги ёруғ нур хира тортди. Бу унинг томир ёйиб, гуноҳларга ботиб, ёниқ юлдузлардай учқун сачратиб ва яна йиғилиб, оҳиста сўниб, ўзининг оташ-алангасини ўчириб — шу зайил ҳаёт йўлига тушаётган қалби, руҳияти эди. Унинг юрагини ўртаган оташ-алангалар ўчиб-битди ва бўшаб қолган совуқ зим-зиё қалбини лоқайд мубҳамлик эгаллади.

Унинг борлигини совуқ сергак бефарқлик эгаллаб олди. Биринчи марта гуноҳга йўл қўйганидан қаттиқ изтиробга тушганида юрагининг туб-тубидан вулқондай қайнаб-тошиб келган ғазаб ва нафрат оташин танини ё бўлмаса руҳини куйдириб, бир умрга мажруҳ қилиб кўядигандай туюлиб, қаттиқ кўрққанди. Бироқ ҳаёт тўлқини уни гоҳ фарқ қилиб, гоҳ пасайиб-тушиб аста-секин ўзига келтирди. Бу талотўмдан унинг тани, руҳи омон қолди ва улар ўртасида сўзсиз-сўроқсиз битим—мураса пайдо бўлди. Юрагидаги беҳаловат туйғуларга барҳам берган мубҳамлик бир қадар бефарқ бўлиб, совуққонлик билан ўзини-ўзи англашга айланди. У бир эмас, бир неча марта оғир гуноҳга қўл урган эди ва биринчи қилган гуноҳининг ўзи учун абадий лаънатга қолиши тайинлигини

билар, кейингилари эса тортажак азобларига яна азоб қўшарди, холос. Ўтаётган кунлар, машғулотлар ва азобли ўйлар энди унинг гуноҳларини енгиллатмас — об-ҳаёт булоғининг хузурбахш суви энди унинг қашшоқ руҳига, руҳий ташналикдан қақраган вужудига тириклик шавқини бағишламас эди. Энди у гадоиларга садақа берганида бир зум тўхтаб, уларнинг дуоларини эшитиб ўтирмас, бурилиб кетиб қолар ва ҳорғин хаёл суриб, балки шундай қилсам озгина бўлса-да савоб оларман, деб умидланарди. Художўйликни бутунлай тарк этганди. Қилган оғир гуноҳлари учун дўзах оловида ёнадиган бўлганидан кейин тоат-ибодатдан нима фойда? Гарчи уйқусида ҳам жонини олиш ва дўзах оловига ташлаш Яратганнинг иродасига боғлиқ эканини, бундай пайтда ҳатто раҳм-шафқат тилашга ҳам улгура олмай қолишини билса-да, юрагидаги кибр ва азбаройи ихлос билан кўрқиши унинг оғиз очиб дуо ўқишига монелик қиларди. Ўзининг гуноҳларини кибр билан тан олиши ва кўнглидаги Яратганга муҳаббатдан холи кўрқув қўл урган жинояти беҳад катталигини, ҳамма нарсадан огоҳ ва ҳамма нарсани билгувчи зотга мунофиқларча тавба-тазарру қилган билан гуноҳлардан халос бўлишининг иложи йўқлигини мудом уқтириб турарди.

— Биласизми, Эннис, сизнинг елкангиздаги бу калла эмас, шунчаки ошқовоқ, деса ҳам бўлаверади. Сизга нима бўлди ўзи — наҳотки иррационал миқдор нималигини билмасангиз?

Бетайин жавобдан синфдошларига нисбатан унинг кўнглида гимирлаган беписандлик багтар кучайди. Энди у бошқалар олдида уялиб-нетиб ўтирмас эди. Яқшанба кунлари эрталаб, черков ёнидан ўтаётган, ибодат қилаётганларга беларво қараб кўярди; одамлар тўрттадан тизилишиб, бошларини эгишиб, черковнинг эшиги олдида итоаткор туришар, ичкаридаги ибодатни кўрмаётган ва эшитмаётган бўлишса-да, ўзларини маросимда иштирок этаётгандай тутишарди. Уларнинг маънос ҳудожўй қиёфалари ва сочларига суртишган арзон мойнинг кўнгилини айнигадиган ҳиди бу муқаддас жойдан унинг ихлосини қайтарарди. У ҳам бошқалар қатори риёкорликка йўл кўяр, бироқ авомнинг соддадиллигига, шундай осонгина алданишига мутлақо ишонмасди.

Унинг ётадиган хонаси деворида унга коллеждаги Биби Марям бирлиги жамоасининг префекти¹ унвони берилгани ҳақидаги четлари нақш билан безатилган ёрлик осиелик турарди. Шанба кунлари, жамоа аъзолари ибодат хизматини ўташ учун черковга йиғилишганда, у меҳробдан ўнг томондаги фахрли жойни эгаллар, мато қопланган кичкина ўриндиққа тиззасини букиб ўтириб, маросим пайти хорнинг ўзига тегишли қанотини бошқарарди. Бу сохта ҳолат унинг виждонини қийнамас эди. Баъзи дақиқаларда унинг фахрли ўриндан сакраб туриб, ҳамманинг олдида риёкорлиги учун тавба-тарарру қилиб, черковни ташлаб чиқиб кетгиси келар, бироқ теварагидаги одамларнинг юзларига бир қарашнинг ўзи қалбидаги бу ғалаённи босиш учун етарли бўларди. Оятлардаги образли башоратлар унинг нафсиз ғурурига ўзгача зеб берарди. Марямни шарафловчи баландпарвоз ҳамду санолар: хушбўй нардин, миро ва ладан — Биби Марямнинг илоҳий насл-насаби белгилари, кеч гуллайдиган дарахт ва кеч очилган гул — асрлар оша унинг улуғворлигини одамлар онгига сингдириб келган тимсоллар Стивеннинг қалбини асир этарди. Ва ибодат якунида Муқаддас битикни ўқиш навбати унга етганда, Стивен бўғиқ овозда, сўзлар оҳанги билан виждонини юпатиб, аллалаётгандай бир маромда ўқий бошларди:

¹ Англия ва Ирландиядаги айрим имтиёзли ўқув юртларида етакчи ўқувчи, синф сардори.

“Quasi cedrus exaltata sum in Libanon et quasi cupressus in monte Sion. Quasi palma exaltata sum in Gades et quasi piantatio rosae in Jericho. Quasi uliva speciosa in campis et quasi plaranus exaltata sum juxta aquam in plateis. Sicut cinnamomum et balsamum aromatisans odorem dedi et quasi myrrha elesta dedi suavitatem odoris”¹.

Илоҳий сиймонинг ундан юз ўтиришига сабаб бўлган гуноҳ уни беихтиёр жами гуноҳкорлар ғамхўрига яқин қилиб қўйди². Биби Марямнинг кўзлари унга меҳр билан ювош қараб тургандай туюлар, нозиккина жуссасини чулғаган илоҳий ёғду нажот истаб ўзи томон талпинган гуноҳкорларни ҳечам таҳқирламасди. Агар қачондир унинг юрагида: энди ҳеч қачон гуноҳга қўл урмайман, тавба қиламан, деган холис хоҳиш уйғонган бўлса, бу шубҳасиз, ўзини Биби Марям хизматига бағишлаш истагидан эди. Агар қачондир унинг руҳи, танини жунбишга келтирган беҳаловат майллар босилгач, уят ва алам билан ўз даргоҳига қайтиб ва унга томон — тимсоли “кўк тоқидаги ёрқин, оҳанрабо, само сирларидан огоҳ этиб, оламга осойишталик бағишловчи”³ тонг юдузига талпинган бўлса, бундай лаҳзаларда Биби Марямнинг исми, ҳали бемаъни ва уят сўзлар ва танигагина роҳат бағишлаган беандиша ўпичлар таъми аримаган лабларидан чиқар эди.

Бу, чиндан ғалати эди. Бундай ҳолатлар қандай юз беришини у ўзича тушунишга уринди. Бироқ синф хонасини қоплаган ғира-шира қоронғулик унинг фикрларини ҳам чулғади. Кўнғироқ чалинди. Ўқитувчи топшириқ бериб, чиқиб кетди. Стивеннинг ёнида ўтирган Курон сохта оҳангда хиргойи қилди:

Менинг дўстим, гўзал Бомбадос⁴.

Ташқарига чиқиб кетган Эннис, синфга кириб, янгиликни хабар қилди:

— Хизматкор келди, ректорни сўраб.

Стивеннинг орқасидаги бўйчан ўқувчи қўлларини бир-бирига ишқаб, деди:

— Яшасин! Энди бир соат мазза қилиб лақиллашса бўлади. Соат икки яримгача қайтиб келмайди. Кейин сен унга катехизисдан⁵ савол бериб, гапни айлантрасан, хўпми Дедалус.

Стивен кифтини партанинг суянчигига ташлаб, ястаниб, қўлидаги қаламни дафтар устида паришонхотир югизиб ўтирганча, сафсаталарга қулоқ солар, тутруқсиз гап-сўзларни Куроннинг ора-сира қичқирган овози бўлиб турарди:

— Секинроқ гапирсанглар-чи! Шунақаям шовқин кўтарасизларми!

Черковнинг қатъи ақидаларининг туб илдизларига, сирли томонларига назар ташлаш ва ўзининг ана шу қоидаларга кўра қораланганини эшитиш, бунга чуқур ҳис этишга бўлган иштиёқи кўнглига аллақандай қайғуга қоришган севинч улашиши ҳам Стивенга жуда ғалати туюларди. Авлиё Яъқубнинг битта муқаддас ўғитга зид иш қилган киши барча ўғитларни бузган, муқаддас ўғитларнинг ҳаммасига қарши гуноҳ қилган бўлади, деган ҳикмати унга,

¹“Мен юксалдим, мисоли Ливандаги қарағайдай ва Ермон тоғларидаги сарв янглиғ, Енгад хурмоси ва Иерихон атиргулининг бутуғидай кўкка бўй чўзим. Мен, водийдаги гўзал зайтундай ва чинордай қад ростладим. Мисоли долчин ва аспалаф сингари оламга атримни ёйдим ва энг аъло исирик каби мушк-анбар таратдим” (“Инжил”).

²Биби Марям назарда тутилади.

³Ж.Г.Ньюменнинг “Биби Марям мадҳияси” (1849) романидан олинган парча. Ж.Жойс мазкур романида Ньюмен насрига тез-тез муурожаат қилган.

⁴Ж.Жойс лавридаги опереттадан бир сатр.

⁵К а т е х и з и с — диний ақидалар савол-жавоб тарзида қисқача баён қилинган китоб.

қалбининг қоронғу бурчакларига зеҳн солиб қарамагунча, баландпарвоз гапдай туюлди. Барча оғир гуноҳлар: манманлик ва бошқаларни назар-писандга олмаслик, пулга ҳирс қўйиш ва унинг воситасида айш-ишратга қўл уриш имконига эга бўлиш, бузуқликда ўзидан омадлироқ кимсаларга ҳавас билан қараш ва яхши хулқли кишилар устидан иғво юритиш, очкўзлик, бетамиз ўй-хаёлларга берилиб, унингдай эҳтирос оловида ёниш, руҳан ва жисмонан қарахтлик ботқоғига ботиб, оқибатда вужудини наҳс босиб кетгани, аслида, ахлоқсизликнинг бемаъни уруғидан урчиган гуноҳлардир.

Кўпинча у партада, ректорнинг қатъиятли жиддий юзига хотиржам қараб ўтириб, ҳар хил тағдор саволларни ўйлаб топиб, шу билан вақтини чоғ қилар эди. Агар киши ёшлигида пул ўғирласа ва шу ўғирлаган пулидан катта бойлик орттирган бўлса, гуноҳидан халос бўлиши учун қанча қайтариши керак — ўғирлаган миқдордаги пулни фойизи биланми ёки жами йиққан бойлигиними? Агар оддий одам гўдакни чўқинтираётиб айтиши лозим бўлган дуо сўзларини айтмай туриб сув пуркаса, гўдак чўқинтирилган ҳисобланадими? Минерал сув билан чўқинтирилса ҳам ҳисобга ўтадими? Нима учун биринчи ўғитда мўмин-қобил кишилар, бева-бечораларга жаннат ваъда қилинади-ю, иккинчи ўғитда ер юзига юввош, беозор бандалар ворис бўладилар дейилади? Илоҳий қовушиш маросимида ҳам нон, ҳам вино истеъмол қилинишининг боиси нимада, Исонинг вужуди ва қони, руҳи ва илоҳий моҳияти фақат нондами ёки фақат винодами? Исонинг вужуди ва қони табаррук қилинган нон ушогиди бус-бутунича мавжуд бўладими ёки қисман кўшилган бўладими? Мабодо, табаррук қилингандан кейин вино айниб сиркага айланса, нон могор босиб, уваланиб қолса, шунда ҳам Исо илоҳ ва инсон сифатида уларда мавжуд бўлаверадими?

— Келаяпти, келаяпти!

Деразадан пойлоқчилик қилиб турган ўқувчилардан бири ректорнинг бош бинодан чиққанини кўриб қичқирди. Катехизислар очилди ва болалар мук тушиб китоб ўқишга киришдилар. Ректор кириб, минбарда ўз жойини эгаллади. Бўйчан ўқувчи ректорга бирор-бир қийин савол бер, деган маънода секингина Стивенни туртди.

Бироқ ректор одатдагидай катехизисни бериб туришни сўрамади ва дарсни ҳам суриштирмади. У қўлларини столга қўйиб, деди:

— Чоршанба куни биз авлиё Франциск Ксаверий шарафига бағишланган диний машғулотларимизни бошлаймиз, унинг хотирасига аталган байрам шанба куни бўлиб ўтади. Диний машғулотлар чоршанбадан жумагача давом этади. Жума куни, кундузги ибодатдан кейин шомгача черковда ибодат қилинади. Гуноҳини кечувчи ўз руҳонийси бор ўқувчиларга уларни алмаштирмасликни маслаҳат бераман. Шанба куни соат тўққизда ибодат ва бутун коллеж учун умумий илоҳий қовушиш маросими бўлади. Шанба куни машғулотлар йўқ. Шанба ва якшанба байрам, бироқ бундан душанба ҳам бемалол экан, деган фикрга бормаслик керак. Бундай адашишларга йўл қўймайсизлар, деган умиддаман. Менимча, Дедалус, сиз кўпроқ адашиб қолишга мойилроқсиз.

— Менми, сэр? Нега, сэр?

Ректорнинг қаҳрли жилмайишидан синфда енгил кулги кўтарилди. Стивеннинг юраги, сўлиган гулдай, секин жунжикиб, увиша бошлади.

Ректор боягидай жиддий, қатъиятли оҳангда давом этди:

— Коллежимиз ҳомийси авлиё Франциск Ксаверийнинг ҳаёти тарихини яхши биласизлар, деб ўйлайман. Авлиё Франциск қадим испан уруғларидан ва сизга маълумки, у авлиё Игнатийнинг энг тўнғич

погирдларидан эди. Улар Парижда танишишган, ўша пайтда Франциск Ксаверий университетда фалсафадан дарс берган. Бу олижаноб ёш задагон, олим, адиб коллежимизнинг буюк асосчиси таълимотини бутун қалби билан чуқур ҳис этган ва албатта, хабарингиз бор, у ўз хоҳишига кўра, авлиё Игнатий томонидан ҳиндларга Исо таълимотини ёйиш учун Ҳиндистонга жўнатилган. Шу боисдан ҳам уни Ҳиндистон ҳаворийси, дейишади. У бутун Шарқни кезиб чиққан: Африкадан Ҳиндистонга, Ҳиндистондан Япониягача борган, маъжусийларни насронийликка даъват этган. Бир ой ичида ўн минг будпарастни чўқинтирган. Уларнинг боши устида кўтаравериб, тинимсиз чўқинтирганидан ўнг қўли ишламай қолган. Шундан кейин ҳам кўп одамларни динга киритмоқчи бўлиб, Хитойга жўнашни мўлжаллаган эди, бироқ Санъсизян оролида безгакка чалиниб қазо қилган. Франциск Ксаверий улуғ авлиё эди! Исонинг буюк аскарлари эди!

Ректор бир муддат жим қолди, кейин, бармоқлари чалиштирилган қўлларини сермаб, давом этди:

— У тоғни ўрнидан жилдиришга қодир бўлган кучли эътиқод соҳиби эди! Бир ой ичида ўн минг жонни динга киритишнинг ўзи бўладими! Мана чин фотиҳ, орденимиз шиорига чинакам садоқат: *ad maiorem Dei gloriam*. Шуни унутмангларки, самода бу авлиёнинг ҳукми барҳақдир! Унинг қудрати мусибатларимизга тангридан ижобат сўрайди, ибодатларимиз ижобат бўлиб, тилагимиз, магар бизнинг бахтимизга хизмат этса, қондирилишини сўрайди, ва тагин, энг муҳими, гуноҳ қилган бўлсак, тавба-тазаруларимизни етқаради. Улуғ авлиё Франциск Ксаверий! Одамлар қалбининг буюк сайёди!

У қўлларини сермашдан тўхтатиб, уларни манглайига босди ва қорамтир қаҳрли кўзлари билан тингловчиларга синчиклаб қараб чиқди.

Кўзларининг қорамтир ёлқини ғира-шира ёруғликда чўғдай ялтиради. Стивеннинг юраги, узоқдан келаётган гармселни сезган чўл қизғалдоғидай жунжикиб кетди.

* * *

— “Билгинки, барча кор-аъмолингда охиратингни ёдингда тутмоғинг жоиз ва асло гуноҳга қўл урмагайсан” — ушбу калом, менинг аҳли Исо биродарларим, Экклесиаст китобидан олинган, еттинчи боб, қирқинчи мисра¹.

Стивен черковда биринчи қатордаги ўриндикда ўтирарди. Ҳазрат Арнолл кичкина стол ортида меҳробдан чап тарафда ўтирарди. Оғир ўртук унинг елкасидан сирғалиб тушиб борар, юзи сўлинқираган ва тумовлигидан товуши хириллаб чиқарди. Кекса ўқитувчининг юзи, бундай кутилмаган вазиятда унинг қаршисида пайдо бўлгани, Стивенга Клонгоус ҳаётини эслатди: катта спорт майдонлари, тўпирлашиб юрган болалар, ҳожатхонанинг тешиги, ўзининг дафн этилишини орзу қилган бош арғувонзор хиёбон ортидаги мўъжаз қабристон; у бетоб бўлиб ётган касалхона деворида биланглаб ўйнаган камин алангаси акси, Майкл оғанинг ғамгин чехраси. Бу хотиралар кўз ўнгидан бирма-бир ўтгани сайин, унинг руҳи тозариб гўдакниқидай покиза бўлиб борарди.

— Биз бутун, менинг азиз аҳли Исо иниларим, қисқа бир муддатга, фоний дунё ташвишларидан холи бу масканда йиғилган эканмиз,

¹ Жойснинг Инжил матнига қилган ҳаволаси нотўғри: Экклесиаст китобида бундай сўзлар йўқ, бироқ Сираҳ ўғли Исо Ҳикматларида бор.

муродимиз улуф авлиёлардан бири, Хиндистон ҳаворийси, бизнинг коллежимизнинг ҳомийси авлиё Франциск Ксаверий хотирасини ёдга олмақдир. Ҳар йили, менинг азизларим, жуда узоқ замонлардан бери, бунинг қачон бошлангани на сизга ва на менга маълум, коллеж тарбияланувчилари айна мана шу черковга ўз ҳомийлари шарафига ўтказиладиган айём арафасида йиллик диний машғулотларга жам бўлишган. Ушндан буён кўп замонлар ўтди ва кўп нарсалар ўзгарди. Ҳаттоки, сўнгги йиллар ичида, ўзингиз гувоҳлигингизда қанча ўзгаришлар юз берди. Ҳали-замон бу ўриндиқларда ўтирганларнинг айримлари энди биздан олисдалар — аллақайлардаги жазирама мадорларда; кимдир хизмат жойида, кимдир ўзини илм-маърифатга бахшида этган, бошқа биров узоқ мамлакатнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган пучмоқларида сайру саёҳатда, кимдир балки тангри иродаси билан дорилбақога рихлат қилгандир ва унинг ҳузурини ҳисоб берар. Хулласки, йиллар оқар сувдай ўтиб бораётир, ўзи билан ёмонни ҳам, яхшини ҳам оқизиб кетаётир, улуф авлиёнинг хотирасини эса коллеж тарбияланувчилари ҳануз эъозлаб келишаётир ва бизнинг бир неча кун давом этажак диний машғулотларимиз католик испан ўлкасининг мустаҳиқ ўғлонларидан бирининг муборак номини ва шон-шарафини абадиятга дохил этиш мақсадида муқаддас черковимиз тайин этган айём арафасида ўтади.

Энди ўзимиздан сўрайлик: ҳўш, “диний машғулотлар” нимани англатади ва тангри ҳамда инсонлар назарида чин насронийча умргузаронликка интилганлар учун бу машғулотларнинг, айниқса, басавоб ҳам жоиз саналиши боиси нимада? Диний машғулотлар, азизларим, бу тириклик ғамидан, фоний дунёнинг кундалик ташвишларидан муайян муддат чекиниш ва шу йўсин иймонимизни бир имтиҳон қилиб олмақ, муқаддас дин сиру синоатлари борасида фикрламоқ ва бу дунёда мавжудлигингиз моҳиятини англаб олмақдир. Мана шу санокли кунлар мобайнида мен сизга тўрт Охирги Унсурга тааллуқли фикрларни баён қилишга ҳаракат қиламан. Булар эса сизга катехизисдан маълум бўлган: қазо, маҳшар, дўзах ва жаннат. Биз мана шу кунлар мобайнида уларни имкон борича яхшироқ фаҳмлаб олишга уринамиз, фаҳмлаб олиш асносида руҳиятимиз абадий ҳузур-ҳаловатга дохил бўлажак. Билингким, азизларим, биз бу дунёга якка-ёлғиз мақсад илинжиде чорланганмиз: муродки, тангрининг муқаддас иродасини адо этмак ва руҳиятимиз боқийлигини асрамак. Қолган барчаси — фонийдир. Муҳими битта — руҳониятимизни асрамак. Инсон, магар у ер юзини қўлига киритса-ю, бироқ руҳониятининг боқийлигини йўқотса — ундан не фойда? Ҳайҳот, азизларим, бу ўткинчи дунёда бундайин айрилиқнинг ўрнини босадиган нимарса йўқдир.

Шу ваздан, азиз биродарларим, менинг сиздан ўтинчим шулки, бир неча кунга бу дунёга боғланган ўй-режаларингиз, сабоқлар, кўнгилхушлиқлару иззатталаб иштиёқларни бир четга қўя туринг, руҳониятингиз аҳволини ўйланг. Сизга эслатиб ўтишимнинг ҳожати йўқдир, дарвоқе диний машғулот кунлари руҳиятингиз хотиржамлик ва художўйликда устувор бўлажак ва сиз номуносиб кўнгилочар шовқин-суронлардан тийилиб туришингиз лозимдир. Ёшпи катталарингиз кузатиб бормоғингиз жоизки, токи бу қоидалар бузилмасин. Айниқса, менинг иймоним комилки, бизнинг Биби Марям бирлиги жамоаси префектлари ва аъзолари ҳамда муқаддас фаришталар бирлиги жамоаси ўз биродарларига муносиб намуна бўлажаклар.

Авлиё Франциск шарафига бағишланган мазкур маросимни чин юракдан ва ўй-хаёлимизни тўла-тўқис сафарбар этиб, адо этайлик.

Яратганнинг ўзи саъй-ҳаракатларингиздан марҳамату мададини дариф тутмасин. Аммо баъд энг зарури ва энг муҳими шуки, бу диний машғулотларни сиз орадан йиллар ўтиб, буткул ўзга шарт-шароитларда юрган чоғларингизда, босиб ўтганингиз умр йўлига бир қайрилиб қараганингизда кўнглингиз ёришиб, парвардигорга шукроналар айтасизки, сизни тавфиқли, мустаҳиқ, ғайратли умргузаронликнинг илк тамал тошини қўйишга муяссар этибди. Ва мабодо айни шу лаҳзаларда орангизда кўнгли фақир, руҳияти қашшоқлар ҳам иштирок қилаётган бўлса, мудҳиш кўргулик улар бошига тушиб, тангри марҳаматидан бенасиб қолиб — оғир гуноҳга ботган бўлсалар, мен парвардигорга ўтинаман ва ибодат қилиб сўрайман, бу диний машғулотлар ўша боёқишларнинг қашшоқ руҳиятида эзгулик томон ўзгариш содир этгай. Парвардигорга, унинг ғайратли кули шоҳиду мададкор Франциск Ксаверийга ибодат қиламанки, ўша ғариб жонларни чин юракдан тавба-тазарруга чорлагай ва минбад муқаддас маросим воситаси ила улар Франциск айёми куни Яратганнинг ўзи билан якдил бўлгай. Тақводору динсиз, авлиё-ю гуноҳкор — барча учун бу руҳоний машғулотлар умр бўйи нурли хотира бўлиб қолгай.

Менга кўмаклашинг, азиз аҳли Исо иниларим! Узингизнинг эътиқод нуридан ёришган идрокингиз билан, ғайратли саъй-ҳаракатингиз билан, одобу ахлоқингиз, хуш феълингиз билан менга кўмаклашинг. Миянгиздан ножоиз ўй-фикрларни ҳайдаб-кувинг ва фақат Охирги Унсурлар: қазо, маҳшар, дўзах ва жаннат ҳақида ўй суриг. Кимда ким буларни ёдида тутган экан, гуноҳдан абадий холидир, дейди Экклесиаст. Кимда ким буларни ёдида тутган экан, неки саъй-ҳаракати, фикр-хаёли бор — барисида улар кўз ўнгида муқим тургай. У иймонли умр кўргай ва иймон билан кетгай, зеро, унинг кўнгли иймон ва ишонч нури билан тўлуғдирки, фоний дунёда чеккан жами жабру жафолари чин дунёда юзлар ва минглар карра роҳат ва фароғатга айланиб қайтажак, абадий ҳузур-ҳаловат ато этажакки, мен сизнинг ҳаммангизга ва ҳар қайсингизга, азиз дўстларим, тангри таолодан шуни тилайман. Омин!

Вазмин бўлиб қолган дўстлари тўдасида уйга қайтаркан, Стивен ақлини аллақандай қалин туман пардаси қоплаб олаётганини ҳис этди. Туйғулар исканжасида у бу туманнинг кўтарилишини ва унинг орғида яширинган сиру синоатдан воқиф бўлишни кутди. Овқатни у бош кўтармай, ютоқиб еди, тушлик тугаб дастурхон усти ёғли тахсимчаларга тўлиб кетди, у оғзидаги ёғ юқини тили билан сидириб ялади, тамшаниб ўрnidан кўзгалди ва дераза ёнига келди. Унинг ўлжасини еб битириб, тумшугини тили билан юваётган йиртқичдан фарқи йўқдай эди. Бу тамом дегани; кўрқинч, хавотир шарпалари ақлини чулганган туман пардасини йиртиб, миясида гимирлай бошлади. У юзини дераза ойнасига босди ва қоронгу туша бошлаган кўчага қаради. У ер-бу ерда йўловчиларнинг қораси кўринди. Ҳаёт деганлари шумикан. “Дублин” сўзига уюшаётган ҳарфлар кўрслик билан бир-бирини итаргилаб саркашлик қилар, унинг миясини сирқиратиб сиқар эди. Юраги ёғга бўкиб қалқиб-қалқиб сузар ва бўғилар, маънисиз хавотирдан машъум гирдобга тушиб кетар, вужудини — ланж, жирканч, ночор танини аллақандай шаҳват илоҳаси ўзига тамом бўйсундириб олган эди.

Эртанги кунги ваъз қазо ва рўзи маҳшар ҳақида бўлди ва унинг руҳи мудроқ умидсизликдан аста-секин уйғона бошлади. Руҳонийнинг ҳирқироқ овози ўлим ваҳшатини кўнглига солганида унинг юрагидаги хавотир кўрқувга айланди. У ажал талвасасини туйди. Ажалнинг совуқ шарпаси унинг оёқ-қўлларидан оҳиста сирғалиб, юраги томон

ўрмалаётиб, қоронғу тумандай кўз олдини қоплаб, ҳали-замон тафаккур ёлқинидан ёришган миясидаги нурафшон фикрларни фонусларни ўчиргандай бирин-кетин ўчириб, идрокини чулғаб олди; баданига жончиқар терлар тепчиётир; мускуллари пахтадай бўшашиб жонсизланаётир, тили кесакдай қуриб, оғзида қотди, юраги тобора секин-секин ураётир, мана, уришдан тўхтаб ҳам қолди, нафаси, ночор нафас, ожизу нотавон танида жони энтикиб типирчилаб хириллайди ва бўғзига тикилиб талвасага тушади. Нажот йўқ! Йўқ! У, унинг ўзи, шаҳвоний майлларига бўйсунган тани ўлаётир. Лаҳадга элтинг уни! Ёғоч қутига жойланг, ёлланган тобуткашлар елкасига ортиб, уйдан олиб чиқиб кетинг. Чуқурга, одамлар кўзидан узокроққа даф қилинг, гўрга тикинг, у ерда чирийди, қурт-қумурсқаларга, очофат каламушларга ем бўлади. Дўстлари кўзларида ёш билан унинг жасади устида бош эгиб туришган бир паллада, гуноҳкорнинг жонини ҳакам сўроққа торта бошлайди. Сўнгги лаҳзаларда фоний дунёдаги ҳаёти бир сира руҳи қаршисида намоён бўлади ва руҳ бир қарор топиб улгурмай, тан ўлади, кўрқувга чулганган руҳ титраб-қақшаб тангри сўроғига дохил бўлади. Шунча вақт раҳм-шафқатини дариг тутмаган тангри энди қилмишига ярашасини инъом этади. У узок сабр билан кутди, гуноҳкор бандасини иймонга чорлади, тавба-тазарруга имкон берди, шафқат, мурувватлар қилди. Бироқ энди фурсат ўтди. Гуноҳ ишга кўл уриб, нафс йўлига кирган, тангри ва унинг муқаддас черкови ўғитларига кулиб қараган, қудратидан гумонсираган, муқаддас ҳикматларини писанд этмаган, теварак-атрофдагиларни алдаган, гуноҳ устига гуноҳ қилиб, бузуқликларини ўзгалар назаридан яширган вақтлар энди ўтди-кетди. Барчаси учун яратганнинг ҳузурда жавоб бериш фурсати етди: тангрини чув туширишнинг ҳам, алдам-қалдам билан қутулишнинг ҳам иложи йўқ. Бу ерда тангри иродасига бўйсунмаган ғайур исёнкорона ва бандаи ожизнинг нораво бузуқ табиатига хос ўта шармандали ҳамда энг майда қусурлару жирканч зўравонликкача — ҳар бир қилинган гуноҳ рўёбга чиқади. Модомики, аҳвол шундоқ экан, буюк императормидинг, саркарда ва ёки ғаройиб ихтирочи ё тенги йўқ олим бўлганмидинг — бефойда. Тангри ҳукми олдида барча барабар. У иймонли бандаларини сийлайди, гуноҳкорларни жазога мустаҳиқ этади. Одам руҳини тафтиш этмоққа бир дақиқалик фурсат кифоя. Ўша бир дақиқагина — жон танани тарк этган, руҳ алолат тарозусига кўйилган оний лаҳза! Ҳукм ўқилади ва руҳ роҳат-фароғат кучоғига ёки аросат саҳросига ёхуд оху-фиғон билан дўзах қаърига равона бўлади.

Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. Тангрининг адолатли ҳукми бандалари кулоғига етиб бормоғи лозим, зеро, бу ҳукмдан кейин навбат бошқасига. Яъни, охири кун — Рўзи маҳшар келади. Кўк тоқидаги юлдузлар шамол қоққан анжир дарахтининг меваларидай тўпирлаб ерга тўкилади. Олам чироғи қуёш гадонинг эғнидаги жандадай абгор ҳолга келади; ой қонталаш тус олади. Осмон йиртилиб, ўралган қоғоздай йиғилиб қолади. Арши - аъло лашқари саркардаси улуг ва қудратли малоик Микоил осмондан тушади. Бир оёғи билан денгизга, иккинчиси билан ерга қадам қўяди ва у тортган сур садоси охир замондан дарак беради. У уч бора тортган сур оҳанги оламга таралади. Замон бор, замон бор эди, бироқ энди замон барҳам топди. Сурнинг сўнгги садоси билан бани одамзод — бой ва камбағал, яхши ва ёмон, оқил ва аҳмоқ, олижаноб ва разил оёққа қалқиб, Иосафат водийси¹ томон ирғишлайди. Қачондир умр кўрган, дунёга келмоқ насиб этган Одам Атонинг жамики ўғил-қизлари

¹ Инжилга кўра, Рўзи маҳшарда бандалар сўроқ қилинадиган жой.

— ҳамма-ҳаммалари бу улуг кунда ҳозир бўладилар. Ана шунда олий ҳакам ҳозир бўлади! На тангрининг итоаткор қурбонлик кўзиси, одамови насролик Наби Ясу, на одамнинг маъсум ўғли ва на эзгу қўйчивон нажотга келади. У булутлар устида илоҳий қудрат, шон-шавкатларга бурканиб пайдо бўлади ва теварагида тўққиз мулозимини ҳозир у нозир: фаришталар ва малоиклар, тахтлар, боёнлар, қудрат, само кучлари, олий ва энг юқори мартабали фаришталар. У айтади ва унинг овози оламнинг ҳамма буржиги, жаҳаннам қарригача етиб боради. Олий ҳакам у, угина ҳукми ўқийди, бу ҳукм энг сўнггиси. У иймонли мўминларини ўз паноҳига олади ва сизлар учун бунёд этганим — боқий ҳузур-ҳаловат салтанатига кириш, дейди. Иймонсизларни эса қувиб ҳайдайди ва илоҳий ғазаб билан хитоб қилади: “Кўзимдан нари кетинг, бетавфиқлар, оловда куйингиз, иблис ва унинг малайлари ёнажак оловда”. Эҳ, бадбахт гуноҳкорлар учун бу нақадар оғир азоб! Биродарлар бир-биридан, фарзанд ота-онадан, эрлар аёлларидан айри тушадилар. Бахтиқаро гуноҳкор банда ёлвориб қўл чўзади, талпинади, балки фоний дунёда унинг учун азиз, бир пайтлар содда ва самимийлигидан ўзи кулган кишига талпинар, балки диёнатли йўлга даъват этган, панд-насиҳат қилган кишига интизор боқар, бағрикенг биродарига, меҳрибон опасига ва ё унга жон-дилини бахшида этган отасига, онасига илтижо этар. Надоматлар бўлсинки, кеч! Динига содиқ одамлар иймони куйган, маҳкум жонлардан юз ўтирадилар, чунки бундай жонлар қабилликлари билан бандани мўминлар кўз олдида жазога тортиладилар. У, сиз, риёкорлар, сиз, охирати куйиб кетганлар! Сиз, фоний дунёда ширин табассумли қиёфада кўриниш бериб юрганда руҳингиз гуноҳларнинг бадбўй ўрасига айланганлар — бу қаҳрли кунда ҳолингиз не кечади?

Бу кун келади, келиши муқаррар, келиши шарт—қазо кунининг, Рўзи маҳшарнинг! Бандасининг қисмати—жон таслим этмак ва қазосидан сўнг парвардигор сўроғига дохил бўлмақдир. Қазоимиз муқаррарки, буни биз биламиз. Бу қачон ва қандай рўй беради, узоқ давом этувчи касалликдан кейинми ё бахтсиз тасодиф оқибатидами — буниси бизга ноаён. Инсон ўглининг қай маҳал пайдо бўлиши, қайси кун, қайси соатда — бундан-да воқиф бўлолмаймиз. Хушёр турингиз ва унутмангизким, сиз хоҳлаган дақиқада ўлишингиз мумкин. Қазо—ҳаммамизнинг қисматимизда бор. Одам қавми бошида турганларнинг гуноҳидан йўғрилган ўлим ва сўроқ — мавжудлигимизда бекиладиган ва қазо қилгач бандасига ноаён хилқат томон йўл очадиган қоронғу эшикки, неки жон бор, якка-ёлғиз, бир ўзи, фақатгина қила олган эзгу ишларидан бошқа ҳар қандай илинжу таянчдан — дўсту биродару қондош-жондош, устоз марҳаматидан тамом маҳрумликда бу эшикдан қадам кўяди. Илло, бу ҳикмат туну кун ёдимизни тарк этмагайким, шундагина гуноҳга қўл уришдан ўзни сақлағаймиз. Қазойи муҳаққақ — осий бандалар учун азобу уқубатлар кони бўлса, иймони бутун, тангри йўлидан тонмаган, тириклигида бандасига юкланган қиёмат қарзини адо этган, ибодатларини бажо келтирган, сирли маросимларни қанда қилмаган — парвардигор марҳаматига ноил бўлган, хайрли ишларга бош қўшган мўминга эса осойиш-оройиш лаҳзаларидир. Художўй, тақводор католик учун, дину эътиқодда собит инсон учун ўлим ваҳшати бегонадир. Буюк инглиз адиби Аддисоннинг ўлим тўшагида ётган чоғида бадахлоқ ёш граф Уорвикка¹ одам юборганини

¹ *Жозеф Аддисон* (1672—1719) — инглиз адиби, эссеши, шоир ва сиёсий арбоб; граф Уорвик — унинг асранди ўғли. Бу воқеанинг аниқ гувоҳи йўқ. Бироқ Аддисоннинг замондошларидан бири, дўсти Томас Тикелл (1688—1740) “Граф Уорвикка мистер Аддисон қазоси муносабати ила” шеърда шу воқеа ҳақида ёзган.

ва бу гуноҳкорнинг келиб, тангрининг чин насроний бандаси ўз ажалини қай тариқа қарши олаётганини кўриб қўйишга имкон туғдирганини бир эсланг. Ҳа, фақат художўй, эътиқодли католиккина чин юракдан шундай хитоб қилмоғи мумкин:

Ажал! Қани ништаринг сенинг?
Дўзах! Қани зафаринг сенинг?

Бу ваъзнинг ҳар бир сўзи унга қарата айтилган эди. Тангрининг қаҳру ғазаби унинг разил, пинҳона куфру гуноҳларини нишонга олган эди. Воизнинг пичоғи унинг фош бўлаётган виждонининг туб-тубларига қадалар ва у ўз қалбининг гуноҳлар маддалаб кетган фасод уясига айланганини ҳис этди. Ё раббим, воиз ҳақ! Тангри фурсати етди. Унтурга тушиб кетган ҳайвондай, унинг руҳи разолат ботқоғига ботиб қолди, бироқ малоик тортган сур товуши уни залолат зулматидан ёруққа чорлади. Фаришта келтирган Рўзи маҳшар ҳақидаги ваҳий бир лаҳзаёқ унинг феълидаги калондимоғ хотиржамликни барбод қилди. Охират кунни ваҳимаси онгига тўфондай кўчди. Ва куфру гуноҳлар, кўзларида шаҳват олови ёнган бу фоҳишалар тўфонда мисоли жонсарак сичқонлардай чийиллашиб, тум-тарақай бўлиб кетди.

У уйига қайтаркан майдонни кесиб ўтди, қизиб кетган кулоқларига аёлнинг кўнғироқдай кулгиси чалинди. Бу юввош, шўх кулги унинг юрагини сурнинг товушидан-да баттарроқ саросимага солди; у бошини кўтариб қарашга журъат этолмади, юзини четга бурди ва унинг ёнидан ўтаётиб, тарвақайлаб кетган бутазорнинг соясига кўз қирини ташлади. Унинг изтиробда эзилган юрагидан тошган уят ҳисси бутун вужудини қамраб олди. Кўз олдида Эмманинг қиёфаси жонланди ва қизнинг ғойибона қиё бошқиси юрагидан тошган орият тўлқинини баттар кучайтирди. Унинг тийиқсиз ўй-хаёлларида Эмма ўзининг нечоғли топталганини, бокиралиги нақадар таҳқирланганини билармикин! Шумиди ёшликда берган кўнғил деганлари! Йигитлик шаъни қани? Поэзия ҳаваси-чи? Тубанликка тушган дамларининг жирканч тафсилотлари ўзининг балбўй ҳавоси билан нафасини бўға бошлади. Бир даста, қоракуя суркалиб булганган, камин панжарасининг тагига яшириб юрадиган беҳаё суратларга соатлаб ошкора ютоқиб термилар, ҳам ўй-хаёллари, ҳам номатлуб ҳаракати билан гуноҳга йўл қўяр эди; тушига нуқул маймунсифат махлуқлар кирарди; қонталаш кўзлари чақчайган аёллар хаёлидан кетмас, ҳирсу ҳавасини ошкора ифодалаган узундан-узоқ қабих хатлар ёзар, уларни пинжида яшириб олиб чиқиб кун бўйи изғир, баъзан ўт-ўланлар орасига ташласа, баъзида бирор-бир эшик тирқишигами, девор қавагигами қистириб кетар, бирорта қизнинг кўзи тушса олиб жимгина ўқийди, деб хаёл қиларди. Нақадар пасткашлик! Наҳот шулар рост бўлса, наҳот шу қилғиликларини у қилган бўлса? Миясида чувалашган бу уятли хотиралардан манглайига совуқ тер тепчиди.

Уят азоби бироз босилгач, у чўкиб қолган руҳини кўтаришга уринди. Тангри ҳам, Биби Мариям ҳам ундан жуда олисда. Тангри беҳад улуғ ва шафқатсиз, Биби Мариям эса ўта бокира ва бенуқсон. Бироқ у кўз олдига келтирди: Эмма билан бепоён далада ёнма-ён туришибди ва у итоаткорона, кўзларида ёш билан эгилиб, қизнинг тирсагига тушган енгини ўпаётди.

Бепоён далада, майин шаффоф шом осмони остида, булутлар ним кўкимтир само денгизи бўйлаб ғарбга томон оҳиста сузиб кетаётган бир паллада улар — тангрининг йўлдан озган болалари ёнма-ён туришибди. Улар ўз гуноҳлари билан тангри ғазабини қўзғашди, гарчи

бу гуноҳлар, яратган эгамнинг икки боласиники бўлса-да. Бироқ улар қилган гуноҳ “хусни жамолида самовий сеҳр мужассам, чиройи кўзга ҳатарли, аммо тимсоли—тонг юлдузига монанд, ёрқин ва тароватли”¹ Биби Мариямни газаблантормади. Илоҳанинг унга тикилган кўзлари қаҳрсиз ва таъна-дашномсиз қараб турарди. У иккаласининг қўлларини қовуштиради ва уларнинг юракларига мурожаат этиб дейди:

— Стивен ва Эмма, бир-бирингизнинг қўлларингдан ушланглар, самода айни осуда шом палласи. Сизлар йўлдан адашдинглар, лекин сиз — менинг болаларимсиз, ахир. Мана, ўзга юракка муҳаббат риштаси билан боғланган юрак. Қўл ушлашинг, менинг азиз болаларим, сиз биргаликда бахтли бўласиз ва юракларингиз бир-бирини севажак.

Черков саҳни панжарали парда тирқишидан сочилиб турган сўлғин алвон нурга чулганган, парда билан дераза ромининг торгина оралиғидан мисоли найзадай санчилган хира ёруғ нур меҳробдаги шамдонларнинг бўрттириб ишланган, фаришталарнинг жангу жадалларда уриниб, сири кўчган аслаҳаларидай хира йилтиллаб турган ҳошияларида акс этади.

Черковга, боғга, коллежга ёмғир қуйиб ёғаётир. Ёмғир сассиз-садосиз, тинимсиз қуяди. Сув тобора кўтарилади, ўт-ўланни, буталарни босади, уйларни қишлоқларни ғарқ қилади, ҳайкалларни ва тоғ чўққиларини қоплайди. Жами тирик жон борки, сассиз-садосиз маҳв бўлади: қушлар, одамлар, филлар, чўчқалар, болалар чўкиб кетади; барҳам топаётган бани башар вайроналари орасида жасаллар қалқиб-бўкиб сузиб юради. Қирқ кечаю қирқ кундуз, токи ер юзи сув остида қолгунча, ёмғир ёғади².

Ахир, шундай бўлиши мумкин-ку. Нега бўлмас экан?

— “Жаҳаннам қаъри тобора кенгайди ва ўз комини беҳад катта очди”. Бу сўзлар, менинг қадрдон аҳли Исо биродарларим, пайғамбар Ишаё китобидан, бешинчи боб, ўн тўртинчи оят.

Воиз тўнининг ички чўнтагидан занжирсиз соатини чиқарди ва унга жимгина қараб олди, кейин уни эҳтиётлаб ёнига, столга қўйди.

У бир маромда гапира бошлади:

— Маълумингизким, менинг қадрдон биродарларим, Одам Ато ва Момо Ҳаво бизнинг илк ажодларимиз ва ёдингиздаким, уларни тангри яратган, улар Иблис ва унинг қутқуси билан исён кўтарган фаришталар қулагач, самодаги бўш қолган ўринни банд этишган. Иблис, бизга маълум, тонг ўғли, ёрқин ва қудратли фаришта бўлган, бироқ барибир у ҳалокатга юз тутди. У қулади ва у билан бирга само лашкарининг учдан бир қисми маҳв бўлди, ўзининг исён кўтарган фаришталари билан у дўзахга ташланди. Унинг қандай гуноҳга йўл қўйгани бизга қоронғу. Ақоид уламолари таъкидлайдиларким, бу гуноҳ такаббурликдандир, non serviam — итоат этмайман, деган оний куфрли ўй-ниятдандир. У бир лаҳза куфру шубҳага берилиб, парвардигори оламнинг улуғлигига шак келтирган ва тангри уни самодан олиб, жаҳаннам қаърига абадул-абадга улоқтирди!

Шунда тангри Одам Ато ва Момо Ҳавони яратди ва уларни Дамашқ водийсидаги Аданга, ғаройиб, нурафшон, турли ранглар барқ урган, минг хил зийнатли ўт-ўланларга тўлиб - тошган боғга жойлади. Ҳосилдор замин уларга ўз неъматларини инъом этди; паррандаю даррандалар уларнинг тасарруфида бўлди, уларга итоатда бўлди. Бизнинг танимизга мерос бўлиб ўтган дарду ситамлар—касалликлар, муҳтожлигу ўлим Одам Ато ва Момо Ҳавога бегона эди. Қудратда тенгсиз парвардигори олам ўз

¹ Ж.Г.Ньюмен. “Биби Марям ҳикматлари”.

² Стивеннинг хаёлида Ер юзини босган тўфон манзараси жонланади.

илки-имконида неки бўлса барчасини уларга муҳайё қилган эди. Бироқ тангри уларга бир ягона шарт қўйди — сўзига итоат этмоқни амр этди. Улар тақиқланган дарахт мевасини еб қўймасликлари лозим эди.

Афсуслар бўлсинким, менинг қадрдон биродарларим, улар ҳам тубанликка юз тутдилар. Бир пайтлар нурдай балқиган фаришта, субҳи содиқ ўғлони, оқибатда эса маккор ёв — Иблис жами жондорлар ичида энг ғоддори бўлмиш илон қиёфасида уларга намоён бўлди. Иблис улардан сукланарди. Кўпчи самодан қулаган бу саркардаи шайотин хоки туробдан яратилган одамнинг бир пайтлар ўзи эга бўлиб, сўнг куфру гуноҳи боис маҳрум этилган имконларга эга бўлишини зинҳор-базинҳор ҳазм эта олмасди. У Момо Ҳавога, жинси ожизага яқин келди ва қулоғига ширин сўзлари билан заҳру заққумини қўйди, яъни ваъда қилдиким, — оҳ, куфрона аҳду паймон! — магар У билан Одам Ато тақиқ этилган мевадан татиб кўрсалар, улар ҳам яратганнинг ўзи каби, яъни тангри сифатини касб этажаклар. Момо Ҳаво олмага оғиз солди ва уни Одам Атога ҳам узатдики, Одам Атода Момо Ҳавонинг қўлини қайтармоққа лойиқ журъат етмади. Иблиснинг заҳри заққум суяксиз тили ўз корини қилди. Улар маҳв бўлдилар.

Ва шу чоғ борда тангрининг амри янграб, ўзи яратганни, одамни сўроққа тортди. Ва Микоил, само лашкари саркардаси қўлида олов шамшир билан жинояткор жуфт қошида ҳозир нозир бўлди ва уларни жаннатдан оламга, касалликлару муҳтожликлар, шафқатсизлигу ранж-аламлар, машаққату маҳрумликлар оламига ҳайдаб солдики, минбад улар ризқ-рўзини пешона тери билан топгайлар. Ҳатто ана шунда ҳам тангри меҳр-муруватини дариг тутмади! У бизнинг бечора гуноҳкор аждодларимиз — Одам Ато ва Момо Ҳавога шафқат кўрсатди ва ваъда қилдики, вақт-соати етган паллада самодан ер сари уларни тагин тангри фарзандлари, само тахти ворислари мартабасига кўтаргувчи зотни сафарбар этажак; ва тангрининг ёлғиз ўғли, муқаддас учликдаги иккинчи зот, боқий сўз гуноҳкор банданинг халоскори бўлажак.

У келди. У бокира Биби Марямдан, она-худодан туғилди. У Яҳудияда, вайрона бир кулбада таваллуд топди ва ўттиз ёшга киргунча, вақт-соати келгунга қадар дурадгорлик қилиб қаноат билан яшади. Фурсати етиб, одамларга меҳр-муҳаббати тўлиб-тошган палла уларга тангри шоҳлигининг Хушхабарини етказмоққа бел боғлади.

Хўш, унинг сўзига қулоқ тутишдими? Ҳа, қулоқ тутишди, холос, бироқ уқишмади. Мисоли бир жиноятчи кимса қатори уни тутиб олишди ва банди этишди, телбани масхаралагандай таҳқирлашди, унинг ўрнига исёнчи ва қотил кимсани афв этишни лозим топишди, танига беш минг бор калтак уришди, бошига тиканли чамбарни қўндириб қўйишди; Яҳудия авоми ва Рим аскарлари кўча-кўйлардан уни судраб ўтишди, эғнидаги кийимини юлиб олишиб, ўзини хочга михлашди, қовурғаси орасига найза санчиб тешишди ва тангримизнинг ярадор танидан қон сув билан қўшилиб оқди.

Бироқ шундай мусибатли, мислсиз азоб-укубатли дамларда ҳам меҳрибон халоскоримиз одамзод аҳволига куюнди. Ва ўша жойда, Гўлготада муқаддас католик черковини тайин этди. Черковни у абдий қоялар устида тиклади ва ваъда қилдики, агар одамлар унинг черкови панд-насиҳатларига қулоқ осишса боқий ҳаётга муяссар бўлажаклар, аммо уларни дея чекилган шунча ранжу алам, меҳнату машаққатлардан кейин ҳам ўзларининг қусур ва иллатларидан воз кечолмасалар — уларнинг ёзиғи мангу азоб: жаҳаннам бўлажак.

Руҳонийнинг овози тинди. У жим қолди, кафтларини қовуштирди, кейин уларни ёйди. Ва яна гапира бошлади:

— Энди, имконимиз даражасида бир дақиқа гуноҳкор бандаларни абадий жазога мустаҳиқ этмоқ учун қаҳрланган тангри ҳукми-қароридан яралмиш бу қийноқлар маконини кўз олдимизга келтириб кўрайлик. Дўзах — бу тор, қоп-қоронғу бадбўй зиндон, аланга ва тутун қоплаган иблис ва гуноҳкор руҳлар макони. Тангри бу зиндонни унинг қонунарига бўйсунмоқни раво кўрмаганларга муносиб жазо бўлсин, дея тор қилиб яратган. Бу дунёда эса бечора маҳкумда, жуда бўлмаганда, қимирлаш имкони бор, гарчи у камеранинг тўрт девори ичида ёки қамоқхона ҳовлисида бўлса-да. Дўзахда буткул бўлакча. Дўзахда маҳкумлар чунонам кўпки, улар даҳшатли зиндон қаърида бир-бирларига қапишиб ётишади, жаҳаннам деворларининг қалинлиги айрим жойларда тўрт минг милгача келади, маҳкумлар чунонам зич қалашган ва шу қадар ночор аҳволдаки, улуғ раҳнамо Ансельм¹ бу ҳақдаги китобида зикр этишича, улар ҳатто кўзларини кемираётган қуртларни олиб ташлаш учун қўлларини қимирлата олишмайди.

Маҳкумлар қоронғуда қалашиб ётишади. Тагин шуни унутманларки, дўзах олови ёритмайди, ёруғлик таратмайди. Худди тангри иродаси билан Бобил ўчоғи² олови ҳароратини йўқотиб, ёруғини сақлаганидай, дўзах олови, тангри иродаси билан, ҳароратини сақлаб ёруғини йўқотади. Бу — қоронғуликнинг, қора аланга ва қора тутуннинг ҳамда оловланган олтингугуртнинг қутуриб буриқсиган мангу тўфоника, қалашиб ётган жасадлар бир ютум ҳаводан ҳам мосуводирлар. Фиръавнлар заминини тангри дучор этган жамики жазолар ичида энг даҳшатлиси қоронғуликдир. Уч кун эмас, балки азалу абад давом этажак дўзахнинг зимистон тунини нимага қиёслаш мумкин? Бу тор қоронғу зиндон азоби чидаб бўлмас қўланса ҳиддан баттар кучаяди. Зикр этилганидек, ер юзининг жамики аҳлафи, кир-чир ва тўкиндиси, мисоли оқава хандакка йиғилгандай, шу маконга йиғиладики, токи Рўзи маҳшарнинг аёвсиз олови бу нажас кўлини ўзининг поклантирувчи оташида буткул ёқиб йўқ қилмасин. Бу жойни ёнаётган олтингугуртнинг тоғдай уюми даҳшатли бадбўй ҳидга тўлдиради ва маҳкумларнинг танаси ҳам ўзидан шу заҳарли ҳидни чиқарадики, авлиё Бонавентура³ айтмоқчи, бу жасадларнинг битгасиёқ бутун бир оламни заҳарламоқ учун кифоядир. Магар узоқ муддат ҳаракатсиз ҳолатга тушгудай бўлса, сайёрамиз ҳавоси, бу мусаффо табиат ҳам димиқиб, айнийди. Шундай экан, энди жаҳаннам қўлансаси қанақалигини тасаввур қилаверинг! Лаҳадда йиринг бойлаб балчиққа айланиб ётган, сасиб ириган мурдаларни кўз олдингизга келтиринг. Ва тасаввур этингким, бу мурда олов ўлжасига айлангуси, ёнаётган олтингугуртнинг маҳв этувчи алангаси комига тортилгуси; ва бунгача ўлаксалар чор-атрофга нафасни бўғувчи, қўнгилини айнитгувчи қўланса ҳид тарқатиб ётади. Сиз ана шу жирканч манзарани — қўланса зимистонда қалашиб ётган сон-саноксиз мурдаларнинг бадбўй фасоди йиғилган улкан ўрани тасаввур этинг. Буларнинг барини хаёлан кўз олдингизга келтиринг, шунда сиз жаҳаннам азобини қисман тасаввур эта оласиз.

Бироқ бу қўланса ҳид, гарчи нечоғли укубатли бўлмасин, маҳкумлар дучор этилажак азобларнинг даҳшатлиси ҳали олдинда. Зеро, олов билан қийнаш — буюк азобдирки, зolim ҳукмдорлар ўз қўл остидагиларни

¹ Ансельм Кентерберий (1033—1109) — илоҳиётчи, схоластика вакили. 1093 йилдан Кентерберий архиепископи бўлган.

² Инжилга кўра, подшоҳ Навуходонсор бутпарастлар тангриларига сифинмаган уч нафар ўсмирни Бобилнинг оловли ўчоғига ташлашни буюрган, бироқ олов уларга зиён етказмаган, балки жабрловчиларни ҳалок этган.

³ Бонавентура — Жованни Фиданца (1221—1273) — италиялик файласуф ва католик черкови арбоби, схоластиканинг кейинги даври йирик вакилларида бири.

ана шундай жазога тортганлар. Бармоғингизни шам алангасига бир зум тутиб кўринг ва ўт билан азоблаш нималигини шунда англайсиз. Бизнинг ердаги оловимиз тангри томонидан одам учун, унинг ҳаётини чароғон этиш, меҳнату машаққатларини енгиллатишдай эзгу ниятда яратилган, аммо жаҳаннам олови мутлақ ўзгача хусусиятдадирки, бу олов тангри иродаси билан тавбадан юз ўтирган гуноҳкорларга жазо ўлароқ пайдо этилган. Бизнинг ердаги олов йўналтирилган нарсани тезда шиширади, куйдиради ё эритади, зеро, унинг ҳарорати юқори. Ва боз, одам боласи тadbиркорлиги боис оловнинг ёниш жараёнини кучсизлантирадиган ёки тўхтатиб қўядиган кимёвий восита-усулларни ихтиро эта билди. Аммо дўзахдаги заҳарли олтингугурт шундайин моддаки, у абадий алангаланиб, ёниб ётиш учун яралган. Боз устига, бизнинг ердаги олов ёндириб йўқ қилади, гуриллаб авж олиб ёнгани сари тез сўнади, лекин дўзах олови йўқ қилмай, муттасил куйдиради, гарчи шиддатли алангаланса-да, ҳеч қачон ўчмайди, сўнмайди.

Бизнинг ердаги олов, унинг алангаси нечоғли ваҳимали ва шиддатли эса-да, доимо муайян чегарага эга, бироқ жаҳаннамнинг олов кўли чеку чегарасиз, на қирғоғи, на тағ-туби бор. Маълумингизким, шайтоннинг ўзи қайсидир жангчи саволига жавоб қиларкан, магар бутун бир тоғ қоясини кўпориб дўзах оловига отсалар у мисоли мум томчисидай лаҳзада ёниб кетаётганини айтган. Ва бу аждарҳо-олов маҳкумлар танини сиртдангина куйдирмайди! Ҳар қайси маҳкум руҳ ўзи бир дўзахга айланади ва унинг ботинини ёнаётган ўчоққа менгзагулик. Ў, бу бадбахт гуноҳкорлар қисмати нақадар аянчли! Томирларида қон қайнайди, биқирлаб оқади, мия бош суяги ичида эрийди, юрак ўт олади, кўкрак қафасида ёрилади; ички аъзолар оловланган лаҳча гўшгга, кўзлар, бу нозик тўқима, қип-қизил соққадай чўғга айланади.

Бироқ баён этаётганим — дўзах оловининг қаҳр-у запти-ю узлуксизлиги тангри иродасини адо этгувчи қуроли бўлмиш жон ва танларни азоблагувчи чексиз қудратга тенг келолмайди. Тангри ғазабидан бино бўлган бу олов ўз-ўзича эмас, балки илоҳий қасос қуроли ўлароқ ҳаракатланади. Чўқинтирилган сув руҳ ва баданни вобаста поклагани мисол қасоскор олов жонни тана билан бирга азоблайди. Танадаги ҳар бир аъзо укубат тортади ва улар билан якбора руҳ-да қийноққа гирифтордир. Кўз зим-зиё қоронғуликдан кўрмай қолади, бурун—жирканч ҳилдан, қулоқ—оҳу-фарёддан, сезгилар—чўғ-михлар ва темир хивичлар зарбидан, оловнинг аёвсиз тилларидан зир қақшайди. Ва бундайин жисмоний қийноқлар ичида ўлмас руҳ аланганинг беҳисоб тиллари воситасида абадий қийноққа солинади.

Яна шуни унутмангизким, жаҳаннам зиндонидаги ушбу қийноқлар маҳкумларнинг бир-бирларига бақамти ётгани боис зўрайгандан-зўраяди. Ерда зиён-заҳматли унсур яқин бўлса хавфлидир, зеро, ҳатто гиёҳлар ҳам, савқитабий тарзда, ўзлари учун ҳалокатли, хатарнок нимарсалардан четроқда кўкаради. Дўзахда-чи, дўзахда бу қонун амал қилмайди, оила, ватан, биродарлик, қон-қардошлик алоқалари каби тушунчалар йўқ. Нола-ю фиғон қилаётган, фарёд чекаётган гуноҳкорларнинг қалашиб ётиши уларнинг азобу укубатларини дубора кучайтиради. Жамики инсоний туйғулар унутилади, маҳкумларнинг оҳу зорлари жаҳаннамнинг энг чека буржларигача бориб етади. Уларнинг оғзидан тангрига қарши койинишлар, теварагидаги ўзи каби гуноҳкорларга ғазабнок сўзлар, куфрга бош қўшган шерикларига лаънатлар ёғилади. Қадим замонда шундайин қоида амал қилган: падаркушни, отасига қўл кўтарган оқпадарни бир қопга хўроз, маймун ва илонлар билан қўшиб жойлашиб, қопнинг оғзини тикишиб денгизга

улоқтиришган. Бизга ўта шафқатсизликдай туюлувчи бу қоида моҳиятига кўра, жиноятчига аламзада, ваҳший жонзотларни кўшиб, бирйўла улардан шу зайл қасос олинган. Бироқ тилсиз-жағсиз жонзотларнинг жон талвасаси жаҳаннамда қуриб қақраган даҳанлардан, куйиб ёнаётган бўғизлардан отилаётган аччиқ аламларга қиёсан ҳечдир. Гуноҳкор бандалар дўзахда азоб чекаётганлар орасида ўзларини гуноҳга бошлаган, шунга кўмак кўрсатганларни, бузук ўй-хаёллар, бадахлоқ қилиқларга чорлаган сўзларни миясига қуйганларни, ўзларини куфрга йўллаганларни танийдилар ва уларга жон-жаҳллари билан қаҳру ғазабларини сочадилар, ҳақорату лаънатларга кўмадилар.

Ва ниҳоят, гуноҳкор руҳлар—йўлдан оздирувчилар ва йўлдан озганлар—жинлар билан бирга нечоғли даҳшатли қийноқларга дучор бўлишини—да бир тасаввур этинг. Жинлар маҳкумларни дубора қийноққа солади: ҳам ўзларининг иштироки ва ҳам таъна-ю дашномлари билан. Биз жинларнинг нақадар аянчли эканини ақлга сиғдирилмаймиз. Бир бор жинни кўрган авлиё Екатерина Сиенская: бу даҳшатли махлуққа тагин кўзим тушганидан кўра умримнинг охиригача чўғ устида ялангоёқ юрганам маъкул, деб ёзган. Нега имонли ҳаётдан, эзгу амаллардан юз бурдинг? Нега гуноҳлардан сақланмадинг? Нега ярамаслар билан танишишдан қочмадинг? Нега бузуклигинг ва бадахлоқлигинга қарши курашмадинг? Нега руҳоний раҳнамоинг панд-насихатига қулоқ осмадинг? Нега бир марта, икки марта, уч, тўрт ва юзинчи марта гуноҳга йўл қўйиб ҳам разил амалларинг учун тавба қилмадинг ва афеус-надоматларингни кутган, сени гуноҳлардан халос этмоқчи бўлган эгамдан шафқат тиламадинг? Аммо энди тавба-тазаррунинг вақти ўтди. Вақт бор, вақт бор эди, бироқ энди вақт йўқ. Пинҳона гуноҳ қилмоққа, такаббурлигу ялқовликка, гайриахлоқий ишрату ҳаловатларга берилмоққа, тананинг ҳайвоний майлларига бўйсунмоққа, ўрмон жондорлари, йўқ, жондорлардан—да баттар кун кечирмоққа вақт бор эди! Зеро, уларда, нари борса, фаҳм йўқки, тўғри йўлга бошласа. Вақт бор эди, аммо энди йўқ. Тангри сен билан беҳисоб овозларда гаплашди, турли йўсинларда сенга уқтирди, бироқ сен эшитишни хоҳламадинг. Сен такаббурлигингдан қолмадинг, юрагингдан ҳатто жой тополмадинг, муқаддас черков даъватларига қулоқ осмадинг, урф-одатларга итоат этмадинг, номуссиз шерикларингдан ажралмадинг, гумонлардан қутулмадинг. Қийноғу қистовга олгувчи шайтанат ваъзи шунақа: таҳқиромуз ва таъна-дашномларга, адовату, нафратга тўла. Ҳа, айнан нафратга тўла, зеро, уларнинг ўзлари гуноҳ қилишган, яъни фақат фаришта табиатликларига хос гуноҳга — ақл исёнига йўл қўйишган эса—да, ана шу жирканч жинлар ҳам ночор банданинг муқаддас қасрини таҳқирлаган, хўрлаган, ўзини-ўзи топтаган, оғу номусдан айирган гуноҳларидан нафратланади, жирканади.

Ў, менинг азиз аҳли Исо иниларим, бизни бундаин таҳқиромуз ваъзни тингламоқдан асрасин! Ҳеч биримизни бундаин мудҳиш қисматга рўбару этмасин. Мен тангрига илтижолар қилиб, айна дамда ибодатхонада ҳозир бўлганларнинг жонлари охирги даҳшатли интиқом кунни бадбахтлар қаторида турмаслигини ўтинаман. Улуғ ҳакам қаҳру ғазабига учрашдан, “Мендан нари кетингиз, лаънатилар, иблис ва фаришталарига ҳозирланган абадий оловда ёнинг!”, дея амр этилгувчи шафқатсиз ҳукми қай биримизга—да бўлмасин ўқилишидан асрасин!

У черковдан чиқди; оёқлари дармонсизланиб чалишди; бошининг териси, гўё арвоҳнинг бармоқлари теккандай жунжикди. У зинадан кўтарилиб даҳлизга кирди, деворларда қатлга ҳукм этилган маҳбуслар

— бошсиз, қон жўшаган, шаклсиз ёвуз кимсалардай пальто ва макинтошлар осилган эди. Қадам ташлагани сайин уни кўрқув баттар чулғаб оларди: у аллақачон ўлган, жони танини тарк этган ва шитоб билан тубсиз чоҳга тушиб бораётир.

Оёғи остида ер сирғалади ва у партага оғир чўкди, қараб ўтирмай қандайдир китобни очиб, мук тушди. Ҳар бир сўз — у ҳақда. Ҳа, шундай. Тангри—мислсиз қудратли. Тангри уни шу дақиқада, ҳозирок, партада ўтирган жойида, нима бўлаётганини англаб улгурмаёқ хузурига чақириб олиши мумкин. Тангри уни чақирди ҳам. Қандай? Шунчалик тезми? Унинг вужуди кичрайди, гўё аланганинг очофат тиллари яқинлашганини ҳис этгандай, гўё олов бўрони куйдирган баргдай бужмайди. У ўлди. Ҳа. Уни суд қилишаётир. Олов сели кўтарилди ва унинг танини куйдирди! Тагин олов сели, тагин. Мияси қизий бошлади. Яна сел ёпирилди. Мияси қайнаётти, тандирдай қизиган бош суягининг ичида биқирляётти. Аланга тили бош суягидан оловли ҳалқа бўлиб отилиб чиқди ва минглаб овозларда чинқирди:

— Дўзах! дўзах! дўзах! дўзах!

Унинг ёнида овозлар эшитилди:

— У дўзах ҳақида гапирди.

— Нима бўпти? Сизларга ҳаммасини уқтирдими?

— Уқтирганда қандоқ. Кўрқувдан ўлиб қолай дедик.

— Сизларга фақат шундай қилиш керак. Тез-тез кўрқитиб насиҳат қилиб турилса, шунда, эҳтимол, яхши ўқирсизлар.

Мадори қуриб, у партанинг суянчиғига таянди. У ўлмади. Тангри унга бу сафар ҳам шафқат қилди. У ҳали ҳам ҳар доимгидай мактабда. Дераза олдида эзиб ёғаётган ёмғирга қараб мистер Тейт ва Винсент Курон туришибди: гаплашаяпти, ҳазиллашишяпти, бошларини силкишяпти.

— Сайр қилолсанг эди. Мен ошнам билан Малахайд¹га велосипедда сайр қилишга келишгандим. Бироқ йўллар тизза бўйи лой бўлса керак.

— Эҳтимол, ҳали сайр қилишга улгирарсизлар, сэр.

Таниш овозлар, одатдаги гап-сўзлар, овозлар тинганда синфга чўккан жимжитлик, овқатланаётган тўданинг хотиржам чалпиллатиб чайнаши — булар бари унинг эзилган руҳига таскин берарди.

Ҳали вақт бор. Ў, Биби Марям, гуноҳкорлар раҳнамоси, ўзинг қўлла! Ў, бокира аёл, ажал гирдобидан ўзинг асра!

Инглиз тили дарси тарихий мавзудаги суҳбат билан бошланди. Қироллар, эркатойлар, фирибгарлар, епископлар, мисоли шарпасиз арвоҳлардай, исмлар оғушида ўтишди. Улар бари ўлиб кетишган ва ҳаммаси ҳукм этилган. Оламга эга бўлмоқдан оламга не фойда, модомики у ўз жонини бой берган экан? Ниҳоят у тушуниб етди: одамзод ҳаёти унинг теварагида мисоли водийдай ястаниб ётибди, унда одам-чумолилар меҳнат қилишади, ўлганлари эса дўшпайган қабрлар тагида. Ёнидаги боланинг тирсаги унга тегиб кетди ва у юрагида тебраниш содир бўлганини ҳис этгандай бўлди. Уқитувчининг саволига жавоб бера туриб, ўзининг итоаткорона хотиржам овозини эшитди.

Унинг руҳи тобора тазарру ҳолатига уйғунлашиб борар, азоб-уқубат даҳшатини эслашга ортиқ мадори қолмаган ва итоаткорона дуога юз бурган эди. Ҳа, у оқланажак: у чин дилдан тавба қилади ва афу этилади ва шунда у ёқда, боши устида, самода унинг ўз ўтмишини — гуноҳларини қандай ювганини кўришади. Умр бўйи, ҳар бир соати тавба-тазарруда ўтади! Фақат фурсат беринг, фурсат!

¹ Ирланд денгизи қирғоғидаги курорт.

— Ҳаммаси учун, тангрим! Ҳамма-ҳаммаси учун!

Кимдир эшикни қия очди ва черковда тавба маросими бошланиб кетганини айтди. Тўрт нафар бола синфдан чиқишди ва у бошқалар ҳам даҳлиздан юриб ўтишганини эшитди. Юрагини енгил эсан шабададай билинар-билинемас салқин чайқаб ўтгандай бўлди. Бироқ изтироб ичида шундай туйғуни ҳис этдики, гўё юрагига қулогини қўйган, юраги эса сиқилаётир, тобора секин ураётир, тўхтаб қолаётгандай, томирлари титраётир.

Нажот йўқ. У тавба қилмоғи керак, ҳаммасини — нима қилгани-ю нималарни ўйлаганини, барча гуноҳларини айтиб бермоғи зарур. Бироқ қандай айтади? Қандай?

— Тақсир, мен...

Тавба-тазарру! Бу фикр совуқ ялтираган ханжардай унинг кучсиз баданига қадалди. Бироқ фақат бу ердас, мактаб черковидас. У ҳаммаси учун, ҳар бир гуноҳ қилмиши ва куфрона ўй-хаёллари учун чин дилдан тавба қилади, фақат бу ерда — ўртоқлари олдидамас. Бу ердан нарироқда, бирор-бир кишибилмас жойда ўзининг беномуслигини фош этади; ва у тангрига итоаткорона дуо ўқиб, мактаб черковида тавба қилишга журъати етмаётгани боис ундан ғазабланмаслигини ўтинди.

Вақт эса ўтиб борарди.

У яна черковда биринчи қаторда ўтирибди. Дераза ортида кундузнинг ёруғи секин сўнди, офтоб урган қизил парда орасидан кўринган куёш сўнгги кун — ҳамманинг руҳи чақириб олинадиган Рўзи Маҳшар кунининг куёшидай туюлди.

— “Кўзингдан жудо бўлдим”, бу сўзлар, менинг аҳли Исо иниларим, ҳазрати Довуднинг Санолар китоби 30-сано 23-оятдан. Ота, ўғил ва муқаддас руҳ номи ила. Омин.

Руҳоний хотиржам, ёқимли овозда гапирди. Унинг чеҳраси очиқ эди, у қўлларини кўксига қўйди, бармоқларининг учларини беозор жипслаштирди ва бу мўъжизгина омонат катакка ўхшарди.

— Бугун эрталаб сиз билан дўзах ҳақида суҳбатлашдик, уни тасаввур қилишга ёхуд жамоамизнинг авлиё асосчиси ўзининг китобида айтганидек, руҳий машқлар қилишга, унинг ўрнини белгилашга уриниб кўрдик. Бошқача айтганда, биз онгимизнинг эҳтиросларга мойил томони билан, ақл-шууримиз орқали бу даҳшатли зиндонни ва унга тушганлар дучор бўлишадиган мислсиз жисмоний азоб-укубатларни тасаввур этишга ҳаракат қилдик.

Ёдингизда сақланг, гуноҳ — икки қарра жиноятдир. Бир тарафдан, бу гуноҳга мойил табиатимизнинг чиркин майлларига, ҳар қандай ҳайвоний хоҳиш-истак ва ифлосликларга разилонга эрк бериш бўлса, бошқа тарафдан, пок тийнатимиз овозига, ўзимизда мавжуд жамики соф ва бокира туйғулар сасига қулоқ осмасликдирки, бунинг ўзи азиз яратувчига бўйин бермаслик билан баробар. Шу боис, кечирилмас гуноҳ жаҳаннамда икки хил: жисмоний ва руҳий жазоларга тортилади.

Шундай қилиб, руҳий азоблар ичида энг даҳшатлиси — маҳрумлик азобидир. У шу қадар улўғки, қолган барча укубатлардан устун. Черковнинг буюк муаллими фариштасифат олим авлиё Фома¹ дейдики, энг оғир лаънат — одам фаҳм-фаросатининг илоҳий нурдан мосуво бўлмоғи, зеро, бундаин кимсанинг ўй-хаёллари тангри марҳаматидан тийилади. Ёдингизда сақлангки, тангри — чексиз марҳаматли мавжудот

¹ Фома Аквинский (1225—1274) — ўрта асрлар схоластикасининг йирик вакиллари билан бири.

ва шу боис ундан маҳрум бўлмоқ адоқсиз укубатдир. Бу фоний дунёда ана шундай маҳрумликнинг оқибатларини биз аниқ тасаввур эта олмаймиз, бироқ дўзахга ҳукм этилганлар чекажак азоб-укубатлари поёнигача ўзларининг нимадан маҳрум бўлишганларини англаб етадилар ва биладиларки, бу маҳрумликнинг сабабкорлари фақат уларнинг ўзлари. Ажал етган лаҳзадаёқ вужуднинг узвлари ажралади ва шу лаҳза руҳ тангри сари, ўзининг мавжудлик маконига йўл олади. Ёдда тутинг., менинг азиз биродарларим, бизнинг руҳимиз тангри билан бирлашмоқни кўмсайди. Биз тангрига мансубмиз, тангри туфайли тирикмиз, тангрига тобемиз; дахлсиз унга тобемиз. Тангри ҳар қайси инсоний руҳни илоҳий муҳаббат билан суяди ва ҳар қайси инсоний руҳ ана шу муҳаббатда барҳаётдир. Бошқача бўлиши ҳам мумкинми, ахир? Ҳар бир нафасимиз, ҳар бир фикримиз, тириклигимизнинг ҳар бир лаҳзаси тангрининг битмас-туганмас марҳаматидан. Модомики, онанинг гўдагидан айрилиб қолиши, кишининг оиласидан, гўшасидан ажралиши, биродарлик ипларининг узилиши нақадар оғир жудолик экан, фикр қилинг, бечора руҳнинг ўзини йўқдан бор этган, тириклигини таъминлаган, уни чексиз муҳаббат билан севган яратувчисидан айри тушмоғи қанчалар азобли эканини. Хуллас, олий марҳаматдан мосуво қолмоқ, тангридан айри тушмоқ, бу жудолик азобини чекмоқ, боз устига, айрилиқнинг абадийлигини туймоқ буюк азобдирки, бундайин маҳрумлик укубатини фақат яратилмиш руҳгина — роена *damni* — кўтаришга қобил.

Дўзахда маҳкумлар руҳини қийноққа соладиган иккинчи жазо — виждон азобидир. Чириган ўлик танада қурт пайдо бўлганидайин, гуноҳнинг маддалаб кетиши оқибатида гуноҳкорларнинг руҳида битмас-туганмас азоб, виждон азоби ёхуд папа Иннокентий III табири билан айтганда, уч ништарли газанда пайдо бўлади. Бу бераҳм жондор жонга санчадиган биринчи ништар — тирикликда ўтган кўнгилхушликлар хотираси. Ў, бу қандайин даҳшатли хотира! Олов денгизининг ютоққан тўлқинида қоврилаётган қирол ўз тож-тахтининг дабдабали улугворлигини эслайди; ақлли, бироқ ахлоқи бузуқ одам — китоблари ва асбоб-анжомларини; санъатни қадрлагувчи — суратларни, ҳайкаллар ва бошқа қимматбаҳо буюмларни; шинам дастурхонларга ўч кимса — тўкин-чочин базмларни, мазали таомларни ва ўтқир виноларни; қурумсоқ кимса эса тилла солинган сандиқларини; босқинчи — зўравонлик орқасидан орттирган бойликни; аламзада, қасоскор, бераҳм қотиллар — ўзларининг қонли қилмишларини; ишратпарастлар ва кажрафторлар — нопок, фаҳшга ботган хузур-ҳаловатларни хотирлашади. Улар бунинг барини эшлашади ва ўзларини ҳам, куфрона қилмишларини ҳам лаънатлашади. Зеро, жаҳаннам оловида мангу ёнишга маҳкум этилганларга ўткинчи ҳою-ҳавасларнинг нечоғли арзимаслиги буткул аён бўлади! Улар само саодатини дунё эрмакларига, бир ҳовуч темир-терсакка, вақтинчалик доврўққа, тана-ю томирларнинг бир неча дақиқалик оройишига алмашганларини англашганда ранжу аламлари, ғазабу нафратлари қайнаб-тошади! Улар чексиз афсус-надоматлар чекишадики, айни шу надоматлар — виждон қуртининг иккинчи, яъни гуноҳлар учун кечикиб, беҳуда чекилаётган афсуслар ништари. Илоҳий интиқом маҳкумларнинг ақл-идроки мунтазам тарзда гуноҳларига қаратилмоғини зарур деб ҳисоблайди, боз устига, тангри, авлиё Августин урғулаганидек, уларга гуноҳни ўз нуқтаи назарича англатади ва маҳкумлар кўз олдида гуноҳ бутун иллату залолатлари билан намоён бўлади. Улар ўз гуноҳларининг жамики қабиҳликларидан огоҳ бўлишади ва надоматлар чекишадики, бироқ

энди жуда кеч. Ва имкон борида ҳаракат қилмаганларидан қаттиқ ўкинишади. Бу эса охирги, виждон қуртининг энг заҳарли ва бераҳм ништаридир. Виждон дейди: сенда вақтинг бор эди, имконинг бор эди, бироқ тавба-тазарру қилмадинг. Ота-онанг сени тавфиқли қилиб тарбиялашди. Сенга кўмак учун муқаддас инъомлар, тангри марҳамати ва гуноҳингни кечириб ҳақида ёрлик берилган эди. Тангри хизматкори ёнингда эди, токи даъват ва қистовлар билан сени ҳақ йўлига бошласа, сени гуноҳлардан, улар қанчалик кўп ва оғир бўлмасин, ҳалос этсаки, фақат сен бадбахт тавба қилсанг, раҳм-шафқат тиласанг. Йўқ. Сен буни хоҳламадинг. Сен муқаддас черков хизматкорларига менсимай қарадинг, тавбадан юз ўгирдинг, гуноҳ ботқоғига ботавердинг. Тангри сени чорлади, огоҳ этди, ўзидан бегона бўлмасликка даъват этди. Ў, бу қандайин шармандалик, қандайин мудҳиш кулфат. Олам ҳоқони сенга — тупроқдан яратиб, тириклик нафасини берган бандасига, уни севишни, қонунларига бўйсунмоқни ўтинди. Йўқ! Сен буни хоҳламадинг. Энди эса, агар сен йиғлай билсанг ва жаҳаннамни кўз ёшларингга чўктирсанг-да, барибир бу надоматлар океани ердаги ҳаётинг чоғида чин дилдан афсус чекиб тўкилган бир томчи ёшнинг берган кўмагини етказолмайди. Энди сен тавба-тазарру қилиш учун ердаги ҳаётингнинг бир нафаслик вақтига зор-нолонсан. Бефойда. Вақт ўтди, абадул абадга кеч қолдинг энди.

Жаҳаннамда гуноҳкорларнинг юрагини кемирадиган бу газанданинг уч тигли ништари ана шунақа. Дўзах қийноғида маҳкумлар ўзларига, ўзларининг бемаза ўй-хаёл билан йўл қўйишган қилмишлари-ю йўлдан оздирган аҳмоқ шерикларига тиг уришади, ҳаётларини барбод этган шайтонларга тиг уришади, бироқ энди бефойда, улар ўзларини таҳқирлаётган абадиёт қаршисида тангрига исён қиладилар ва лаънатлар ёғдирадиларки, эгамнинг раҳм-шавқати ва сабр-тоқатини улар унутгандилар, аммо унинг ҳукму ҳокимиятидан қочиб қутулолмадилар.

Маҳкумлар жаҳаннамда тортилажак навбатдаги руҳий қийноқ — бу азоб-уқубатларнинг муқаррарлигидир. Банда ердаги ҳаёти мобайнида бир қанча ёвуз ишларга қўл уриши мумкин, бироқ заҳарни заҳар кесганидайин, бир ёвуз қилмиш бошқасига ҳалал беради ва акс таъсир кўрсатади. Жаҳаннамда эса аксинча, бир азоб бошқасига ҳалал бермайди, балки уни кучайтиради. Бу ҳам кам: бизнинг руҳий хусусиятларимиз танамиздаги туйғулардан кўра нисбатан мукамалки, шу боис улар чекадиган уқубатлар кучли бўлади. Шу зайл, руҳнинг ҳар бир хусусияти, ҳис-туйғу каби, ўзига хос азобга дучор этилади: тасаввурни ваҳимали кўрқувлар босади, ҳис этиш қобилияти — гоҳ афсус-надомат, гоҳ ғазабга минади, онг ва ақл — ташқи қоронғуликдан ортиқ даҳшатли ботиний зулматга ботади. Гуноҳкор руҳлар дучор бўлган аччиқ алам, гарчи кучсиз бўлса-да, на макон ва на замонга бўйсунди, ўлириб ўлдирмайди, тинч ҳам қўймайди. Бу машъум ҳолатни, магар гуноҳнинг бутун қабиҳликлари-ю тангрининг нафрати аёвсизлигини англамас эканмиз, тасаввур этишимиз мушкул.

Қийноқларнинг муқаррарлиги қатори, бир қарашдан унинг зиддидай туюлувчи, кескинлиги азоби ҳам мавжуд. Дўзах — бу ёмонлик жам бўлган жой, ва сизга аёнки, марказ сари яқинлашган сайин кескинлик ортиб боради. Дўзахдаги азоб-уқубатларни, бир баҳяга бўлсин, ҳеч қандай ташқи ва қарши турувчи куч камайтира олмайди. Ҳатто ўз-ўзича яхшилик ҳисобланган нарса ҳам жаҳаннамда ёмонликка айланади. Бадбахтлар учун ерда таскин омили бўлган дардкашлик у ёқда туганмас қийноққа айланади; олий саодат ҳисобланмиш ақл интилган билим у ёқда

нодонликдан кўра ортиқроқ нафаратга лойиқ топилади; жамики жонзотлар — табиат подшосидан ўрмондаги арзимас гиёҳгача талпинадиган нур — у ёқда куйдирувчи ғазаб алангасига дучор этади. Ердаги ҳаётимизда бизнинг азоб-уқубатларимиз беҳад бардавом ва ҳалдан ташқари катта бўлмайди, зеро, киши тирикликда уларни одатидан келиб чиқиб унутади ёки чидаш беролмай ҳолдан тояди ва шунда бу азоблар тугаб битади. Бироқ дўзахдаги азобларга одатланиш мумкин эмас, чунки улар кескинлиги баробарида ўта хилма-хилдир: бир қийноқ бошқасидан аланга олади ва ёниб гуркираётган оловга улашиб кетади. Бу хилма-хил кескин азоблардан гуноҳкорларнинг қанчалик тинка-мадори қуримасин, бунинг охири бўлмайди, зеро, гуноҳкор банданинг руҳи, азоб-уқубатлари ортиб бориши учун бу бадбахт ёмонлик чоҳида ётаверади. Азобларнинг муқаррарлиги, қийноқларнинг кескинлиги, уқубатларнинг сўнгсиз алмашиб келиши — тангри буюклигига қилинган шаккокликнинг қасоси, само шоҳлигининг талаби ана шундай; мана, гуноҳкорларни поклаш йўлида тўкилган тангрининг беғуноҳ кўзичоғи қони не оқибатларга олиб келади.

Ва дўзахнинг барча азоблари ичида энг оғир азоб — бу унинг мангулигидир. Мангулик! Нақадар кўрққули, нақадар ваҳимали сўз! Мангулик! Инсон аҳли унинг моҳиятига ета олармикан? Уйланг: азоблар мангу! Магар дўзах азоблари даҳшатли бўлмаган тақдирда ҳам, барибир улар узлуксизки, зотан, уларга мангу давомийлик буюрилган. Бу азоблар мангу, бироқ айни дамда улар ўзининг хилма-хиллигида муқаррар, кескинлигида чидаб бўлмасдир. Ҳашарот чаққандаги оғриқнинг мангу давом этиши ҳатто ақлга сизмас азоб, дейиш мумкин. Дўзах азобининг мангулигига қандай чидаш мумкин? Узлуксиз! Абадий! Бир йилмас, юз йилмас, мангу. Сиз бу сўзнинг моҳиятини бир зум тасавур қилиб кўринг. Албатта, денгиз қирғоғида қумлюқни кўп кўргансиз. Унинг майда кум зарраларидан ташкил топганини биласиз. Уйнаб ўтирган боланинг кўлидаги бир сиқим қумдаги зарралар сонига етиб бўлмайди. Энди, миллионлаб мил баланд, ердан осмон қадар кўтарилган энига миллионлаб милга чўзилган, қалинлиги миллионлаб милга тенг қум тоғини кўз олдингизга келтиринг; беҳисоб қум зарраларининг маҳобатли тоғини тасаввур қилинг ва бу зарраларга ўрмонлардаги дарахтлар барглари сонини, беҳудуд океандаги сув томчиларининг сонини, қушларнинг патлари сонини, балиқлар тангалари сонини, ҳайвонлар туки сонини, ҳаво бўшлиғидаги атомлар сонини кўшинг ва кичкина қушча миллион йилда бир марта бу қумтоққа учиб келиб, тумшугида бир дона қум заррасини олиб кетишини ҳам тасаввур этинг. Қушча атиги бир квадрат фут қумни таниб кетиши учун неча миллион-миллион асрлар ўтади? Ҳаммасини таниб кетгунча қанча асрлар кечади? Бу ақл бовар этмас вақт мобайнида мангуликнинг бир лаҳзаси ҳам ўтиб улгирмаган бўлади. Бу биллионлаб ва триллионлаб йиллар охрига борибгина мангулик ибтидоси бошланади. Ва агар бу қум тоғи яна пайдо бўлса ва яна қушча учиб келиб уни зарралаб ташиса ва бу тоғ осмондаги юлдузлар қадар, коинотдаги атомлар қадар, денгиздаги томчилар қадар, дарахтлардаги барглар, қушларнинг патлари-ю, балиқларнинг тангалари, ҳайвонларнинг туки қадар йўқ бўлиб қайта пайдо бўлса-ю, ҳатто шундан кейин ҳам, яъни сон-саноксиз марта шундай бўлгач ҳам, мангуликнинг бир дақиқаси ҳали ўтмаган бўлади, ҳатто шунда, шу қадар ниҳоясиз вақт мобайнида, ниҳоясизлигидан ақлимиз шошадики, мангулик энди бошланган бўлади.

Бир авлиё (хотирам алдамаса, бизнинг орденимиз асосчиларидан бири) дўзахни кўра олиш марҳаматига сазовор бўлган. Унга шундай

туюлганки, гўё улкан қоронгу даҳлизда турибди, бу ердаги сукунатга фақат жуда катта соатларнинг чиққиллагани ҳалал беради. Соатлар тинимсиз чиққиллайди ва авлиёга улар бир маромда: ҳар доим ҳеч қачон, ҳар доим ҳеч қачон, деган сўзларини такрорлаётгандай туюлади. Ҳар доим дўзахда бўлмоқ бор, ҳеч қачон — самода; ҳар доим тангри жамолидан бенасиб бўлмоқ бор, ҳеч қачон бу ҳузур-ҳаловат насиб этмагай; ҳар доим оловга мубтало, қуртларга ва қиздирилган сим чивикларга қурбон бўлмоқ бор, ҳеч қачон улардан қочиб қутулиб бўлмас; ҳар доим виждон азобида қийналмоқ, хотиралар оловида куймоқ, зулмат ва афсус-надоматлардан бўғилмоқ бор, ҳеч қачон улардан ҳалос бўлмоқ йўқ; ҳар доим ўзининг қурбонлари чекаётган уқубатлардан иблисона қувонч туяётган разил жинларни лаънатламоқ ва улардан нафратланмоқ бор, ҳеч қачон фараҳбахш руҳлар жамолига бир қараш имкони йўқ; ҳар доим олов қаърида ёниб тангрига нола этмоқ, бир лаҳзалик дам, сўнгсиз азоблардан бир зум нафасни ростлаб олгудек ҳордиқ сўраб илтижолар қилмоқ бор, ҳеч қачон киприк қоққулик фурсатга тангри ижозатини олмоқ йўқ; ҳар доим азоб чекмоқ бор, ҳеч қачон ҳаловат топмоқ йўқ; ҳар доим лаънатга дучор бўлмоқ бор, ҳеч қачон ҳалос бўлмоқ йўқ; ҳар доим, ҳеч қачон! Ҳар доим, ҳеч қачон! Ў, нақадар даҳшатли жазо! Туганмас азоблар мангулиги, туганмас тана ва руҳ уқубатлари — на йилт этган умид учқуни, на бир лаҳзалик тиним, фақат азоблар, кескинлигининг чеку чегараси, хилма-хиллигининг ҳисоби йўқ, қурбонининг ич-этини абадий кемирадиган азоблар; руҳни куйдириб, танани тилкалайдиган мангу алам, ҳар бир лаҳзаси абадий уқубат бўлмиш азоб — оғир гуноҳлар билан қазо қилганга қудратли ва адолатли тангрининг ростлаган даҳшатли жазоси бу.

Ҳа, адолатли. Одам боласининг чекланган ақли билан фикрлашга қобил кишилар биргина оғир гуноҳ учун тангри жаҳаннам оловининг мангу, муқаррар азобига дучор этишини тушунишга ожизлик қилишади. Чунки улар тана майлларига ва инсоний ақл ноқислигига асир бўлишиб, гуноҳнинг беҳад қабиҳлигини тушуниб етмайдилар. Улар юзаки ўйлашади, зеро, бир енгил хатоликнинг қанчалик жирканч ва қабиҳ бўлишини англашга қодир эмаслар. Агар қудратда мислсиз яратгувчи ўз кучи билан, фақат ёлғиз биргина ноҳўя иш — ёлғонни, ғаразли назарни, бир дақиқали лоқайдликни жазосиз қолиши шарти билан дунёдаги жамики разиллик ва бахтсизликларни: урушларни, касалликларни, босқинчиликни, жиноятни, ўлимни, қотилликни тўхтатса, тангрининг тангрилиги қайда қолади, у бундай қилмайди, у ўз қонунларига бўйсунмагани жазолайдики, зеро, ҳар қандай хато амал ва куфрона ўй унинг қонунларига хилофдир.

Биргина гуноҳ — ақлнинг бир лаҳзалик такаббуруна исёни Иблисни ва фаришталар лашкарининг учдан бирини яксон қилди. Биргина гуноҳ — бир лаҳзалик ақлсизлик ва ожизлик оқибатида Олам Ато ва Момо Ҳаво беҳиштдан қувилдилар ва оламга ўлимни, азоб-уқубатларни олиб келдилар. Ана шу гуноҳларни охир-оқибат ювмоқ ниятида тангрининг ёлғиз ўғли ер узра тушди, яшади, азоб тортиди ва чормих қилинган хочда уч соат буюк азоблардан сўнг қазо қилди.

Ў, менинг аҳли Исо иниларим, наҳотки биз карами кенг ҳалоскоримизни таҳқирласак ва унинг нафратини кўзғасак? Наҳотки, тагин унинг чормих қилинган, қийноққа солинган танини топтасак? Муҳаббат ва ғам балқиган бу чеҳрага тупурмоққа журъат этсак? Наҳотки биз, бераҳм муртад мунофиқлар ва тўпори аскарлар сингари, маъсум, кўнгли юмшоқ, биз учун азоб-уқубатларни охиригача тортган ҳалоскоримизни хўрласак? Ҳар қандай гуноҳли калом —

унинг нозик танига етказилган жароҳатдир. Ҳар қандай куфрона амал — унинг манглайига ботган тикандир. Биз онгли тарзда бериладиган ҳар қандай нопок ўй-фикр — бу севгувчи юракка санчилган ўткир найзадир. Йўқ, йўқ. Бирор-бир одам боласи тангри буюклигини бу қадар қаттиқ таҳқирламоққа журъат этмагай, зеро, бундайин гуноҳ мангу абадий азоб билан жазолангуси, чунки у тангри ўлини тагин хочга михлайди ва уни тагин таҳқирларга дучор этади.

Тангрига илтижолар қиламанки, менинг ночор панд-насихатларим ҳақ йўлидан бораётганлар диёнатини қуватлагай, иккиланганларни қўллаб-қувватлаб, адашган бечора қалбларни диёнатга бошлагайки, агар орамизда бундайлар бор бўлса. Тангрига илтижолар қиламан — сиз ҳам мен билан бирга дуо қилингиз — у бизга гуноҳларимиз учун тавба қилишга кўмак берсин. Энди ҳаммангизни бу жойда, мана шу оддий черковда тангри нигоҳида тиз букиб, менинг ортимдан тавба дуосини такрорлашга чорлайман. У шу ерда, нажот кемасида, одам қавмига меҳр-муҳаббатга тўлуғ ва азобда қолганларга таскин беришга тайёр. Кўрқманг. Гуноҳларингиз нақадар кўп ва оғир бўлмасин, агарда тавба қилсангиз, кечирилгусидир. Бекорчи шарм-ҳаё сизга монелик қилолмайди. Ахир, яратган эгам — бизнинг раҳм-шафқатли яратгувчимиз гуноҳқор бандасига абадий ҳалокатнимас, балки тавба-тазарруни ва тақволи ҳаётни истайди.

Сизларни у ўзига чорлайди. Сиз — унинг болалари. Сизни у йўқдан бор қилди. У сизни яхши кўради, фақат тангригина чин муҳаббат соҳиби. Сизни кучишга унинг кучоғи очик, гарчи сиз унга зид гуноҳ қилган бўлсангиз-да. Унга талпин шўрлик гуноҳқор, ночор, нотавон, адашган банда. Айни пайти, тангрига матлуб муддат бу.

Руҳоний ўрнидан турди, меҳробга юзланди ва қоронғуликда тиз чўкди. Ҳамманинг тиз чўкишини ва шитирлаган товушлар буткул тинчишини кутиб турди. Шундан сўнг, бошини кўтариб, ғайрат билан тавба-тазарру дуосини ўқий бошлади. Болалар унинг айтганларини сўзма-сўз такрорлашарди. Тили томоғига ёпишиб қолган Стивен бошини қуйи эгди ва ичида дуо ўқиди.

- Тангрим, яратган эгам,
- Тангрим, яратган эгам,
- Мен чиндан ғам чекаётирман,
- Мен чиндан ғам чекаётирман,
- Негаки, сенинг қаҳрингни кўзгадим, тангрим,
- Негаки, сенинг қаҳрингни кўзгадим, тангрим,
- Ва қилган гуноҳларимдан жирканаман,
- Ва қилган гуноҳларимдан жирканаман,
- Улар ҳар қандай бадбахтлик ва ёвузликдан-да мудҳишдир,
- Улар ҳар қандай бадбахтлик ва ёвузликдан-да мудҳишдир,
- Чунки мен сенинг муқаддас ироданга зид иш қилдим,
- Чунки мен сенинг муқаддас ироданга зид иш қилдим,
- Сен эса, яратган эгам, қудратда мислсиз ва марҳаматлисан,
- Сен эса, яратган эгам, қудратда мислсиз ва марҳаматлисан,
- Ва ҳар қандай юксак ҳамду саноларга муносибдирсан,

- Ва ҳар қандай юксак ҳамду саноларга муносибдирсан,
- Бу менинг илтижоларим, парвардигор,
- Бу менинг илтижоларим, парвардигор,
- Кутлуғ карамингдан бенасиб этмагайсан,
- Кутлуғ карамингдан бенасиб этмагайсан.
- Сўнги кунимга қадар сенинг қаҳрингни кўзгамагайман,
- Сўнги кунимга қадар сенинг қаҳрингни кўзгамагайман,
- Ва умрим бўйи гуноҳларимни ювиб ўтгайман.
- Ва умрим бўйи гуноҳларимни ювиб ўтгайман.

* * *

Овқатланиб бўлгач, у юқорига ўзининг хонасига чиқди, шу ерда юраги билан ёлғиз дардлашгиси келди ва ҳар бир зинани босиб кўтарилганда юраги бир тўлғанар, тўлғаниб, ғира-шира қоронғуликда у билан бирга тепага кўтариларди.

У эшик олдидаги майдончада тўхтади, кейин тутқични ушлаб босди ва эшикни илдам очди. Кўркув ичида суст қимирлар, юраги ҳам бутун вужуди билан бирга азобланарди; у овозини чиқармай дуо ўқиди, бўсагадан ҳатлаганда манглайи ажалга рўпара келмаслигини, қоронғи бурчакка жам бўлган жинлар ўзини банди этмаслигини сўраб ўтинди. У бўсагада, гўё аллақандай қоронғу фор оғзига рўпара келгандай, қотиб кутди. Форда унинг пайига тушган кўрқинчли башаралар ва чақчайган кўзлар пойлаб туришибди.

— Биз, албатта, жуда яхши билардикки, гарчи бу, шубҳасиз, ойдинлашиши керак эди, унга жуда қийин бўлади бу уриниш, ўзини мажбур этиш, маънавий вакилни тан олишга уриниб кўриш ва биз, албатта, жуда яхши билардик...

Шивирлаб гапирётганлар кўзларини чақчайтириб пойлашади, сирли овозлар форни қоплайди. Тан ва жонга тушган қаттиқ кўркув борлигини сиқувга олади, бироқ у бошини дадил кўтариб қатъият билан хонага қадам ташлайди. Таниш хона, таниш дераза. У ўзини қоронғуликдан келаётган ваҳимали шивир-шивирлар мутлақо бемаъниликка ишонтиради. У ўзини деразалари ланг очик бу хона ўзиники эканига ишонтиради.

У эшикни ёпди, каравотга томон тез юриб бориб, тиз чўкди ва юзини кўллари билан бекитди. Унинг кўллари совуқ ва ҳўл эди, бутун бадани титроқдан зирқирарди. Жисмоний чарчоқ, титроқ ва ҳорғинлик унинг мадорини қуритган, фикрини йиғиб ололмасди. Нега у тунда чулдираб дуо ўқиётган гўдакка ўхшаб тиз чўкиб ўтирибди? Юраги билан ёлғиз дардлашиш учун, виждонига қулоқ тутиш, гуноҳларини ростгўйлик билан тан олиб, қаерда, қандай шароитда уларга кўл урганини эслаш ва қилмишларидан ғамга ботиб йиғлаш учун. Бироқ у йиғлай олмади. У ҳатто гуноҳларини эслай олмади ҳам. Фақат оғриқни сизди, руҳи ва тани азоб чекаётганини, бутун борлиги—хотираси, продаси, онги ва бадани ҳолдан тойганини ҳис этди.

Бу жинлар, унинг фикрларини чалғитишга, виждонини ухлатишга, гуноҳга ботган кўрқоқ вужудига эга бўлиб олишга уринаётир; у бўшанглиги учун тангидан юраги дов бермай изн сўраб илтижо қилиб, ўрnidан турди ва кароватга чўзилиб кўрпага бурқанди-да, тагин юзини кўллари билан бекитди. У¹ гуноҳ қилди. У тангри

иродасига, само салтанатига қарши оғир гуноҳ қилди, минбад тангрининг ўғли деб аталишга номуносиб.

Наҳотки у, Стивен Дедалус, шу қилмишларга қўл урди? Бунга жавобан виждони тилга кирди. Ҳа, у яширинча, қабиҳлик билан, бир неча бор гуноҳ қилди. Энг ёмони, бошдан-оёқ гуноҳга ботганига, руҳи куфр ботқоғига беланганига қарамай, меҳроб рўпарасида юзига фаришга ниқобини тутишга журъат этди. Тангри эса унга раҳм қилди. Гуноҳлар, худди моҳовлар тўдасидай, уни куршаб олди, нафаслари юзига урилди, тўрт томондан босиб келди. У дуо ўқиб гуноҳларини унутишга чиранди ва қўллари билан босиб, кўзларини маҳкам бекитди. Бироқ юраги тинчимади. Унинг кўзлари бекилган эди, бироқ у ўзи гуноҳ қилган жойларни кўрди; қулоқлари маҳкам бекитилган эди, бироқ у ҳаммасини эшитди. Бутун кучини йиғиб ҳеч нарсани кўрмасликка, эшитмасликка уринди. Зўр бериб уринганидан бадани титради ва туйқусдан руҳи хотиржам тортди, бироқ бу бир лаҳза давом этди. Шунда унинг кўзига бир нималар кўринди.

Қушқўнмаснинг қотган томирлари, қичитқининг буталари сочилган харобазор. Бу мудҳиш чангалзорда пачоқ тунукалар, кесаклар, қуриб қолган ахлат уюмлари ётибди. Нажасдан оқиш ҳовур кўтарилиб, тиканли сарғимтил-яшил томирлардан тепага ўрлайди. Тунукалардан, қотган тезакдан худди ботқоқдан анқигандай кучсиз ва қўланса аччиқ ҳид уфуради.

Далада аллақандай мавжудотлар санғийди: битта, учта, олтита. Улар у ёқ, бу ёққа бемақсад сандирақлайди. Юзи ўликникидай жонсиз одамбашара, шохли, сийраксоқол эчкинусха махлуқлар. Қаҳру ғазабга минган бу махлуқлар узун думларини судраб нари бориб, бери келиб, тентирайди. Қоқсуяк қаримсиқ юзларида заҳарханда иржайган бадҳоҳлик аломатлари кезинади. Бири патли газламадан тикилган жулдур нимчага бурканган, бошқа бири — соқолчаси бурганнинг қабзасига илашганда бир маромда анғиллайди. Уларнинг қақраган лабларидан тушунарсиз сўзлар чиқади. Улар майдонни айланаверади, томирларни оралаб ўтади, думларига илашган тунукалар шақирлайди, ёввойи ўтлар оралаб зир югуради. Улар аста-секин ўраб, тобора унга яқинлашиб келади. Лабларидан тушунарсиз сўзлар учади; ҳавони ҳуштак чалиб кесиб тушаётган думларига сассиқ ахлат ёпишган, кўрқинчли башаралар юқорига чўзилади...

— Қутқаринг!

У даҳшатга тушиб кўрпани улоқтирди, юзини ва бўйинини бўшатди. Мана унинг дўзахи. Тангри унга гуноҳлари учун ҳозирланган жаҳаннамни кўрсатди — жирканч, бадбўй, бузуқларнинг, бадбин ва эчкинусха жинларнинг ҳайвоний дўзахи. Унинг, унинг дўзахи!

У каравотдан ирғиб турди: ичак-чавоғини ағдар-тўнтар қилган бадбўй зардоб томоғига тикилди. Ҳаво! Осмон ҳавоси! У судралиб деразагача зўрға етиб келди, кўнгли айнишидан ҳушини йўқотар аҳволда эди. Ювинадиган тос олдидан уни қалтироқ босди ва ҳушидан айрилиб, қўлини муздай манглайига босганча, жон азобида қусавериб букчайиб қолди.

Бироз ўзига келгач, у машаққат билан деразагача бориб олди, дераза тавақасини очиб, бир амаллаб токчанинг четига ўтирди. Ёмғир тинди. Туман уюмлари бир ёруғ нуқтадан бошқаси томон сузар, гўё шаҳар теварагида пилла йигираётганга ўхшарди. Осмон сокин, ҳаво худди ёмғирга чумилган ўрмон ҳавосидай, нафас олиш ҳузурли; ва шу жимлик, жимирлаган ёғдулар ичида ва сокин ҳузурбахш ҳавода у ўз юрагига ваъда берди.

У дуо ўқиди:

“Бир гал у осмон шавкати-ла ерга тушмоқни истади, бироқ биз гуноҳга йўл қўйдик. Ва у бизга улуғлигини, зиёсини яширмай кўрина олмасди, зеро, у тангри. Ва у ўзини намоён этди, қудратда мислсиз шухрати билан эмас, маъсумлиги билан ва сени, ўз қўли билан бино этганларга нигоҳимизнинг имкони даражасида мўминлик шукуҳи ва ёдусига чулғаб бизга юборди. Ва энди айна қиёфанг ва сенинг вужудинг бизга ердагидай кўзга хатарнок гўзаллик ҳақида эмас, балки нишонанг бўлган айна тонг юлдузига менгзагули мангу кун ҳақида гапирди. Ў, ўша куннинг даракчиси! Ў, зиёратчи йўлини ёритувчи кўёш! Бизга айна бурунгидай йўл кўрсатавер. Тун зулматида, нажотсиз саҳрода бизни халоскоримиз Исо Масихга, бошпанамиз ва манзил-маконимизга еткар!”

Унинг кўзлари ёшга тўлди ва итоаткорона нигоҳини осмонга тикди, у ўзининг бой берилган бокиралигига қайғуриб йиғлаб юборди.

Бутунлай қоронғу тушгандан сўнг у уйдан чиқди. Ташқарига чиққанда нам ва қоронғу ҳаводан олган биринчи нафас ва ортидан ёпилган эшикнинг тақиллаши дуо ўқигандан ва кўз ёш тўкканидан кейин хийла хогиржам тортган қалбини тагин алағда қилди. Тавба қил! Тавба қил! Қалбни фақат дуо ва кўз ёшлар билан хотиржам қилиб бўлмайди. У муқаддас руҳ хизматчиси рўпарасида тиз чўкмоғи ва унга ўзининг пинҳона гуноҳларини рўй-рост ошкор этиб, тавба қилмоғи лозим. Кириладиган эшик унга ичкарига кириши учун йўл очаётиб очилгунга қадар, ошхонада кечки овқат тортилган дастурхонга кўзи тушгунга қадар, у тиз чўкиб тавба-тазарру қилади. Ахир, бу жуда осон.

Виждон азоби тинчиди ва у қоронғу кўчаларда илдам юриб кетди. Бу кўчаларга тўшалган тошлар нечта, бу шаҳардаги кўчалар, дунёдаги шаҳарлар қанча! Мангуликнинг интиҳоси йўқ. У эса оғир гуноҳларни кўтариб юрибди. Бир мартагина куфрга йўл қўйиш — бу ҳам оғир гуноҳ. Бу бир лаҳзада рўй бериши мумкин. Қандай қилиб бир лаҳзада? Бир қарашда, бир куфрона фикр оқибатида. Сен кўришни истаганингча кўзинг кўриб улгуради ва бир лаҳзада гуноҳ қилиб қўясан. Бироқ тананинг бу аъзоси бирор нимани идроклайдими? Илон — ердаги газандаларнинг энг маккори. Бир лаҳза ичида у ўзининг нимани хоҳлаётганини тушуниб етади ва кейин лаҳзама-лаҳза гуноҳкор қилмишини амалга оширади. Буни у ҳис этади, тушунади ва қўмсайди. Нақадар даҳшатли бу! Уни ким бундай қилиб яратган, вужуднинг бу ҳайвоний қисмини, ҳайвоний тушуниш қобилиятини ва ҳайвоний қўмсаш туйғусини? Бу нима: унинг ўзининг ёки аллақандай ғайриинсоний ноаён руҳнинг амали оқибатими? У илоннинг ланж ҳаётига ўхшаган, унинг вужудидаги шарбатни сўрадиган ва шишиб, куфрона шаҳватга ботадиган бу ҳаётни тасаввур этганда юраги сесканди. У, нега бу шундай? Нима учун?

Тангри олдида, жамики тириклик ва борлиқни яратган парвардигори олам қаршисида итоаткорона хўрлик ва қўрқувда хаёлидан кечган бу ножоиз саволлар зулматидан кичрайиб, жунжайиб қолди. Телбалик бу! Унга бундай куфрона фикрни ким айтиши мумкин? У қоронғуда гумраниб, эзилиб, ўзининг халоскор фариштасига овоз чиқармай илтижо қилди, қилчи билан унинг қулоғига куфрона гапларни шивирлаётган шайтонни қувиб солишини ўтинди.

Пичирлаган овоз тинди ва шунда у аниқ тушундики, унинг ўзининг руҳи йўлдан озган, ҳам сўз, ҳам амал, ҳам ўй-хаёллар билан гуноҳга йўл қўйган, тани эса гуноҳнинг воситаси бўлган. Тавба қил!

Ҳар бир гуноҳнинг учун тавба қил. Руҳонийга қилган қилмишларини қандай юз билан айтади? Бироқ у айтиши керак, албатта, айтиши керак. Уятдан юзи куйиб, қандай тушунтирар экан? Буни уялмай туриб амалга оширишнинг иложи бормикан? Нодон! Тавба қил! Эҳтимол, шундан сўнг у чиндан ҳам яна эмин-эркин ва гуноҳлардан буткул холи бўлар. Эҳтимол, руҳоний руҳини оғир юкдан енгиллатар! Ҳ, карами кенг тангрим!

У хира ёруғ кўчалардан, иккиланиб бирор-бир лаҳзага тўхтаб қолишдан чўчиб, илдам юриб борарди. Эзгуликка йўғрилган тангрининг меҳрли-нигоҳи назар-этган қалб беҳад гўзал бўлса ажабмас!

Бефарқ сотувчи аёллар ўзларининг саватлари билан курсичаларда ўтиришибди. Уларнинг ёғ босган сочлари тутам-тутам бўлиб манглайида осилиб турибди. Улар кир-чир кийимда, букчайган кўйи лой кўчада ўтиришибди. Бироқ уларнинг қалби тангрига очиқ ва агар уларнинг қалби илоҳий ёғдудан баҳрамаңд бўлса, улар ўзидан нур таратади ва тангри меҳрли нигоҳини улардан дариг тутмайди.

Хўрлик туйғуси унинг руҳини чўқтирди. Модомики, унинг эмас, мана бу юрган қизларнинг қалби тангрига хуш келган экан, у жуда тубан кетгани аён! Уларнинг бошлари узра эсиб ўтган шамол бошқа сон-саноқсиз қалблар томон йўналади, улар тангри марҳамати билан гоҳ кучли, гоҳ кучсиз, худди бир ёниб, бир нурсизланган юлдузлардай, ёришади. Милтиллаган кучсиз қалблар парвардигор марҳаматидан бенасиб қолади, четлашиб кетади, улар хира нурланади ва кучли шамолдан ўчиб-сўниб қолади. Мана, биттаси ҳалок бўлди: ушшоқдай юрак ёлқини ўчди, бу унинг қалби. У бир ловуллаб сўнди, унутилди, ҳалок бўлди. Энди тамом: бу ёғи зулмат, қаҳратон, бўм-бўшлик, йўқлик.

Ақли бовар қилмаган, яшаб кўрмаган чеку чегарасиз мангу вақтдан мавжуд воқеликка қайтиш, теварагидаги ҳаётни ҳис этиш туйғуси унга аста-секин қайтди. Ҳануз атрофда ўша ночор турмуш давом этар: одатдаги бақриқ-чақриқлар эшитилар, дўконларнинг газ чироқлари хира ёришиб турар, балиқнинг, спиртнинг ва нам тортган тахта қириндисининг ҳиди анқир, ўткинчилар — эркаклар ва аёллар бориб-келиб юрарди. Қўлида керосин идиш кўтариб олган қари кампир кўчани кесиб ўтмоқчи бўлди. У эгилиб кампирдан, шу яқин орада черков борми, деб сўради.

— Черковми, сэр? Ҳа, бор, Черч-стритда.

— Черч-стритда.

Кампир идишни бошқа қўлига олди ва унга йўлни кўрсатди. Рўмолининг попуклари тагидан териси буришган, керосин ҳидли қўлини чиқарганда Стивен кампирга яқинроқ эгилди, унинг овозидан юраги орзиқиб, енгил тортди.

— Ташаккур.

— Марҳамат сэр.

Меҳроб олдидаги саҳнда шамлар ўчирилган, бироқ ним қоронғу бурчаклардан ладаннинг хушбўй ҳиди таралиб турибди. Соқолли, художўй қиёфали хизматкорлар ён тарафдаги эшик орқали тахтиравонни кўтариб чиқишаётир, руҳоний уларни босиқлик билан имо-ишора қилиб, маслаҳат бериб бошқараётир. Черков қавмининг бир неча тиришқоқ аъзолари ёнбошдаги саҳнда тиз чўкишганча ибодат қилишаётир. У тортиниб кирди ва ичкаридаги охирги ўриндиқ олдида тиз чўқди, кўкси ғира-шира ёруғ черковнинг сокин, жимжит ва хушбўй ҳавосидан тўлиб-тошди. У тиззаларини қўйган тош тахта энсиз ва ишқаланавериби ейилиб кетган, ёнида тиззаларини букиб ибодат қилаётганлар эса Исонинг

итоаткор издошлари. Исо ҳам камбағал муҳитда туғилган ва оддий дурадгор бўлиб ишлаган — тахта арраланган, рандалаган, у илк бор тангри салтанатидан сабоқ берган кишилар камбағал балиқчилар бўлишган, уларни Исо итоаткорликка ва беозорликка ўргатган.

У қўлини бошига қўйди, юрагига ёлвориб итоаткор ва беозор бўлишга ўтинди, токи ёнида тиззаларини букиб ўтирганлар сингари мўмин, ибодати ҳам уларникидай яратганга матлуб бўлсин. У оддий одамлар қаторида ибодат қилар, бироқ бу жуда оғир кечарди. Унинг қалби гуноҳдан бадбўйлашган ва у Масихнинг тангрига хос карам билан биринчилар қатори ўзига чорлаганлари — дурадгорлар, балиқчилар, дарахтни арралаб тахта тайёрлайдиганлар, қаноат билан эринмай тўр ямайдиган камбағал авом каби чин дилдан ибодатга киришиб, тавба қилолмасди.

Зинадан баланд бўйли жусса тушиб келди, ибодатхонадагилар ғимирлаб қолди. У бошини кўтариб, узун ошпоқ соқолга ва жигарранг руҳонийча либосга кўзи тушди. Руҳоний тавба-тазарру хонасига кириб, кўздан ғойиб бўлди. Икки киши ўрнидан туриб, икки тарафдан ўша ёққа ўтишди. Эшик дарчаси бекилди ва паст шивирлаган товуш жимликни бузди.

Унинг томирларида қон гупурди, бу худди гуноҳга ботиб ғафлатда ётган шаҳар кўкқисдан уйғотилган ва ўзига ўқилган ўлим ҳукмини эшитгандагидай бир ҳолат эди. Аланганинг тиллари биланглайди, томларни кул ва қурум босади. Уйкудагилар чўчиб уйғонади, тандирдай қизиган ҳаводан бўғилишиб, жон ҳолатда оёққа қалқишади.

Дарча очилди. Тавба-тазарру қилган киши чиқди. Нариги тарафдаги дарча ҳам очилди. Хотиржам қиёфадаги аёл чаққон юриб ўша, боягина биринчи бўлиб тавба қилган киши тиз чўкиб ўтирган тарафга ўтди. Тагин кучсиз шивирлаган товуш эшитилди.

Ҳали ҳам бу ердан кетиши мумкин. Ўрнидан туради, бир қадам ташлайди, кейин секингина чиқиб, ортига қарамай югуриб кетади. Ҳали ҳам шарманда бўлишдан кутулиш мумкин. Бу, эҳтимол, ўта даҳшатли жиноятдир. Ҳагто қотиллик қилишдан-да баттардир. Барибир уят ҳисси уни оёғидан бошигача, худди қизиб турган кул-қурумга белангандай, кўмиб юборди. Қилмишларини бирма-бир сўзлаб бериши нақадар оғир! Унинг зада юраги чидолмайди бунга, ўлиб қолади.

Дарча яна очилди. Тавба-тазарру хонасидан кимдир чиқди. Бериоқдаги дарча ҳам очилди. Иккинчи бўлиб тавба қилгани кирган киши чиқиб, навбатдаги кирди. Энди хонадан майин чулдираган товуш эшитилди. Аёл киши тавба-тазарру қилаётир. Майин шивирлаган ҳовур кўтарилди, беозор шивирлаб беозор сўнадиган сас.

У ёғоч ўриндиққа қапишганча, хўрлиги келиб кўкрагига муштларди. Минбад у одамларга ўзини яқин олади ва тангрини танийди. Ўз яқинини яхши кўради. Тангрини, ўзини бино қилган ва яхши кўрувчи эгамни дейди. Тиз чўқади, ҳамма қатори ибодат қилади ва шунда, албатта, бахтли бўлади. Тангри унга муборак назарини ташлайди, ҳаммаларини кўради ва ҳаммаларини суяди.

Яхши одам бўлиш қийин эмас. Тангрининг юклаган ташвишлари ширин ва уларни адо этиш энгил кечади. Муҳими, ҳеч қачон гуноҳ қилмаслик, доимо гўдакдай беғубор, пок бўлиб қолиш, чунки тангри гўдакларни суяди ва уларни ўзига яқин олади. Гуноҳ қилиш жуда оғир юк ва оқибати даҳшатли. Бироқ тангри, чин дилдан тавба-тазарру қилганлардан, мушфиқ гуноҳкорлардан меҳр-шафқатини дариф тутмайди. У, бу нақадар чин! Мана, чинакам меҳрибонликнинг туб моҳияти!

Дарча туйқусдан очилди. Аёл чиқиб келди. Энди унинг навбати. У титраб-қақшаб ўрнидан турди ва худди туш кўраётгандай, ҳеч нимани илғамай, тавба-тазарру хонасига ўтди.

Унинг фурсати етди. Жимжит хира ёруғликда у тиз чўкди ва бошини кўтариб рўпарасидаги оқ бутга қаради. Унинг тавба қилаётганини тангри кўради. У ўзининг қилган барча гуноҳларини тўкиб-солади. Узундан-узоқ тавба-тазарру қилади. Черковдагиларнинг бариси унинг қанақа гуноҳкор эканини билиб олишади. Майлига билишсин, бу ҳақиқат бўлганидан кейин. Бироқ тангри, агар у тавба қилса, гуноҳидан ўтишни ваъда қилган, мана, у тавба қилаётир. У қўлларини чўзди ва оқ бутдан тавоф олди. У жазавага тушиб ибодат қилди: кўзларини ёш қоплади, лаблари титради, бадани жимирлаб кетди; алам билан бошини у томондан бу томонга сермаб, дуо сўзларини ҳаяжон билан айта бошлади.

— Пушаймонман, пушаймонман, ў, пушаймонман!

Дарча қия очилди ва унинг юраги шув этиб кетди. Панжара ортида унга ярим бурилган, қўлига таянган ҳолда кекса руҳоний турарди. У чўқинди ва руҳонийдан ўзини дуо қилишини сўраб, гуноҳга йўл қўйганини айтди. Кейин, бошини қуйи солиб, кўрқув ичида “Confiteor”¹ни ўқиди. “Менинг энг оғир гуноҳим” деган сўзда тўхтади, унинг нафаси тикилди.

— Қачон охирги марта тавба қилган эдинг, бўтам?

— Анча бурун, тақсир.

— Бир ой бурунми, бўтам?

— Кўп бўлди, тақсир.

— Уч ой бўлдим, бўтам?

— Кўпроқ, тақсир.

— Олти ойми?

— Саккиз ой, тақсир.

Мана — бошланди. Руҳоний сўради:

— Бу муддат ичида қандай гуноҳларга қўл урдинг?

У бирин-кетин санай бошлади: ибодатларни ўтказиб юборгани, дуоларни ўқимагани, ёлгон гапиргани — барисини айтди.

— Яна-чи, бўтам?

Адоват, ҳасад, хушомад, шуҳратпарастлик, итоатсизлик гуноҳларига йўл қўйган.

— Яна қандай, бўтам?

— Мен... зинога йўл қўйдим, тақсир.

Руҳоний бошини буриб қарамади.

— Ўзинг билан ўзингми, бўтам?

— Бошқалар билан ҳам.

— Аёллар биланми, бўтам?

— Ҳа, тақсир.

— Эри бор аёллар биланми, бўтам?

У билмайди. Гуноҳлар унинг лабидан бирин-кетин оқиб чиқаверди, унинг мадда бойлаган ярадай қалбидан йирингга қоришган қон мисол томчилади ва гўё ирkit бўтана оқимга айланди. У ичидаги энг уятли, қабиҳ гуноҳларини ҳам сўнгги томчисигача сиқиб чиқарди. Бошқа айтадиган гап қолмади. Унинг тинка-мадори куриб, боши осилиб қолди.

Руҳоний бироз жим турди. Кейин сўради:

— Ёшинг нечада, бўтам?

— Ўн олтида, тақсир.

¹ Т а в б а - т а з а р р у о л д и д а н ў қ и л а д и г а н д у о .

Руҳоний бир неча марта юзини қўли билан силади. Кейин бошини кафтига тираб, панжарага энгашиди ва ҳануз унга қарамай, секин гапира бошлади. Унинг овози ҳорғин ва қарияларга хос эди.

— Сен ҳали жуда ёшсан, бўтам, — деди у, — мен сендан ўтиниб сўрайман, бу гуноҳдан воз кеч. У руҳни ўлдиради, танани хароб қилади. У — жамики жинойтлар ва бахтсизликларнинг сабабчиси. Ундан воз кеч, болам, худо ҳаққи воз кеч. Бу номақбул ва тубан майл. У сени қаёққа бошлашини билмайсан ва бир кун ўз оёгинг билан жар лабига бориб қолганингни сезмай қоласан. Ҳозирча бу гуноҳ сени асир қилиб олибди, менинг нотавон болам, шу боис тангри марҳамати сени тарк этган. Муқаддас онамиз Биби Маряга илотижо қил. У сенга кўмак беради, бўтам. Бошингни куфрона ўй-хаёллар чулғаганда саховатпеша бокирамизга сиғин. Сен унга ибодат қиласан, албатта, бўтам? Сен бу гуноҳларингга афсус чекасан, мен ишонаман, тавба қиласан. Ва сен тангри таолога қасамёд келтириб, ҳеч қачон бундай қабих гуноҳлар билан унинг қаҳру ғазабини кўзғамасликка сўз берасан. Сен тангрига шундай тантанали қасам ичасан, тўғрими, бўтам?

— Ҳа, тақсир.

Кексаларга хос вазмин овоз унинг титраб турган, ҳаяжондан ёниб-қакраган юрагига мисоли оби-ҳаётдай таъсир этарди. Нақадар қувончли ва нақадар қайгули!

— Сўз бер, бўтам. Сени иблис йўлдан урган. У сенга тагин таҳдил этгудай бўлса, лаънати қайта жаҳаннамга ҳайда, бизнинг яратгувчимизни кўролмайдиган бу нопок руҳни қув. Танингни хўрлама. Тангрига қасамёд эт, бу қабих гуноҳдан юз ўгирганингни айтиб сўз бер.

Кўз ёши ва тангрининг меҳр-шафқат нуридан кўзи қамашиб, гуноҳлардан халос этаётган тантанавор сўзларни эшитиб ва ўзига фотиҳа бераётган руҳонийнинг қўлини кўриб, у бошини қуйи солди.

— Тангри ризо бўлсин, бўтам. Мени дуо қил.

У қоронғу бурчакка тиз чўкди ва тавба-тазарру дуосини ўқий бошлади, дуо унинг осойишта юрагидан, мисоли оқ атиргулнинг муаттар бўйи каби самога кўтарилди.

Лой кўчалар чароғонлашгандай эди. У кўча бўйлаб бораётир, борлигини кўз илғамас ҳузур-ҳаловат чулғаб, танига кушдай энгиллик бағишлаётганини ҳис қилди. У ўзини енга олди, тавба қилди ва тангри уни афу этди. Унинг руҳи яна покиза ва муқаддас, муқаддас ва хушбахт бўлди.

Шу дамда қазо қилгудай бўлса, магар бунга тангри таоло изн берса, гоят гўзал бўларди. Ҳузур-ҳаловатда, яқинлари билан тинч-тотувликда, ҳиммат ва итоатда яшаш ҳам жуда гўзал.

У ошхонада ўчоқ рўпарасида ўтирибди, туйғуларга тўлиб-тошганидан бир сўз айтишга журъат этолмайди. Шу дамларгача ҳаётнинг бу қадар жозибали ва ҳузур-ҳаловатли эканини у билмаган эди. Тўғноғичлар билан чироқнинг гирдига тўғнаб қўйилган яшил қоғоздан пастга нимранг соя тушиб турибди. Буфетдаги тақсимчаларда энгил таомлар, жавонда тухумлар турибди. Бу коллеждаги черковда ўтадиган қовушув маросимидан сўнг эрталабки нонуштага. Энгил таомлар ва чой, чой ва энгил таомлар. Ҳаёт нечоғли оддий ва жозибали. Бутун ҳаёт ҳали олдинда.

Жамики ўй-ташвишларни унутиб, у ётгани чўзилди ва ухлаб қолди. Ўй-ташвишларсиз уйғонди ва тонг отганини кўрди. Худди тушдагидай, руҳи энгиллашиб эрталабки сокин кўча бўйлаб коллежга кетди.

Болаларнинг бариси аллақачон черковда, ҳар қайсиси ўз ўрнида, тиз чўкиб ўтиришибди. У болалар орасига кириб, хушбахт ва хижолат тортиб ўтирди. Меҳроб хушбўй оқ гулларга бурканган, тонг ёруғида шамларнинг оқиш нури оқ гуллар орасида, худди унинг руҳидай, тиниқ ва хотиржам нур таратади.

У дўстлари орасида, меҳроб рўпарасида тиззаларини букиб ўтирибди, тахтиравон пардаси қўллаб-қувватлаб турган қўйи, уларнинг қўллари устида ҳилпирайди. Руҳоний муқаддас неъматлар солинган идиш билан ҳар бир боланинг олдида тўхтаб ўтаркан, унинг қўллари титрар, юраги жимирлаб кетарди.

— Corpus Domini nostri¹.

Тушими ё ўнгими? Бу ерда у тиз чўкиб ўтирибди — гуноҳсиз, беозор; ҳозир у муқаддас неъматдан тотинади ва тангри унинг покланган вужудига киради.

— In vitam eternam. Amen².

Янги ҳаёт! Хузур-ҳаловатли, покиза ва хушбахт ҳаёт! Бунинг бари чин! Бу туш эмас. Утмиш ўтди.

— Corpus Domini nostri.

Муқаддас неъматлар солинган идиш унга яқинлашди.

Давоми бор



¹ Тангримизнинг тани (*лотинча*).

² Абадул абадга. Омин (*лотинча*).

Форук УЙСАЛ

Фойибдан гаплашувчи

Чунки биз, ўзимиз бўлмаган жойдамиз

Пьер-Жан Жюв

ЧЕЛОНИЯ

Бир шоирман мен сирли ва антик
Бир бола уятчанг ва романтик.

Кунлар бир-бир тизиларкан тасбеҳимга
тарихда қолган нордон ҳиди яларди кўчаларни
у тўкис тижоратчи, бу одил ҳакам.
Бир мен уст кийимсиз эдим шаҳарда.
Совқотдим, жуда совқотдим тиконларнинг аёзида,
қирларга қочдим, фил тишидан минора қурдим ўзимча.

Таржимаи ҳолимда чаманларнинг яшил атри,
қўлимда келинчақлар берган фонар,
ҳар доим маъсум бўлишлар маъсум туйғулар-ла,
шудрингнинг бир томчисидай титраганча
кезинаман юрагимнинг боши берк йўллариди,
тақдир деворлари ҳашаматли мелодрамалар ичида.

*Туркчадан
Миразиз АЪЗАМ
таржимаси*

Турк шоири Фарук Уйсал 1955 йилнинг 14 декабрида Кўркут элида (Анталияди) тугилган. 1937 йилда Анталия Қишлоқ хўжалик институтига кириб, 1980 йилда Халқ университетининг Социал ва Идорий Билимлар факультетини битирди. 1996 йилда АҚШ нинг Халқаро Иллинойс университети магистратурасига кирди. Иш фаолиятини 1982 йилда Молия Вазирлигининг Муносабат Назоратчиси сифатида бошлади. Бир мунча вақт Муносабат Мудирлигининг тумандаги раҳбари вазифасида ишлади. 2004 йил апрелидан бошлаб, 2006 йил июнигача Туркия Халқаро Ҳамкорлик ва Тараққиёт Идораси (ТИКА)нинг Тошкентдаги бўлимида раис ўринбосари бўлиб ишлади. Ижодий фаолиятини 1977 йилда бошлаган. Биринчи шеъри “Қиём” номли адабий журналда босилган эди. Кейинги шеърлари “Қайдлар”, “Даргоҳ”, “Моваро”, “Етти иқлим” сингари қатор адабий журналларда кетма-кет босилиб турди. Унинг “Бейаз юруйиш” (“Оқ юриш”) ва “Қайип кўнушмажи” (“Фойибдан гаплашувчи”) каби шеърий тўпламлари 1998 ва 2000 йилда нашр этилган. Шунингдек, 2001 йилда унинг “Сайланган юз шеър” номли таржима китоби ҳам чиққан. Усмон Сўгут, Али К.Метин, Назир Оқол, А.Кўркам Усер каби таъкидчилар Форук Уйсал шеъриятининг бетақдор жихатларига ўқувчилар диққатини тортганлар.

Бир дунёнинг ичидаман мен,
дунё хона-хона менинг ичимда дам олар.
Узлатга чекинган исёнкор суфийнинг
ўз қонининг шалоласидан топган бир садочалик
лоқайдман, бир денгиз каби қайғисиз қанотсизман.

Бир кўнғироқ чалар соатим мен тошнинг ичида
чиқир чиқир бир миниатюр
ичим ташим овоз
ичим ташим овоз!

Кимнинг умрида бўлмасин қизил қанотли муҳаббатман
янги эҳтирослар янги нўноқликлар билан тозаланган кун
мен ўша ердаман
ўша ерда акс садо берар гўдак овозим
бозор тажрибаларингизда сизлар қурган майдонларда.

ноябр 1998

ҚОРА

Кундузнинг кабутар қанотли ирмоқларида
денгизларнинг зумрад гулли ўзанларида
кўкюзининг император бўшлиғида
куёш кетаётир, сен келаётирсан
бир кўрқув сенсииз ҳар самонинг юрагида.

Тишларини кўрганда, ойналарни яна севиб қолдим,
бир туш учун бир чиройли чорчўп танладим,
кўзларига боққанда, бир пардозхонага кириб қолдим
қора бўлатуриб шундай чиройли бўларканми, дедим,
рассомман, аммо ҳайратимдан шоир бўлгудек эдим.

Қорасан ҳар тонгда янги бир исён сассизлигида,
соврилсан, ичингда шамол қушлари,
тубсиз жарлик гуллари ҳамда боши берк кўчалар,
шундай кечалар бўладики, толғин дарё бўласан,
биламан қийиндир денгизларга қовушмоқ.

Оловларинг теккан тан, оҳ, яширган соғинчдан яра!
Узоқ севишларнинг, гурбатнинг рангидир қора,
сен доимо қора қол, қора тур бу дунёда,
кечанинг босма қоғози, қара, қандай шимар
кўзёшларингни,
артар ичингдаги мойчироқнинг қурумли шишларларини.

Дунё сургунларида ҳазин-ҳазин катталашган кун борки,
бир занжи қизнинг юзида булут бўлар, ёмғир бўлиб ёғар,
чўл ёлғизлигида йилтираб ёрилган лабларнинг,
йўсин босган тилнинг ечилар масаласи
ва бир кун сўз гуллари очилар кутилмаганда.

май 1998

ҚАДИМ ҚАРДОШЛИК

Имом Сирож Ваҳҳожга

Оғзингда оқ гуллар, тилинг қонар даражада,
дудокларинг гўё кутли сўзлардан букилиб кетган,
гулсуви дарёлардан сузиб олган калималаринг,
денгизларни ошган отларинг, тушларга елкан очган
кемаларинг,
жарлардан ишонч билан ўтган сўзларинг
ул ғойибдан гаплашувчини эслатади менга.

Жаранглаган рамзлар билан, тил қушлари билан
гапирасан турфа гулли боғлар ҳолида,
ёмғир ритмида бутунлашган бир ҳайқириш кабисан,
оқиб кетаман мен овозингнинг жаласида,
овозингнинг жаласида сочларим, кўзларим, рангим,
сўнгсиз йўналишлар ичида қалбим.

Сени тингларкан заҳарлайди ўзини
бир таннинг чўлида унутилган чаёнлар,
учиримсиз жўғрофия очилади, синган ҳар эшик,
чирт этиб ёнган гурурт, шовуллаб катталашган долға,
Африкани аёвсиз кучаётган оловлар
мумкинми сесканмаслиги сени тингларкан?

Руҳим ўз эгизини топади овозингнинг титроқларида,
жилдига сигмаган юрак, милларидан покланган гавда,
бир қор суви балки бизга мисол бўлган
сукут сақлашнинг очилдастурхонидан сизиб келган
қадим қардошлик кўзларинг кулимсаган мойчечаклар,
мойчечаклар, мойчечакларнинг инсонни тозалаган
нафаси.

Бирликда ичилган шўрвага маза берувчи иссиқлик
келиб жойлашар сўзинг юмшоққина зариф танингга
муҳожир, ансор ва беғараз покиза тил
қардоши бўлиб кенгайтирар дунёни.
Янгидан илдиз отишга ҳозирланар тунроқ, самовий
имолар лугати тузилади янгидан.

сентябр 1998

ИСМИ НЕЛЛ

Ой тўлишиб гўзаллашган чоғи
дарахтлар чайқаларкан елларда
қуш чаҳчаҳларига ювинган халат каби
ҳафиф, рақсга тушар туннинг сарин саҳросида.
Мен кўрдим сиз инонмайсиз
исми Нелл, хаёл эмас ҳақиқатдир
танида совуқ шамол тотти
ичида ёнғин совқотаётгандай бир ҳолатдир!

Ҳар қаноти синиқ қуш билан учишга талпинар
 ҳар хотирадан улушига теккани фақат ёлғизлик
 ҳар бир калимаси оппоқ ҳар калимаси оқ қанотли
 овози сиғмаётганга ўшар тўрт бурчак қўшиқларга
 ичини бўшата олар фақатгина кечага
 сочлари сомон йўли, сочлари сомон тўла
 қошлари қарши ёқа
 у бир шиллиққуртдир
 инсон бўлишни тошдан тупроқдан ўргангандир.

Янглиш эшитмадингиз у бир чиганокдир
 калбини кечаларни ёритган бир фонар қилиб
 дунёни айланувчи
 сизлар қандай бепарво ўтиб кетсангиз бу чиганок
 шундай сувга тирмашаётган дарахтга кириб
 яшил япроқлар билан беллашади...
 Мовий-мовий порлайди кўзлари
 ёлғизлик боғидан менга қараётган икки фаришта
 билганлари оз гаплари оз кўп сўзлар айтувчи
 ўзи лирик, шахси энг синиқ муҳаббатдир у.

Бир қарорга келиш керак бўлиб қолса агар
 энг ёмон айрилиқ япроқнинг шохидан узилишидир
 ёмғир ё шамолда узилгувчи япроқдир
 гўзаллиги билан аламини кутловчи Неллдир.
 Бир она йўқ...
 Келин бўлиб кетаркан ортида титрайдиган
 бир юрак бўлсайди
 соғинадиган, соғинтирадиган
 ундан ўзига бир маъно топадиган
 маъно берадиган дарахтлар каби
 дарахтлар каби ҳар баҳор янги япроқларга
 чўмадиган.

сентябр 1999

ГУЛЧИ ЗАНЖИ

Қаршимда оқтанли бир аёл каби йиғлар денгиз,
 кўк юзи қанот-қанот, қирғоқ қайғисиз,
 оқшомнинг парвозида ҳазинлик,
 шаҳарнинг чехрасида ҳорғин кибру ҳаво,
 тоқатим йўқ бўғзимга чопаётган заҳарли газга.
 Севгиларни оловлатиш, кечани кучоқлаш менинг ишим.

Пириллатсам булутларга ичимнинг ўқларини
 яна менинг шаршарам бўлар қалдироқлар билан титраган
 турғун сувга интилсам йўсин босишдан кўрқаман,
 кўрқаман
 бир кун бир гул бергида ўртага чиқар бармоқ изим
 оловланаман тегиб кетганимда гулларга
 журъат этиб бир қарасангиз кўзларимга
 икки кўр шокосадир кўзларим.
 Мен гулчи занжиман,

унутилмаган, синган бир ойна парчасиман,
қарамайман саватимга, нима бўлса бўлар,
қарамайман кимга катта хурмат ато бўлганига,
бир даста гул сотаман,
бир даста олов!

Бир даста олов: муҳаббат бўёғи,
бир даста олов: юракнинг қор томчиси,
бир даста олов: исинсин учун дунёдан ўтганлар!

Юзйиллардир денгизорти бир фарёдга кўмилганман,
қасамлар ичаман, қасамлар мангу тириклар устида,
бу эҳгирос, бу оташ билан осилиб тушган лабларим,
гапиролмасликдан ётоғига сиғмай кетар тилим,
гапирсам-гапирмасам барча сўзларим кул,
армон ила чизган хариталарим кул,
кул каби соврулар сочларим.

Шуни ҳам айтишим керакки,
ғайриқонуний бир болам қоп-қора,
чунки йиллар бўйи, асрлар бўйи,
қуёшлару қайғулару армонлардан қорайган бу тан
бизни бир учкун, бир куҳайлон қилган бу қон.

Мижозларим англамас гулларим феълидан:
мана шу терим — уларга — мана шу дағал қаранфул
энг шиддатли Куддус кўшиқларини ҳам айта олар,
бу мағрур лола роял зотидандир,
шу ёрқин гулрангини томирларимдан ўғирлаган менинг
шиддатдан сўйлар ҳамма гулларим менинг,
келганга-кетганга бир даста шиддат сотаман.

Бир даста шиддат: кечани омон ўтказмоқ учун,
бир даста шиддат: қондирмиш уячунсарсон қайғуларни,
бир даста шиддат: қора боланинг ювинмаган сочлари!

декабр 1998

Динора АЗИМОВА

Мангу орзулар ўлкаси

Киноқисса

«Оллоҳ йўлидан борувчиларни:
«Ўликлар» деманг. Йўқ, улар тириклар!
Лекин сиз сезмаяпсиз».

Боҳовуддин Нақибанд

Жума кунни кўйни сўйишга қарор қилинди. Мезон вақти тугаб, Ақраб буржи кучга кирди. Пешонаси қашқа бу қора кўй қурбонлик эди. Қурбонликка сўйилган кўй гўштининг бир қисми мачитга, қариндош ва танишларга берилади, бир қисми эса уйга қолдирилади. Бу — бутун кўйнинг чораги бўлиши керак. Бу сафар уйга кўйнинг калла-почасини беришди. Кимнинг ҳазили бўлди бу: уй эгасига калла-почани раво кўрибди? Кўйнинг калласи — қоп-қора, пешонаси қашқа, идишда турибди. Жун ипакдай майин ва силлиқ эди. Кўйни сўйиш олдидан ювиб, тараб кўйишгани кўришиб турибди. Унинг ярим юмуқ кўзлари ҳали ялтираб турибди. Кеч кира бошлади, каллани жундан тозалаб, пиширишим керак эди.

Мен ҳеч қачон калла-поча пиширмагандим. Буни қандай пиширишларини ҳам сира кўрмагандим. Мен шуни қилишим керак эди.

Бу ишни яқин орадаги бирор қаҳвахонада бажаришга уринишим ҳам фойда бермади. Қаерга бормаи, рад этишарди — ҳали ошпазлар кетиб қолишган дейишарди, ҳали ҳидини баҳона қилишарди. Мени огоҳлантиришганди, куйдирилган жун жуда ёмон сасийди, мижозлар кетиб қолиши мумкин. Уринишларим бефойда кетди!

Кеч кириб, қоронғу тушгач, барибир ўзим қилишим кераклигини тушуниб етдим. Бу серғалва ишни ҳеч кимга қилдира олмадим. Қозонга қайнаган сув солиб, унга кўйнинг калласини ташладим. Қулоғимга кўйнинг маъраши эшитилди. Ярим соатдан сўнг каллани сувдан олдим. Топ-тоза ишхонам қора жун билан қопланди. Бошим қотиб қолди, ноилож кўлимни ишга солдим.

Ана шу калла туфайли кўз олдимда кўй пайдо бўлаверди, ҳали кўзларимга қарайди, ҳали туёқлари билан ер тепинади... каллани жундан тозалаб бўлгач, қозонни ювдим ва унга тоза сув куйиб, қайнасин деб нарсаларни унинг ичига солдим. Шу пайт ўзимни ёмон ҳис этдим, ҳамма нарсани бир четга йиғиштириб, кийимимни алмаштирдим, қўлларимни ювдим, диванга чўзилиб кўзимни ювдим...

Шу пайт Иссиқкўл соҳили пайдо бўлди. Кун оған пайт. Соҳил бўйлаб Есенин келаяпти. Шу дақиқадан бошлаб кўз ўнгимдан кадр кетидан кадр ўтиб, фильм айлана бошлади.

Қурбонлик — пешонаси қашқа қора кўйнинг бунга нима алоқаси бор, билмайман. Мен шу фильм ҳақида кўпдан бери ўйлаб юрардим.

Лекин у кўз ўнгимда ҳеч ҳам бунақа аниқ гавдаланмаганди. Мен фақат биринчи томошабин бўлиб, бўм-бўш залда ўтирганча, кўндан бери экранларда топмоқ истаганим фильмни кўраётгандим.

1-саҳна

Ялтироқ ботинкасини ҳўл қилмасликка интилиб, Есенин тоғ кўли ёқалаб оҳиста одимлаб борарди. Оқ ипак шарфини елкасига ташлаб олган, бошида яхши кўрган котелог¹, Унга қарши рўпарадан ҳафсала билан қадам ташлаб оқ туя келарди. Уни маҳаллий болалар кузатиб келишарди.

Шамол Есенин бошидан котелогини учириб, кумга улоқтирди. Югуриб, етиб келган болалар котелокни ушлаб олишди ва туянинг бошига қўндиришди. Туя бош кийимида янада серсавлат кўриниб кетди. Есенин чаққонлик билан сакраб туянинг бошидан котелокни юлиб олди ва қоқиб, ўз бошига қўндирди. Туя хафа бўлиб бошини ҳам қилди.

Кумга ёмғирнинг илк томчилари туша бошлади. Есенин маҳаллий болакайлари кумлоқ соҳилда қурган қум қасрлари ёнида тўхтади. У чўккалаб ўтирди-да, кум устига ўз қасрларини чиза бошлади. Туя ўйчанлик билан тўхтади ва нозик қум қўрғонлари устидан ҳатлаб ўтди, қум қасрларига бирор зарар етказмади. Лекин ёмғир томчилари зарбалари остида улар аста-секин нурай бошлади. Унинг боши узра момақалди-роқ гумбурлаб, қаттиқ жала қуйди, қум қасрлар эриб кетди. Кучли ёмғир оқими орасида шоирнинг қиёфаси ҳам эриб, кўринмай қолди. Унинг пойабзалидан қолган излар сувга тўлди ва ғойиб бўлди. Гўё ҳеч қандай из-пиз бўлмагандек эди. Қирғиз қизи болаларни уришиб берди-да, туяни ҳовлига етаклаб кирди. Унинг ғамгин қиёфаси тоғ кўлининг шўр тўлқинлари кўпиклари билан қўшилиб кетди.

2-саҳна

Москвада тамаки тутунига тўлиб кетган бир хона. Сергей Есениннинг чиқиши эълон қилинади. Бурчакдаги диванда бир жуфт — йигит ва қиз ўпишиб ўтиришибди. Бошловчи шоирлар, омади юришмаган даллоллар, инқилобчилар, хонавайрон бўлган ер-мулк эгалари, китобфурушлар — кимлар йўқ дейсиз бу ерда! Есенин саҳнага қараб юради, ҳаяжонда, илҳомий жўшган, келишган йигит... У ифодали шеър ўқий бошлади. Бирдан бурчакда ўтирган йигит, бир дақиқага узоқ ўпишишдан ўзини тийиб, қичқириб қолди: “Йўқолсин қишлоқи шеър-рийат”. Есенин худди мушт егандай бир сесканиб тушади, лекин қийқириқларга эътибор бермасликка ҳаракат қилади. Қийқириқлар такрорланади. Залнинг орқа ўриндиқларида ҳуштак чалишади, оёқ билан ер тепишади. Маълум муддат шоир шеър ўқийди, лекин овози эшитилмай қолади. У оломон қийқиригидан ўтқазиб бақиролмайди... гапини ярмида тўхтатиб, чиқиб кетади. Унинг орқасидан баланд бўйли Анатолий Мариенгоф соядек эргашади.

Вестибюлда уни бир қиз қувиб етади. Қизнинг кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш. У кўлини чўзиб, шоирни тўхтатишга уринади. Шоир юзидаги аллақандай ифода қизни тўхташга мажбур этади. Шунда қиз кўллари билан юзини беркитиб, кўз ёши орасидан йиғламсираб дейди:

- Ўртоқ Есенин! Уларни кечиринг, ўртоқ Есенин! Қаёққа?! Кетманг, ўртоқ Есенин!!! Кетманг!

¹ Котелок — цилиндрсимон иляпа.

Ва Есенин бирдан жилмайиб, қизга дейди:

- Яхши қиз! Сиз асло ташвишланманг. Декадентларнинг бу қилиғи учун мен ўзимни осмайман. Асло!

Шоир бўм-бўш вестибюлида йиғлаб турган бу нотаниш қизни тез-тез эслаб туради. Бу шарқона ой юзли қизни, унинг томоғини ушлаб турган қорамағиз қўлини, ҳатто ҳўнграб юборганда ҳам майингина овозини сира унутмайди.

3-саҳна

Яримертўла қаҳвахонада «Пегас оғили» лавҳаси. Есенин қаҳвахонага тушиб, “доимий” жойига ўтиради. Бу ерда уни Мариенгоф кутиб ўтирибди. Уларнинг олдига шошилиб официант келади.

Есенин: - Ҳаммаси одатдагидай, Паша!

Официант: - Хўп бўлади, Сергей Александрович!

Есенин: - Гёте, Байрон, Жуковский — нега уларнинг ҳаммасини Шарқ ўзига тортган? (Унинг кўзи Мариенгофнинг нимчаси чўнтагидан чиқиб турган “Ориент” русумли янги соатга тушади) нима гап, Толя, соат олдингми? (Киноя билан Мариенгофга қарайди.) Русуми ҳам бизники эмас. «Ориент» - ахир, Шарқ-ку, бу. Тўғрими, Толя? Ориент — бу мўлжал, демак, Шарқни мўлжал олиш. Лекин биз сен билан мўлжал ола биламизми, Толя? (Есенин Мариенгофга Тошкентдаги дўсти Саша Ширяевецдан олган хатини кўрсатади.) Мана, Тошкентдан дўстим хат ёзибди. Китоб юборибди. “Қуёш ўлкаси” деган китоб. Меҳмон бўлиб келинглар, дебди. Ўзи шаҳар почтасида телеграфчи бўлиб ишлайди.

Мариенгоф: - Сен у билан қаерда дўстлашгансан? Ўз қишлоғинг Константиноводами?

Есенин (кулиб): - Нега энди Константиновода? Унинг ўзи хат ёзди! Тошкентдан тагин, тасаввур қилгин-а? Биз, - деб ёзибди, — сизни биламиз ва яхши кўрамиз. Мен қаерда-ю, улар қаерда? Лекин қарагин, улар бизни билишаркан, Толя, билишаркан. Энг муҳими шундаки, Толя, пойтахт бизга эп кўрмаган нарса — улар бизни яхши кўришаркан!

Есенин дераза оша кўчага қарайди — у ерда қаттиқ жала қуймоқда. Мариенгоф намоийшкорона чўнтагидан янги соатини олиб вақтга қарайди. Унинг чиқиллашига қулоқ тутади. Есенин кинояли жилмаяди.

4-саҳна

“Пегас оғили”да Есенин ва Мариенгоф. Ташқари — дераза ортида камдан-кам бўладиган ажойиб март куни. Янгича ҳарбий кийим, хром этикда Григорий Колобов кириб келади.

Есенин: - Нега бунақа кийиниб олдинг, а? Кинога олишмоқчимми?

Колобов: - Бўлди, йигитлар, ҳазил тугади... Шеърятни ташлайман энди. Қоринни тўйғазмаяпти, мараз! Майли ўша Пегас менсиз учиб юраверсин енгилгина бўлиб. Мен унга ошиқча юк бўлмасликка қарор қилдим. Уни Тиёншоннинг яшил майсзорларига қўйиб юбормайман, майли, ўглаб юраверсин, мен олисдан туриб, унинг эркин парвозини кузатаман. Энди ўзимга келсақ — темир арғумоқни эгарлашга жазм этдим. Бас, вассалом! Эртага Ўрта Осиёга кетаялман...

Есенин: - Нега?

Колобов (тантанавор): - Пойтахт темир йўл бошқармасининг назоратчиси бўлиб. Алоҳида юмшоқ купеда.

Есенин: - Гриша, купе ким учун? Наҳотки, бир ўзинг учун бўлса?
Колобов (тантанавор): - Бир ўзим учун!

Есенин: - Толя, биз бунга қандай йўл қўйиб беришимиз мумкин?
Бутун бир юмшоқ купе, тўртта юмшоқ ўриндиғи билан, яна шуларнинг ҳаммаси мана бу ярамасга, битта ўзига (сўнги ибора жуда майин, қарийб эркалаб айтилади). Толя, ахир Тиёншонда жой ҳаммага етади-ку, унинг бақалоқ пегасига ҳам. Бизга ҳам. Толя, кетдик!

Мариенгоф: - Вятка Йўқ, боролмайман! Мен қўлэзмани топширишим керак. Бунинг учун Ситниковдан қалам ҳақи олиб бўлганман. Худди ана шу гонорарга ўтган ойда биз “Адиблар уйи”га борган эдик. Эсинглами?

Есенин (Колобовга): - Ўтган ойда? Албатта, эсимда йўқ-да. Омадинг келди, комиссар Колобов! Толя — йўқ, лекин мен бораман!

Колобов (афсусланиб, афтидан, агар оқибатларини билганида, бу янгиликка учмаган бўларди): - Ҳа, майли.

5-саҳна

Тошкент сафари қийин кечди. Самарада уни чайқовчилик қилгани учун қўлга олишди. Йўлда қийналиб ҳолдан тойган Есенин вокзалда чиройли қадокланган чой сотаётганди. У шу чойни Тошкентга совға тариқасида олиб кетаётганди, Есенинни эса, шахсини аниқлаш учун узоқ текширишлардан кейин қўйиб юборишди.

Колобов: - Серёжа, юр, ресторанга кириб овқатланайлик!

Есенин: - Қайси пулга!

Колобов: - Нима, тугаб бўлдими?

Есенин: - Нима деб ўйловдинг? Ахир, беш кундан бери йўлдамиз!

Колобов: - Шундай дегин! Энди нима қиламиз?

Есенин (йўлдаги ёзувга қараб): - Самарага кириб бораяпмиз, шундайми? Қалдамга бир фикр келди! Огоҳлантираман: бу — унчалик оқилона иш эмас, лекин бизни қарздорлик ботқоғидан қутқариб қолиши мумкин.

Есенин Самара вокзалида вагондан тушади. Вокзал деразаларига тахта қоқиб ташланган, перронда одамлар ухляпти. Ҳарбий патруль ўтиб бораяпти. Колобов вагон дарчасидан у ёқ-бу ёққа аланглаб шивирлайди.

Колобов: - Серёжа, илтимос сендан, эҳтиёт бўл. Худо кўрсатмасин...

Есенин қўл силтаб, бурилиб кетади. Бир неча қадам юради. Биринчи учраган йўловчи унга мурожаат қилади.

Йўловчи: - Ҳой йигит, сенда озиқ-овқат йўқми? Яхши тўлайман, хафа қилмайман!

Есенин сумкасида бир кути чой олиб кўрсатади. Йўловчи чўнтагидан ҳужжатини олади. Унда қора ҳарфлар билан “Чайқовчиликка қарши кураш бўйича назорат гуруҳи” сўзлари ёзилган. Уни кўрсатувчи назокатли ишора билан Есениннинг бўшашган кўлларидан сумкани олади ва “Орқамдан юринг” дейди. Вагон дарчасидан кузатиб турган Колобов купе курсисига қулайди.

6-саҳна

Есенин патруль маҳкамасида.

Патруль: - Шахсий гувоҳномангиз борми?

Есенин (Россия Ёзувчилар уюшмаси Москва бўлимининг аъзолик гувоҳномасини узатади): - Марҳамат!

Патруль (мазах қилиб): - Бу нима деган гап, ёзувчи жаноблар... Фамилиянгиз... нима дедингиз? (Ишонч ҳосил қилиш учун гувоҳномага қарайди.) Сенин? Қандай яхши деҳқонча фамилия. Айти баҳор пайти сиз ер ҳайдаш ва экиш ҳақида қайғуришингиз, ҳосил олишга тайёргарлик кўришингиз керак. Бунинг ўрнига, сиз вокзалма-вокзал юриб чайқовчилик қилаяпсиз, меҳнаткашлар ҳисобига кун кўраяпсиз. (Бироз жим қолиб, “сен”лашга ўтади.) Деҳқонча онгинг қаёқда қолди сенин! Сен шу ерда ўтириб тур, Сенин, шахсингни аниқлагунча кутасан энди.

Дераза ортида эса қўлмақларда порлаб турган Самара кўёши ва вокзалнинг қаровсиз болалари кўзга ташланади.

7-сахна

Ўша жой. Қўлмақ ой шуъласида сиёҳдек ялтирайди. Қаровсиз болалар вокзал ресторанига орқадан кириш эшиги ёнида уймаллашиб ухлашаяпти. Бўлимнинг эшиги очилади. Дайдилар, шубҳали шахслар билан бирга ўтирган Есенин бошини кўтариб, назорат гуруҳи бошлиғи ёнида кирган Григорий Колобовни кўради. Бошлиқ қўлга олинганларни меҳмонга “таништиради”.

Бошлиқ: - Мана марҳамат, ўртоқ текширувчи, фақат бутуннинг ўзида шунча унсур қўлга олинди. Уларнинг ҳар бири чайқовчилик қилгани учун камида етти йилга ҳукм қилинади! Мана бу (Есенинни кўрсатиб.) пойтахтнинг ўзиланман деяпти. Шоир! Лекин у ҳам, бошқалар сингари шундай судлов жараёнидан ўтади! Қонун ҳамма учун битта. Демократия! Янги Россия чайқовчиликка йўл кўёлмайди. Кундалиқ зарур маҳсулотлар, озиқ-овқат ва айниқса, рухсат этилмаган моллар, одамлар билан савдо қилиш қатъиян тақиқланган! Мана, шоир ўртоқ бизнинг Соловкида ўтириб, ўша ерда ёзаверсин ҳалиги...

Колобов (Есенинга қарамай): - Ким у?

Бошлиқ: - Ёзувчидан, дейди, Сенин.

Колобов: - Исми нима?

Бошлиқ (Есенинга.) Исминг нима ўзи?

Есенин: - Сергей.

Колобов: - Ёзувчилар уюшмаси билан боғландингизми?

Бошлиқ: - Уриниб кўрдик, алоқа ишламаяпти.

Колобов: - Энди нима қилмоқчисиз?

Бошлиқ: - Шахсини аниқлагунча ушлаймиз. Эртага ҳужжатларни терговга топширамыз.

Колобов: - Юринг-чи, хонангизда гаплашиб кўрайлик...

8-сахна

Назорат гуруҳи бошлиғи хонасида Колобов: - Қандай масъулиятни бўйнимизга олаётганимизни тушунаяпсизми? Борди-ю, ўзининг бўлажак китобида деҳқон ўғли — омов куйчисининг истеъдодини нақадар таҳқирлаганимизни ёзса-чи? Ахир бу биринчи шоир — имажинист!

Бошлиқ: - Ким-ким?!

Колобов: (илҳом билан, баланд овозда, ифодали): — Има-а-а жи-и-и-и-ист!

Бошлиқ (бу шубҳали сўзни қўл остидагилардан кимдир эшитиб қолмадимикин деб, эҳтиётлик билан атрофга аланглаб): - Бу балога қандоқ қилиб йўлиқди? (Бироз жимликдан сўнг қатъиятсизлик би-

лан.): — Ахир, чайқовчилик қилди-ку, ўртоқ текширувчи.

Колобов (қатъий): - Моли тортиб олинсин, қўлга тушганнинг ўзи кўйиб юборилсин!

Бошлиқ (қаддини ростлаб, қўлини чеккасига кўяди.): - Хўп бўлади, ўртоқ текширувчи!

9-саҳна

Поезд чўл бўйлаб елиб бораяпти. Бирдан поезднинг тор йўлагига йўловчилар деразаларга талпинадилар. Есенин Колобов билан истамайгина ўша ёққа бориб қарашади ва поезд билан ким ўзарга чопаётган тойчоқни кўришади.

Есенин (асабий чекиб): - Нима дейсан, ўза олармикан?

Колобов (ишончсизлик билан.): - Нима-а?

Бу — ахир, по-о-о-е-езд, тамадун ютуғи, азизгинам Серёжа!

Есенин: - Ўзиб кетади, мана кўрасан!

Тойчоқ жон-жаҳди билан олға интилади, баъзи пайтлар бунга муваффақ бўлади ҳам.

Есенин мағрурона Колобовга қарайди.

Лекин кўмир оловидан қувват олаётган қитмир «пўлат от» олдинга ўтиб олади, тойчоқнинг чарчагани сезила бошлайди.

Бу пойга Есенин билан Колобов ўртасида сўзсиз баҳс билан кузатилади. Улар бир-бирини наридан бери суришади, оёқларини босишади. Бошқа йўловчиларнинг ҳаяжонлари ҳам кам эмас. Булар орасида Оренбург савдогарлари, мавсумий мардикорлар, Поволжьедан очликдан қочиб, нон ўлкасига келаётган уй-жойсиз болалар ҳам бор. Ниҳоят, тойча тезликка чидай олмай, ортда қолади. Колобов тантанавор бир тарзда Есенинга ўтирилади. Лекин у ёнида йўқ. Григорий Колобов купега киради. Есенин темир тулпор ортда қолдирган тойча ҳақидаги шеърини ёзишда давом этапти. Шеърини варақдан ўқиб беради.

Колобов (завқланиб): - Қойил, Серёжа!

10-саҳна

Ўзбекистонга йўл иқлим ва одамлар — Шарққа ўтиши билан ҳаммаси ёришади; буёқлар илиқлашади, ҳаво эса тиниқлашади¹. Дераза ортидан бекатларнинг номлари кўзга чалинади: Хоразм, Урганч... Поезд борган сари белгиланган бекатга яқинлашиб бораверади. У Тошкентга кириб келиши билан шамоллар ўзгаради².

Тошкент перронида Есенинни Саша Ширяевец ва қайлиғи кутиб олади. Ширяевец Есенинга биринчи бўлиб пешвоз чиқади ва кучоқлайди. Ширяевец: - Сергей! Ойижон! Маргоша! Сергей! (Завқ билан такрорлайди.) Сергей!!! Кўзларимга ишонгим келмайди! Сергей Есенин! Мана шу ерда, Тошкент бекатида турибди!

Есенин (Ширяевецнинг кайфияти унга ҳам ўтиб): - Саша! Саша! Сен мени “Кўёш ва Чимбет ўлкаси”³га, барибир, чақириб олдинг-а...

¹ Елиб бораётган поездни суратга олиш фильмга жўшқинлик бағишлайди ва вақтни ҳис этиш имконини беради.

² Суратга олиш учун Тошкентда, Шимолий вокзал ёнида жойлашган очик музейдан фойдаланиш мумкин. Бу ерда Ўрта Осиё темир йўлида ҳаракат қилган, шу жумладан, ўтган асрнинг бошларида қатнаган поездларнинг локомотив ва вагонлари мавжуд.

³ «Кўёш ва Чимбет ўлкаси» — Ширяевецнинг китоби. Есенин бу китоб ҳақида илиқ фикр билдирган.

Ширяевец: - Сергей, бу — онам. Бу эса... менинг қайлигим — Маргарита Петровна. Умуман — Маргоша!

11-саҳна

(Ширяевец ҳовлисида)

Бу саёҳат уни катта қийинчиликлар билан шеърият Олимпига интилаётган, лекин пойтахтда унчалик хайрихоҳлик билан кутиб олинмаган “қишлоқи йигит”ни қусурларидан даволади. Унга катта эътибор беришди. Рус шеъриятининг устаси деб қарашди. Ана шу юксак унвоннинг тасдиғи сифатида «Эрон тароналари» устида ишлаш бошлади.

Онаси (Мария Николаевна), опаси Евдокия, Ширяевец, унинг қайлиғи (Есенин уни Марго дерди) ва Есенин боғда, ўзбекча кўрпача тўшалган ёғоч чорпоёда ўтиришибди. Кечкурун ҳовлида бироз салқин бўлгани учун Есениннинг елкасига сидирға ўзбек чопони ташлаб қўйишган.

Яқин атрофдаги мачитдан шом намозига чақириб азон эшитилади. Евдокия (Ширяевецнинг холаси) ҳикоя қилади:

Евдокия: - Волгада очарчилик бошланди. Шунда отам бу ёққа, Тошкентга келишга қарор қилди. Эсимда, биз поездда, умумий вагонда келаямиз. Мен қайта-қайта “мулкимиз”ни санайвераман — буюмлар солинган учта қоп ва учта бола. Биз болаларни шу қоплар устида ухлатардик. Бир сафар санасам — қоплар учта, болалар эса иккита! Вой, тавба, дейман, болам қаёққа кетди? У бўлса, қопнинг, орқасига тушиб кетиб, ўша ерда ухлаётган экан. Бу ёққа етиб келдик, бу ернинг аҳолиси хушмуомала, яхши, ичмайдиган одамлар экан. Озиқ-овқат анча арзон тураркан. Болалар дарров тўлишиб, ўса бошлади. Синглимни бу ёққа олиб келсам, деб ўйлаб қолдим. Унинг йўли учун пул ййға бошладим...

Дарвоза олдида кимдир чақира бошлади: “Ма-ри-я-я! Мариямхону-у!”.

Евдокия ҳикоясини тўхтатиб, дарвоза олдида турган, оқ қаранжили, қўлида бола кўтарган аёл ёнига шошилади.

Есенин унча катта бўлмаган соя-салқин, узум занги қопланган ҳовлига кўз югуртиради. Шу мўъжазгина жойда шарқона белгилар қанчадан-қанча — ҳовли ўртасида ҳовуз, тўрқовоқда беданалар, атлас кўрпачалар, таҳорат учун обдаста...

Ширяевецнинг онаси қайтиб келади. Қўлидаги косада буғи чиқиб турган палов.

Евдокия: - Мана, қўшнимиз чиқариб юборибди. Уларда одат шунақа — жума палов дамлашади. Ошни қўшнилар билан баҳам кўришади. Айтдим-ку, меҳрибон одамлар, деб.

12-саҳна

Қишлоқ шеърияти “отахони” Николай Клюев билан машаққатли тортишувлардан сўнг, у бирдан ўзини бу ердаги русийзабон аҳолининг хурматини қозонган “отахон” ҳис этиб қолди. Бу ерда Есенин Буюк князь Константин Романовнинг рафиқаси Дарья Николаевна томонидан қабул қилинди. У 1922 йилгача кўрғонда¹ япаган эди. Ниҳоятда гўзал бўлган бу аёл дворянлар табақасига мансуб эмасди (Дон казаклари оиласидан эди), унга буюк князлик унвони ҳам берилма-

¹ Константин Романовнинг собиқ қароргоҳи кейинчалик — Пионерлар саройи. Ҳозир Ўзбекистон Республикаси ТИВ қабулхонаси.

ганди. Худди шу боисдан ҳам Буюк князнинг жойи Тошкентга белгиланган эди. 1917 йилги воқеалардан кейин Буюк князь (рафиқасини Тошкентда қолдириб, чунки шу шароитда ҳам хоним подшо оиласига қабул қилишга лозим топилмаганди) Тошкентни тарк этиб, Николай Романовга эргашади ва Ипатьев монастиригача боради. Подшо оиласи отишга ҳукм қилинганидан сўнг Буюк князь мамлакатдан хорижга чиқиб кетади. Дарья Николаевна Тошкентда бир ўзи қолади. Ҳатто 1920 йилларда ҳам у оқсуяклар билан алоқасини узмайди, русийзабон аҳолининг сара намояндаларини қабул қилади, Есениннинг Тошкентга келиши бу доира одамлари учун катта воқеа бўлади.

Ана шу қароргоҳда апрел ойи бошларида Сергей Есениннинг келишига бағишланган кечага меҳмонларни таклиф қилади. Шу ерда Есенин дворянларнинг кичик доирасидан иборат бўлган оммага “Пугачёв”¹ни ўқиб беради, булар орасида инқилобий пойтахтлардан Тошкентни маъқул кўрганлар, шунингдек, маҳаллий аҳоли вакиллари — ўзбек ер эгалари ва саноатчилар ҳам бор эди, албатта. Достонни тингловчилар орасида Пугачёвнинг исёнкор руҳидан кўрқадиганлар ва аксинча, “исёнкор омма” табиатини тушунишни истайдиганлар ҳам бор эди. Дарья Николаевнанинг зиддиятли қони сезилиб турди. Бу ерда лоқайд кишилар йўқ эди. Октябр воқеаларидан сўнгги фожиалардан ҳар ким ўзича изтироб чекарди. Достоннинг охиридаги Пугачёвнинг тавба-тазаррусини Есенин, айниқса, фожиали ўқиди:

“Ё Тангрим!

Наҳотки вақт келди етиб?

Ҳаётнинг зулмидан йиқилдим, э воҳ!

Оғир юкдан мадорим кетиб!

Холбуки (хириллар фожиона ёйиб қўлини)... Оҳ!

Ахир куни кечаги дамлар...

(Зўрға нафас олиб)

Менинг азизларим! Яхши одамлар!”.

Ўтирганлар ҳўнграб юборишди, кўз ёшларини артишди, жимликдан сўнг қарсақлар янгради.

Кечадан сўнг Дарья Николаевна Есенинни ўз қароргоҳида дўстона зиёфатга таклиф этди.

13-саҳна

Есенин билан Дарья Николаевна қабул ўтказиладиган катта залда бир-бирига қарама қарши ўтиришибди. Княгина исёнкор даврдан нолимоқда.

Дарья Николаевна: — У ерда, Россияда инқилоб, саройлар халққа топширилсин, дейишмоқда. Хўш, ўша халқ саройларда нима қилади? Халқни бир кунгагина мана шу ерга киришига қўйиб-қўйинг-а, — бу уйнинг аҳоли не кунга солинишини кўрасиз. Буларнинг ҳаммаси қачон тугаркан? Уйимдаги ҳамма қароллар тарқалиб кетди, муҳими кучукларга берадиган бирор нарса йўқ. Ахир, бизда кўппакхона, юздан ошиқ овчи итларимиз бор. Константин Александрович Дархон дарёси бўйларидаги қайир жойларда тулки, бўри, тўнғиз овлашни яхши кўради. У ерларда айиқлар, ҳатто Туркистон силовсини ҳам учрайди.

Есенин (қизиқиб): — Шунақами?

¹ «Пугачёв» достонининг қораламаси йўлда ёзилган ва илк бор Тошкентда ўқиб берилганди.

Дарья Николаевна: - Маҳаллий аҳоли ҳаяжонда. Инқилобчилар аёллар орасида қандайдир ҳаракат бошладилар. Номи ҳам даҳшатли — “Хужум”. Кўришни истайсизми? Бизнинг болохонамиз деразасидан қарашингиз мумкин. Майдонга келишади-да, паранжиларини ечиб, гулханга ташлашади. Уйда эса уни эри қарши олади! Яхши ҳолда калтак билан, ёмон ҳолда эса пичоқ билан.

Есенин (дадил): — Истайман!

14-саҳна

Болохонанинг турли рангдаги деразасидан Есениннинг зар қоқили ва немис биноклининг ялтироқ линзалари кўринади. Майдондаги манзара биноклни созлашга қараб янада аниқроқ кўринади. Майдондаги паранжили аёллар катта қора пингвинларнинг ғамгин тўдасига ўхшайди. Фақат уларнинг бўйинларида одатдаги оппоқ қадама ёқалари кўринмайди. Гулхан ёқишади. Манзара шу қадар фожиалики, аёллар ўзларини гулханга ташлашяптими ёки паранжиларини улоқтиришяптими, тушуниб бўлмайди. Аёллардан бири оҳиста юриб, олов ёнига келади, паранжисини олади. Уша заҳоти бошқа бир аёл унинг қўлидан паранжисини олиб оловга ташлайди. Бу оддий паранжи эмас, қизил бахмалдан безаб тикилган. Чиройли бахмал аста-секин ёнади, зар билан тикилган нақшлари ёнмайди, эрий бошлайди. Гўё аёл кўлларининг панжалари ёнаётгандай.

Аёлнинг кўзлари ёрқин куёшдан қамашади ва у беихтиёр қўллари билан юзини беркитади. Қора соч толаларига қўшиб ўрилган чўлпилар жаранглайди. Улар шу тариқа бирин-кетин гулхан ёнига келадилар — бу ғалати қурбонлик рақсига ўхшайди.

Мана, ниҳоят, уларнинг ҳаммаси бирин-кетин юзларини очишди. Буни сўз билан ифодалаш қийин: лекин, барибир, бу бир қувонч, кўпинча яширин, камдан-кам ошкора. Энди уйга олиб борадиган йўл, эҳтимол, барча йўллардан узундир. Ахир, ўз уйига очиқ юз билан кириш ҳазилакам гап эмас.

(Бу — фильмдаги энг чиройли ва ифодали саҳнадир. Уни галмагалдан бир оқ-қора, бир рангли қилиш лозим. Афтидан, шу саҳна фильмнинг рекламаси сифатида ҳам, марказий саҳна сифатида ҳам ўтиши мумкин).

Есенин Дарья Николаевнанинг ётоқхонасида. Қия очилган жовонча устида икки қадаҳ шароб: биттаси қарийб тўла, иккинчиси — бўш.

Есенин: — «Шунда малика ёнимга келди-да, деди: “Мен сени тушимда кўрдим бугун! Константиновога борганим бежиз эмасди, ахир. Билардим, билардим, шу ерда сени кўришимни мен”».

Дарья Николаевна унинг олдида тиз чўкиб илтижо қилди:

Дарья Николаевна: — Менга гапириб бер у ҳақда! Константин менга у ҳақда ҳеч гапириб бермаган эди, лекин мен биламан, у бутун умр бўйи подшо оиласи билан менинг орамда талпиниб яшади. Шу боис ҳам уни мен учун кечирмайдилар. Константин шундай олижаноб эдики, агар менга уйланса, сургун қилинишини айтишганда ҳам ўйлаб ўтирмади. Туркистонга! Тошкентга! Сургун қилинишига рози бўлди. Уша заҳоти барча имтиёзлардан, ҳокимиятдан, Петербурдан, Москвадан воз кечди...

Ун еттинчи йилда эса тақдир филдираги тескари айланди. Уларнинг изидан жўнаб кетди — ҳеч қаёққа, сургунга, Ипатъев монастырига! Ҳозир у қаерда, унга нима бўлди, ҳеч ким билмайди! Балки уни ҳибсга олишгандир! Ёки — айтиш ҳам кўрқинчли, ўйлаш ҳам

дахшат... Тирикмикин? Борди-ю, у ҳам Ипатъевда бўлса-чи?

Мен улардан хафа эмасман — нима ҳам қилардим! Агар ҳозир чорлашса борми, Ипатъевга бўлса ҳам майли, пиёда бўлсаям борардим! Токи тирик эканман, уларнинг хизматини қилардим. Лекин у ўзи кетди, ҳатто ўшанда — ҳокимиятга эга бўлмаган чоғда. Давлат ҳам уларнинг қўлида эмасди; ўшанда у тирик қоладими, йўқми, қаерда умргузаронлик қилишни ҳам билмаган пайтда мени ўзи билан олиб кетишга, мени — казак қизини подшо кўзларига кўрсатишга ботинолмади! (Йиғлаб юборади).

16 ва 17-саҳна

Есенин ва Азимбой қоронғу кўчадан кетиб боришяпти. Эрта саҳар, ҳали тонг отиб улгурмаган пайт. Тўсатдан ғалати маросим олдидан чиқиб, тўхтаб қолишади. Узун-узун чопон кийган бир тўда эркак бирданига учта тобутни кўтариб кетаяпти. Есенин ўзини ғалати ҳис этиб, деворга қисинади.

Қора чопонли кишилар унинг ёнидан индамай ўтиб кетишади.

— “Хужум”да қатнашиб, бевақт оламдан ўтиб кетишди-я! — дейди ўткинчилардан бири.

— Бу нима? — сўрайди Есенин Азимбойдан.

— Уйга паранжисиз келишгани учун кеча уларни ўлдиришган.

Есениннинг кўз ўнгида кеча тўй паранжисини гулханга ташлаган қизнинг юзи гавдаланади. Унинг жилмайган очиқ юзи...

Қизнинг қайтиб келганини у аниқ кўриб турибди. Ана, унинг эри каттакон гулхан ёндираяпти. Худди майдондагига ўхшаган гулхан.

— Паранжини оловга ташладизми? — дейди эри. — Яхши! Мен ҳам ташлайман! Фақат бу сафар паранжи устизда турсин-а!

Эр уни қўлига олиб кўтаради, ўпади ва хўнграганича шўрлик аёлни оловга ташлайди.

18-саҳна

Дарья Николаевна Есенин билан фойтонда кетишяпти. Хоним Есенинга муваққат ҳукумат бошлиғи А.Керенскийнинг уйини¹ кўрсатади ва шоирни ўзи ҳомийлик қилаётган Аёллар институти (1918 йилгача аёллар гимназияси)га² таклиф этади. Есенин чиройли бинони ҳавас билан томоша қилади. Бино атрофида сайр қилиб юрган институт толибаларини зумдан кузатади. Лекин унинг нигоҳи сайрдаги ёш славян қизларида тўхтамайди... Афтидан Есенинга бошқа қиёфадаги аёллар кўпроқ ёқарди. Зинаида Райх, Айседора Дункан — қорасоч, буғдойранг қизлар. Уларнинг қиёфаларида Шарқ акс этиб турарди. Унинг қалбини бошқа йўналишдаги паривашлар ром этганди. Шунинг учун бўлса керак, у назокат билан аёллар институтига киришни рад этди.

19-саҳна

(Қурбон ҳайити пайтида кечки бозор)

Унинг соғайиши шу ерда бошланади. У шаҳарга айна баҳор, олча ва шафтолилар гуллаган пайтида Рўза кунларида тушади. Ҳаётида биринчи

¹ Ҳозир Тошкентдаги Британия Бирлашган Қироллиги элчихонасининг биноси.

² 2000 йилгача Авиация институти, ҳозир Вестминстер университети биноси.

бор шаҳар маромини тўла уйғунликда кўради — байрам пайтидаги қизгин тунги бозорлар эрталабгача давом этади. У эски шаҳар бўйлаб айланади. Тор ва соя-салқин кўчалар, чойхона, кулиб турган чехралар, айниқса, Курбон ҳайити кунлари гўзал юзларни ёқтириб қолганди¹.

Бу ердаги бозорда машҳур дарвеш касалликларни даф қилади, шол бўлганларни, инсулт оқибатларини, руҳий хасталикларни даволайди. Бундай даволаш усули беморни жунбишга келтиришга асосланган бўлиб, бу ҳаракат кучни сафарбар этади ва баланнинг дарддан фориғ бўлишига туртки беради.

Узоқ давом этадиган, мураккаб ва жуда ажойиб бу маросимда дарвеш табиб ўйин тушиб, бемор атрофида айланади, дуолар ўқиб, ашула айтиб инсу жинсларни қувади/ Унинг бир қўлининг қафти кўкка, иккинчи қўли эса ерга қаратилади. Маросим охирида беморни чақириб “Ўрнингдан тур!” дейди. Узоқ вақт юролмаган касал ўрнидан туриб, аста одимлайди ва дарвешга кўшилиб айлана бошлайди. Есенин ҳам даврага тушиб, бу ғалати мутасаввиф тўдага кўшилиб айланади. Рақсга тушаётган кишилар тепадан суратга олинса, ўз шогирдлари билан хиром этаётган Айседора Эсимизга тушади.

Есениннинг хаёлларини шарбат сотувчи бўлиб юборади. Чиройли қалпоқчадаги йигит елка оша осиб олган човгундан шарбат таклиф этади. У шарбатни ичиб, курсичага ўтиради.

— Ол, ўрис, — дейди шарбатфуруш. — Ахир иссиқ кунда ароқдан ҳам яхши кетади-ю!

20-саҳна

Бозор гувиллайди. Ранг-баранг гуллар, нақшинкор сопол хуштакчалари, чиройли газмоллар, гиламлар, пуфаклар Тошкент бозорини безаб турибди. Ҳар тарафдан мазали таомларнинг иси келади. Масхарабозлар, кўча дарбозларининг шовқини атрофни тутган. Бир чеккада туялар дам олаяпти; эшак ва отларнинг “бекати” алоҳида.

“Раққосалар” (раққосалар ролида ўсмир болалар ўйнашади) чиқишидан сўнг томошалар бошланади, Есенин, Шекспирнинг “Қирол Лир”ини² кўриб ҳайрон қолади.

(Саҳнанинг бир томонида бир неча “Раққоса” маҳаллий савдогорларнинг таклифи билан безатилган файтонга чиқишаётгани кўзга ташланади).

Бозор майдонининг бир чеккасида чиройли тўн кийган “ваъзхон” нутқ ирод қилмоқда. У табиатшуносликдаги сўнгги ютуқлар ҳақида гапириб, Россияда борган сари оммавийланиб бораётган электр қувватига тўхталиб ўтди. Европада метро қурилиши тўғрисида гапираётиб, бу нарса Англияда ривожланганини эслатди. Шундай кун келадики, деҳи у, метро Тошкентда ҳам қурилади. (Маъруза матни ўзбек тилида бораётибди, шунинг учун унинг русча таржимаси титрда берилди). Нотиқнинг гапларини диққат билан эшитишяпти, шу жумладан, паранжили аёллар ҳам. Улар орасида дўппи, нимча тикувчилар кўзга ташланади. Уй-рўзгор буюмлари тикиб, тўқиб, ясаб сотувчи чеварлар ўз маҳсулотларини қўлларида ушлаб туришибди. Улардан биттаси ҳатто метро ҳақида савол ҳам беради. Бунақа бўлишига ишонмайди:

¹ Адекват видеоқотор яратиш учун Б.Голендернинг «Ўтмиш ойнаси Туркистон почта откриткаларида (1898-1917 йиллар). Тошкент — 2003». «Pir Rau».

² Болаларнинг шунақа сопол ўйинчоқлари жуда оммаланиб кетганди, ҳозир уларни Самарқанд атрофларида тайёрлашади.

— Ихтиёрый равишда ер остига ҳеч ким кирмайди, — ишонтирмоқчи бўлади у нотикни. — Шунда метронинг вагонлари бўш қолади. Ҳаёт экан, ким ҳам ер остига ўз оёғи билан юриб киради? Фақат ўликларнигина ер остига қўядилар. Шунда ҳам метрога ўхшаб чуқур кўммайдилар. Қандайдир ёш аёл паранжисини сал очиб Есенинга жилмайиб қўяди.

Баҳс чўзилади ва Есенин “Қирол Лир” томонга ўтади. “Қирол” дарвеш кийимида, бошида дўппи. Ўз гиламчасини ерга тўшаб, халтасидан лойдан ясаиб бўялган «хуштак»¹ларни — анъанавий ўзбек ўйинчоқларини гиламча устига ёйиб, улар билан гаплаша бошлайди. Гап орасида уларни бир Розалинда, Корделия деб атайди. Қизлар исмини шарқча талаффузда айтади. Томошабинлар уни ўраб олиб, завқ билан тинглашяпти. Улар орасида паранжилар аёллар ҳам бор. “Мен қиролман”, — дейди дарвеш бошини баланд кўтариб. Унинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир ибораси Есенинга тушунарли эканлиги сезилиб турибди.

Азимбой: — Мен сенга театр, шарқ театрини кўрсатаман. Шекспир пьесасини Европада ёки Россияда қўйиш бошқа, бу ерда, Урта Осиёда қўйиш бошқа, ишон. У ерда сен ўнлаб артистлар орасидан энг яхшисини танлаб олишинг мумкин. Бу ерда эса энг довурак қизни таклиф қиласан. У барча анъаналардан воз кечиб, юзини очиб, саҳнага чиқишга тайёр, таваккал қилиб, кўп нарсани хавф-хатарга қўяди! Эҳтимол, шунинг учундир, у жуда яхши ўйнайди.

21-саҳна

Шекспирнинг “Отелло”си Ҳамза номли театр саҳнасида ўйналаяпти. (Шу пьесанинг Аброр Ҳидоятлов ва Сора Эшонтўраева ижросидаги архив ёзувини топиб, компьютерда Есенин, Шеряевец ва унинг қайлиги спектаклининг томошабинлар қаторига жойлаштира бўлади. Спектаклининг ҳужжатли лентаси ҳам бор. Унда Аброр Ҳидоятловнинг юбилей спектаклида архиепископ Кентерберийский қатнашгани акс этган. Топишга уриниб кўриш керак).

Отелло Дездемонадан сўрайди (Шекспир матни Ҳидоятлов талқинида):

— Дездемона, паранжинг қани? — жавоб ололмай, уни бўға бошлайди.

Парда ортидан режиссёр қичқиради:

— Пардани, тезроқ пардани туширинглар! У ростакамига бўғиб қўяди!!

Аксига олиб, саҳна оператори қаёқадир чиқиб кетган экан. Улар то пардани туширгунларича, Сора Эшонтўраева бўғилиб хушидан кетади. Томошабинлар қаттиқ олқишлайдилар, лекин ҳеч ким “яна”, “яна” демайди. Аброр Ҳидоятловни Сора Эшонтўраевадан зўрға ажратиб олишади, у ролга шу қадар кириб кетгандики, парда туширилган бўлишига қарамай, бўғишда давом этарди.

— Бу актёр ким? — сўрайди Есенин. Ширяевецдан.

— Аброр Ҳидоятлов, — дейди у. — Бош ролларда эр-хотин, улар ҳаётда ҳам эр-хотин.

Есенин: — Шунақами?

22-саҳна

Уни ўзбек зодагонлар доирасида ҳам қабул қилишади. Есенин шаарафига таниқли ер эгаси Азимбой махсус зиёфат беради. Азимбой

билан Дарья Николаевна қабулида танишган эди.

Биринчи марта у Есенинни Ўқчи «маҳалласидаги (ҳозирги — янги консерватория ўрнида бўлган)» уйга чақиради. У ерда Есенин лавҳ- (китоб қўйиб ўқиш учун махсус мослама)ни кўради. Унинг устида Курьоннинг четларига изоҳ ёзилган қўлёзмаси турарди.

Азимбой (кулай ва енгил лавҳни қандай йиғишни намойиш қилиб):

— Лавҳ йўлда ўнғай, — дейди, бу жуда муҳим. Чунки мусулмонлар ҳаминша буюк ипак йўли бўйлаб саёҳатда юрганлар. Йўлда унинг устига Курьонни қўйиб, шом ва бомдод намозини ўқишган. Лавҳ ёғочнинг бутун парчасидан михсиз ва елимсиз ясалган.

Есенин қўли билан силлиқланган асл ёғочни силаб қўяркан, сўрайди:

— Бунда фақат Курьон туриши керакми?

Азимбой: — Курьон ва ҳадислар.

Есенин: — Ҳадислар?

Азимбой: — Ҳадислар — Курьони Каримга изоҳлар.

23-саҳна.

Азимбой уни Чимён этагидаги Келесга таклиф қилди. Дастурхон тўкин-сочин эди: Азимбой қора қўчқорнинг гўштидан кабоб, оқ қўйнинг гўштидан палов тайёрлаттирди.

Бу ерда, Азимбойнинг ер мулкида энг таниқли бахшилар тўпланади, дутор чалиб, Навоий, Бобур, Нодира шеърларини куйга солиб, қўшиқ айтадилар.

Есенин тоғ дарёсида сузиб кўрди, тоғларга чиқди. Яйловдаги учрашувлар мушоирага айланиб кетди. Есенин билан Азимбой бир-бирларига шеър ўқиб беришди. Есенин ўз шеърларини ўқиди, Азимбой Ҳофиз ва Саъдий ғазалларини... Ўша зиёфат қатнашчиларининг хотирлашларича, Азимбой қарийб икки соат ғазал ўқиган. Есенин Шарқ шеърятини қизиқиш билан тинглаган. У ўзбек, араб, форс тилларини билмаслигига қарамай, ғазалларни зўр қизиқиш билан тинглаган, ҳар бир сўзни эслаб қолишга уринган. У шарқ шеърларидаги яширин оҳангни иллаган. Ғазалхонларни тинглар экан, бутун вужуди жунбишга келганидан терлаб кетарди.

Томошабин бўлиш учун мушоира пайтида улар отда юрган бўлишлари мумкин, шунда шеърый айтишувлар спорт мусобақасига уланиб кетиши табиий. Бахшилар билан Навоий, Ҳофиз, Саъдий сингари шоирлар ўхшашлигини таъминлашга эришилса, янада яхши бўларди.

24-саҳна

Унутилмас дақиқалар — Тошкентдаги рус театрида бўлиб ўтди. Спектакл бошланишидан олдин кимдир ўрнидан турди-да:

— Жаноблар, — ҳайқирди у ҳаяжон билан. — Ҳозир, ушбу залда бизлар билан Сергей Есенин ўтирибди!

Гулдурос қарсақлардан зал ларзага келди. Ҳис-ҳаяжон билан тўлиб-тошган томошабинлар анчагача шоирни олқишлаб турдилар ва спектакл ўн дақиқа кечикиб бошланди. Есенин ўрнидан туриб, залга қўл силкиб таъзим қилди. Худди шу манзара, у Америкада Айседора билан саёҳат қилиб юрганида эсига тушди. Ўша пайтда Айседора ҳали ҳеч ким билмайдиган ва қизиқмайдиган кимса эди.

Ана шу ерда, Туркистонда шуҳрат чўққисига эришди. У ҳали тирик экан, ўз шуҳратига назар солди-ю, унинг Есенин номи олдида титраб турганини ҳис қилди. Бу, албатта, ўлимидан сўнг Москвада

обрў-эйтибор қозонган ном эди. Ақл-идрок соҳиби бўлган, барча нарсадан хабардор, хайрихоҳ муҳитда шоирлар энг ҳурматли юртдош, “Шеърят эса Пайғамбарлар салтанатидан эсгувчи шабада” сифатида эъзозланарди, Есенинни дардлар доғидан даволайди:

Доғлар кетмиш мажруҳ кўнгилдан,
Маст васваса кўзгамас тугён.
Мен дардимга Техрон гулидан
Чойхонада тополдим дармон.

деб ёзади шоир.

25-саҳна

Бадийий фильмда тўқима учун имконият бор... Тошкентда у дўсти — рассом Уста Мўмин уйига жойлашади. Рассом аёл сиймоси устида ишлаяпти. Есенин аёл сиймоси олдида тўхтаб табассум билан қопланган ўзбек қизининг ёш чеҳрасига узоқ тикилади. Бу расм негадир ҳалиги Москвада, Есенин шеър ўқиганда уни мазах қилишгач, чиқиб кетаётган шоирни тўхтатган қиз чеҳрасини эслатади.

— Ким бу? — деб сўрайди Есенин. — Қаерда яшайди?

Лекин Уста Мўмин унинг саволига кулги билан жавоб беради. Уста Мўминнинг тез орада уйланмоқчи эканини билган Есенин яна сўрайди:

— Бу сенинг қайлигингми?

Уста Мўмин яна кулади.

— Бу ердагиларнинг одати ғалати экан-ку, — койинади Есенин.

— Мен қайлигимни ҳеч кўрмаганман, — дейди Уста Мўмин. — Уни онам кўрган, оналар эса асло адашмайди.

Бу жавобдан сўнг Есенин бошқа савол бермайди.

26-саҳна

Рассом устахонасига ҳар замон-ҳар замонда бир аёл кириб туради. Юзига қора тўр-парда тутган бу аёл кирганда Сергей қайрилиб қарамайди. У чой, егулик олиб келади, устахонани супуриб, сибириб кетади. Бу — Лола, Уста Мўминнинг синглиси. Бир сафар ичидаги қимизи ичиб тутатилмаган пиёлани йиғиштираётганда Есенин уни тўхтатди:

— Уни олманг, тураверсин, — дея аёлнинг юзига қаради. Қора тўр парда орасидан кўзларини кўрди. У Уста Мўмин чизаётган расмдаги аёлга жуда ўхшарди.

27-саҳна

Уста Мўминнинг тўйи. У жўралари билан келинни олиб кетгани келади. Келин уйининг остонаси олдида гулхан ёқилади. Куёвнинг ёш жўралари олов устидан сакраб ўтиб, ўз эпчилликлари ва кучларини намойиш қилишади. Ҳар бир уринишдан сўнг оловга яна тараша қалаб, гулханни баландлатишади. Энг охирида, энг баланд, ловуллаб турган гулхан устидан Уста Мўмин сакраб ўтади. Аңа шундан кейингина келинни уйдан олиб чиқишади. Тўй паранжисига бурканган келин энг яқин дугоналари қуршовида, чиқиб келади. Дугоналари ҳам паранжида, юзлари берк. Қизлар фойтонга ўтириб куёвнинг уйига йўл оладилар.

28-саҳна

Уста Мўминнинг уйи олдига фойтон келиб тўхтади. Келин ўтирган фойтонга пешвоз чиққан бир аёл пиёлага сут қуюди. Таъзим билан пиёлани келинга тутди. Келин сугни охиригача ичиб, пиёлани ҳалиги аёлга қайтаради-да, миннатдорлик билдириб фойтондан тушади. Бу ерда ҳам гулхан ёқилган. Келиннинг дугоналари унинг боши узра оппоқ ипак рўмол ёйишади. Оловнинг иссиғидан рўмол шишиб гумбоз ҳосил қилади. Оловнинг рангидан у ҳам қизариб кетади. Ёр-ёр лапарини айтганча, келинни гулхан атрофида айлантиришади ва уни янги уй ҳовлисига олиб ўтишади.

29-саҳна

Уста Мўминни гўшангага олиб киришади. У фақат шу ерда ўз хотинини биринчи марта кўради. У дераза орқали ҳовлига қарайди. Ташқаридан “Ёр-ёр” кўшиғи эшитилади. Келин ва дугоналари уйга яқинлашадилар. Остонадан ичкарига фақат келин ва бир аёл киради, одатда бу келиннинг аммаси бўлади. Келиннинг дугоналари ташқарида қолишади, урф-одатга кўра, келин-куёв кирган уйнинг даҳлизига оқ атир гуллар сепишади.

30-саҳна

Уйда келинни Уста Мўминнинг аммаси ҳамду санолар билан кутиб олади. Қиз унга эгилиб таъзим қилади. Амма унинг бошидан паранжини олади, юзини очади. Уста Мўмин хонани иккига бўлиб турган ипак палакка орқаси билан турибди. Палакнинг нариги томонида Уста Мўминнинг қайлиғи ҳам унга орқаси билан турибди. Палакни олиб ташлаб, ҳар иккаласининг қўлига кўзгу тутқазишади.

Уста Мўмин кўзгуни хотинининг юзига қаратади, биринчи марта у қайлиғини фақат кўзгудагина кўриши мумкин. Ҳаяжондан Уста Мўминнинг қўллари қалтирайди. Кўзгуда ҳали шарқона безатилган шифт, ҳали нақшинкор эшик, ҳали адрас чойшаб акс этади. Ниҳоят, кўзгу паранжига тушади, келиннинг юзидаги қора тўр парда очилади. Ниҳоят, келиннинг чехраси кўзгуда кўринади. Уста Мўмин гўё унинг жамолини ўзига сингдираётгандай бўлади.

Келиннинг қўлида ҳам кўзгу нур билан ўйнашади. У Уста Мўминни кўради. Уста Мўмин (ойнага қараб) қизга дейди:

— Ассалому алайкум! Қадамингиз нурга тўлсин!

Қиз ҳам бошини кўтаради, унга ийманибгина жилмаяди ва жавоб қайтаради (кўзгуга қараб):

— Ва алейкум ассалом!

31-саҳна

Есенин Тошкентдан жўнаб кетиш таралдудиди.

Сўнги кун, Есенин Бухоро ва Самарқандга жўнашга тайёрланаётганда Уста Мўминнинг синглиси уларнинг хонасидан чиқа туриб, остонада тўхтади ва паранжининг қора тўрини орқасига ташлаб:

— Алвидо! — дейди.

Шунда Сергей олдида турган қиз ўзи мафтун бўлган ўша — расмдаги сиймо эканини ҳис этади.

— Вой худойим-ей, дейди у, — жуда кеч!

У бу ердан жўнаб кетаяпти. Бу ёққа энди ҳеч қачон қайтмайди. У

шундоққина ёнгинасида экай. Ўзи бўлса буни тушунмабди! У ёнгинасида юрган офатижонни сезмабди-я, — олиб келган овқатларига бирор марта раҳмат демабди-я!

Унга жавобан “Алвидо!” дейиш нақадар оғир. Унинг тушларига кирган, учрашишни орзу қилиб юрган қиз унга шунчалар яқин экан-у, уни сезмаганини англаш нақадар аламли! Бутунлай ёнида... Жавобан “Алвидо!” дейиш мунчалар оғир!

Есенин қизни ўпмоқчи бўлади, лекин у ўзини тортиб, жўнаворадди. Абадий кетади.

32-саҳна

Есенин ўз хонасида қўлига кўзгу олади ва унга диққат билан тикилади. Гўё у ерда нимадир (кимнидир) қидираётгандай. Кўзгуда олов акс этади, кейин гулхан устидан сакраётган Есенин, ўт атрофида ўтаётган тўй маросими, келин тепасида ипак гўмбаз бўлиб учаётган рўмол кўринадди. Тўй паранжисига бурканган аёл қиёфаси. Қора тўр парда остида Есенин унутилмас чехра — Уста Мўминнинг синглиси Лоланинг юзини кўради. Тўй уйининг атиргуллар тўшалган остонаси акс этади кўзгуда.

Кадр ортидан овоз:

Хуросонда бир дарбоза бор,
Остонаси гулга кўмилган.
Унда яшар бир пари рухсор,
Хуросонда бир дарбоза бор.
Хайҳот, уни очолмадим ман.

33-саҳна

Чуст бозорида Есенин машҳур Чуст пичоқларидан кўз узолмай қолади. У бир неча пичоқни танлаб, ҳақини тўлаш учун пул чиқаради.

Азимбой: — Сергей, бунча пичоқни нима қиласан?

Есенин (кулиб): — Биласанми, умр узун, пичоқ керак бўлиб қолади. Қўлимга шу пичоқни олганимда, бу жойларни эслайман, ўзимнинг Россиядан эканимни “ҳис этаман”.

34-саҳна

Самарқандда Есенин Георгий Колобов билан бирга кечкурун Регистон майдонига келади. Майдонда айланиб юриб, атрофидаги майда дўконларни кўздан кечиришяпти. Колобов шошилмоқда, унинг темир йўл ходимлари билан учрашуви бор. Есенин сайр қилишни давом эттиради. У кеч кирганини сезмай қолади. Бўшаб қолган кўчада уни учта ўсмир тўхтади. Улардан бири Есениннинг соатига ёпишади, чаққонлик билан уни қўлидан ечиб олади, бошқаси пиджагини тортади. Унинг чўнтагидан Умар Хайёмнинг шеърини тўплами ерга тушади! Йўлтўсарлардан бири китобни ердан кўтаради, варақлаб кўради ва ўзбекчалаб сўрайди:

— Сен Хайёмнинг шеърларини ўқияпсанми?

(Шу орада бу ерга етиб келган татар йигит унинг гапларини таржима қилади).

— Ҳа, — дея жавоб беради Есенин, у энди ўзбекчани анча-мунча тушунадиган бўлиб қолганди. — Мен бу ерга Шарқ шеърятини ўргангани келганман.

— Сен ўзинг кимсан?

- Шоирман, юртимда мени Сергей Есенин дейишади.
- Сирож Ясуний? Эшитмаганман. Русиядан келдингми?
- Шоирмисан? — суҳбатга аралашди бошқаси. — А шуни айтмайсанми? — деб соатини қайтариб беради, орқадан пиджагини ҳам кийдиришади.
- Сени ким хафа қилса, менга айтасан. Исмиб Ортиқхон. Бу ерда мени ҳамма биледи. Соғ бўл, Сирож Ясуний, — дея елкасига қоқеди йўлтўсар.

35-саҳна

(қирғиз қишлоғи)

Колобов, Ширяевец, Есенин ўтовда ўтириб қимиз ичишяпти. Бу ердаги тоғ қишлоқларида аёллар юзлари очиқ, ўтов олдига келиб эркакларга емак узатишади, улар овқатни дастурхонга қўйишади. Қимиз олиб киришади, Есенин ҳайрон: қишлоқда биялар тўлиб-тошиб ётсада, аввал уларга сира қимиз олиб киришмаганди. Ўтов соҳибни энгашиб, паст овозда, лекин ҳамма эшитадиган қилиб (қирғиз тилида таржима билан) гапирди:

— Қўшни овулда бутун байрам: улоқ бўлади, пойга, кейин (кўзини қисади) — энг азиз меҳмон учун (кўпмаъноли жимлик) — кўрасизлар! Борасизларми?

— Жуда соз. Майли, — рози бўлади Есенин ундан кейин Колобов ҳам бош ирғайди.

Розилик белгиси сифатида Ширяевецнинг тиззасига шапатилаб кўйлади:

Самарқандга боришга мен қилдим қарор,
Унда яшар севимли ёр, севимли ёр!

36-саҳна

Учовлон улоқ тортишни томоша қилишяпти. Улар қирғиз овулидан бўлган ўз дўстларига ўхшаб, уларга қўшилишиб хуштак чалишяпти, қийқиришяпти. Қизлар мусабақаси бошланади. Томошабинларга яқин турган оқ аргумоқда чиройли маржон таққан, қирғиз аёллари бош кийимидаги қиз ўзига жалб этади. Есенин ундан кўзини узмайди. Қиз ўзига ошқора қизиқиш билан тикилаётган рус йигити нигоҳини ҳис этиб, унга қараб бурилади. Қарашни қатъий, табассумсиз. Улар бир-бирининг кўзига бир дақиқа тикилиб қарашади, шу пайт қаттиқ қийқириқ эштиради. Бу пойга бошланганига ишора. Қиз отни ниқтаб ўрнидан қўзғалади. Аргумоқ Олимпга учаётган афсонавий Пегас мисоли елиб кетади.

Пойга кўл сатхида ўтаяпти (шундоққина Иссиқкўл бўйида жойлашган Чўлпонога отчопари бунга жуда мос келади) ва кўл сатхининг тоза зангори товланиши ажойиб тасаввур ҳосил қилади — аргумоқлар гўё “осмонда парвоз” этаётгандай.

Пойга ишқибозлари орасида қирғиз, ўзбек ва татар қизлари ҳам бор. Улар «кўпкари»ни томоша қилиб, тўптош ўйнаб ўтиришибди. Есенин уларнинг юзларига диққат билан қарайди — икат, адрас, атлас, беқасам сингари шарқ газламаларидан қўйлак кийган бу қизлар шоирда янги туйғулар, образли фикрлар уйғотади. (Бу саҳна қиёфалар ва кийим режасида яхшилаб ишлаб чиқилиши керак қимматбаҳо шарқий безаклар ва кийимларда хушқомат маҳаллий қизлар ўша давр аёллари назокатини акс эттириши лозим).

37-саҳна

Тунги тоғлар. Минглаб юлдузлар билан қопланган осмон шундай яқин кўриниб турибди. Тоғ йўли бўйлаб чавандозлар тепага кўтарил-яптилар. Улар орасида Колобов, Ширяевец ва Есенин ҳам бор. Ҳар бир бия ёнида қулун. Қирғиз чавандозларидан бири тўхтаб, чўзиқ, жарангдор ва оҳангдор чақириқ билан қичқиради. Фақат тоғ аҳолиси-гина шундай қичқира олади, улар олисдаги элдошлари билан шу тариқа гаплаша олади. Есенин фақат сўнгги сўзнигина илғай олади: «О-о-о-о-о!» Қоронғуликдан жавоб товуши эшитилади: «О-о-о-о-о!» чавандозлар чақириқ келган томонга юрадилар. Уларга ёш ёрдамчилар пешвоз чиқадилар, отлари тизгинидан етаклаб, уларни ўтовга олиб борадилар. Бу ерда уларни хўжайин кутиб олади. Унга совға — отда етаклаб келинган тойларни топширишади. Отлардан сакраб тушиб, ўтовга киришади. Ёрқин иплар билан нақш солинган кигиз «девор» бўйлаб ўтиришади. Бу ерда кerosин лампалар ёруғида кимнидир кутаётган асабий эркаклар башаралари кўзга ташланади...

Ўтов ўртасида арқон билан ғалати тарзда боғланган бўталоқ, чилдирмани «бака-бам»и эшитилади. Ўтовнинг эшиги ўрнини беркитиб турган этаги кимнингдир кучли қўли билан кўтарилиб, ичкарига Есенин бугун эрталаб кўрган қора кўйлақдаги ўша қиз кириб келади. Хўжайин унинг томоғига ўткир пичоқни қадайд ва кўйлагининг ёқасини кесиб ташлайди...

Кўйлақ қизнинг елкасидан сирғалиб пастга тушади. Унинг устида енгил, юпқа ва тиниқ кийимгина қолади. Кийим тагидан ҳеч нарса йўқлиги шундоқ кўриниб турибди. Худди эрталабкидай, у ва Есениннинг кўзлари тўқнашади. Қизнинг кўзларидан чорлов ва умидсизлик, уятчанлик ва яширин илтижо...

Бирдан қаттиқ қийқириқ янграйди, қиз ўтирилиб қарайди ва боғлаб ташланган жонивор атрофида айланиб, эркакларнинг ҳайратли ҳайқириқлари остида бўталоқ ёнига чўккалайди. Чиройли тўн кийган йигит қизнинг ёнига боради, елкаларидан ушлаб кўтаради, қўлларини орқасига қайтариб бирлаштиради ва боғлаб ташлайди. Оғриқдан қизнинг пешонаси тиришиб кетади, шунда ҳалиги йигит унинг қўлидаги ипни сал бўшатади. Шундан сўнг у қизнинг чиройли баданини ёпиб турган тиниқ кийимини пичоқ билан ёриб ташлайди. Эркаклар қийқиришади. Яланғоч қолган қиз бўталоқ ёнига тиз чўкади, бўталоққа энгашади ва йирик опшоқ тишлари билан жониворнинг елкасидаги арқонни еча бошлайди. Томошабин бўлиб ўтирган қизиққон эркаклардан бири қиз ёнига сакраб бориб иссиқ сонига чанг солади. Шу заҳоти чиройли тўндаги йигит унинг ёнига югуриб бориб, қўлига камчи билан тушириб қолади. Қизнинг опшоқ сонига камчидан из қолади. Камчи урган тўнли киши доира бўйлаб айлана бошлайди, ҳар қадамда камчини силтаб, «қизга қўл теккизишга уринган ҳар кимса ўз тегишини олади» дегандай огоҳлантирарди...

Қиз бўталоқ боғланган арқонни тиши билан ечишга уринишда давом этади. Кўпол арқондан қизнинг тишлари қонаб кетади, бўталоқ қалтирайди ва елкасига ағдарилишга уринади. Бу билан қизнинг вазифасини қийинлаштиради. Қиз бўталоққа боғланган арқонни тутунма-тутун ҳаммасини ечиш керак. Ўтов ичи чилимнинг қалин тутуни билан тўлиб кетади. Чилим чекаётганларнинг ёноқлари гувиллайди. Эркаклар чийиллайди, сонларига шапатилайди, ёстиқларни титадилар.

Есенин ўтовдан югуриб чиқади. Қароллар йилқиларнинг янги уюри-ни ҳайдаб келишади. Бу меҳмонларнинг томоша кетаётган ўтов хўжа-

йинига ҳадяси. Қаердадир, нарироқда тоғ дарёсининг шовуллаши эшитилади. Есенин тоғдан пастга қараб чопади, терлаган таналардан, бўта-лоқнинг сассиқ ҳидидан, унинг илтижоли боқишидан узокроқ кетишга шошилади...

38-саҳна

Есенин дарё бўйида турибди. Унинг ёнига Есенинни дўстлари билан томошага таклиф этган қирғиз келади. Жим туришади, чекишади. Есенин сўрайди:

— Ким у аёл?

— Ҳа-а, бир бева. Иккита боласи билан қолган. Эри қишда ўлган, қор кўчкиси остида қолиб, отари билан музлаб қолган. Ёлғиз ўзи қолган, бу атрофда қариндош-уруғи йўқ. У энди бу жойлардан бош олиб кетмоқчи, лекин пули йўқ. Ҳозир бўлса у эртагаёқ жўнаб кетиши мумкин, бугунги иши учун яхши пул тўлашади. Йўлга ҳам етади, бир уйча ҳам сотиб олиши мумкин. Бугун ютиб олинган йилқи уюрининг ярми уники бўлади.

Мазах қилиб сўрайди:

— Нима совчи қўймоқчимисан?

Сўроғига жавоб ҳам олмай жўнаб қолади.

39-саҳна

Есенин билан Колобов вокзалга чопишади. Улар Москвага қайтишяпти. Ширяевец Есенинни бағрига босади:

Ширяевец: — Серёжка, дўстим! Яна қачон кўришамиз?

Бир-бирини қўйиб юборишади. Есенин унинг елкасига туртади:

Есенин: — Саша! Мен ҳам почтага ишга жойлашаман — бундан яхшироқ иш борми? Телеграммалар менинг қўлимдан ўтади: уларда муҳаббат изҳори, ҳукуматга даъват... Сенга ҳар куни телеграмма юбораман. Кечкурун ишда ўтирганингда аппарат чиқиллаб қолса; билиб қўй — ўша менман, сенга телеграмма ёзаяпман.

Колобов (қулиб): — Шу тариқа бир-бирингизга Морзе алифбесида шеър ёзаркансизлар-да. Сизларни ҳеч ким туншунмайди.

Есенин: — Бу бизларга янгилик эмас! Лекин сира кўника олмаяпмиз.

Вагонга қараб кетаётиб, улар ҳалиги тоғ ўтовидаги қизга дуч келдилар. Вагон кузатувчи қиздан сўрайди:

— Қаерга кетаяпсиз?

— Туркистонга, — дейди қиз.

Колобов: — Зерикмас эканмиз-да?

Есенин унга оғир нигоҳ билан қараб қўяди.

40-саҳна

Есенин Колобов билан бирга яна ўша вагонда Москвага қайтаётибди. Есенин юқори қаватда ухляпти, Колобов гитара чалиб қўшиқ айтапти:

Хасис бўлиб қолдим истақларимда
Азизим кирдингми, тушларимга ё?
Худди баҳор тонготарида
Елармишман пушти отда мен гўё.

Есенин мудраб ўтириб, кўз ўнгида Лола (Уста Мўминнинг синглиси)ни кўраётганди. Унинг сиймоси ҳалиги Москвадаги вестибюлда

йиғлаган қизнинг қиёфаси билан бирлашиб кетади. У москвалик қиз бўлиб, йиғламсираб қичқиради:

— Ўртоқ Есенин! Уларни кечиринг, ўртоқ Есенин! Қаёққа кета-
япсиз? Кетманг, ўртоқ Есенин! Кетманг!

Шунда Есенин Колобовнинг овози билан қизга жавобан қуйлармиш:

Хайр энди, дўстгинам, хайр!
Қалбимдасан, азизим мангу.
Бизга қисмат ушбу айрилиқ
Олдинда висолни ваъда қилар у.

41-саҳна

Айседорани у Москвага келиши билан учратди. Аёл Есенинни кўри-
ши билан хитоб қилди. «Oh this Patrick!»¹. Шундан сўнг Айседора шо-
ирдан бир қадам ҳам жилмади. Аёл рақс тушар, Есенин қарсак чаларди.
Томошабинлар бу раққосага мафтун эканини у яхши ҳис қиларди.

Улар жуда кеч қайтишарди. Тунги извошчи ухлаб қолди ва отлар
черков атрофида уч марта айландилар. Бу Александр Пушкин билан
Наталья Гончарова никоҳдан ўтган черков (шундоқ Маяковский теа-
три ёнгинасида) эди. Есенин Айседорага шипшиди:

— Бу Тангрининг иродаси. Отлар ҳалқа бўйлаб уч бор айланиш-
ди, никоҳ пайтида аналой² атрофида худди шундай уч марта айлан-
тиришади.

Тез орада газеталарда қуйидаги хабар пайдо бўлди: «Шоир-имажи-
нист Сергей Есенин машҳур раққоса Айседора Дункан билан ни-
коҳдан ўтди. Улар никоҳдан ўтган черковда...».

42-саҳна

Тўйдан сўнг улар Берлинга йўл олишади. 1921-1922 йилларда бу ша-
ҳар халқаро кинематография маркази эди. Марлен Дитрих юлдуз бўлиб
порлай бошлаганди — ўша пайт у 21 ёшда эди. У қатнашган фильмларга
томошабинлар завқ билан боришарди, Есенинлар оиласи ҳам бундан
мустасно эмасди. Улкан бинолар устида машҳур совун фирмасининг
рекламаси — Айседора Дунканнинг ўғли Патрик тасвирланган лавҳа-
лар ярқирарди. Фирма мазкур реклама учун катта пул тўлади. Бу пуллар
Айседоранинг мактабига сарфланди. Ҳамма жойда ана шу «совун кўпик-
лари» рекламасини кўриб, Есениннинг жаҳди чиқарди.

43-саҳна

Одатла, шундай бўлади, Есенин шарққа саёҳатини анча кеч, у
Американи айланиб келганидан кейингина баҳолай олди. У ерда қарийб
фақат Айседора Дункан эри сифатида танилган Есенин Чикагодан
ёзади: «Ё Тангрим! Самарқандда, Тошкентда нақадар бахтли эдик!»

Машҳур эр-хотин Есенинларни олиб кетаётган пароҳод узоқ ку-
тилган Америка соҳилларига етиб боради. Есенин Нью-Йорк портига
тушади. Соҳилда уларни журналистлар, репортёрлар кутиб олишади.
Бироқ, кутиб олувчилар орасида расмий вакил ҳам бўлади, у Есенин
билан Айседорага:

¹ П а т р и к — Айседоранинг ўғли, у фожеали ҳалок бўлади: унинг болалари
кетиётган машина Сена дарёсига кулаб тушади. Сена устидаги бу кўприк Париждаги
четларида тўсиғи йўқ ягона кўприкдир.

² А н а л о й — черковдаги қия стол.

— Сизларга кемадан тушишга рухсат этилмаган, — дейди. — Бугун сизларни Элисс¹ орасида кузатиб кўйишади (Марио Пьюзо романидаги чўқинтирган ота худди шу оролда карантинни ўтаган эди). Америкага киришга рухсат олиш учун улар сўровдан ўтказилиши талаб қилинади. Бу оғир жараён бўлиб, эр-хотин Америкага сиёсий мақсадларда келмаганликларини исботлашлари керак эди. Есенин билан Айседорани касалхона палаталарини эслатувчи алоҳида хоналарга жойлаштиришади.

44-саҳна

Газеталарда сарлавҳалар: «Таниқли раққоса Айседора Дункан шахсини аниқлаш учун Элисс оролида ушлаб турилибди». «Коммунистлар фаришталар қиёфасидаги жосусларни юбормоқда». «Айседора Дункан мамлакатга рус шоири Сергей Есенин кузатувида қайтмоқда».

Аниқлаш жараёни. Айседорадан сўрашади:

— Сиз коммунистмисиз?

— Қандай бемаънилик!

— Россияда нима қилдингиз?

— Мен рақс мактаби — Айседора Дункан мактаби ташкил қилдим!

— Сизнинг ҳалиги... эрингиз коммунистлар фирқасига аъзоми?

— Йўқ.

— У нима иш қилади?

— У Россиянинг буюк шоири.

— Ишончингиз комилми? Фарбда у ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса эшитмаган.

— Фарб — бу бутун дунё эмас, жаноблар, Америка эса унинг олтидан бир қисми, холос.

Унинг “суҳбатдоши” газабланади. Уларни менсимасдан гапира бошлайди.

— Есенин қайси маблағ ҳисобига Америка бўйлаб саёҳат қилмоқчи.

Бир оз жимликдан сўнг:

— Ана шу саволга жавоб бермаса ҳам бўладими? — сўрайди Айседора.

— Агар сиз маъқул кўрсангиз, — дейди амалдор.

Дункан бардош беролмайди:

— Мени ўз мамлакатимга, туғилиб ўсган диёримга, менга азиз бўлган кишилар яшаётган ерга кўйишмаяпти. Ахир бу мамлакатнинг шуҳрати Айседора Дункан рақслари билан янада ошди! Нима ҳам қилардим, агар ўз оиламни, портда мени кутиб турган онамни кўролмасам, Россияга қайтиб кетаман.

Амалдор секин, маънодор қилиб гапира бошлайди:

— Сиз афтидан унутганга ўхшайсиз, у билан никоҳдан ўтиб, Россия фуқаролигини қабул қилгансиз. Ахир сиз Америкага совет паспорти билан келдингиз. Айни чоғда сиз ҳукумати ағдариб ташланиб, “большевиклар” ҳокимияти ўрнатилган мамлакатдан келдингиз. (Бир оз жим қолиб, маънодор қилиб давом этади.) Шунга қарамай, Америка — демократик мамлакат ва сизларга киришга рухсат берилади...

Лекин шунини эсда тутингки, Сизларга оммавий баёнот бериш, ташвиқий нутқ сўзлаш ва шу кабилар ман этилади. Сиз рақс тушишга келдингизми? Хоҳлаганингизча ўйнайвермайсизми? Айседора Дункан рақсларининг шуҳратини ошираверинг, истаганингизча! Лекин бу ерда советлар ҳокимиятининг шуҳратини ёйишни

¹ Элисс ороли — кўзёшлар ороли, сиёсий маҳбуслар жазони ўтайдиган жой.

хаёлингизга келтирманг! Акс ҳолда, кўнгилсизликлардан қочиб қутулолмайсизлар! Буни эсдан чиқарманг! Эсдан чиқаришингизга ўзимиз йўл қўймаймиз!!!

Бунга жавобан Айседора юзида қаҳр акс этади.

45-саҳна

Есенин билан Айседора нарвондан тушишади. Ҳабаш бола Айседоранинг рақс кийимлари таҳланган оғир чамадонларни кўтариб борапти. Уни танишади, кимдир оломон орасидан Айседорани чақириб унга томон талпинади. Башанг кийинган бир киши Айседорага яқинлашаб, унинг қўлини ўпади. Улар Есенинни сезмагандай гапга тушиб кетадилар. Есенин улар билан ёнма-ён турибди, бундай вазиятда нима қилишни билмай гаранг. Оғир юк кўтариб бораётган ҳабаш бола нима қиларини билолмай ҳайрон.

Ниҳоят, Айседора Есенинни эслаб, уни суҳбатдошига таништиради:

— Жорж, сени эрим билан таништирмоқчиман!

— Айседора ёш бир йигитга турмушга чиқибди, деб гап тарқалганди, бу ўшами? — деди Жорж, Есенинга менсимамай нигоҳ ташлади, унга эътиборга нолойиқ нарсдай қараб.

Ҳазабдан Есениннинг ранги оқариб кетди. Бир дам у ўзини Чорсудаги қирол Лир ролида ҳис этди. Гўё у ҳозир яланғоёқ турибди, дўппи кийган бошини баланд кўтариб: “Мен — Қиролман!” — деди. Шу пайт унинг кўз ўнгида Тошкентдаги рус театрида спектакл олдиан кимдир ўрнидан туриб: “Жаноблар, ушбу залда бизлар билан Сергей Есенин ўтирибди!” деб бақиргани ва залда қарсақлар янграгани ўтади. Бу унинг Америкада совуқ кутиб олинishi билан нақадар зиддиятли манзара. Есенин ҳеч кимга таниш бўлмаган ва қизиқиш туғдирмайдиган шахс, атиги Айседоранинг ёш рус эри, холос.

46-саҳна

Есенин қовоғини солиб, Чикаго яқинида ҳашаматли уйда ўтирганича қинғир-қийшиқ қилиб ёзаяпти: “Ё Тангрим, Самарқандда, Тошкентда нақадар бахтли эдик-а!” Чамадонидан чуст пичоқларини олиб, тигининг ўткирлигини текшириб кўради. Буни кўрган Айседора безовта бўлади, гаши келади.

— Сирьожа! — дейди у русчани бузиб. — Ты опять скучат по Востоку! Бон! Я покажу тебе Восток! Паа-даа-жди. Ты — читай Саади, Карашо?!

Пичоқларни олиб, ҳовлида ерга қадаб чиқади, уларнинг дастаси тупроққа қоқилган, тиғи тепага қаратиб қўйилган. У енгил туфлиларини ечади. Бироз ўйлаб туриб, қўйлагини ҳам ечиб ташлайди. Шу ҳолатда, чаққон, яланғоч пичоқлар орасидан эпчиллик билан ўтиб, шарқона рақсга хиром этади. Баъзан пичоқлар тигига қоқилиб тушади деб юрак ҳовучлайсан! Лекин у рақс тушаяпти, ўзининг ўткир пичоқлар орасида мудҳиш таваккали туфайли Сергейни қаттиқ ҳаяжонда ушлаб турибди...

Лекин, барибир, Айседора пичоқни босиб олди. Товонидан қон сиза бошлади. Аммо у буни гўё сезмагандай эҳтирос-ла рақс тушишда давом этарди. Есенин унинг қонли изини гўё кўрмагандек, ле-

¹ Серёжа! Сен яна Шарқни соғиндингми? Боз! Сенга Шарқни кўрсатиб қўяман! Шошмай тур. Сен — Саъдийни ўқийвер, хўпми?

кин, ниҳоят, Айседоранинг ўзгарган рангидан сезиб, қўлида даст кўтариб уйига олиб киради. Ана шундай камёб дақиқаларда Есенин уни самимий севарди.

Улар бахтли эдилар.

47-саҳна

Санк-Петербург, Англетер меҳмонхонаси. Меҳмонхонанинг совук хужраси, буюмлар тартибсиз сочилиб ётибди. Фибрадан ясалган чамадон очиқ¹. Ҳамма нарса айқаш-уйқаш, тартибсиз. Есенин ухлаб, туш кўраяпти.

Есенин пасткам стол ёнидаги кўрпачада ўтирибди. Унинг қарши-сида — Азимбой. Улар ўртасида нақшинкор лавҳ, фақат бу сафар лавҳ устида Куръон эмас, Есениннинг шеърий китоби. Муқоваси чармдан, қўлда бажарилган босма иш. Китоб устида “Эрон тароналари” деган ёзув кўзга ташланади.

— Азимбой, дўстим, менга қизил шаробдан қуй, — дейди.

— Йўқ, Серёжа, бу ерда қуйилмайди.

— Нега? Қаердамиз ўзи?

— Жаннатда бўлса керак.

— Жаннатда? Унда у ҳам шу ерда бўлса керак?

— Ким? Ҳур — жаннат парисими?

— Ҳозир кўрасан!

Эшик очилиб хонага Лола киради. Унинг қўлида патнис, патнисда — гулдаста. Лола столга яқин келади ва унга гулларни бирин-кетин кўяди.

— Бу нима? — сўрайди Есенин.

— Сенинг шеърларинг, — дейди Лола.

— Шунинг учун ҳам мен ҳозир жаннатдаманми?

— Ҳа!

У уйғонади, дераза ёнига келади. Бизнинг кўз ўнгимизда — қарийб юз йил бурунги Петербург. Гўзал мусаффо осмон.

48-саҳна

Тоғ қўли соҳили бўйлаб бораётган Есенин ялтироқ ботинкаларини ҳўл қилмаслик учун оҳиста одимляпти. Елкасида оқ ипак шарфини ташлаб олган, бошида севган котелогини. Рўпарадан уйга қарши маҳаллий болалар кузатувида ҳамон ўша оқ туя келмоқда. Туяни кўрган Есенин эски дўстини учратгандек жилмаяди. У бошидан котелогини ечиб, туянинг бошига кийдиради. Болалардан биттаси Есенинга ўзининг қавилган дўпписини беради. Улар йўлда давом этадилар. Вақт туманида кўздан ғойиб бўладилар.

Русчадан
Файзи ШОҲИСМОИЛ
таржимаси

¹ Бу чамадон ҳозир Тошкентдаги С.Есенин музейида сақланмоқда. Уни Есениннинг қизи Татьяна музейга тошширган.

Светлана МАКАРОВИЧ

Ширин тушлар кўр

ҚАРШИЛАШ

Қаршимда —
Дарча ортида нохуш манзара.
Қаршимда —
Қон билан тўлиққан олам.
Гиёҳсиз, булоқсиз яланғоч тоғлар
Хувиллаган бағрига, қара.
Қаршимда —
Бахт тутган куш қаноти —
Синган қалам.

Лойқа сувлар, бадбўй сувларда
Лаънат оқар, наҳс оқар.
Қаршимда —
Кўр ва соқов
Кўшнилар ҳайрон боқар.
Қаршимда —
Белида белбоғи йўқ,

Русчадан
Ойгул
СУЮНДИКОВА
таржималари

1939 йилда Словенияда таваллуд топган бўлажак шоира, болалар адибаси, публицист ва мусиқа шайдоси — Светлана Макаровичнинг илк шеъри 17 ёшида эълон қилинди. Унинг шу кунга қадар 10 дан ортиқ шеърий тўпламлари, 1000 дан ортиқ болалар учун ёзилган эртақ, пьеса, драмалари ўз Ватани ва халқи томонидан муносиб тақдирланиб, эъзозланиб келинмоқда. У уруш, унинг битмас жароҳатларини кўрди, ўзидан ўтказди. Шунинг учун ҳам инсоннинг инсон бўлиб яшашига ҳаққи бор, бу ҳақ ва завқни олиб кўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, дея эзгуликка чорлайди у ўз шеърларида. У ўз шеърияти ҳақида шундай дейди: “Сенга нимаики азоб берса, нимаики мусибат келтирса, шуни юрагингдан ўтказиб ёзолсанг, муқаррар енгил тортасан, табассум қилгинг ва узоқ яшагинг келади”. Худди шу моҳият — Светлана Макарович шеъриятининг кудратидир.

Отсиз, эгарсиз эрлар.
 Қаршимда —
 Гул жувоннинг
 Юзи, кўзи кўкарар.

Қаршимда —
 Бадбашара,
 Жуни куюк говмишлар
 Териси тўла яра,
 Қандай насл бермишлар?

Шамол, далалар бўйлаб,
 Кенг қулоч ёз, ўт куйлаб!
 Қаршимда —
 Юрт дея аталган қўшиқ.
 Қаршимда —
 Қаҳатчилик,
 Ортидан келар ўлат.
 Очлик, қирғин — қиёмат.
 Қаршимда —
 Алласиз солланар бешик.

АЛЛА

Кўзларингда уйқу йўқ, алла,
 Сескандингми шамолдан, болам?
 Шамол куйлар — умримиз бекор,
 Бу — бор-йўғи изтироб, алам.

Шамол куйлар — чўлу-дашт ичра
 Оғир, оқиш сўнтакларни ҳам
 Ирғитади, изиллатади
 Уриб турган юракларни ҳам.

Шамол куйлар — бўзлайди, фалак
 Ноласига тўлиб кетади.
 Тоқати тоқ, сабри синади —
 Манзилига қачон етади?

Шамол куйлаб бир кун бу уйга
 Бевақт ўлим олиб келса ҳам,
 Қўрқма, жоним, қўрқмагил, алла,
 Ширин тушлар кўргин, жон болам.

ПЎПАНАК

Оппоқ нон бўлаги, ушоқлари ҳам
 Сени кутди қанча оқшом, қанча тонг.
 Столнинг тагида, қара, нимадир
 Жимирлаб кўринар, балки кумушранг

Пўпанак, пўпанак?
Ҳа, ҳа, пўпанак!

Ҳар битта бурчақда — ғира-ширалик.
Бу аёл дунёдан ўтиб кетди тоқ.
Нонни шу тандирдан узгану, алҳол,
Шам каби ўчибди — илло, ўлим ҳақ.
Ҳа, ҳа, пўпанак.

Бу кулранг кулбани майин, қалин қор
Суйибди, сийлабди тонггача бу тун.
Қайинлар қўлини узатди, узун
Соялар тўшалди кулбага беун
Бамисли пўпанак.
Ҳа, ҳа, пўпанак.

Ховлида кулф урди олча дарахти,
Бошига соябон тутди замбуруғ.
Нечун қувонмайсан, сен билан боққа
Сурур қайтиб келди голиб ва улуг!
Наҳотки пўпанак?
Ҳа, ҳа, пўпанак.

Нелардир қўлларин силкиди узоқ,
Даладаги дон-дун ёки ўт-ўлан?
Кўзларинг тубида чарчоқлик ёхуд
Кўз олдингни тўсиб чиқдимми туман?
Бу ҳам — пўпанакми?
Ҳа, ҳа, пўпанак.

Кўзингни қўлларинг билан беркитма,
Нима у — кўнглингга ҳеч ўтирмади?
Кўзларингни уйқу босиб келмоқда,
Сукут ҳам бир қатим нур келтирмади.
Яна пўпанакли,
Ҳа, ҳа, пўпанак

Бўлиниб-бўлиниб кетар нафасинг,
Хушбўйланар кулранг новдалар хушҳол.
Шу ҳид борлигингга, қалбингга сингар,
Сени аллалайди, ухла, ором ол!
Албатта, пўпанак.
Ҳа, ҳа, пўпанак.

Нурларга бурканар қадрдон тупроқ,
У шундайин сахий, шундай азим.
Баҳслар тугамайди, билъакс, чуқурроқ
Кириб борар, гўё юргизар ҳукм —
Пўпанак, пўпанак.
Ҳа, ҳа, пўпанак.

ОДАМЛАР ОВЧИСИ

Қийин бўлди қўшнига. Бизни
Четлаб ўтсин бу — тақдир, бу — ўқ.
Бу — ўзга уй, ўзга болалар,
Оғритмайди бегона оғриқ.

Туғаб борар насиба, ризқ-рўз.
Аҳволингни ҳеч ким билмайди.
Қани, кетдик. Қуюқлашар шом.
Кетган одам қайтиб келмайди.

Бунча ғамгин ўйларга ботдинг?
Айтиб бўлмас олис сирларни,
Мусибатни кўтармоқ учун
Кел, ёқамиз ёруғ нурларни.

Яхшилаб ёп эшикларни ҳам,
Бироз ҳордиқ, ором ол, жоним.
Узоқларда шамол увиллар,
Яна кимни овлайди ўлим?



Готтхардт ШТРОММАЙЕР

Эътироф

Ал-Беруний: Фарб дунёси билмаган даҳо

Серқирра олим Ал-Беруний ўрта асрларда илм-фан гуллаб-яшнаган Шарқдаги тараққиётни Фарб билан қиёслаб, Шарқнинг қарийб бир аср олдинда эканлигини аниқлашга маваффақ бўлган.

Нобель мукофоти бундан минг йил муқаддам таъсис этилганида эди, шубҳасиз, у ўз навбатида мусулмон дунёсининг ана шу олимпиага берилган бўлур эди. Уша даврда Европада ҳали римликларнинг илмий мероси ҳукмрон бўлиб, бу меросга бебаҳо маънавий бойлик ҳисобланган илм-фан кирмас эди. Ҳолбуки, Шарқ оламида ислом таълимоти остида маънавий иқлим шаклланди. Мавжуд шарт-шароит, табиий воқеа-ҳодисалар математика ва табобат илми билан шуғулланишига келган имкониятлар очиб берган. Бу соҳада фаолият юритганлар эса муносиб тақдирланганлар.

Муҳаммад асос солган дин X асрда Шимолий Арабистон, Африка ва Олд Осиё орқали Ҳинд сарҳалдаригача кенг тарқалди. Ислом олимлари турли маданият ва турмуш-тарзига эга бўлган мамлакатлардаги илм-фан ютуқларини бажонидил ўзларига қабул қила бошладилар. Қадимги юнон мероси ҳам, Ҳинд илм-фани ва ислом кириб келгунга қадар Эронда мавжуд бўлган дунёвий билимлар тенг эътироф этила бошланди. 751 йилда Самарқанд яқинида бўлиб ўтган жангда хитойликлар устидан қозонилган ғалаба орқали араблар қўлга олинган ҳарбий асирлардан қоғоз тайёрлаш сирларини ўрганиб олганларидан кейин ўзларининг ажойиб ёзувлари орқали ўзига хос илм-маърифат нурларини тарқата бошладилар. Ёзилиш услубига кўра, араб ёзуви латин имлосига қараганда анча осон ва қулай бўлган.

Араб-мусулмон оламининг кўпгина қисми маънавий-маданий марказларга айлантирилди. Масалан, IX-X асрларда Бағдодда антик Юнонистон илм-фанидан сақланиб қолган асарларнинг қарийб ҳаммаси араб тилига ўтирилди. Биринчи галда Аристотелнинг илмий мероси врач Гален Пергамон (129-216 йил)нинг бой ҳаётий асарлари ва “Алмагест”, яъни Птолемей (тахминан 100-160 йил)нинг астрономик қўлёзмаси шулар жумласидандир.

Ҳозирги замон немис шарқшунос олими Готтхардт Штроммайернинг “Spektrum der Wissenschaft” журналида 2001 йил май ойида “Ал-Беруний: Фарб дунёси билмаган даҳо” мақоласи эълон қилинди. Уни ўқиб, Ўрта аср Шарқ фани ва маданиятининг ўрни масаласи янгича ҳолисона баҳоланганига амин бўлдик.

Гап шундаки, Шарқ фани ва маданиятининг жаҳон илмий тафаккури ривожига қўшган ҳиссасига турлича баҳо бериб келинган. Агар XVII-XVIII асрларда европаликларда шарқни кекса донишманд қиёфасида тасаввур қилиш устувор бўлса, XIX асрда шарқ халқларига ҳам, уларнинг фани ва маданиятига ҳам қолоқ ўгмиш сифатида қараш тамойили кучайган эди. Бу ҳолат XX асрда ҳам қисман давом этди. Албатта, бундай қарашлар бир ёқлама фикр туғдиради. Ўрта аср мусулмон Шарқ илмий тафаккури қадимги юнон фалсафаси ва илмий меросини қабул қилгани ва уни янги босқичга кўтариб берганлигини кейинги пайтларда фарб олимлари ҳам эътироф эта бошладилар. Бунини Готтхардт Штроммайернинг ушбу мақоласи очиқ кўрсатади. Америкалик йирик олим, Жорж Сартон фан тарихи даврлаштирилганда юнон натурфалсафасидан кейинги IX-XII асрларни тўлалигича шарқ фани билан боғлаб тушунтириш кераклигига алоҳида урғу берган эди. Масалан, у илмий тафаккур тараққиётининг IX асрдаги биринчи ярмини Мусо ал-Хоразмий даври, XI асрнинг

Араб-мусулмон илм-фани нафақат ўша даврда мавжуд бўлган дунёвий билимлар эвазига бойиди, балки у кўпроқ мавжуд билимларни ўзаро умумлаштирган ҳолда уларни янада ривожлантирди. Шу тариқа мусулмон олами илм-фан тараққиётига ўзларининг бебаҳо ва беназир ҳиссасини қўшган кўплаб олиму-фузалоларни дунёга етиштириб берди.

Ана шундай бетакрор соҳиби илм намояндalarидан бири Мисрда фаолият кўрсатган табиий фанлар соҳасида ижод қилган Абу ал-Ҳасан ибн ал-Хайтом (тахминан 965-1039 йиллар) ҳисобланади. У Фарб дунёсида Алхазен номи билан танилгандир.

У ўзининг оптик тадқиқотлари билан (Галилей ва Кеплердан 600 йил илгари) илк бор ҳақиқий экспериментал физик олим сифатида инсоният тарихида ўчмас из қолдирган. Анна шундай кўзга кўринган таниқли шарқ олимларидан яна бири Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдулла ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн Сино (980-1037 йиллар)дир. У асрлар давомида европаликлар учун назарий қўлланма бўлиб хизмат қилиб келган Аристотел фалсафаси ва Гален табobati (медишинаси)нинг асосчисиدير. У лотинчасига Авиценна номи ҳамда дунёга машҳур асарлари билан Фарб дунёси маънавияти ва табобатига жуда катта ижобий таъсир кўрсатди. Ундан бошқа насроний динига мансуб бўлган ҳеч бир олим Ибн Сино каби етуклик даражасига эриша олмади.

Фан тарихчиси бўлган етуқ олим Ж.Сартон Алхазен ва Авиценнанинг бошқа бир замондошини улардан олдинги поғонага қўяди. Бу олим Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний (973-1048 йиллар) эди. Юқорида номлари зикр этилган икки машҳур шарқ олимларидан фарқли ўлароқ, Ал-Беруний Фарб дунёсига мутлақо нотаниш эди. Фақатгина XIX асрнинг ўрталарига келиб фаранг шарқшуноси Йозеф Райнауд ҳамда немис табиий фанлар тадқиқотчиси Александр фон Гумбольдт Беруний тадқиқотларини Европага танитадилар. Бахтга қарши ҳозиргача Беруний асарларининг немис ёки инглиз тилидаги тўлиқ нашри йўқ. Фақатгина арабча қўлёзмаларининг рус ва ўзбек тилидаги таржималари 1957 йилдан буён олимнинг Ватани — Тошкентда нашр этиб келинмоқда.

Ал-Беруний 973 йилнинг сентябрида Амударё қирғоғида, Орол денгизининг жанубида жойлашган собиқ Хоразм шоҳлигининг пойтахти Котда дунёга келади. Мазкур ҳудуд бугунги Ўзбекистон ичида жойлашган. Тақдири азал уни гоҳ ўз ихтиёри билан, гоҳ мажбуран Ўрта Осиёнинг у ёки бу жойларига кўчиб юришга мажбур этади. Абу Райҳон Беруний ўрта аср ислом оламининг энг машҳур олимларидан бири бўлиб етишади.

У математика, астрономия, геодезия, минерология ва фармацевтика тараққиётига катта ҳисса қўшган. Унинг қўлёзмалари воқеликни теран англаш ҳамда инсонийлик фазилатлари билан йўғрилган бўлиб, инсонни яратувчанлик сари етаклайди.

Бундан кўриниб турибдики, Ал-Беруний оддий табақадан чиққан одам, ноаниқ сабабларга кўра у Хоразмда ҳукмронлик қилаётган ироқийлар (Африғийлар демоқчи — тарж.) сулоласига мансуб шаҳзодалар билан бирга вояга етади. Ушбу салтанат аъзоларидан бири бўлмиш Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ уни ўз ёнига олади. Табиийки, бу ҳол Берунийнинг ҳаётига ижобий таъсир кўрсатади. Сиёсий парокандаликлар туфайли бир неча бўлақларга

биринчи ярмини эса Абу Райҳон Беруний даври деб аташ лозим деган фикрни илгари суради. Немис олими эса бу фикрни янада ривожлантириб, Берунийни янги давр фанининг илк намояндаси сифатида қабул қилиш керак деган фикрни ўртага таштайди.

Демак, Беруний Галилейдан олти аср олдин ҳозирги замон фани учун асос бўлувчи талабларни ўртага ташлаб, унга ўзи изчил амал қилган. Шу пайтгача фаннинг тармоқланиш жараёни XVII асрда Европада рўй берган деган фикр мавжуд эди. Далиллар, илмий манбалар эса, бу ҳодиса анча аввал, — айнан IX-XI аср шарқ илмий тафаккурига хос бўлганини эътироф этишга олиб келади.

Аммо буюқ олимнинг асарлари аслида Шарқ мутафаккирлари орасида жуда машҳур бўлса-да, Ўрта аср Европа мутафаккирлари орасида кенг тарқалмади. Англия қироли Генрих III нинг саройида табиблик қилган П.Альфонс Берунийнинг “Сайдана” ва “Минерология” асарларини лотин тилига қисқартирилган ҳолда таржима қилгани маълум. Ундан узоқ йиллар унумли фойдаланганлар. Кейинчалик у “ал-Қонун ал-Масъудий” китобининг катта қисмини ҳам таржима қилган. Асар Франциянинг Монпелье шаҳрида қайта-қайта кўчирилган.

бўлиниб кетган халифаликнинг яқинида бўлиш ҳамда мавжуд моддий ва маънавий шарт-шароит ақлан етук шахсларнинг қобилиятини янада такомиллашувига замин яратди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, Абу Наср Мансурнинг ўзи ҳам кўзга кўринган олимлардан бири бўлган. У юнон математиги Менелаос фон Александриянинг “Сферика”сини қайта ишлаб китобат қилган ва бу асар фақат шу шаклда сақланиб қолган.

Тахминан 17 ёшлигиданоқ Беруний ўзи туғилиб ўсган шаҳарнинг географик кенглигини мустақил аниқлай олган. Ернинг шар шаклида думалоқ эканлигига эса у ҳеч ҳам шубҳа қилмаган. 1442 йилда Германиянинг Нюрнберг шаҳрида “Ер шарини” кашф этган немис олими Мартин Бехаимдан ярим минг йил аввал Беруний Ернинг глобусини ясаган. Берунийнинг глобуси диаметри жиҳатидан немис олими глобусидан ўн марта катта бўлган. Лекин ярим шар шаклида ернинг фақат шимолий ярим шарини ўз ичига олган. Албатта, бунга баъзи бир техник омиллар сабаб бўлгани табиий, чунки экваторнинг нариги тарафидаги мамлакатлар тўғрисида у даврда ҳеч қандай маълумот бўлмаган. Беруний глобуснинг юзасига шаҳарларнинг жойлашган ўрнини (координатларини) аниқ белгилаб берган эди.

ГЕОДЕЗИЯ ИЛМИНИНГ ҚАЛДИРҒОЧИ

Жойларни аниқлашда Беруний дуч келган муаммолар ундан бир неча аср кейинги европалик денгизчиларни ҳам қийин аҳволга солиб қўйган эди. Қуёш билан маълум бир ҳудуднинг жуғрофий кенглигини осонгина белгилаш мумкин бўлган бир пайтда, ўша жойнинг жуғрофий узунлигини аниқлаш учун мустақил равишда бурчак масофа аниқлаб олинган нул меридиан, хона кенлигидаги вақт сигнали лозим бўлади. Шу ўринда ой тутилиши даврларини юнонлар ҳам аниқлашган, яъни ой уфқ устида турган ҳамма жойда уни кузатиш мумкин бўлган. Шунингдек, ерни ўлчаш жараёнида кенг қамровли ва истиқболли режа ишлаб чиқиши талаб қилинарди. Шу сабабли Беруний Бағдодда яшаган мунажжим Абул-Вафо ал-Бужжоний билан мулоқотда бўлиб, у билан биргаликда 997 йилнинг 24 май куни ой тутилиши юз берадиган жой вақтини ўлчашга келишиб олади. Икки тадқиқотчи Кот ва Бағдод орасидаги вақт фарқини рошпароса бир соатга тенглигини, яъни унинг ҳақиқий қийматидан атиги беш минут кам фарқ қилишини аниқлашга муваффақ бўлганлар. (Ер тўлиқ айланасининг йигирма тўртинчи бўлаги 15 градусга тенг бўлган).

Бошқа бир илмий муаммо Ернинг ҳақиқий катталиги билан боғлиқ эди. Унинг шар шаклида эканлигига эса, Аристотел ва Птолемей назарияларини ўқиган шар ва икки олим учун мунозарага ўрин қолмаган. Х асрнинг бошида насроний файласуфи ва мусулмон рухонийси ўртасида бўлиб ўтган баҳс тўғрисида Беруний завқланиб ҳикоя қилади. Мусулмон рухонийси Аристотелнинг таржима қилинган асаридаги баъзи саҳифаларни жаҳл билан йиртиб ташлайди. Ушбу сатрларда Океан суви огир ерни ва дунёнинг марказий нуқтасини шар шаклида куршаб туриши ҳақида айтилади. Теолог суюқлик шаклидаги сув ҳар доим фақат уни куршаб турган қаттиқ жисм шаклини қабул қилади ва башарти Ер шар каби думалоқ кўринишида экан, ундан сув томчилаб туради, — деган фикрда туриб олади.

Улуғ олимнинг асарлари XIX асрнинг ўрталарига келиб, француз шарқшунослари Йозеф Файнауд, М.С.Рено, италиялик Б.Бонкомпани, немис олими Александр фон Гумбольдтларнинг сай-ҳараклари туфайли Европада тарқала бошлади. Лекин XIX асрнинг етмишинчи йилларида аллюманинг “Ҳиндистон” ва “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарлари австриялик Э.Захау томонидан инглиз тилига таржима қилингандан кейин бутун дунёда Берунийнинг шуҳрати кенг тарқалди.

Кўрамизки, Европа XIX асрга келибгина Беруний асарларининг аҳамиятини тушуниб етишга қодир бўла олди. Шунинг учун ҳам буюк ватандошимиз Беруний асарлари қимматини англаб етиш ва унга холисона баҳо бериш бундан кейин ҳам давом этади. Эътиборингизга ҳавола этилаётган мақоланинг бугунги кундаги европалик янги авлод вакили томонидан ёзилган ва унда ўрта аср шарқ илмий тафаккурига юксак баҳо берилгани таҳсинга сазовор ҳодисадир.

Готтхардт Штротмайер Берли — Бранденбург Фанлар Академиясининг ходими, Берлин эркин университетида семитшунослик ва арабшунослик бўйича машғулотлар олиб боради.

Беруний бунга жавобан: “Агар мен файласуфнинг ўрнида бўлганимда, теологнинг кулогига баралла қичқириб, унинг бош бармоғини қаттиқ тишлаб олган бўлардим ва у оғриқни сезгач, эсини йиғиб олган бўларди. Лекин у билан суҳбатлашиш бефойда, вақт йўқотишдан ўзга нарса эмас”, — деб қайд қилган эди.

Ушбу мунозарадан юз йил аввал халифа Хорун ар-Рашиднинг ўғли ва издоши бўлмиш ал-Маъмун (786-833 йиллар) Мосул яқинидаги саҳрода кенглик даражасининг узунлигини ўлчашни буюради. Бунинг учун у Эратостенес (эрампдан аввалги 276-196 йиллар) таърифлаган услубни қўллайди. 113 километрга тенг бўлган натижа ҳайратланарли даражада аниқлик билан ўлчанган бўлиб, замонавий қийматидан атиги 1,5 % кўпроқ эди. Беруний ушбу сермашаққат тажрибани тасвирлаб беради, лекин қайта ўлчашдан воз кечади, чунки бунинг учун унга бир неча ишчи ва ўша нотинч замонларда ҳарбий қоровуллар ҳам лозим эди. Бунинг ўрнига у бошқа тажрибани қўллаб кўради. Бу тажрибани Маъмун ҳам ўтказган бўлиб, бунга юнонларнинг ҳеч қандай даҳли йўқ эди. Кичик Осиё қирғоғидаги ҳарбий юришларидан бирида Халифа аскарларига ўша ердаги тоғ чўққисидан туриб қуёш ботгандан сўнг денгиз уфқини кузатадиган манзил қуриш мақсадида тоғ баланглигини ўлчашни буюради. Ўлчанган бурчак қийматидан уфқ чизиги ва тоғнинг аниқланган баланглиги орқали Ер шарининг катталигини ҳисоблаш мумкин бўлган. Тажриба ўтказиш учун Берунийга денгиз қирғоғи етишмас эди, лекин у кейинчалик Ҳиндистоннинг кенг текисликларидан намуна сифатида фойдаланган. 1023 йили у Нандана қалъасида бўлади. Мазкур қалъа Панжоб орқали ўтган Афғонистон тоғлари ёнида жойлашган. У қўшни тоғ тепасидан текисликнинг уфқ чизигини очиқ ҳаво шароитида самодаги мовий ранги орқали жуда яхши аниқлай олган. Шу тариқа у Ер радиусининг 360-қисмига 110275 метр қиймат белгилайди. (Бу эса ҳозирги замон фанида қабул қилинган кенглик билан деярли фарқ қилмайди).

Берунийнинг геодезия ва сферавий тригонометрия соҳасидаги аввалги машғулоти тўғрисида маълумотта эга бўлиш учун унинг устози Абу Наср Мансурга мурожаат қилиш мумкин. Мазкур предметлар мусулмон оламида муҳим аҳамият касб этган, зеро муқаддас Қуръони Каримнинг иккинчи сурасида мусулмонларга тоат-ибодат пайтида маълум ҳолатда туриш буюрилади: “Қаерда бўлмагин, доимо юзингни муқаддас қибла томонга қарат, қаерда бўлманглар, юзларингни доим ўша томонга қаратинглар”. Беруний содда одамлар устидан кулади, сабаби уларнинг Макка атрофида яшайдиганлари муқаддас Каъбанинг қаерда жойлашганини билишган, лекин масофа тобора узоклашган сайин, улар шамол йўналишига қараб ёки қуёшнинг тушлик вақтидаги ҳолатидан мўлжал олишган. Сабаби, ёз пайтида Маккада қуёш балан нуқтада туради ва содда одамларнинг фикрича, бир вақтнинг ўзида бутун ер юзида тушлик вақти бўлади. Олимнинг илмий фаолияти давлат раҳбарига нақадар боғлиқ бўлишини Беруний бутун умри давомида бошидан ўтказади. 995 йилда Хоразмда ироқийлар (яъни, афригийлар — тарж.) сулоласи кулагандан кейин Беруний ўз ҳаёт тарзи ўзгарганини англайди ва у ватанидан бош олиб чиқиб кетади. Ҳозирги Техрон яқинидаги Рай шаҳридан бошлана топади. У ерда мунажжим Ал-Хўжандий билан танишади. Ал-Хўжандий ўз ҳукмдори билан жуда яхши муносабатда бўлгани сабабли улкан секстант қуришга эришган. Унинг радиуси йигирма метрга тенг бўлган. Ушбу улкан ўлчов қурилмаси меридиан чизик бўйлаб ўрнатилган бўлиб, ярми ер остига мустаҳкамланган. Шу тариқа Ал-Хўжандий эклиптика қиялигини аниқлаган. Унинг ўлчамига кўра $23^{\circ}32'19''$, яъни ҳозирги кунда мавжуд бўлган $23^{\circ}27'$ қийматга яқинроқ келган (Птолемейнинг натижаси $23^{\circ}52'$ ни ташкил этган). Қурилмалар катталашиб борган сари аниқроқ ўлчашга эришиш мумкин бўлган. Ушбу тамойилни ордан 400 йил ўтгач, ҳукмдор ва мунажжим Улуғбек ниҳоясига етказади. Улуғбекнинг Самарқанд яқинида жойлашган расадхонасида қурилган улкан секстант Ал-Хўжандий қурилмасини икки баробар катталаштириб ясалган шаклидир.

ИБН СИНО БИЛАН БАҲС

Рай ҳукмдори саройида Беруний ўзига муносиб жой топа олмади. Шу боис у тезда она юрти Котга қайтишга қарор қилади. Бу қарорга келишига, 997

ийнинг май ойида содир бўлган ой тутилиши ҳам сабаб бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас, чунки у айнан мана шу ой тутилишидан узунликни аниқлашда фойдаланиш ниятида бўлган. Қолаверса, Райдагидан кўра, Котда у Бағдоддаги касбдоши Ал-Бузжонийникидан анча узун базавий чизиққа эга бўлган.

998 йилда Беруний Ватанини яна тарк этади ва Каспий денгизининг жануби-шарқий қирғоғида жойлашган Журжон (Гургон)га кўчиб боради. Журжон ҳукмдори Қобус қароргоҳида уни мамнуният билан кутиб олишади. У бу ерда қатор фалакиёт илмига оид асарлар яратади.

Беруний Журжонда беш йилга яқин ҳаёт кечиради. Кейинчалик у хоразмийларнинг пойтахти Гурганчага кўчиб кетади. Бу ерда бир неча олиму фузалолар ўзига хос академия ташкил этишган эди. Буларнинг қаторига Берунийнинг устози Абу Наср Мансур ҳам кирган. Кейинчалик булар қаторига Ибн Сино (Авиценна) ҳам қўшилади. Ҳокимият тез-тез қўлдан-қўлга алмашиб тургани боис, у она ватани Бухорони ташлаб кетишга мажбур бўлган.

Янги қўним топган жойда Беруний физикага оид муаммолар билан жиддий банд бўлади. Қаттиқ жисмлар ва қимматбаҳо тошлар зичлигини аниқлаш мақсадида у бир мослама ясайди. Унга кўра маълум оғирликдаги жисм маълум миқдор сувни сиқиб чиқаради. Аксинча, бир хил оғирликка эга бўлган, камроқ ёки кўпроқ зичликдаги жисм эса, кўпроқ ёки камроқ миқдор сув ажралишига олиб келади. Мазкур тажриба асосида алкимёгар олимлар ўз тажрибаларида қалбаки олтинни соф олтиндан ажратиб олишни текшиш имкониятига эга бўлсалар-да, лекин ҳеч қачон бу иш билан шуғулланмаганлар.

Алкимёгарлар ичида Аристотел алоҳида ҳурматга сазовор эди. Лекин юнон олимнинг ҳамма асарлари ҳам Берунийни қаноатлантирмаган. Шу боис, у она юрти Котда иккинчи бор бўлганида Бухорода яшаётган Ибн Синога бир неча саволлар билан мурожаат қилади. Гарчи Ибн Сино ўша даврда анча ёш бўлса-да, Аристотел фалсафасининг Марказий Осиёдаги билимдони ҳисобланган. Беруний ва Ибн Сино ўртасидаги мактублар кўплаб табиий ҳодисаларни қамраб олади. Аристотел ернинг тўрт асосий унсuri — ер, сув, ҳаво ва оловни тан олган. Уларнинг бирикувидан моддалар хилма-хиллиги вужудга келади, деган хулосани илгари сурган. Шунингдек, айни вақтда у мазкур унсурлар ҳолатига қараб бири-иккинчисига айланади, деган тахминга ҳам келади. Шу ўринда Беруний Ибн Синодан сув буғланганда фақат ҳавога ажралиб, кўзга кўринмай кетадими ёки ўзи ҳавога айланадими, деб сўрайди. Ибн Сино Берунийнинг саволига жавобан, унинг иккинчи фаразини, яъни сувнинг ҳавога айланиб кетишини тасдиқлайди ва бунга исбот тариқасида бир неча тажриба ўтказди. Хусусан, у сув тўлдирилган шиша идишни печка ичига қўяди, бунинг натижасида у парчаланиб кетади. Ибн Сино талқинига кўра, сув иссиқ шароитда кўпроқ майдон талаб қилувчи ҳавонинг янги шаклини қабул қилади. Сув зарраларининг бўлакларга ажралиши, унинг фикрига кўра, бундай портлаш кучини келтириб чиқариш хусусиятига эга эмас. Берунийнинг ўзи ҳам кейинчалик бундай тажрибаларни амалда синаб кўрган.

Бундан ташқари, Беруний Ибн Синодан, ҳамма жисмлар совуқда торайишини инобатга олган ҳолда, сув тўлдирилган шиша идишнинг музлаганда ёрилиб кетиш сабабини ҳам сўрайди. Ибн Сино сувнинг чиндан ҳам тортилишини унга тушунтиради, лекин Аристотел назариясига кўра, у ерда вакуум йўқлиги боис, идиш ичида босим вужудга келади, ва у идиш деворлари ёрилиб кетишига олиб келади. Лекин Беруний мазкур ҳолатни янада аниқроқ кузатган ва босим ичкарига эмас, балки ташқарига йўналишини пайқаган.

ЯНГИ ДУНЁНИНГ ИЛК ДОНИШМАНДИ

Мазкур мисоллардан бу икки ислом олимлари ўртасидаги фарқни кўриш мумкин. Утказилган тажрибалар антик дунё тафаккурига қаттиқ таянувчи Ибн Сино учун аввал исбот қилинган назарияни тасдиқлашга хизмат қилган бўлса, Беруний учун Аристотел ва Птолемейга оид қарашлар қобигидан чиқувчи муҳим омил бўлди. Беруний ўтказган тажрибалар шундай йўналишда кетдики, бутунги кунда уни фальсификация деб аташган бўлур эди.

Кейинчалик Ибн Сино “Тиб қонунлари” китобида жавоҳирнинг заҳарли эканини назарий жиҳатдан исботлашга уринган бир пайтда, Беруний ўзи “Минералогия”сида шундай ёзади: “Бир куни бир итга жавоҳир едиришди, лекин унга на ўша заҳоти ва на кейинчалик заррача ҳам салбий таъсир қилмади”.

1013-1014 йилларда Хоразмда бошланиб кетган сиёсий нотинчликлар нафақат Беруний ва Ибн Сино ҳаёти ва ижодий фаолиятида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган, балки фан ва маданият тарихининг шаклланишига ҳам катта таъсир кўрсатган. Султон Маҳмуд ўз қароргоҳи Ғазна шаҳридан туриб улуг давлатчилик сиёсатини олиб боради. Унинг салтанати Ғарбда Гуржистондан тортиб, Шарқда Ҳиндистонгача чўзилган. Шимолда эса у Хоразмни тинч йўл билан ўзига қаратиб олади, сабаби, ўша ернинг шоҳига ўз сингилларидан бирини хотинликка берган эди. Хоразмдаги юқори табақа вакиллариининг Султон Маҳмудга қарши чиқиши ва Хоразмшоҳнинг ўлдирилиши, бу ҳукмдор учун қулай имконият яратиб беради. У ўз қўшини билан бу кичик давлатга бостириб кирази ва куёвининг хунини олади. Хоразмшоҳнинг энг яқин ишончли одамларидан бири даражасигача кўтарилган Беруний, гарчи қатлдан омон қолган бўлса-да, сон-саноксиз асирлар билан бирга Ғазнага келтирилади. Ибн Сино эса ўз вақтида Гурганчдан қочишга улгурган эди. У йўл-йўлакай кўп саргузаштларни бошдан кечириб, Гургон ва Рай орқали Исфохонга етиб келади.

Беруний эса, янги тақдир синовларини бошдан кечиришга мажбур бўлади. Султон Маҳмуд Берунийдек олимнинг тақдирига бефарқ бўлмаган. Бир куни Ғазнага, Султон Маҳмуд хузурига Волга бўйидан булғорларнинг вакили ташриф буоради. Сухбат чоғида у баланд Шимолда шундай жойлар борлигини, у ерларда ёз ойларида қуёш умуман ботмаслигини айтади. Маҳмуд жаҳл билан уни жодугарликда айблайди. Чунки мусулмонлар ҳар кунлик беш вақт фарз намози ва рамазон ойида рўза вақтини қуёшнинг чиқиш ёки ботишига қараб белгилаганлар.

Беруний ҳам бу вақтда ўша ерда бўлиб, булғор вакилининг ҳамма айтганларини тасдиқлайди ва ушбу ҳодисани асослаб беради.

Султон Маҳмуд шимоли-ғарбий Ҳиндистонга яна қайтадан ҳарбий юриш бошлаб, кўплаб муқаддас қадамжоларни хонавайрон қилади, орттирган бойлик, филлар ва қўлларни Ғазнага олиб келади. Бундай ҳарбий юришлар чоғида Беруний ҳам истаса-истамаса Маҳмуд билан бирга боришга мажбур эди. Узоқ сафар давомида ўз билимларини янада бойитишга, жумладан санскритни ўрганишга қулай имконият туғилади. Ушбу сафарларнинг натижаси ўлароқ, Беруний Ҳиндистон тўғрисида йирик асар ёзади. Унда Беруний Ҳиндистонда кўрган-кечирганларини имкон қадар батафсил таҳлил қилишга ҳаракат қилган. Хусусан, кўпхудолик, рухнинг ўлик танадан бошқа жисмга кўчиши, ноёб соф этикод ҳақидаги тасаввурлар, муқаддас сигирлар ва ҳоказолар.

Беруний даставвал ҳинд мунажжими билан мулоқот орқали ундан бирон бир янги нарса ўрганишга умид боғлайди, лекин тезда янглишганини тушуниб етади. Фалакиёт соҳасида ҳиндлар эришган баъзи нарсалар юнонларники билан мутаносиб эди, ва ҳатто юнонларники анча пухта эканлиги кўзга яққол ташланади. Лекин кейинчалик уни ҳинд халқининг этиқоди билан мурсо қилиш, хусусан, худога сизинишда муҳим аҳамият касб этувчи ой ва қуёшнинг тутилишини самода кўзга кўринмас иблис билан боғловчи амаллар уни ишонтирмайди. Беруний ҳиндлар тасаввуридаги ой қуёшнинг устида жойлашгани ва шу боис бу икки самовий жисм балиқ сингари юмалоқ нонни тутиб туриши сингари тушунчалар сохталигини очиқ айтади. Ҳинд ҳамкасбларига ўргатиш мақсадида Беруний Евклиднинг математик қўлланмасини, Птолемейнинг астрономик рисоласини ва астрономик мослама яратишга оид баъзи бир нарсаларни санскритга таржима қилган.

ЕВРОПА ИМКОНИЯТНИ ҚўЛДАН БОЙ БЕРГАНДИ

Борди-ю, бизнинг минтақамизда дастлабки мингйилликда Берунийдек олимимиз бўлганида ва у лотин тилини ўрганиб, ўтқир нигоҳи билан биз каби оддий маданиятли ғарбий европаликларни ташқи дунё тарихидан воқиф қилганида, ундан чексиз мамнун бўлар эдик.

Хаттоки маъмурий бошқарув, ҳуқуқшунослик ва меъморчилик соҳасида илғор бўлган қадимги юнонлар ҳам, антик дунё илмини атиги бир қисминигина билимга ташна монахлар ва лотин ўрта асрининг зиёлиларига етказиб бера олганлар, холос. Гарчи тахминларга кўра, келажакни олдиндан кўра билиш қобилиятига эга бўлган аббат Хилдегард фон Бинген (1098-1179 й.) бугунги кун ўқувчисида инсон ва уни ўраб турган табиатта нисбатан ўткир нигоҳи билан чуқур тассурот қолдирган бўлса-да, лекин унинг ойнинг фазалари ва ой тутилишига оид “Causae et curae” асарида келтирилган мулоҳазалар бу олим замонасидаги мусулмон илм-фани савиясидан анча паст поғонада турганлиги очик кўрсатади.

Албатта, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги интеллектуал тафовут узоқ вақт мобайнида тенглашмай қолмади. Хусусан, мазкур жараён X асрнинг охирига келиб аста-секинлик билан Шимолий Испанияда, юқорида қайд этиб ўтилган астрологик қурилманинг ўзлаштирилиши ва уни ишлатишга оид рисолаининг таржима килиниши билан бошланди.

Техника соҳасида эришилган ютуқлардан фахрланишга иштиёқ шу даражада катта эдики, ҳатто файласуф олим Петер Абэллард (1079-1142) ўз ўғлига Астролабиус деб исм қўйган. Бир неча нусхада ишлаб чиқарилган бу мослама юнонлар ихтиро қилган ускунанинг бор-йўғи муқобили, десак ҳам хато бўлмайди. Шу билан бирга Беруний ўз кўлёмаларида таъкидлаб ўтганидек, мазкур мосламанинг кўплаб бошқа турлари ҳам бўлган.

XII асрнинг ўрталарига келиб, Испанияда таржима билан шуғулланиш кенг тарқалади. Толедода Герхард фон Кремона кўплаб араб тилида ёзилган асарлар билан бир қаторда Ибн Синонининг “Тиб қонуни” ва Птолемейнинг “Альмагест” асарини испан тилига ўтирган. Берунийнинг астрономияни янада мукамалроқ яхшироқ ва замонавийроқ ифодаловчи “Масъуд қонуни” асари, таассуфлар бўлсинки, таржимоннинг имкон доирасидан четда қолиб кетган. Айнан шу боис, мусулмон олимлари кейинги авлодлар тасаввурида юнон илмининг тарғиботчилари сифатидагина эътироф этиларди. Замонавий арабшунослик фани Ал-Берунийни кашф этишга муваффақ бўлди ва шундан кейингина кенг жамоатчиликнинг эътибори унга қаратилди. Лекин бу вақтга келиб Европа илм-фани барча соҳада анча илгарилаб кетган эди.

*Немисчадан
Тоҳир КАРИМОВ,
Моҳинур КАРИМОВА
таржимаси.*

Сергей МАРКУС

Ислом хаттотлигининг русча жилваси

Ўн йил муқаддам Қозонда мўъжиза рўй берди: рус рассоми Владимир Попов... мусулмон хаттотига айланди. Ўшанда у 70 ёшда бўлиб, катта ҳаётий ва ижодий тажриба ортдирган сермазмун умр эгаси эди. Ун саккиз ёшида у улуг Ватан уруши жангтоҳига йўл олади, бунинг устига разведкачи сифатида жанг қилди, Берлинни олишда иштирок этди, жанговар йўлини Потсдамда ниҳоясига ётказди, қўшаб мукофотлар, шу жумладан, «Жанговар хизматлари учун» медали, иккита 2-даражали Ватан уруши ордени, Қизил Юлдуз ордени олди. Урушдан кейин ўзини бутунлай рангасвир ижодига бахшида этди — ва ҳозирда Татаристон Республикаси халқ рассоми ва хизмат кўрсатган санъат арбоби, 2003 йилдан эса Россия Федерациясининг хизмат кўрсатган рассоми унвонлари соҳибидир. Шунча вақт давомида у мутлақо анъанавий реалист сифатида меҳнат қилди, бошқа жанрлардан кўра пейзаж жанрини аъло кўрди. Китоб безаги жанрида линогравюра билан машғул бўлди. Собиқ Иттифоқнинг жуда кўп жойларини айланиб чиқди, бироқ араб мамлакатларининг биронтасида ҳам бўлмаган. Араб тилини ҳам на илгари билган ва на ҳозир билади. У пайтларда Шарқда унинг ҳеч қандай таниш-билиши ҳам йўқ эди...

Қизик, унда 1994 йилда Қозонда фаҳрий жангчи ва мусаввир Поповга нима бўлди экан?

— Ноёб «Қозон татарлари либослари» китобидаги кўплаб суратлар муаллифи рассом Любовь Сперанскаянинг уида, — деб эслайди у, — кўзим ажойиб бир хазинага — 1917 йилдаги инқилобга довур Қозон университети профессори Покровский тўплаган залворли хаттотлик альбомига тушди ва ҳайратдан лол қолдим! Ўша заҳоти наинки бу илоҳий хатни ўрганиш,

балки унинг хилма-хил услубларини миридан-сиригача эгаллаб, ўзим арабча ҳаёлотга ружу қўйсам, деган истак пайдо бўлди дилимда.

Бироқ устозсиз бунга эришишнинг иложи бўлармикан, ахир хаттотлик — бу қуруқ «китоб безаги» эмас-ку? Бу санъат арабларда муқаддас Қуръони Карим пайдо бўлгандан кейингина ривожлана бошлаган-ку. Хаттотлик санъатига озуқа берган руҳий манба — бу Пайғамбар (с.а.в.)нинг зеҳну шуурлари орқали осмондан нозил бўлган ваҳийлардир. «Қуръон» сўзи аслида «ўқиш», «ирод этиш» деган маъноларни англатади ва Муҳаммад (с.а.в.)нинг ўзлари матнни ёзмаганлар, балки ўлимларидан олдин сўнгги марта ёдаки айтиб турганлар, холос. Сал кейинроқ Ул Зотнинг шогирдлари, яъни саҳобалари Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) вақтида сочма тарзда айтилган ва ёзилган матнларни тўплаб, Муқаддас Битикнинг мукаммал мужмуини тузганлар.

Дастлабки ёзувлар бамбуқ япроқлари ва жонивор терисига, тошлар ва хурмо баргларига бошқа семит тилларига яқин қадимий ва қариндош ёзувларда тўртбурчаксимон куфий ҳақида битилган. VII асрда ҳам, IX асрда ҳам шу тариқа ёзганлар, бироқ Араб халифалигининг тараққий этиши мусулмон тамаддуни ўсиши ва бойиши, ажам халқлари маданиятларининг бир-бирига яқинлашуви билан айнан хаттотлик хати ўзининг алоҳида нафосат чўққисига кўтарилди.

Япроқлар терилар ва тошлар ўрнига Хитойдан опшоқ қоғоз, сиёҳ ва найқалам келгач, то ҳануз Қуръон муҳофазақорлари қалби замиридан жой олган ижодий қувват янгича куч билан жўш урди. Технологияни эгаллаб олган мусулмонлар қадимги Хитойнинг на миҳхат усулини, на маданиятини нусха қилиб олдилар,

исломнинг ёш тамаддуни ўзининг бетакрор ришгасимон ёзувларини қоғозга дарж этди ва боз устига жаҳонда ягона бўлиб хаттотликни маданиятнинг нақ марказига чиқариб қўйди.

Ҳар қанақанги иконапарастликни ва ҳатто мажусийлик рамзи сифатида одам тасвирини чизишни очиқ-ошқора рад этган ҳолда ислом бадий тадқиққа бўлган бор иштиёқини Битикка жамлади. Бироқ шунда ҳам у буни «муқаддас битик» деб атамади, — «муқаддаслик» сифати Оллоҳга тегишли бўлиб қолаверди! Ҳа, мусулмончилик кардиограммаси — хаттотлик масжид деворлари узра ҳам, матнлар саҳифаларида ҳам, сопол буюм сиртларида ҳам кўзни тиндириб жимжима қилар эди, китобларга бошдан-оёқ шу хат билан оройиш берар эдилар ва зийрак юрак уни муаззин азонида ҳам, Қуръон қироати — тажвидда ҳам эшита оларди. У бири-бири билан бирикмайдиган нарсаларни бириктирадигандек бўлиб кўринарди, масалан, китоб безагини, мусиқани, пурмаъно адабий ва диний матнларни, фалақшуносликни! Унинг сирларини ҳар қандай мусулмон анъаналари эгалари ҳам англаб етавермайди... «Ташқи одам» бу олам ичига нечук кириб қола олди экан?

— Бундай зўр довонни ошиб ўтишдан ҳайиқмадингизми? — сўрайман Владимир Александровичдан.

— Мен ҳеч қандай довон-повон ҳақида ўйлаганим йўқ — шунчаки қизиқиб қолдим, холос... ва ишлай бошладим... ишимга яраша натижа ҳам ёмон бўлмади.

Хаттотликдаги ўн йиллик фаолияти давомида Попов 500 дан ортиқ асар яратди, уларни Қозонда, Шарқ халқлари санъати Давлат Музейида ва Москвада — Миср маданият марказида, Улуғ Булғорда, Техронда бўлиб ўтган 8-Халқаро Қуръон фестивалида, жами 14 кўргазмада намоён этди. Арабшунос ва исломшунос олимлар билан бирга турли миллатларга мансуб ислом анъаналари ва қонун-қоидаларини сув қилиб ичган мусулмонлар, шу жумладан, арабларнинг ўзлари ҳам уларни томоша қилибгина қолмай, юксак баҳоладилар ҳам. Пойтахт музейи, шунингдек,

Волгадаги Булғор музейи ва Эроннинг собиқ президенти Саййид Муҳаммад Хотамий бу ишларни сотиб олдилар.

Қадимги Хитой хикматларида: «Узоқдан келган мулла сураларни чиройли ўқийди», — деган гап бор. Яъни, ўзга маданиятнинг қалб сирларига кириб бориш мумкин! Унинг ичида ўсган одам эса ҳаттоки улардан ҳам илгарилаб кетиши ҳеч гап эмас, — зеро улар учун ҳаммаси одатдаги ҳол бўлиб қолган ва уларнинг кўз ва қўллари такрорлайверишдан чарчаган...

Шайдо бўлган янги одамни эса фалак ўзи ярлақлайди ва Парвардигор айнан унга, унинг тиниқ зеҳну идрокига ижодий қувват бағишлашни афзал кўради. Қолаверса, миллийликни дин билан чалкаштириб юборувчи ҳар қандай одамга ярим ҳазил, ярим чин маънода яна бир қарра кўрсатиб ўтилгани аниқки, Рух учун чек-чегара йўқ ва инжил тили билан айтганда, «ҳар қанақанги тошдан Мен Авраам болаларини тинглайман». Ислом анъаналарининг ўзида «увайсий» ҳақидаги тушунча мавжуд — бу мутасаввиflik инъомини жонли устоздан эмас, балки ўзга оламдаги усталардан мерос қилиб олишни англатади. Санъат тарихи испанлардан тортиб юнонларгача қони бошқа-бошқа, илк маданияти бошқа-бошқа бўлган қанчалаб одамлар ислом тамаддунини бунёд этганларига гувоҳлик беради...

Попов, шубҳасиз, ўзи учун янги оламга бир ўзи дохил бўлгани йўқ, балки ҳаваскор хаттот ва мутахассис филолог, қадимги булғор адабиёти таржимони Нажим Наққош ва исломшунос профессор, фалсафа фанлари доктори Гулнора Болтанова шарофати билан шундай шарафга ноил бўлди. Булар унинг қозонлик маслаҳатчи мураббийлари эдилар. Бу қадар чекланган эмпирик тажрибага эга бўлган ҳолда рус рассоми қандай қилиб мумтоз мусулмончилик кенгликларига чиқа олди — бу ҳақиқатан ҳам қувончли жумбоқ! Боз устига, Попов, сирасини айтганда, араб хаттотлиги тарихидаги биринчи рус рассомидир. Бу мусулмончилик маданияти учун ҳам, рус санъати учун ҳам ибрат бўларли фазилат.

Бироқ Поповнинг айнан хаттотлик тахайюлида рус футуристларининг

Сўз, Товуш ва Рамз бирлиги борасидаги орзуси ушалган эди! Владимир Хлебников «сўзнинг рангтасвирга дадил кириб боришини» хоҳлаган эди ва унинг теварагидаги рассомлар энг аввало китоб безагида қандайдир янги рус хаттотлигини топишга ҳаракат қилар эдилар. Булар Ольга Розанова ва Наталья Гончарова, Михаил Ларионов ва Алексей Кручёних, Сергей Бобров, Михаил Филонов ва Петр Митуричлардир...

Хлебниковнинг ўзи зинҳор артистларга хос салоҳиятни мақсад қилиб олмагани, балки санъатда бутун олам уйғунлигини ва жумладан Европа ва Осиё маданиятларининг ягоналигини инкишоф этиш унинг учун бош масала бўлган.

Хаттотлик сирлари тўғрисида у билан бир вақтда (ва ҳатто шинаванда, тадқиқотчи сифатида амалий ишлар қилган) «безакли наср» устаси Алексей Ремизов бундай мулоҳаза юритгани: «менинг сўзларим мусиқадан туғилган... қўлёзма партитурага яқинлашиб келаяпти... сўз — мусиқа — рангтасвир — рақс, булар «ягона ва кўпдир» ва ҳар бирининг ўз оҳанги, ўз ўлчови бор... сўз мусиқачига илҳом беради, бироқ мусиқа остида ўқиб бўлмайди... оҳанглар бир-бирига тўқнаш келмаса ҳеч қанақанги санъатлар кўшиливи тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас».

Айнан Ремизов Гоголь сирларидан биттасини очиб берди: «Рус ёзувчилари ичидан Гоголь хат устида меҳнат қилган. Умрининг охирида ўз хатини ўзгартириш нима учун зарур бўлиб қолдйкин? Ёки инсон овозида бўлгани каби қўлёзмада ҳам бирон сехр борлиги сабабиданми?»

Назм билан тасвир уйғунлиги, албатта, фақат XX аср бошларидаги футуристларнигина ҳаяжонга солмаган. Айнан ушбу аср рассомлари бу қадар яққол англаган кўш уйғунлик самараси Европа ва Америка маданиятида контрапункт билан икки тенденцияни берди: ўлим ва йиқилишни тасвирловчи санъат, — ва Умуягоналикни яратиш ва қидириш санъати.

Санъатда Умуягоналикка олиб борувчи йўлни излаган мусавирлар, табиийки, «маслаҳат сўраб» Шарқнинг қадимги тамаддунларига

муружаат қилганлар. Бироқ, Фарб техник тараққиёти янгиликлари билан қуролланибгина янгича ёндашувлар топиш мумкин.

«Умумсанъат»ни қидиришда Александр Скребин мусиқа партитурасига график жиҳатдан қайд этилган ва «ҳидлар партияси» билан бирлаштирилган «Нур партияси»ни олиб кирди... Қозонда совет замонидаёқ 1960 йиллар бошида Қозон Авиация институтининг бир гуруҳ талабалари яратган ва ташкил этган ҳозирги «Прометей» илмий тадқиқот институти директори, профессор Булат Галеев бошчилигида ишлаб турган нузли мусиқа лабораторияси бор, — у, дарвоқе, Попов хаттотлигини нузли мусиқа партитурасига олиб киришни таклиф этмоқда. Бу ҳозирча қуруқ гап, холос, бироқ компьютер графикаси билан ҳамкорлик қилинса, бас — бу ёғи хамирдан қил суғургандай биталиган иш. Оқ-қора рангдаги ишловларни Поповнинг ёрдамчиси, у ҳам қозонлик, Илья Чирков замонавий кўп-рангли шаклга айлантиради.

— Қозонда, қадимги «булғор»лар зурёди бўлмиш «татар»лар орасида истиқомат қилувчи Сиз, «рус боласи»... қандай қилиб «араб» хаттоти бўлиб қолдингиз?

— Аввалига барча жаҳон динлари меъморчилигига бағишланган бир қатор меъморий рангтасвир пейзажлар яратишни ўйлагандим. Ишни насронийлик ва исломдан бошладим. Россия Шимолида, Соловкида, шунингдек Ўрта Осиё ва Қозонда ўнлаб расмлар чиздим. Лекин эндиликда бу босқич ортда қолди. Бундан кейин фақат хаттотлик билангина шуғулланиш мента қизиқроқ туюлади.

Ислом хаттотлигининг қайси шаклларини у қардош деб ҳис қилади?

Ҳандаса (геометрия)ни англаш орқали, нақш орқали, ҳарф орқали гуллар чекиб, Илоҳий Уйғунлик билан ошно тутинар экан, инсон чексиз севинчли ҳам ва табаррук қўрқувли ҳам бошидан кечиради. Хаттот бир-мунча муддат ўзининг омонатлигини унутади, бандаси фонийлик ва ҳар қанақанги чекланганликдан устун келувчи Оҳангга даҳл қилади. Бу — «метафизик пок ёзув» «икона» эмас

(бундай тушунча исломда йўқ), аммо Чексизликка, Бөқийликка ва барча шаклдан юқори турувчи Парвардигори олам — Оллоҳ Таолога яқинлаштирувчи йўлдир. «Ҳар бир мўмин банда тўғри ва чиройли ёзишга ўрганиши керак» — бу нақлни бугунги кунда ҳам мусулмон оламидаги ҳар бир бошланғич синф боласи биледи.

Қадимги донишмандлар эса таъкидлаб айтадиларки, гап «ўчириб, бўяб, қайта ёзиш» устида кетмаётибди. XVI аср хаттолиги тўғрисида Султон Али Машҳадий яратган форсча рисолаани очиб қараймиз: «Қалбни англаган одамгина хатнинг поклиги — юрак поклигидан эканлигини англайди... Хаттолик санъатининг таянчи — инсон аъмолининг гўзаллигида...» Платон айтиб кетган гапни ҳам завқ билан тилга оладилар: «Хат — қалб хандаса (геометрия)си». Бироқ барибир ҳам Куръони Каримдаги ушбу сўзлар англаш учун энг асосий ҳисобланади: «Ўқи! Сенинг Тангринг энг саховатлидир, У сенга қалам билан (ёзишни) ўргатди...», яъни инсонга қамишқаламдан фойдаланишни ва бунинг воситасида ҳаёт сирларини англашни ўргатди.

Ягона диний-эстетик заминга асосланган мусулмон хаттолигининг кўп асрлик анъанаси ёзув (хат)нинг гоятда ранго-ранг услубларида, нақшу нигор ва ўзига хос «суратлар»даги ҳарфлар шаклу шамойилларида кўп ва ажиб ғариб усулларда ривожланиб бораверди. Маккадан Индонезиягача улкан «мусулмон ойкумена¹»си ёйилган ва ҳар бир мамлакатда ислом тамаддуни миллий жиҳатдан ёрқин ва ўзига хос тажассум қасб этди.

Эндиликда бой берилган анъаналарни тиклашга интилаётган Татаристон мусаввирлари орасида Владимир Попов мислсиз жасорат билан ўзини намоён этди — афтидан, у умр бўйи зимдан арабча «сирли ёзув»ларни ўрганиб келгандек. Ахир, гапнинг индаллосини айтганда, у ҳатто ҳеч қачон «анъанавий хаттот» бўла олмаслиги мумкин эди-ку. Аммо унинг асил истеъдод қуввати бошқа ёқда эди.

Европа экспрессионизми ва рус реализми тажрибаси — у мусулмон

хаттолик шажарасига қўшган ва ... уларни эритиб юборган янги шох ва новдалар мана шулардир. Бутун умри давомида тинч реализм ортидан рисоладагидай эрганиб келаётган, ҳеч қачон мавҳумлик (абстракция)га қўл урмаган мусаввир ўзининг 70 ёшида ухлаб ётган вулқондек тўсатдан отилиб қолсами! Уни нима жунбишга солди, оёқ-қўлларидаги кишанлар нимадан парчаланиб кетди?

Эҳтимол араб хатининг ҳайратомуз даражада равонлиги, ҳарфларни кема ва елканларга, чарх ураётган қуюн ва бемисл меъморий ёки хаёлий қурилмаларга айлантира олиш имконияти?

Немис китоб безакчиси ва назариётчиси Альберт Капр «Ҳарф санъати одоби» китобида шундай деганди: «Ҳарф санъати ҳар доим шай ҳолатда бўлиб келган ва бутунги кунда ҳам ўзининг бу қобилиятини йўқотган эмас — жамиятнинг маънавий иштиёқини нозик ҳис этади ва уни унинг ўзигагина хос бўлган воситалар билан талқин этади». Сизу биз тўғримида ва бизнинг замонимиз тўғрисида Попов хаттолиги нималарни гапирди?

Владимир Попов X асрдан бошлаб булғор Волгабўйида яшаб келган жанрлар — булғор «шамойиллари» ва турк «туғролари»ни танилади.

«Шамойил» сўзи форсча бўлиб, «суврат», «икона» деган маънони англатади — шиа мазҳабига хос анъаналарда Имом Алининг ўғиллари Ҳасан ва Ҳусайн билан туширилган сурат шундай аталган ва уни уйларидаги тахмон устидан илиб, устидан сочиқ ташлаб қўйганлар.

Волга Булғори суннийлари орасидаги шамойил — бу мусулмон қадамжоларининг тасвири туширилган меъморий безакли ва Куръони Карим ёки Ҳадиси шарифдан олинган хаттолик ёзувлари бўлган суратдир.

Попов айнан «татар шамойили»ни биледи, аммо ўз вариантини бўзда ёзади, қоғоз ёки ойнада эмас, халқ санъатида бўлганидек, зарқоғоз ёки матодан куроклар қилмайди. Унинг шамойилларида Макка ва Бухоро, Самарқанд ва Истамбул миноралари

¹О й к у м а н — аҳоли, қавм.

қад кўтариб туради, «Татаристон масжидлари» туркуми европа дастгоҳи сурат техникаси ва ўлчамида бажарилган бўлиб, ҳаддан ташқари китобий ва сербезакдир. Улардан энг яхшилари, менимча, талқини жиҳатидан анча мавҳум (абстракт), «диний таълимот ёки руҳонийтга» асосланган шамойиллар бўлиб, уларда араб хаттотлигининг алоҳида маънодорлиги ва мутасаввуфона мафтункорлиги ифода этилган.

Ўз мураббийи, ҳозирги Татаристонда ҳақли равишда «туғроларга жон ато этувчи» деган ном олган Нажип Наққош билан изма-из Попов яна бир жанр — туғрони ўзлаштирди ва ривожлантирди. Туғро деб турклар қадимда муҳрни, қорамол тамғасини ҳам айтишган. Кейинчалик Усмон салтанатининг Сарой хаттотлари султонлар учун қалбакилаштириб бўлмайдиган муҳрлар ясаганлар. Шуниси қизиқки, рус шоҳларининг ҳам ўз туғролари бўлган, улар Шарқ мамлакатлари билан дипломатик ёзишмалар учун махсус ясалган. Масалан, Михаил Федорович ва Улуғ Петр туғролари сақланиб қолган.

Уша европача тажрибага мансуб эклибрисга суяниб, Попов шу анъанани қайта тиклайди. Бирок, эклибрис китоб буюртмачиси билан боғлиқ бўлиши ва унинг кутубхоначилик дидини акс эттириши лозим бўлса, туғро — бу муайян одамнинг араб хаттотлиги воситалари билан ифодаланган умумлашма рамзидир. Қозондаги дастлабки томошабинлар ҳатто Попов туғроларини «портретлар» деб аташгача ҳаракат қилдилар — аммо бу ислом ахлоқ-одобига рўйирост зид эди. Барибир ҳам «портрет» — исломгача ёки ислом тамаддунидан ташқари ҳодиса бўлиб, атамалар мазмунини чалкаштириш ярамайди. Туғро энг аввал турк, булғор, сўнгра араб маданиятида ҳам китобий нишон, муҳр, инсон рамзи (ёки умуман насл, фирма, компания рамзи) бўлиб, аксар ҳолларда буюртмачининг исмини, унинг отасининг исмини, даъватни ёки яхши тилакни ўзида мужассам этган.

Араб ёзуви истеъдодли рассомнинг томошабинга нафақат матннинг ўзини, балки унинг лисоний қиёфаси ва мазмунини ҳам кўз билан

кўргандай қилиб тасвирлаш учун чексиз тахайюл имконини тақдим этади.

Поповнинг Татаристон, Россия ва ислом давлатлари санъат ва бизнес, сиёсат ва фан арбобларига бағишланган туғролари нақадар ранг-баранг! Бу ғоят ноёб тарихий ажойибхона: бу ерда маҳобату кулги ҳам бор, босиқлигу саркашлик ҳам... Шулар ичидан битта энг яхшисига бир бор назар солсангиз кифоя — бу Москванинг Шарқ музейи илмий раҳбари, юз-андомидан истеъдоду нафосат барқ уриб турган хоним Татьяна Метакса туғроси. Ёки бутунлай бошқа қиёфа — Татаристон Республикасининг биринчи Президенти Минтемир Шаймиев, РФА мухбир аъзоси, шарқшунос Алексей Васильев, Президент Владимир Путин туғроларини олинг...

Булғор музейи сотиб олган «Одам Атодан Муҳаммадгача ўтган йигирма беш пайғамбар» туркумидаги туғролар, беҳабар томошабин учун тўпгуллардангина иборат бўлиб кўринувчи Парвардигор исми бўлган туғролар алоҳида маънодорлиги ва қатъийлиги билан ажралиб туради.

Попов 2000 йил декабрида Техронда ўтказилган Қуръони Каримнинг 8-Халқаро фестивалига таклифнома олган россиялик ягона хаттот бўлди. Ҳам «одатдаги мусулмонлар», ҳам мутахассислар уни қанчалик илиқ кутиб олганларининг гувоҳи бўлганман. Бу ажойиб бутунжаҳон анжуманида Хитой, Ҳиндистон, Япония, Индонезия, Покистон, Туркия, Сурия, Англия, Тунис, Эрон каби мамлакатлардан етук хаттотлар иштирок этдилар. Россия эса иштирокчи давлатлар орасида иккинчи ўринни эгаллашга мушарраф бўлди.

Поповнинг шамойил ва туғролари етакчилик қилган Россия тенди ҳақиқатан ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди — мактаб ўқувчисидан тортиб Эрон президентигача келиб томоша қилди. Унга айниқса «Қозон Кремлидаги Кул-Шариф масжиди» шамойили ва унинг шахсий туғросини муаллифнинг ўзи президентга инъом этди. Поповнинг Эрондаги муваффақияти аслида Россиянинг муваффақияти бўлди.

Ўзининг 80 ёшини рассом фахрийларга хос бардамлик билан

кутиб олмоқда: япониялик муҳожир уни меҳмонга чақираяпти (Япония императорлик хонадонига бағишланган тугро шу тариқа юзага келди), октябрь-ноябрда эса Қозондаги Рассомлар уюшмаси залида унинг юбилей кўргазмаси бўлиб ўтади.

Демак, рус олимига мусулмон тасаввуфи сирларини инкишоф этган ва айни вақтда ислом анъанасини рус-европа асослари билан бойитган Шарқ ва Ғарбнинг буюк тамаддунлари чорраҳаси сифатида Қозон шоншухратини уйғотган хаттот Поповнинг сийрату тийнатини қандай англаса бўлади?

Қуръони Каримни очамиз ва 49-сурадан биргина оятни ўқиймиз — Владимир Попов уни Москвадаги

Миср маданият марказида ташкил этилган кўргазмага эниграф қилиб олган эди. Унда шундай дейилади:

Ҳой одамлар! Биз сизларни жуфт-жуфт қилиб, бирингизни эркак, бирингизни аёл қилиб яратдик ва сизлардан наслу насаблар ва турли халқларни бор қилдик, токи сизлар бир-бирингизни англанг ва бойита олинг...

Давлат Эрмидажи директори эса унга шундай деб ёзганди: «Сиз гоётда муҳим ишни жуда қойилмақом қилиб адо этаётирсиз — мусулмон хаттотлиги анъаналарига янги тамаддунлараро жиҳат бахш этаяпмиз. Сизга Худо ёр бўлсин! Сизга самимий меҳр ила Михаил Борисович Пиотровский».

*«Азия и Африка сегодня» журналининг
2004 й. 3-сонидан олинди.*

*Ғолиб ФАЙЗУЛЛАЕВ
таржумаси.*

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ

Унутилмас сабоқлар

Хотира

Талабалик йилларим омадли кечди. Факултетимиз биноси Хадрада, ҳозирги Миллий театр /у вақтда «Ватан» кинотеатри/ ёнида жойлашган эди. Учинчи қаватдаги катта мажлислар залида тез-тез адабий учрашувлар бўлиб турарди. Фафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ўзғоғ, Комил Яшин, Назир Сафаров ва бошқа атоқли адиблар меҳмон бўлиб келишар, ҳар бир учрашув қизгин баҳсларга, самимий мунозараларга тўла бўларди. Севимли адибларни кўриш, суҳбатини тинглаш биз учун катта бир бахт, ўзига хос улкан маънавий мактаб эди. Айниқса, Абдулла Қаҳҳор билан ўтган учрашувларни ўша йилларда ўқиган талабалар бир умрга унутмасалар керак.

Лекин менга кўп талабаларга, курсдошларимга насиб этмаган улкан омад кулиб боққан. Мен устоз Абдулла Қаҳҳор билан шахсан танишиш, бир неча марта уйда меҳмон бўлиб, суҳбатларини тинглаш бахтига муяссар бўлганман.

Биринчи марта у кишини «Шарқ юлдузи» журнали жамоаси билан ўтказилган учрашувда қўрганман. У вақтда журналга таниқли ёзувчи Асқад Мухтор муҳаррирлик қиларди. Ниҳоятда қизгин ўтган бу кечада домларимиздан Умарали Норматов минбарга чиқиб, қишлоқ хўжалигига бағишланган Пленум руҳи акс этган долзарб бир мақоласи таҳририятда анчадан бери туриб қолгани, оқибатда мақолада кўтарилган муаммолар анча эскирганидан шикоят қилиб, энди уни нима қиламан, деган маънода гапирди. Нотиқнинг оташин сўзларини диққат билан тинглаб ўтирган Абдулла ака ҳеч кутилмаганда истехзо билан:

— Энди кимёни қўшасиз, — деб луқма тапшладилар. Залда қийқириқ кулги кўтарилди. Оддийгина кўринган бу луқма замирида катта маъно яширинган эди. Шу йилларда қоғозбозлик, расмийчилик иллоти ниҳоятда авж олган; яқингинада қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш ҳақида катта қарор қабул қилинган эди. Абдулла ака ана шу самарасиз қарорларга нозик ишора қилган ҳолда ўткинчи нарсалар кетидан қувиш беҳудалигини таъкидлаган эди, чамаси...

Аниқ эсимда, 1964 йилнинг июль ойлари эди. Тўртинчи курсга ўтган пайтларим. Жазирама иссиқ кунларда жияним Абдуҳамиднинг ҳужжатларини университетнинг география факултетига топшириб, унга «болеллик» бўлиб юрган эдим. Бир кун сеvimли домлам Озод ака билан кўчада учрашиб қолдик. Салом-алиқдан сўнг Озод ака мен учун сира кутилмаган бир таклифни айтди:

— Эртага Хумсонга бориб келишга тўғри келяпти. Менинг вақтим йўқ. Учраб қолганингиз яхши бўлди. Абдулла Қаҳҳор билан бирга бориб келасиз...

Қулоқларимга ишонмай домлага қарадим. У киши ҳолатимни сезиб, мийиғида кулиб кўйди.

— Кибриё опа яқинда касалхонадан чиққан. Жигари оғрийди. Тоғ ҳавосидан нафас олиб, беш-ўн кун дам олиб келмоқчи. Опани Хумсонга қўйиб келасизлар.

Озод ака бир неча йил олдин халқ оғзаки ижодини тўплаш учун борган талабалар билан Хумсонда бўлган эди. Икки кишининг уйини тилга олиб,

ҳовлисидан сув оқиб ётади, боғи яхши, тўғри шуларникига олиб борасиз, қайси бирини ёқтирсан, шуникида турсин, деб тайинлади.

Эртаси кунини Озод аканинг машинасида Дўрмонга жўнадик. Домла машинани авайлаб ҳайдади. Ярим соатлар юргач, чапга бурилиб, аввал икки томони қатор тутлар, сўнг улкан тераклар шохлаб ётган кичкина кўча бўйлаб юриб, бир дарвоза олдида тўхтади. Атрофни тузукроқ кўриб улгурмадим ҳисоб. Чап томондаги боғ ичидан аёл кишининг, «Келиб қолишди», деган овози эшитилди. Улкан аргувон дарахлари, азим чинорларга анграйиб тикилиб турарканман, узум ишқомлари остидаги кичик йўлқадан биз томонга вазмин қадам ташлаб келаётган оқ кўйлак, кулранг шимли оқсоч кишига кўзим тушди. «Абдулла ака!» Юрагим гупиллаб уриб кетди. Дарслик китобларидан суратларидан сал бошқачароқ, факултетда кўрганимдан кўра хийла озғинроқ туюлди. Қошлари ҳам ошпоқ оқариб кетганига ҳайрон қолдим. Озод ака машинадан туша солиб, салом берди ва Абдулла ака билан қўл олиниб кўришди. Уларнинг самимий, илқ муомаласидан бир-бирига жуда яқинлиги шундоққина сезилиб турарди. «Бизнинг студентлардан. хумсонлик» деб таништирди мени Озод ака. Абдулла ака очиқ чехра билан қаради. Кулимсираб қўл узатди. Шу орада тўладан келган, куюқ пайваста қошли, қора кўзлари чақнаб турган ўрта бўйли аёл — домланинг умр йўлдоши — Кибриё опа йўл-йўлакай тез-тез гапириб истиқболимизга чиқди.

— Келдингизми, Озоджон? Мана, шай бўлиб турибмиз. — У менга бошдан-оёқ тез разм солиб чиқди. — Шу йигит бошлаб борадими?... Салқинда елиб олақолайлик бўлмасам...

Абдулла аканинг сутранг «Волга»си йўлга тахт қилиниб, юклар ҳам аллақачон жойлаб кўйилган экан. Кибриё опа Озод акани ичкарига таклиф қилди.

— Ҳали нонушта қилмагандирсиз? Биз чой ичиб олдик. Сўрига бораверинг. Аний бор...

Мен ҳам нонушта қилмаган эдим. Лекин севимли адибни кўриб, гапларини қулогим билан эшитиб турганимнинг ўзи ҳамма нарсдан аъло бўлиб турган бир дақиқада қорин эсга келади дейсизми!

Абдулла ака қишлоқдаги шароитни суриштириб, мева-чева, картошка, помидор топиладими деб сўрадилар. Мен бу нарсалар ҳовлимизда ҳам борлигини айтган эдим, у киши бирдан жонланиб кетди ва опага бир оз таъна оҳангида:

— Ана, эшитдингизми, ҳаммаси топилар экан. Сиз бўлсан, тегирмон тошидан бўлак ҳамма нарсани машинага босиб ўтирибсиз, — деб қолдилар. Кулиб юбордик. Домланинг бунчалик гапни қотириб, муболағали қилиб гапиришидан ҳайратга тушдим. Опа ҳам бўш келмади:

— Керакли тошнинг оғири йўқ дейишадилар-ку. Ҳа, олиб бораверайлик-чи, зарари тегармиди?..

Хуллас, йўлга тушдик. Оғир оёқ бир жувон /Учқун Назаровнинг хотини— Дилбар опа/ ҳам опага ҳамроҳ бўлган экан, иккаласи орқа ўриндиққа жойлашдилар. Мен йўл бошловчи сифатида домланинг ёнига ўтирдим. Озод ака хайрлашиб шу ерда қолди...

Бўстонлик тумани бошланиб, Фалвасойдан ўтганимиздан кейин Абдулла ака, «машинага дам, берайлик, мотори совусин», деб йўл чеккасига тўхтади. Асфальт йўлнинг икки томонига бир неча қатор қилиб экилган тераклар етилиб, кўзни қувнатадиган бўлган эди. Салқин бир жойни танлаб, майсалар устига газета ёзиб ўтирдик. Кибриё опа дастурхон ёзди. Қовундан бири сўйилди. Абдулла ака атрофда савлат тўкиб турган тоғларга хаёлчан тикилиб ўтириб, бу ёқларга биринчи марта ўтгизинчи йилларнинг ўрталарида шоир Элбекнинг уйига Ҳамид Олимжон, Чўлпон билан чиққанини, шунда тоғ кўчиб, бир хонадонни босиб кетганини, йўл бир неча кунгача тўсилиб қолганини эслади. Тоғ сурилган жойнинг ўрнини менга адам кўрсатган эди. Ўша жойга яқин қолганимизни айтдим. Элбек ҳақида мактабда ўқиб юрганимдаёқ кўп гаплар эшитган эдим. Биринчи, иккинчи курсда Навоий кутубхонасига қатнаб, лотинча, арабча

имлони ҳижжалаб унинг китобларини ўқиган, аксари шеърларини дафтарга кўчириб олган ҳам эдим. Шоирнинг «Чирчиқ қурилишида» шеърисидаги:

Ҳой, нақадар гўзал, чиройли ерлар,
Қаранг, Ҳамид, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор!
Колхозчи ботирлар — аёллар, эрлар —
Ишлашаётирлар! Кўримли баҳор...

мисралари беихтиёр ёдимга тушди. Шуларни сўзлаб бердим. Абдулла ака индамай эшитди-да:

— Элбек яхши болалар шоири. Катталарга ёзган шеърлари сал жўнроқ, лекин тил, имло, маориф соҳасида катта ишлар қилган, халқ кўшиқларини тўплаган, — деб қўйди. Бошқа бу ҳақда гап бўлмади.

Йўлда яна бир тўхтаб, мотгорни совутганимиздан кейин Хумсонга ҳам етиб бордик. Кўм-кўк сувлари тошларга урилиб, шовуллаб, мавжланиб оқаётган Ўтам дарёси устидаги кўприкдан ўтаётганимизда домла қумлоқ қирғоқни кўрсатиб:

— Бу ер ҳам ҳеч эсимдан чиқмайдиган бўлиб муҳрланиб қолган. Бир келиб дам олган эдик. Машина эшигини ёпаётганимда беҳосдан тегиб кетиб, икки тишимни синдириб юборган, — деди. Домланинг гапини эшитиб, ялт этиб оғзига қарамайман-у, худди ҳаммасига дарё, бизнинг қишлоқ айбдордек хижолат бўламан.

Машина тепаликка кўтарилиб, Хумсоннинг шу йиллардаги қумлоқ йўлларига қалдираб борар экан, аввал бизнинг ҳовлига кириб, дам олиб, бир пиёла чой ичишни таклиф қилдим. Рози бўлишди. Ичимда бизникида қолишса қани деб турибман. Домла остонамиздан ўтиб, уйимизга қадам босганда севинчдан қай ҳолатда эканимни тасвирлаб бериш қийин. Отам, онам уйда экан. Абдулла аканинг дарагини эшитиб, улар ҳам питирлаб қолишди. Домла адамнинг исмини эшитгач, «Адаш эканмиз», деб хурсанд бўлди. Ҳовлимиз торгина, сувдан узоқда бўлса ҳам, хоналаримиз кенг ва озода, саранжом-сарипта. Уй олдида икки туп олма тагида катта суна бор эди. Онам кўклам келиши билан уни сомон кўшилган оқ тупроқли лойда яхшилаб суваб, атрофларига турли-туман гуллар, беҳисоб садарайхонлар экиб кўярди. Ёз тунлари шу супада юлдузлар тўла осмонга қараб хаёл суриб ётиш жуда роҳат бўларди... Биз борган пайтда гуллар айна чаман очилиб, муаттар ҳиллар бутун ҳовлини тутиб кетган эди. Домланинг димоғи чоғ бўлганини сездим. Кибриё опа ҳам ота-онамнинг очиқ чехра билан қаршилагани, хоналаримиз озодалигини кўргач:

— Ҳовли-жой бемалол экан. Бошқа уй деб овора бўлиб юрамизми? Шу ерда тураверамиз, — деди...

Абдулла ака бош ирғаб қўйди. Машинадаги буюмларни бирпасда тушириб, адам иккаламиз ичкарига ташиб кирдик. Чой ичиб, бир оз ҳордиқ чиқаргач, Абдулла ака қишлоқни кўриш истагини билдирди. У вақтда Хумсонда янги, тунука томли участка уйлар кам, тор кўчаларнинг икки томонида аксари гувала ёки паҳса деворлар бир-бирига туташиб кетган эди. Қишлоқ гузари кўримсиз бўлса ҳам, ариқларда тиниқ сувлар оқиб тургани учун турли дарахтлар яшнаб ўсарди. Магазин қаршисида танаси кучоққа сигмайдиган кекса тол бўлиб, одамлар кундузи унинг соясида ҳангома қилиб ўтиришни яхши кўришарди. Қишлоқдаги ёши катта кишиларнинг деярли ҳаммаси кунда ёки кун ора шу ерга келиб, тенги-тенги билан тўп-тўп бўлиб суҳбат қуришиб, вақт ўтказишар, гузардан одам сира узилмас эди.

Кўчада борар эканмиз, бошим осмонда, теримга сигмай қадам ташлайман. Шундай одам билан ёнма-ён юрганимдан фахрланаман, негадир у кишини ҳаммага кўз-кўз қилгим, «Қаранг, қишлоғимизга Абдулла Қаҳҳор келди!» деб жар солгим келади.

Шу куни бир гуруҳ ўқитувчилар тўпланишиб туришган экан, улар Абдулла акани таниб, қишлоғимиздаги таомилга кўра навбатма-навбат келиб қўл бериб,

кўришиб чиқдилар. Мен эса, юқорида айтганимдек, оғзим кулоғимда. Адабиёт ўқитувчимиз Олим ака Тўраев ҳам шу ерда экан, у кишини домлага алоҳида рўпара қилдим.

— Қариндош эканмиз, — деб домла ҳол-аҳвол сўради-ю, лекин негадир бошқа ҳеч нарса демади. Тўғриси, бир оз хижолат тортдим. Кейинчалик Кибриё опа сўзлаб бергандан кейингина бунинг сирини англадим. Абдулла ака ўзини кўз-кўз қилишни, ортиқча мулозаматни сира ёқтирмас экан.

Йўлда давом этдик. Гузардан сал нарида илгари мачит бўлган, кейин омборга айлантирилган томи қизил тунукали улкан бино /у ҳозир ҳам бор/ олдигача келгач:

— Тасаввур ҳосил бўлди. Қайта қолайлик, — дедилар...

Яна озгина юрсак, қишлоқнинг энг манзарали, хушҳаво масканларидан бирига дуч келар эдик. У ер ўз номи билан «Бог маҳалла» деб аталарди, бир тегирмон сув гувиллаб оқиб ётарди. Шу ергача бормаганимиздан афсусландим. Қишлоқ ободонлиги ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги Абдулла акага ёқмаганини пайқадим. Ўз манфаатидан бошқани ўйламайдиган, узоқни кўзлаб иш тутмайдиган беғам раҳбарларимиздан ранжидим. Очигини айтганда, Хумсонда ободончилик ишлари ҳозир ҳам ана шу эски аҳволда. Гузарга кўрк бериб турган толу кўк тераклар аллақачон кесилиб кетди, уларнинг кўпчилиги кимларнингдир томига ёғоч бўлиб қадалиб кетган бўлса керак. Ажабланарлиси шуки, илгари техника деярли йўқ пайтда одамлар ҳашар йўли билан катта ариқлар қазийиб, уни ҳар йили баҳорда яхшилаб тозалашарди, бузилган, қишда кўмилиб қолган жойларини тузатишиб, бугун қишлоқни сувга сероб қилиб қўйишарди. Ана шу сувда учта тегирмон кечаю-кундуз ишлаб, ун чиқарарди. Хумсондаги чексиз-чекгарасиз боғларнинг таърифини қўйверасиз. Энди улардан ном-нишон қолмаган, тегирмонлар ҳам аллақачон бузилиб, ўрни текисланиб кетган. Қадимда халқимиз битта дарахт кесадиган бўлса, ўрнига албатта иккитасини экар, бугун олимларимиз «табиат мувозанати» деб атаётган нарсани ўзи билмаган ҳолда бўлса ҳам сақлаб турарди. Ҳозир одамларнинг меҳнатга ҳафсаласи қолмадими ёки уларнинг бошқани қовуштирадиган тadbиркор раҳбар етишмайдими, хўжасизлик иллатими, ҳар нечук, қишлоқдаги ишларни қоникарли деб бўлмайди.

Мавзудан четга ҳам чиқиб кетдик. Хуллас, Хумсон кўчаларида Абдулла Қаҳҳор билан айланиб юрган ана шу ажойиб кунда қишлоғимиз «хуснбузар»ларидан қаттиқ хижолат бўлганман.

Кечки салқинда Абдулла ака билан Тошкентга қайтдик. Йўлда анча вақт индамай келдик. Мен ҳам «одамови»роқ бўлиб ўсганман, бирон нарса сўрашга, гапнинг очиги, ийманаман. Товоқсой қишлоғидан ўтганимиздан кейин Абдулла ака талабалар кўпроқ қайси асарни ўқишади, деб сўраб қолди. Шу кезларда катта бир ёзувчининг романи босилиб чиққан эди. Факултетимизда ҳам, курсимизда ҳам бу асар оммавий равишда ўқилиб, қизгин муҳокамалар уюштирилмоқда эди. Шунини сўзлаб бердим. Домла анча вақт индамай борди, сўнг бирданига:

— Дуруст асар-у, лекин ўқиб бўлмайди-да... — деб қолди.

Ростини айтсам, худди миямда чақмоқ чаққандек бўлди. У кишига ялт этиб қарадим: йўлга хотиржам тикилганча кетяпти. «Нега ўқиб бўлмас экан?» Бу савол шууримга найза бўлиб санчилди. Ахир факултетда бутунлай бошқа гапларни эшитамиз. Ҳатто қайси курс роман муҳокамасини олдин ўтказган бўлса, мусобақа голибидек мақтовга сазовор бўлади-ку!

Мен ҳам унча-мунча газета кўриб юрар эдим. Яқингинада «Литературная газета»да ёзувчи Георгий Гулианинг ана шу роман ҳақидаги тақризини ўқиган эдим. Унда кўп мақтов сўзлари айтилган эди. Бироз дадилланиб, шу ҳақда домланинг фикрини сўрадим.

— Эътибор берган бўлсангиз, тақризда романга хос иккита асосий камчилик айтилган, — деди домла вазминлик билан.

— Ҳа, биттаси «газетный стиль» мавжуд дейилган...

— Ҳамма гап ана шунда-да! — деди домла бирдан жонланиб. — Ана шу газета тили туфайли уни ўқиб бўлмайди-да! Ҳамма иллат — айрим ёзувчилардаги асосий иллат ҳам ана шунда...

Бу чинакам санъаткорнинг баҳоси эди! Адабиёт ҳақидаги тасаввурларим остин-устин бўлиб кетди ҳисоб. Сабаби, биз университетда шу пайтгача фақат чет эллар адабиёти, халқ оғзаки ижоди ва ўзбек мумтоз адабиётини ўқиган эдик. Уларнинг ўзига хос муаммолари, ўрганилмаган нуқталари кўплиги учун мунозараларимиз бошқача кечар, замонавий адабиёт баҳсларига ҳали етиб келмаган эдик. Бадиий асар билан оддий воқеанавислик ўртасидаги фарқни домла лўндагина таърифлаб, тушунтириб бергандек бўлдилар. Мен кейинчалик бу хусусида кўп ўйладим. Абдулла Қаҳҳор ва бошқа кўп ёзувчилар ижодини ўзимча «танқидий кўз» билан қайта ўқиб чиқдим ва домла айтган «асосий нарса» — ҳақиқий санъаткорона тасвир билан сунъий тизмани ўзимча ажратишга ҳаракат қила бошладим. «Газета услуги» тайёргарлиги йўқ, савияси, диди паст китобхонни дарров «алдаб» қўйишини, гўё равон ёзилгандек туюлса-да, аслида бадииятга алоқаси йўқлигини аста-секин ҳис қиладиган бўлдим. Бу мен — оддий талаба учун катта бир кашфиёт эди. Бу — Абдулла Қаҳҳор билан биринчи учрашувдан олган энг катта маънавий сабоғим эди. Ким билсин, бахтли тасодиф туфайли бу учрашув, бу суҳбат рўй бермаганда ана шу оддийгина кўринган, аслида эса жуда катта жумбоқ/ҳозир ҳам китобхонларни кўяверайлиг-у, аксари ижодкорлар ҳам буни яхши фарқлай олмай, аросатда юрадилар/ бўлган улкан ҳақиқатни англашим учун кўп вақтлар керак бўлармиди?

Шу кунги таассуротларим таъсири остида қаттиқ ҳаяжонланиб юрдим. Абдулла Қаҳҳорнинг чинакам сўз заргари, қисқа ва аниқ тасвир устаси деб кўп ўқиган, эшитган эдим. У суҳбат чоғида ҳам фикрини лўнда, ихчам, образли, эса қоладиган қилиб ифодалашига гувоҳ бўлдим. Бир куннинг ўзида олган бир олам таассуротларимни кейинчалик курсдош дўстларимга, ҳамқишлоқларимга қайта-қайта завқланиб, фахрланиб айтиб юрганимни яшириб ўтирмайман.

Кибриё опа Хумсонда ўн кун турди. «Уруш ва тинчлик» нинг 3-китоби устида оз-моз ишлаганини ҳисобга олмасак, опа кўпроқ вақтини ўқиш, суҳбатлашш, кечки салқинда дарё бўйларида сайр қилиш билан ўтказди. Опа моҳир пазанд ҳам экан. Қаттиқ парҳезда бўлгани учун тушликни нари-бери қилса-да, кечки овқатга ҳафсала билан тайёргарлик кўрар, ҳамма нарсани ўзи пиширарди. Бир марта чўзма лағмон қилди. Оқтош тоғларида «Сурайё» кинофильмини суратга олиб юрган Учқун Назаров билан артист Тўғон Режаматов йўқлаб келишганда уларни чучвара билан сийлади. Супада ўтириб, мақтаб-мақтаб эдик. Булар ўз йўлига. Мен қулай фурсатдан фойдаланиб, опани кўпроқ гапга солишга, домланинг ҳаётига доир қизиқарли фактларни билиб олишга ҳаракат қилдим. Кибриё опанинг гапга чечанлиги, очиқ кўнгил, дилкашлиги учун унча тортиниб ўтирмадим. Шу пайтларда Абдулла аканинг Шароф Рашидов билан муносабатлари ҳақида ҳар хил миш-мишлар юрарди. Миллий театрда катта шов-шувлар билан қўйилган «Тобутдан товуш» комедияси эса негадир газетада қаттиқ танқид қилиниб, саҳнадан олиб қўйилган эди. Табиийки, мен буларнинг сабабини билишга жуда қизиқардим. Опа ҳам ўзи билган гапларнинг ҳаммасини оқизмай-төмизмай бирма-бир айтиб берди...

Хуллас, ўша йилги ёзда мен тамомила янги бир оламга дуч келдим, Ҳаёт, одамлар, китоблар ҳақидаги тасаввурларим бутунлай ўзгариб кетди. Энг муҳими, Озод аканинг шарофати билан улкан ёзувчимиз Абдулла ака хонадони учун менга йўл очилди. Улар қайтаётганларида ота-онамни шаҳарга таклиф қилишди, менга эса манзил, телефонларини ёзиб бериб, хоҳлаган пайтда тортинмасдан, бемалол бориб туришни тайинлашди. Шундай бўлса-да, ҳадеганда боришга ботинолмай юрдим. Катта ёзувчининг диққатини бўлиб, ишдан қолдирмайин деган мулоҳаза устунлик қилиб, иккиланиб юрдим. Лекин Абдулла аканинг уйини кўриш, гаройиб суҳбатини эшитиш истаги фикру хаёлимни бутунлай эгаллаб олган эди.

Ниҳоят, пахта теримидан қайтганимиздан кейин якшанба кунларидан бирида домланикига боришга қатъий аҳд қилдим. Бир ўзимда барибир журъат етишмади, курсдошим Пўлат Тўраевга /у киши филология фанлари номзоди, Ўзбек сўвет қомусининг заҳматкаш ноширларидан бири эди. Охирати обод бўлсин/ бирга борайлик деган эдим, у жон деб рози бўлди. Ўзимизча роса ясанган, энг яхши кийимларимизни кийган бўлиб /талабанинг одати маълум нарса /, йўлга чиқдик-да, сўраб-суриштириб, Шелковичная /ҳозирги Юнус Ражабий/ кўчасини қидириб топиб бордик. Эшикни Кибриё опа очиб, бизни хурсандчилик билан қаршилади. Абдулла ака иккинчи қаватдаги ижодхонасида ишлаб ўтирган экан, опа чақиргач, бир оздан кейин вазминлик билан юриб, пастга тушиб келди. У кишининг нуроний қиёфада, юзида ним табассум билан зинадан тушиб келаётгандаги ҳолати кўз олдимдан ҳали-ҳали кетмайди. Қачон Абдулла ака ҳақида гап кетса, 'ана шу дақиқа ҳаёлимда гавдаланаверади...

Бизни залга таклиф қилишди. Хонанинг кенглиги, мебеллар, катта биллур қандил ва опа бирпасда ёзиб, ясашиб қўйган дастурхондаги нозу неъматларни кўриб, гапнинг очиги, оғзимиз очилиб қолди.

Ботирлик қилиб келишга келдигу, лекин иккимиздан ҳам садо чиқмайди. Гапириш у ёқда турсин, ҳатто сал қимирлагани ҳам уяламиз. Абдулла ака аҳволимизни зийраклик билан пайқаб ўтиргани учун ўзи бизни секин-аста гапга сола бошлади. Дастлаб, шаҳардаги аҳвол, нарх-наво устида гап борди. 1961 йилгача муомалада бўлган пулни эслаб:

— Баракали пул эди. Юз сўмлиги баркашдек келарди, — дедилар.

Кейин университетдаги таълим-тарбия ишлари, домлаларимизнинг савияси, ўқиётган китобларимиз ҳақида гап кетди.

— Бир талабаларинг Пиримқулни танқид қилган эмиш. Шу ростми? — деб сўради Кибриё опа.

Факултетда таниқли ёзувчи Пиримқул Қодиров билан ижодий учрашув кечаси ўтказилганда журналистика бўлими талабаси Маҳмуд Саъдинов /ҳозир ҳамма танийдиган, ёзмаслиги билан ном қозонган машҳур Маҳмуд Саъдий/ сўзга чиқиб:

— «Уч илдиш» катта роман. Ундан кейин ёзилган «Қадрим» ҳам яхши асар, аммо «Уч илдиш»га нисбатан пастроқ. Ундан кейин «Қалбдаги куёш» ҳикояси ёзилди. У ҳам ўзича яхши, лекин «Қадрим» даражасида эмас. Ёзувчининг маҳорати ана шу тарзда пасайиб бораётганга ўхшайди. — деб ғалатиноқ гап қилган эди. Сиртдан чиройли кўринган бу ўхшатиш аслида ҳақиқатга мос келмасди. Пиримқул ака шу йилларда жиддий изланиш босқичида эканлиги кейинроқ маълум бўлди. Кўп ўтмай ўзбек романчилигида ўзига хос ўрин тугалитган «Қора кўзлар» романи эълон қилинди. Абдулла ака бу асарга катта баҳо бергани маълум.

Мен учрашувда бўлган гапни айтиб бердим. Баъзи тафсилотларни Пўлат ака тўлдирди. Абдулла ака ниҳоятда эътибор билан тинглагач:

— Университетда билимли талабалар кўп, — деди. Сўнг биздан бир курс юқорида ўқийдиган Санжар Содиқнинг зукколигини айтиб, «Синчалак»даги ҳеч ким сезмаган камчиликни шу йиғит тоңганига қойил қолганини алоҳида таъкидладилар.

Сухбатимиз аста-секин жонланиб, шеърят масалаларига кўчди. Эркин Воҳидовнинг «Гунча» ғазали яхши шов-шувларга сабаб бўлаётган эди. Домла ғазалдан мамнунлигини билдирди.

— Мана, арузда ҳам эплаб ёзса бўлар экан-ку!

Кўпчилик ғазалнавис шоирлар ёзган ғазаллардан қониқмаётганини очиқ айтиб, уларда арузга хос бадиийлик етишмаслиги ҳақида куюниб гапирди.

— Бир ғазалда «овоза қил»га «парвоза қил» қофия қилинади. Бу нимаси? «Парвоза — парвознинг женский родими?» Тилимизда бундай сунъий ифода йўқ. Сўзни пала-партиш ишлаганиш шоирнинг обрўсини туширади. Буни китобхон кечирмайди...

Куруқ ҳайбаракаллачиликдан иборат сохта газаллар ҳақида анча куюниб гапиргандан кейин уларни ҳеч қандай мулоҳазага бормасдан пала-партишлигича босиб чиқараверадиган нашриётлар шаънига ҳам анча-мунча аччиқ таъналар айтди. Бу соҳада талабчанлик, масъулият ҳисси бўшашиб кетганига ачинди. Ўрнидан туриб, жавондан «Синчалак»нинг кичикроқ ҳажмда чиқарилган нашрини олиб кўрсатди. Китоб қалин қоғоз муқовада бўлиб, устида хунук бир аёлнинг расми чизилган эди.

— Мана бу суратни қаранглар, — деди у кўрсаткич бармоғи билан ишора қилиб, — шуни Саида деб тасаввур қилиб бўладими? Кўрган одам кўрқиб кетади-ку!.. Домла китобнинг ичини очиб: — Буюм майли. Энди муҳаррир ёзган мана бу кириш сўзи ўқиб кўринг. — Абдулла аканинг мазкур нашрдан қаттиқ ранжигани очик сезилиб турарди. — Жумланинг охирига етгунча нафасингиз қайтиб кетади. Ўқиб бирон нарса тушуниб бўлмайди. Шу — аннотация эмиш! Уни ўқиб кўрган ўқувчи китобни сотиб олади дейсизми? Бир куни Хадрадаги растада ўзим кўриб турдим, бир киши китобни қўлига олиб, у ёқ бу ёғини варақлади-ю, бояги киришни ўқигач, индамай қайтариб берди. Ичидаям шунақа гаплар ёзилган деб ўйлади, шекилли. Олдига бориб: «Кўрқмай олаверинг. Бу китобнинг ичида гап, кўп», — демоқчи бўлдим-у, яна ўзимни босдим, — дедилар.

Домла келтирган мисолларни, далилларни ҳайрат, ҳаяжон билан эшитиб ўтирибмиз. Унинг ҳар бир сўзи санъат оламига хос нозик сир-асрорлардан бир қиррасини жонлантириб, кўзимизни «ярқ» этиб очиб қўяётгандек. Чинакам мўъжизани бошдан кечираётгандек галати ҳолатда эдик. Улкан дарсхонада таълим олаётган бахтли талаба ўрнида ҳис қилардик ўзимизни. Ҳа, бу муқаддас ҳамда қайта такрорланмайдиган табаррук дарс, табаррук сабоқлар эди. Бир ярим-икки соатлик вақт қандай ўтганини сезмай ҳам қолдик. Кибриё она тайёрлаган қўлбола паловдан кейингина қайтишга рухсат берилди...

Кейинги сафар курсдошим Саттор Маҳаматкулов /филология фанлари доктори, Термиз Давлат университетининг профессори, марҳум/ билан бирга келдик. Домла шамоллаб қолиб, эндигина тузалиб турган кезлар экан. Залдаги диванда оқ чойшабга солинган кўрпа-ёстиқлар йиғилмаган. Абдулла ака ўзига хос кувноқлик билан:

— Диван битталиги учун Кибриё опангиз иккалаамиз навбатма-навбат касал бўлиб турибмиз, — деб ҳазиллашдилар.

Пиқиллаб кулиб юборишдан ўзимизни зўрга тийиб қолдик. Дастурхон атрофига ўтирганимиздан кейин суҳбат худди аввалги галдагидек адабиёт, санъат мавзусида кечди. Бир таниқли драматург ва жамоат арбобининг замонавий мавзуда ёзилган драмаси Миллий театрда қўйилмоқда эди. Домла шу спектакль ҳақидаги фикримизни сўради. Иккалаамиз ҳам ҳали кўришга улгурмаган эканмиз, тўғриси айтдик.

— Кўриб бўладиган асар эмас, — деди Абдулла ака қизишган оҳангда, норозилигини яшириб ўтирмай. — Ҳаётдан узок. Турмушда бутунлай бунинг тескараси бўлади. — Бир оз тўхтаб тургач, худди босқон билан ураётгандек дона-дона қилиб фикрини давом эттирди. — Амалдор одамнинг асар ёзиши хотинига ишонмасдан ўйнаш орттирган эркакнинг ишига ўхшайди. Бундай эр, хотиндан ажраб қолсам, ўйнаш билан бўлиб кетавераман, деб мўлжал қилади. Амалдор ҳам мансабдан бўшасам ёзувчилик қилавераман деб ўйласа керак...

Абдулла аканинг бунчалик заҳарханда билан гапиришини биринчи марта эшитишим эди. Аввал эшитганларим ҳолва экан. Нима дейишимизни билмай оғзига қараб жим ўтирибмиз. Адабиёт манфаати устида гап кетганда у киши ҳеч кимни юз-хотир қилиб, аяб ўтирмас, кўнглидаги бор гапни дангалига кўндаланг қўйиб айтиверар экан. Шу куни бунга гувоҳ бўлдик. Бу аччиқ гаплар замирида ҳасад, бировнинг ютуғини кўролмаслик, ичи қоралик йўқ эди. Абдулла ака адабиётни ниҳоятда яхши кўрганидан, бу муқаддас даргоҳда ёлғон, сохта асарлар бўлишини хоҳламаганидан қуюнчаклик билан аччиқ гапларни айтиб, юрагини бўшатиб олмоқда эди. Ўз асарларининг қадр-қимматини яхши

биладиган, бошқалар олдида тили қисиклик жойи йўқ, ўзига ва ҳамкасбларига нисбатан ўта талабчан, ҳалол, покиза одамгина бундай гапларни бемалол айта оларди. Сўз заргари бўлган Абдулла аканинг бунга маънавий ҳуқуқи борлигини биз дил-дилдан сезиб ўтирардик.

Бояги асар ҳақида матбуотда мақтов мақолалар бирин-кетин босилиб турарди. Шулардан норозилигини билдирар экан, Абдулла ака бир жумла билан фаол домлаларимиздан бирини «гузлаб» ташлади:

— Бу йигитга ҳам ҳайронман. Тупша-тузук мақолалар ёзиб юрган эди. Яқиндан бери бировларнинг кўчада тушиб қолган гапларини топиб олиб, ўзиники қилиб айтадиган бўлиб қолипти...

Талабалар ҳам синчков халқ бўлади. Юқори курсларга чиқиб, «Литературная газета», «Вопросы литературы» каби нашрларни ўқийдиган бўлганимизда айрим домлалардаги фаоллик «сири»ни ўзимизча кашф қилган эдик. Марказий матбуотда бирон долзарб масала кўтарилса, бир-икки ойдан кейин улар ҳам шунга ўхшаш мақола билан ўзимизда ярқираб чиқиб қолишарди. Қўйилган муаммо бир, фақат мисоллар ўзбек адабиётидан олинган бўларди. Абдулла ака ана шу одатни худди азалдан билиб, кузатиб юргандек, айни кўнглимизда тугун бўлиб ётган гапларни топиб, юзага чиқараётгандек туюлган эди ўшанда...

Кўкламга яқин адам билан онам шаҳарга келиб, уларникида бир кеча ётиб кетишди. Йўлда онам бензин ҳидига ўрганмагани учун кўнгли айниб, касал бўлиб қолипти. Адам таксига ўтқазиб, тўғри Абдулла аканикига олиб келибди. Бу ерда уй таъмирланаётган экан, онамни кабинетдаги диванга ётқазиб қўйишибди. Адам факултетга келиб мени бошлаб борганда онам анча ўзига келиб, Кибриё опа билан гаплашиб ётган экан... Шу баҳонада Абдулла аканинг ижодхонасини ҳам кўриб олдим. Жавонлар тўла жилд-жилд китоблар, машҳур ёзувчилар билан тушган сураглар. Хона жуда оддий, камтарин жиҳозланган, диққатни чалғитадиган ортиқча нарсалар йўқ, Абдулла ака негадир кўринмасди.

— Нонга кетдилар, — деди Кибриё опа. — Ҳозир келиб қолади. Ғалати одатлари бор домлангизнинг. Магазинчи таниш. Шундай бораверсаям бўлади, лекин у киши йигирмата одам бўлса, албатта, энг охирида туриб навбат билан боради...

Катта ёзувчининг магазинга бориб у-бу нарсалар сотиб олиши, навбатда туриши, рўзгорга кўмаклашишини сира тасаввур қилмаган эканман, бу гапни эшитиб ниҳоятда ҳайрон қолганман.

Шу куни онам тузалгунча Абдулла ака билан Кибриё опа кўп меҳрибончиликлар кўрсатишди. Кейинчалик ошқозоним оғриб, шаҳарга келганимда Абдулла ака рентгенга тушишим учун таниш докторларга тайинлаб, Кибриё опани кўшиб юборгани, то ташхис аниқ бўлмагунча тиниб-тинчимаганини бир умр унута олмайман.

Эртаси куни хоразмлик курсдош дўстим Янгибой Исмоилов /ҳозир Гурлан туманида тadbиркор/ билан бу қутлуғ хонадонда яна меҳмон бўлдик. Шундан кейин ёлғиз ўзим тез-тез келиб турадиган бўлдим. Ҳар гал улкан бир сабоқ, маънавий ибрат олиб, кўнглим тоғдек кўтарилиб қайтар эдим. Мен учун университетдан олган билимларим бир мактаб бўлса, Абдулла ака суҳбатидан баҳрамандлик иккинчи тарбия мактабига айланган эди. Домланинг ҳам, Кибриё опанинг ҳам тўғри сўзлиги, одамшавандалиги, ҳалол ва камтарона турмуш тарзи ниҳоятда кучли таассурот қолдирди менда. Абдулла аканинг ижодига ихлосим ўн чандон ошиб кетди. Юқорида айтганимдек, у кишининг асарларини, айниқса, ҳикояларини қайта-қайта ўқидим. Бошқа ёзувчиларнинг китобларини ўқганимда эса уларни тил, тасвир, образ яратиш усуллари жиҳатидан, айтайлик «Анор» ёки «Даҳшат»га қиёслаб кўрадиган бўлдим. Ана шу тарзда кейинги асарнинг ютуғи қаердаю камчилиги қаерда эканини ўзимча топишга уринар эдим. Диплом иши учун мавзу олинадиган пайтда ҳеч иккиланмасдан «Ўтмишдан эртактлар»ни танладим. Л. Толстой, М. Горький, Ф. Гладков, Ойбек, С. Айниёлар яратган автобиографик мавзудаги асарларни ақлим етганча ўрганган бўлдим. Лекин битта муаммо жумбоқлигича қолаверди. «Ўтмишдан эртактлар»да воқеалар

ёш бола тилидан ҳикоя қилинса-да, юқоридаги ёзувчиларнинг асарларига сира ўхшамас эди. Абдулла ака ҳикояларида асосан Н. В. Гоголь, А. П. Чехов каби рус ёзувчиларининг анъаналарини давом эттиргани маълум. «Ўтмишдан эртақлар» да кимнинг изидан борган экан? Мана шу жумбоқни аниқлаб олмагунча қиссадаги ўзига ҳослик сирини ечишим қийин эди.

Бир куни «Синчалак»нинг Москвада босилган янги нашрини кўтариб, Абдулла аканинг ҳузурига йўл олдим. Бояги саволларимни айтган эдим, Абдулла ака қисқагина қилиб гап нимадалигини тушунтириб берди.

— Сиз айтган китобларни ўқиганман, албатта. Лекин уларга эргашганим йўқ. Қиссадаги ҳар бир боб алоҳида ҳикоя эканига эътибор бердингизми? Асарга ўтмиш мавзусидаги ҳикояларимнинг мантиқий давоми сифатида қаранг. Шунда у қандай асар эканини билиб оласиз, — деди.

Мен, албатта, бу сўзлар моҳиятини бирданига англаб ололмадим. Қиссани қайта-қайта ўқиб, узоқ мушоҳада қилганимдан кейингина Абдулла ака айтган гапларнинг маъзини чақишга эришдим. Кўз олдимни тўсиб ётган туман тарқаб, атрофим ёришгандек бўлди. Абдулла ака ҳикоячиликда бир умр давомида эришган юксак маҳоратини бу асарида ажойиб тарзда синтезлаштира олган, чинакам санъаткорлик, чинакам новаторлик намунасини кўрсатган эди. Ана шуларни англаб, ҳис қилганимдан кейин ишим юришиб кетди. Илмий раҳбарим, профессор Ғулом Каримовнинг тавсиясига кўра, қисса ҳақида ҳамкорликда мақола ёзиб газетага бердим. «Тошкет ҳақиқати» газетасида май ойида чиқаришга мўлжалланган бу мақола зилзила туфайли орқага сурилиб кетди ва мен университетни битириб, ўз қишлоғимда ўқитувчилик қилиб юрган кезларимда /1966 йил 21 октябрь/ босилди. Уни Абдулла ака ўқидими-йўқми, билолмай қолдим...

Шу куни хайрлашаётиб, дастхат ёзиб беришни илтимос қилиб, «Синчалак»ни узатдим. Абдулла ака китобни кўриб жуда хурсанд бўлиб кетди. /Москва нашри қалин муқовада, чиройли расмлар билан чиққан эди./ Кўлига олиб, бирпас ўйлаб турди-да, дабдурустдан:

— Шоир бўласизми ёки олимми? — деб сўраб қолдилар. Бундай саволни кутмаганимдан довдираб қолдим. Кулоқларимгача қизариб кетганини сезиб турибман. «Шеър машқ қилишимни қаердан билиб олдийкин?» деб ўйлайман нукул. Кибриё она Хумсонда бўлганида синчковлик қилиб сўраб-суриштирган, баъзи машқларимни ўқиб кўрган ҳам эди. Демак, иккаласи ўртасида бу ҳақда гап бўлган экан-да!... Нима дейишимни билмай, каловланиб турганимда Абдулла аканинг ўзи хижолатдан қутқазди.

— Келинг, олим бўлақолинг!.. — деди-да, кўк сиёҳ билан: «Бўлажак олим Ортиқбойга» деб ёзиб, имзо чекди. Китобни кўлимга тутқазар экан, «Ёш гвардия» нашриётида «Синчалак» нинг янги нашри чиқаётганини айтди ва: — Яхши китоб бўлган. Озоднинг мақоласиям бор. Уни ҳам оласиз, — деб кўйди...

Кейинчалик ўйлаб қарасам, Абдулла ака оддий дастхат эмас, аслида менга оқ фотиҳа берган экан. Шунча учрашувлар, суҳбатларимиз давомида синчиклаб кузатиб, кўлимдан нима иш келиш-келмаслигини билиб, чамалаб юрган ва тўғри йўлга солиш учун яхши тилаклар билдирган экан. Бу тилак замирида: «Вақтингни беҳуда ишларга сарфламасдан қўлингдан келадиган ишни қил, изланишдан, меҳнатдан эринмасанг, одам бўласан», деган фикр ётганини йиллар оша англаб етдим.

Кузнинг илиқ қунларидан бирида Дўрмондаги боққа Маҳмуд Саъдинов билан чиқиб, уч-тўрт соат давомида домланинг адабиёт ва санъатга доир қимматли фикрларидан, мулоҳазаларидан баҳраманд бўлганмиз. Бахтимизга, изма-из университетдаги катта домлаларимиздан бири, профессор Лазиз Қаюмов ҳам келиб қолиб, суҳбат ўз-ўзидан қизиб кетган эди. Гап аввал академик Румянцевнинг «Известия» газетасида босилган «Совет интеллигенциясининг ижодий кучи» номли йирик мақоласи устида борди. Унда долзарб мавзуларда ажойиб асарлар ёзган машҳур рус ёзувчиси Владимир Тендряковнинг «Умри

қисқа иш» /»Подёнка — век короткий»/ қиссаси асосиз танқидлардан ҳимоя қилинган ва бу асар адабиётнинг ютуқларидан бири сифатида баҳоланган эди. Дилидаги гаплар кўтарилгани учун Абдулла ака бу мақоладан жуда хурсанд бўлиб ўтирган экан.

— Ҳақиқатни ёқлайдиган одамлар бор экан-ку, — деган эди у киши очикчасига кўчиб. Сўнг бир неча танқидчининг номини тилга олиб, мақолаларидаги офаринчилик, хушомадгўйлик, ҳақиқатдан чекиниш каби ярамас иллатларни қаттиқ қоралаган эдилар. Айниқса, шу куни бир танқидчига берилган таъриф сира эсимдан чиқмайди:

— Бу одамнинг ё мияси ишламайди ёки миясидаги баъзи парракчалар қотиб қолган. Шунинг учун тўғри фикр юритолмайди... Мансабдорлиги пайтида мени олдига чақириб шундай буйруқ берди: «Совет оиласи ҳақида бир саҳна асари ёзасиз. Саҳнанинг бир томонида илғор совет оиласи бўлсин, иккинчи томонида қолоқ совет оиласи турсин...» Бунақанги қуруқ буйругу тайёр андаза билан асар ёзиб бўлмаслигини унга ҳеч тушунтира олмадим...

Абдулла ака мана шу тарзда дадил фикрлар айтиб, фақат ҳақиқатни ҳимоя қилганини бир қанча суҳбатда гувоҳи бўлдим. У шунчаки эрмак учун ёки бировнинг қўнглига қараб ёлғон гапирганини кўрганим йўқ. Мана шу фазилати учун у кишига ҳамманинг ихлоси, меҳри баланд эди.

* * *

Ушбу хотиралар ўтган асрнинг саксонинчи йилларда «Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотираларида» тўплами учун ёзилган эди. Уни устозим Озод домла ўқиб, маъқулаган. Аммо турли сабаблар билан босилмай қолганди. Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан уни журналга тайёрлар эканман, хотиралар дастлаб қандай ёзилган бўлса, шундайлигича, деярли ҳеч қандай ўзгартиришларсиз эълон қилишни лозим топдим.

Муаллиф

Аруз ҳақида рисолалар

Аруз қоидалари, бадиий санъатларга доир асарлар, рисолалар Ўрта асрларда кўплаб яратилгани маълум. Анъанага кўра бундай асарлар дастлаб араб ва форс тилларида, кейинчалик эса туркий тилда ёзилди.

Бунинг ўзига хос табиий ва тарихий-ижтимоий сабаблари мавжуд. Аруз поэтикasi асосларини яратган кўпчилик олимлар ўз даврининг етуқ ва билимдон кишилари бўлганлар. Уларнинг тафаккури ўз даври анъанасига кўра арабий билимлар мажмуи асосида шакллантирилган. Уша давр зиёлиларининг барчаси арабча таълим олганлар. Ана шу билимлар таркибида араб тили грамматикasi ва филологияси, шу жумладан поэтологияси асосларининг бўлиши табиий ҳисобланган. Грамматика, морфология, синтаксис, мантиқ, фалсафа, поэтика асослари, тарих каби фан соҳалари араб мусулмон маданиятига хос ижтимоий фанлар таркибига кирган. Ана шу фанларни ўрганиш ва билиш ўша давр одамларининг салоҳияти ва заковатидан дарак берган.

Араб ва форс тилидаги адабиёт, шу жумладан назм асослари ва назариясига оид илк асарлар XI аср охири ва XII аср бошларида юзага кела бошлайди. Бу даврда адабиётшуносликнинг юнон адабиёти таъсиридаги поэтикasi асосан араб тилида яратилади ва ривожланади. Бу жараённинг машҳур уламолари Ибн Сино, Беруний, Замахшарий, Форобий, Ибн Рушд ва Хоразмийлардир. Уларнинг барчаси у ёки бу даражада Хоразмшоҳлар саройида фаолият олиб боргани учун Хоразмшоҳлар маданияти маркази ва ўчоғининг вакиллари ҳисобланадилар. Машҳур адабиётшунослардан Рашидиддин Ватвот кейинчалик «Хоразм ҳар даврда илм кишиларининг қўноғи ва донишмандларни ўзида жам қилган «карвон саройи» бўлган», деб таъкидлаганлиги бежиз эмас.

Араб мумтоз шеършунослигини ривожлантиришда, мусулмон маданиятининг бошқа барча соҳаларидаги каби, ўзбек заминидан чиққан уламоларнинг хизмати ҳам жуда эътиборли бўлган. Араб шеършунослигининг ривожидида ўзбек замини етиштирган олимлардан Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Саккокий, Маҳмуд Замахшарий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Исмоил ал-Жавҳарийларнинг асарлари салмоқли ўрин тутади.

Шеършунослик Шарқда икки асосий йўналишда ривожланган. Биринчи йўналиш Аристотелнинг «Поэтика»си асосида адабиётнинг ижтимоий вазифasi, англаш, бадиий санъатлар моҳиятини тушунтириш борасидаги умумлашма фикрларга таянади. Иккинчи йўналиш эса, Халил ибн Аҳмаднинг аруз назариясига суянади. Мазкур йўналишдаги олимлар ҳаракати арузий шеърнинг ички қурилиши қонун-қоидаларини муфассал ишлаб чиқиш, шеърнинг энг кичик товуш элементлари, шеърда мавзунликни ташкил қилувчи унсурлар, шеър вазни, вазнлардаги тўғри ва нотўғри ҳолатлар, шеър қофияси, шеърдаги бадиий санъатлар ва уларнинг қўлланиш қоидалари каби масалаларни ўз ичига қамраб олган. Мазкур талқинлар соф шеършунослик йўналишини ташкил қилган.

Араб мусулмон маданияти таркибида тараққий этаётган адаб илми аста-секинлик билан ўз эътиборини ажам, яъни араб бўлмаган халқлар маданияти ва адабиётига қарата бошлайди. Ана шу жараёнда бошқа халқлар адабиёти араб адабиётшунослиги нормалари асосида тушунтирила ва баҳолана бошланади. Шу

нуқтаи назардан, Ўрта асрлар форс поэтикаси ва адабиётшунослиги араб поэтикаси методологиясини тўла ўзлаштириш ва уни тадрижий ривожлантириш йўлидан бориб, ўзи ҳам тараққий эта бошлаган.

Ўрта асрлар поэтикаси, ёки адаб илми уч асосий қисмдан ташкил топган: илми аруз, илми қофия ва илми баде. Атоуллоҳ Хусайний «Бадойи ус санойи» асарида адабиёт тўғрисидаги илмлар қаторига илми балоға — риторика тўғрисидаги фанни; илми маоний — тимсол, яъни образлар тўғрисидаги илмни; илми баён — стилистикани; илми тавобий балоға — риторикага бўйсунган илмларни киритади. Улардан илми балоға билан илми тавобий илми бадени ташкил қилган. Шу билан бирга баде санъатларини лафзий ва маънавийга бўлинишини фанга Атоуллоҳ Хусайний олиб кирган.

IX-XI асрда Шарқда араб тилида поэтикага оид бир қатор рисолалар ёзилди. Уларнинг ичида Ибн ал Мутаазнинг (861-908) «Китоб ал баде», Ибн Кутайбанинг (828-889) «Аш шеър ва-ш шуаро», Кудамма ибн Жаъфарнинг (в.й. 922) «Нақд аш-шеър», Абу Хилол ал-Аскарининг (в.й. 1005) Китоб ас-синоъатайн», Абдул Қоҳир Журжонийнинг (в.й.1079) «Асрор ал-балоға» ва «Далойил ад иъжоз» каби рисолалари араб сўз санъати ва поэтикаси асосларини таҳлил қилиб, унинг келгуси ривожланиш тамойилларини белгилашга катта хизмат қилди. Бу асарлар форс ва туркий адабиётлар такомил учун ҳам мумтоз андоза ва бадиий поэтика асосларини таъминлади.

Шарқда машҳур ва манзум бўлган «Таржума ал-балоға» асари муаллифи Раддуёнийнинг хабар беришича, X асрда ижод этган Абул Аълоий Шуштарий ва Абу Юсуф каби олимлар форс арузи ва қофиясига бағишлаб ёзилган илк асарлар муаллифи ҳисобланади. Форс арузи ва қофиялаш қонуниятлари ҳақида асар битган уламоларга доир маълумотлар Авфийнинг «Лубоб ул-албоб» тазкирасида, ас-Саолибийнинг «Йатимат ат-даҳр» китобларида ҳам келтирилади. Аммо Шуштарий ва Абу Юсуфнинг асарлари бизнинг давримизгача етиб келмаган. Шу боис, бу асарлар қайси тилда ёзилганлиги номаълум. Аниги шуки, бу манбалар форс шеърияти ҳақидадир. Раддуёнийнинг ўзи эса илми баде ҳақида асар яратган буюк алломалардан бири ҳисобланади. У Фарғона водийси ҳудудларида туғилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Атоуллоҳ Хусайнийнинг маълумот беришича, Ҳасан Ахваш янги баҳр кашф қилган ва уни «муҳдас» деб атаган, бошқалар уни «ракз ал-Халил» деб аташган, аммо бу баҳр арузшунослик тарихида кўпроқ «мутадорик» номи билан сақланиб қолган.

Низомий Арузий Самарқандийнинг «Чаҳор мақола»сида таъкидланишича, 1106 йилда оламдан кўз юмган Абулҳасан Али Баҳром Сараҳсий аруз ва қофия ҳақида «Фоят ул-арузайн» ва «Қанз ул-қофия» асарларини таълиф этган. Арузий Самарқандийнинг фикрига кўра, таъкидланган китобларни ҳар бир шоирликка даъво қилувчи шахс, албатта ўқиб, ўрганмоғи лозим ҳисобланган. Аммо мазкур рисолалар ҳам сақланиб қолмаган.

XI асрда олимлардан Абу Абдулла Қураший, Бузургмеҳр Койинийлар ҳам форс арузи ҳақида асар яратганлар. Қураший, Койиний ва Сараҳсийнинг форс арузи такомилдаги ўзига хос аҳамияти, Шамс Қайс Розий фикрига кўра, уларнинг форс арузига тааллуқли мустақил вазнлар (сарим, кабир, бадил, калиб, ҳамид, сағир, асам, салим, ҳамим) доирасини ихтиро қилганликлари билан белгиланади. Бу асарлар ҳам давримизгача етиб келмаган.

XI аср охири ва XII аср бошида Айнуззамон Имом Абуали Ҳасан арузга доир махсус рисола яратади. Ахрабу ахрамнинг 24 вазни асосида битилган рубойий вазнлари таҳлили туфайли бу олим рубойий вазнларининг ихтирочили даражасига қўтарилиди. Абуали Ҳасан тавсифлаган рубойий вазнлари назарияси бугунгача ўзгармасдан келмоқда. Рубойий вазнлари назарияси кейинчалик туркий арузчилар томонидан ҳам қабул қилинган бўлиб, Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон» ва Заҳридин Муҳаммад Бобурнинг «Аруз рисоласи» асарларида ижодий давом эттирилди.

Шамсиддин Муҳаммад Қайс Розийнинг «Ал муъжам фи маойири ашъор ал ажам» (Ажам шеърлари меъёрлари луғати) ва Насириддин Тусийнинг «Меъёр ул ашъор» (Шеър вазнлари) асарлари аруз вазни борасидаги энг мукамал ва машҳур асарлардан ҳисобланади.

Бу асарлар ҳақида атоқли шоир ва олим Мақсуд Шайхзода Алишер Навоий шеърятига бағишланган «Устознинг санъатхонасида» номли йирик мақоласида ҳам батафсил маълумотлар берилган.¹

«Ғиёс ул луғат» китобининг муаллифи Муҳаммад Ғиёсиддиннинг фикрига кўра Салмон Саважийнинг (1310-1376) ҳам арузга бағишланган махсус асари бўлган. Бу рисола «Қасидат ун маснуот ал аруз» деб номланган. Муҳаммад Ғиёсиддин ўзининг «Меърож ул аруз» асарида «мен Саважийнинг арузга доир асаридан фойдаландим» деган фикрни зикр этиб ўтади.

Аруз илмининг назарий ривожидида кейинги босқич XV-XIV асрларга тегишлидир. Бу даврда бир неча олимларнинг аруз санъатига доир асарлари яратилади. Улар ичида Воҳид Табризийнинг «Жамъи мухтасар», Сайфи Бухороийнинг «Арузи Сайфи», Атоуллоҳ Хусайнийнинг «Бадойи ус санойи» каби рисолалари бизгача етиб келган. Кейинги давр олимларидан Хўжа Ҳасан Нисорийнинг (1516-1597) «Чаҳор гулзор», Муҳаммад Ғиёсиддиннинг 1827 йили яратилган «Ғиёс ул луғат» таркибидаги «Меърож ул аруз», Муҳаммад Ибнулқайснинг «Ҳадойиқ ул аҷам», Адиб Нишопурийнинг XIX асрда яратган «Рисола дар илми арузи форси ва араби» каби рисолалари мавжуд.

Мовароуннаҳрда Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида яшаб ижод этган Шайх Аҳмад ибн Худойлод Тарозий арузни ўзбек тилидаги шеърят билан боғлаган биринчи тадқиқотчилардан ҳисобланади. Унинг «Фунун ул балоғат» («Бадийлик илмлари») асари маълум бўлиб, у Улуғбекка бағишланган. Асар «Латойифи Тарозий» («Тарозий совғалари») деб ҳам аталади. Мазкур рисола ўзбек адабиётшунослиги тарихида шеършуносликка доир ўзбек тилида ёзилган илк назарий кўлланмадир. «Фунун ул балоғат» беш қисмдан иборат. Мазкур асарнинг ўзбек адабиёти тарихи учун муҳим аҳамияти шундаки, унда туркий тилда ижод қилган ўнлаб шоирларнинг номлари келтирилади. «Фунун ул балоғат»нинг ягона кўлзма нусхаси Англиянинг Бодлеан кутубхонасида сақланади.

Аруз илми тараққиётида ўзига хос ўрин тутган рисолалар ва муаллифлар таснифи:

1. Абдул Алоий Шушгарий – X аср шоири ва арузшунос олимларидан. Ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар жуда кам. Раддуёний «Таржума ал балоғат»да, Асади Тусий «Луғати фурс»да шеър санъатлари борасида сўзлаганда Шушгарий шеърларидан мисол келтириб ўтади. Шушгарий шеърларидан фақат 19 байт сақланган холос. Мазкур шеърлий парчалар «Рудакий замондошлари шеърлари» номли китобда chop этилган.

2. Баҳром Сараҳсий Абдулҳасан Али – арузшунос ва шоир. Туғилган йили номаълум. 1106 йилда вафот этган. Сараҳсий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар кам. «Лубоб ал албоб» муаллифи Авфийнинг айтишича, истъодли шоир бўлган. «Хужастаннома» номли аруз ҳақида ҳамда «Ғоят ул арузайн» ва «Казн ул қофия» каби рисолаларни ёзган. Адиб «Ғоят ул арузайн»да араб ва форс арузларини солиштириб, уларни қиссий ўрганган. Шоирнинг илмий рисолалари ҳақидаги маълумотлар Низомий Арузий Самарқандийнинг «Чаҳор мақола»си орқали етиб келган. Қайс Розийнинг фикрига кўра, Сараҳсий Бузургмехр Койиний билан бирга форс арузининг уч янги доирасини кашф қилган. Мазкур аруз доиралари: мунғалата, мунаълиқа ва мунъакиса деб аталган. Шоир ижодидан баъзи байтларгина сақланиб қолган.

3. Бузургмехр Койиний Абумансур Қосим ибн Иброҳим – арузшунос ва шоир. XI асрда яшаб ижод қилган, ҳаёти ва адабий мероси ҳақида жуда кам маълумот етиб келган. Араб ва форс тилларида шеърлар ёзган. Низомий Арузий Самарқандийнинг маълумотига кўра, Койиний Маҳмуд Ғазнавий саройи шоирларидан бўлган. У Баҳром Сараҳсий билан ҳамкорликда янги аруз доираларини кашф қилган. Асарларидан айрим парчаларгина сақланиб қолган.

4. Раддуёний – филолог олим, «Таржума ал балоғат» асарининг муаллифи. Бу асар форс тилида бадий санъатларга бағишлаб ёзилган биринчи рисола ҳисобланади. Асар араб баде санъатига бағишланган Абул Ҳасан ал-Марғинонийнинг «Маҳасин ал қалам», Муҳаммад бин Довуд Исфаҳонийнинг «Китоби зуҳра» ва ниҳоят Ибн ал Мутаазнинг «Китоб ул баде» рисолалари асосида яратилган. Баъзи олимлар Раддуёнийнинг китоби араб олимлари рисолаларининг оддий таржимаси холос, деб

¹Мақсуд Шайхзода. Асарлар, 4-жилд, 156-369 бетлар.

янглиш фикр билдиришади. Аслида, Раддуёний араб поэтикасидан фақат бадий санъатлар таснифи ва матнни жойлаш меъёрларини олган холос. Ана шу умумий мезонлар асосида форс тилида ёзилган бадий асарлар негизида мустақил қарашларини баён эта олган. Аввал бу асарни Фаррухий Систоний ёзган, деб ҳисобланар эди. Аммо турк олими Аҳмад Оташ рисоланинг ноёб қўлёзмасини топгандан сўнг, унинг Раддуёний қаламига мансублиги иёботланган. 1949 йилда Истамбулда Оташ асар факсимиле ва транслитерациясини нашр қилиб, мукамал изоҳлар тизимини ишлаб чиқади. Оташ ҳам араб олимлари ва Раддуёний асарларидаги ўзига хос томонларни аниқ кўрсатиб беради. Масалан, Раддуёний 77 санъатни таърифлаган бўлса, ал Марғиноний фақат 32 санъатга доир хусусиятларни келтиради. Раддуёний ҳар бир санъатни тушунтиришга жуда кенг ва атрофлича ўрин берган бўлса, Марғиноний баъзи санъатларни тўла, баъзи санъатларни эса жуда қисқа таърифлаш билан чегараланади. Шунингдек, Марғиноний мисолларни асосан Қуръон ва Ҳадислардан келтирса, Раддуёний асосан бадий адабиёт намуналарига таянади. Демак, Раддуёнийнинг рисоласи араб поэтикасига аосланган мустақил асар ҳисобланади. 1960 йилда асар Техронда Оташ изоҳларисиз босмалан чиқади. У берган маълумотларга қараганда, асар 1088 ёки 1114 йиллар оралиғида яратилган. Али Қавим эса асарнинг бошқа қўлёзмаси Кермонда, шайх Аҳмад Адиб Кермонийнинг шахсий кутубхонасида сақлаётганлиги ҳақидаги маълумотларни келтиради. Асар шеършунослик ва адабиётшунослик нуқтаи назаридан илмий-қийсий тадқиқ этилса, аруз санъати эволюциясидаги бир босқич ўрганилган бўлар эди.

5. Рашидиддин Ватвот — XII асрнинг машҳур шоири ва адабиётшуноси, аруз санъати назарияси асосчиларидан бири. «Ҳадоийқ ус сеҳр фи дақойиқ аш шеър» асари машҳур. Асар (1908 ва 1960 йилларда) Техронда нашр қилинган. Рус олими Н.Ю. Чалисова томонидан илмий тадқиқ этилиб, таржима ва изоҳлари билан нашр этилган.¹

6. Шамс Қайс Розий — арузшунос олим, аруз илмининг йирик назарийчиси, «Ал мўъжам фи маойири ашъор ул аҷам» китобининг муаллифи. Бу асар «Аҷам шеърларининг андозалари луғати» деб таржима қилинди. Китобнинг бошқа номлари — «Ҳадоийқ ул мўъжам» ва «Ал қофи фил арузайн вал қавофи» дир. Илми аруз, илми қофия ва бадий санъатлар мужассам тарзда баён қилинган, бу асар тахминан 1218 йилларда ёзилган. Китоб дебочасидаги маълумотларга қараганда, Розий Марв шаҳрида бўлганида донишмандлардан бири ундан форс мумтоз поэтикасига бағишлаб асар ёзишни илтимос қилади. Шундан сўнг шоир «Ал Мўъжам»ни яратади. Розий асарнинг биринчи нусхасини бир йилда — мўғуллар истилосига қадар ёзиб тугатади. Аммо 1219 йилда мўғуллар ҳужуми натижасида Муҳаммад Хоразмшоҳ саройи аёнлари қаторида Шамс Қайс Розий ҳам Ироққа қочишга мажбур бўлади. Фарразин қалъаси яқинида Хоразмшоҳ хасталанади ва кўч-қуронидан ажралади. Шу талатўпда «Ал Мўъжам»нинг биринчи нусхаси йўқотилади. Шамс Қайс Розий 1226 йилда Ироқдан яни Эронга келади ва ўз китоби бошига тушган кулфатдан хабар топади. Китобнинг баъзи сақланиб қолган қисмларини Фарразин қалъаси атрофида яшовчи деҳқонлар Розийга олиб келиб беришади. Шундан сўнг Шамс Қайс Розий шеър санъатига бағишланган рисоласини қайта ёзади ва поёнига етказди. Бу воқеа 1233 йилда рўй беради. Шамс Қайс Розийнинг бу асари ҳам араб, ҳам форс шеърятига бағишланган. Китоб ҳажми жуда катта эди. Шу боис, ўша давр донишмандлари Шамс Қайс Розийдан форсий адабиёт поэтикасига бағишланган қисмларни ажратиб беришни илтимос қилишади. Чунки араб тилини билганлар, форс тилида ёзилган қисмларини, форс тилини билганлар эса, араб тилида ёзилган бўлимларини англашга қийналар эди. Шу сабабли Қайс Розий ўз асарини икки қисмга ажратади ва ҳар икки шеърят поэтикасини алоҳида баён қилади. Форсча ёзилиб, форсий адабиёт хусусиятларига бағишланган қисмига бадий санъатлар тўғрисидаги бобларни киритиб, «Ал Мўъжам» номи билан атади. Араб адабиётига бағишланган қисмини эса «Ал Мўъраб фи маъойири ашъор ал араб» деб номлайди.

«Ал Мўъжам» дебоча, икки қисм ва хотимадан иборат. Дебочада библиографик қисмлар мавжуд. Асарнинг аруз ҳақидаги қисми тўрт бобдан иборат. Биринчи

¹Чалисова Н.Ю. Рашид Ад-Дин и его трактат «Сады волшебства в тонкостях поэзии» М.: Восточная литература РАН, 1985

боб аруз сўзи маънолари ва мазкур атаманинг маънолари тўғрисидадир. Иккинчи боб арузнинг жузлар ва вазнлари борасида. Учинчи боб, вазнлар таҳлили ва тармоқ вазнлар; тўртинчи боб, қадимги баҳрлар ва аруз доиралари ҳақидадир. Муаллиф аруз сўзининг маънолари, вазндор ва вазнсиз калом тафовутлари, асл ва тармоқ рукнлар, мисрадаги рукнлар тартиби моҳияти, асар рукнлари ва рукнлар тартиб берадиган солим баҳрлар, уларнинг номлари ва атамалар таснифи, араблардаги асл рукнлар ва форс тилида бу тизимга киритилган ўзгаришлар, форсий аруз ва араб арузи ўртасидаги фарқлар борасида кенг фикр юритади. Китобнинг иккинчи қисми қофия ҳақидадир.

«Ал Мўъжам» кейинги авлод арузшунослари ва тадқиқотчилари учун ҳам тадқиқ объекти бўлиб хизмат қилган. Масалан, Абдулқаҳҳор Ибн Исҳоқ (Ал Шариф) асарнинг қисқа матнини тайёрлаган ва уни «Мезон ул авзон ва лисон ул қалам дар шарҳи алфози ажам» номи билан атаган. Кейинги авлод арузшуносларининг барчаси табиий равишда Шамс Қайс Розийнинг «Ал Мўъжам» асарига таянишган. Шу жумладан, ўтган аср тадқиқотчиларидан Парвиз Нотил Хонларий, Абдулваҳҳоб Қазвиний (1909), Мударрис Ризавий (1960), шунингдек инглиз олими Э.Брайн ҳам аруз борасидаги тадқиқотларида Шамс Қайс Розий асарига таянишган. Асар бир неча бор Эронда замонавий услубларда нашрдан чиққан. Асар тожик олимларидан А.Сатторов, Р.Х.Ходизода, Х.Шариповалар эътиборини тортган. Аммо асар шеършунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилинишга муҳтож ҳамда уни қиёсий ўрганиш зарурияти мавжуд.

7. Насридин Тусий – форс адаби ва мугафаккири, «Меъёр ул ашъор» китобининг муаллифи. Форс ва араб арузи ҳамда қофиясига бағишланган мазкур асар 1252 йилда ёзилган. Асар муқаддима ва икки қисмдан иборат. Биринчи қисм арузга, иккинчиси эса қофияга бағишланади, ҳар бири ўн фаслдан иборатдир. Биринчи қисмда Насридин Тусий Халил ибн Аҳмад назарияси асослари, араб ва форс адабиётларидаги унинг кўринишлари, араб шеърятига хос бўлган тавил, мадид, басит, вофир ва комил вазнларига хос хусусиятлар, улар ташкил қиладиган доиралар ҳақида атрофлича маълумот келтиради. Олим бу вазнларни форс адабиёти учун нолюйқ ҳисоблайди. Аруз вазнларини «араб арузи доиралари», деб беш доирага, ва «форс арузи доиралари» деб қолган беш доирага жамлайди. Араб арузи доираларига мухталифа, муъталифа, мужталиба, муштабаҳа, муттафиқаларни киритади. Форс арузи доиралари қаторига мужталибаи солима, мужталибаи музоҳафа, муштабаҳаи мусаммана, муштабаҳаи мусаддаси ва муттафиқаларни киритади. Тусий арузнинг энг асосий, энг кичик унсурлари деб, мусиқийликни ва товушлар (овоз)ни белгилайди. Шу билан бирга, адиб қофияни шеърнинг бош хусусиятларидан бири дейди, ва қофиясиз шеърни шеър ҳисобламайди. «Меъёр ул ашъор»нинг тили содда ва раvon бўлиб, кўпчилик мураккаб ҳолатлар олдий баён қилинган. Шу боис, бу асар кўп мартаба кўчирилган ва кенг тарқалган.

8. Шамси Фаҳрий – арузшунос олим, адиб ва файласуф. Унинг арузга доир икки асари мавжуд: «Меъёри жамолий» ва «Меъёри нусратий». Олим XIV асрда яшаб ижод этган. Мазкур асарлар шарқ классик поэтикаси тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар мажмуидан иборатдир. Фаҳрий бу асарни Шероз ҳокими Жамолиддин Абуисҳоққа бағишлаб ёзган. Асар тўрт қисмдан иборат. Асарнинг аввали бошидаги уч қисми аруз, қофия ва илми бадиғага бағишланади. Китобнинг тўртинчи қисмида Асади Тусийнинг «Луғати фурс» асарига монанд равишда 1600 сўзга изоҳ беради. Китобнинг тўртинчи қисми ўз даврида жуда машҳур бўлган. Шунинг учун уни «Луғати Шамси Фаҳрий» деб ҳам номлашади. Ана шу қисм К.Г.Залеман 1885 йилда «Луғати фурс» номи билан, эронлик олим Содик Қиё эса 1929 йилда «Важаномай форсий» номи билан нашр қилган. А.Т.Тагирджанов ҳам Шамси Фаҳрий асарларини тадқиқ этган. Шамси Фаҳрийнинг «Меъёри нусрати» асари тахминан 1313 йилларда ёзилган. «Меъёри жамоли ва мифтахи Абдуисҳоқий» эса 1344 йилларда ёзиб тугатилган. Бу рисолалар ҳануз илмий тадқиқ этилмаган. Шамси Фаҳрий ўз асарини яратишда Қайс Розий, Асади Тусий ва Рашидиддин Ватвот асарларига таянган.

9. Воҳид Табризий – шоир, адабиётшунос ва арузшунос. «Жамъи мухтасар» асари муаллифи. XIV аср охири ва XV аср бошида яшаган. Туғилган ва вафот этган йиллари номаълум. Табриз шаҳрида туғилган. Воҳид Табризийнинг лирик

шеърлари қаторида адабиётшунослик бўйича икки асари давримизгача етиб келган. Улар «Мифтоҳ ул бадоъий» ва «Жамъи мухтасар». Бу китобларнинг ҳар иккаласи илмий ва амалий аҳамиятга эга. Ҳар икки китоб ўзининг жияни Сайфиддин учун махсус ёзилган бўлиб, илмларни тупунтиришдаги келтирилган шеърий мисоллар Воҳид Табризийнинг ўзига тегишлидир. Китоблар жўн ва тушунарли тилда ёзилганлиги билан ажралиб туради.

Рус олими А.Е.Бертельс 1959 йилда асарнинг танқидий матнини нашр этган.

10. Тож ул Ҳалавий — XII аср форс адабиётшуноси. Асосий асари «Дақойиқ уш шеър» деб номланиб, илми баде ва қофия айблари ҳақида. Рисола уч қисмдан иборат, асарнинг биринчи қисми маънавий шеър санъатлари таснифига бағишланган. Иккинчи қисмда эса шаклий шеър санъатлари таснифи берилган. Учинчи қисм қофия турлари ва шеър иллатларига бағишланган. Асар содда ва раvon тилда ёзилган. Асарда форс мумтоз шоирлари ижодидан намуналар келтирилади. Рисола 1963 йилда Эронда Сайид Муҳаммад Имом томонидан илмий изоҳлар билан нашр қилинган.

11. Абдулқаҳҳор Самарқандий — арузшунос ва шоир. Туғилган йили номаълум. 1493 йилда вафот этган. Абдулқаҳҳор Самарқандий ўз асрининг билимдон кишиси сифатида қофия ва аруз илмларига бағишланган “Арузи Хумоюн” асарини яратган. Китобнинг асл номи “Мезон-ул-авзон” бўлган. Аммо 1959 йилда Маҳаммад Ҳасан Адиб Хиравий уни Техронда “Арузи Хумоюн” номи билан чоп эттирди. Шундан сўнг бу асар “Арузи Хумоюн” номи билан аталади. Рисола икки қисмдаги иборат, биринчи боб арузга, иккинчи боб қофия қонуниятлари ва турларига бағишланган. Муаллиф ўз асарини ёзишда ʻайс Розий ва Насриддин Тусий рисоаларига таянган. Аммо барча мисоллар ўз асрида яшаган шоирлар ижодидан келтирилганлиги сабабли асарнинг тарихий-адабий қиммати юқоридир.

12. Атоуллоҳ Ҳусайний (Амир Бухониддин Атоуллоҳ Нишопурий) — шоир ва адабиётшунос. Туғилган йили номаълум, 1513 йили Машҳад шаҳрида вафот этган. Ҳирот шаҳрида таълим олган. Машҳур Ҳирот мадрасаларидан бўлган Ихлосия ва Султонияларда мударрислик қилган. Аруз ва қофия илмида ўз даврининг билимдон кишиси ҳисобланган. У ҳақда Алишер Навоий “Мажолсун нафоис” асарида илиқ сўзлар айтади. Атоуллоҳ Навоий ва Жомийнинг дўстларидан ва устозларидан ҳисобланган. Алишер Навоий ўзининг туркий арузга бағишланган “Мезонул авзон” асарини ёзишдан аввал Атоуллоҳ Ҳусайнийдан аруз қонуниятлари бўйича сабоқ олган.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур эса, Атоуллоҳ Ҳусайний ҳақида унинг араб лексикологиясини жуда чуқур билганлигини, қофия тўғридаги рисоласи мавжудлигини, илми бадега аталган машҳур китоб муаллифи эканлигини айтиб ўтади. Бобурга Ҳусайнийнинг барча китоблари жуда машҳур эканлигини таъкидлайди.

Хондамир Амир Атоуллоҳ ва Алишер Навоий ўртасидаги муносабатларни ойдинлаштирувчи тарихий воқеаларни тилга олади. Бир куни Атоуллоҳ Ҳусайний патранж ўйнаб ўтирган Алишер Навоий ҳузурига кириб келади. Келишдан мақсади Навоийдан руҳий кўмак олиш бўлган. Атоуллоҳ бир ҳовлини сотиб олмоқчи бўлади, бошқа бир амалдор, олимнинг савдосини бузиб, уйга қимматроқ баҳо таклиф қилади. Атоуллоҳ Алишер Навоийдан мадад сўрайди. Аммо шоир патранж ўйнашни лавом эттираверади. Шунда Атоуллоҳ, гапим маъкул бўлмади, шекилли деб ўйлайди. Уйин тамом бўлгандан кейин, Навоий, агар сизга мадрасага яқин бошқа бир ҳовлини тортиқ қилсак, нима дейсиз, — деб сўрайди ҳамда Атоуллоҳнинг ҳайрати остида ана шундай ҳовлини олимга тортиқ қилади.

Атоуллоҳ Ҳусайний яхшигина шоир бўлган. Ато, Атоий, Атоуллоҳ тахаллуслари билан шеър ҳам ижод этган. Рисола 1974 йилда тожик олими Раҳим Муслмонқулов томонидан нашр қилинган. Ўзбек олими, академик Алибек Рустамов эса китобни ўзбек тилига таржима қилган, у 1981 йили чоп этилган. Р.Муслмонқуловнинг таъкидлашча, Ҳусайний яшаган давр адабиёт ва шеърият тўғрисидаги мавжуд илмларнинг такомиллашув ва мураккаблашув даври бўлган. Атоуллоҳ эса ўзигача бўлган барча шеър назарияларини тўплаб, қисслаб, умумлаштирибгина қолмасдан, балки унинг моҳиятини яна бир поғона юқорига кўтарган олим ҳисобланади. Агар Ҳусайн Воиз Кошифий 211 санъатни қайд этиб, улардан 110 тасини ўзи илмга киритган бўлса, Атоуллоҳ 147 санъатни таърифлайди, ҳамда 32 санъатни ўзи кашф қилади.

13. Абдурахмон Жомий — “Рисолаи қофия” ва “Рисолаи аруз”. Жомийнинг қофия рисоласи қўлёзмаси Россия Ф.А.Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлими қўлёзмалар фондида (№1960), аруз китобининг икки қўлёзмаси эса худди ўша жойда №1859 ва №1860 рақамлари остида сақланмоқда. Мазкур қўлёзмалар ҳануз илмий тадқиқ қилинмаган.

14. Хусайн Воиз Кошифий — “Бадаи ал афкор фи санам ал ашъор”. Асар Р.Мусулмонкулов томонидан, шарҳ ва изоҳлар билан 1977 йили нашр қилинган².

13. Юсуф Азизий — Форс арузшуноси ва шоири. Юсуф Азизий ХУ асрда яшаб ижод қилган. Ҳиротда туғилган. Бирламчи таълимни ҳам шу ерда олган. Аруз ва қофияни чуқур ўрганган. Унинг нисбаларидан бири Арузий бўлган. Шеърлар девони ва илмий рисоалари бор. Аммо кўпчилик рисоалари бизгача етиб келмаган. Юсуф Азизийнинг арузга “Арузи Юсуфий” рисоласи Санкт-Петербург шаҳридаги Россия ФА Шарқшунослик институти филиали кутубхонасида сақланади. Рисола ҳанузгача илмий тадқиқ этилмаган. Азизийнинг шеърларидан парчалар бошқа баёз ва тазкиралар таркибида сақланган.

14. Сайфи Арузий Бухорий — арузшунос ва шоир. Сайфи Арузий Бухорийнинг арузга бағишлаб ёзган асари “Арузи Сайфий” деб аталиб, 1491 йилда ёзилган. Рисоланинг бошқа номлари ҳам мавжуд бўлиб, улар “Илм ул аруз”, “Мезонул ашъор”, “Рисолаи аруз”, “Рисолаи Сайфий” дир. Асарнинг аруз қисмида шеър ва шоирлар таснифи, аруз атамалари луғати, баҳр ва доиралар шарҳи, вазнлар таҳлили мавжуд. Рисола муқаддима ва 12 фаслдан иборат. Рисолада шеър тарихи, энг қадимги шеър, шеърнинг пайдо бўлиши ҳақидаги афсоналар, шунингдек, арузнинг нима сабабдан вужудга келганлиги, аруз атамасининг маънолари, мавзун ва номавзун вазнлар хусусиятлари, аруз фонетикаси ва товушлар тартиби, аруздаги энг кичик ритмик элементлардан ҳисобланган жузв назарияси, байтнинг шаклланиш қонуниятлари, солим ва тармоқ рукнлар ҳақида батафсил маълумот берилади. Форс арузининг ҳар бир доираси ва уни ташкил қилувчи вазнлар ва баҳрлар таснифи келтирилади. Сайфи Бухорий рубоий вазнлари борасида ҳам кенг маълумотлар бериб ўтади. Рисола аруз бўйича ўкув қўланмаси сифатида бугунгача ишлатилиб келинади. “Арузи Сайфий” 1867 ва 1872 йилларда Калькутта шаҳрида Х.Блошман² томонидан чоп этилган. Алишер Навоий “Мажолис-ун нафоис” асарида Сайфи Бухорий ҳақида маълумот бериб ўтади. Бобур эса “Бобурнома”да Сайфи Бухорийнинг аруз тўғрисидаги рисоласига юқори баҳо беради. Сайфий рисоласи академик Б.Валихўжаев томонидан Навоий ва Бобур рисоалари билан қиёсий ўрганилган. Шундай бўлса ҳам рисоланинг қиёсий танқидий матнини яратиш ва илмий таҳлил этиш долзарблигича турибди.

15. Муҳаммад Гиёсуддин — форс филолог ва адабиётшуноси, “Гиёс-ул луғат” асари муаллифи. Олим арузга бағишланган “Меърож-ул ариз” (Аруз даражалари) рисоласини ёзган. Мазкур асар “Гиёс-ул луғат”нинг махсус қисми ҳисобланади. Муҳаммад Гиёсиддин Рашидиддин Ватвот, Насриддин Тусий, Салмон Саважий, Қайс Розий, Сайфи Бухорий, Муҳаммад Ибнулқайс асарларидан фойдаланганлигини қайд этиб ўтади. Олим аввал шеър таърифини, сўнг илми аруз, Халил ибн Аҳмад ихтироси, кейин эса аруз арконлари ва вазнлари ҳақидаги маълумотларни келтиради. Аруз рисоаларидаги ўзига хос анъанага кўра ҳар бир баҳр, ҳар бир зихофга доир таърифларни мисоллар билан таърифлайди. Алоҳида ҳолда форс баҳрлари жадид, қариб ва мушокил ҳақида тўхталади. Уз асарининг охирида ариз, амиқ, сарим, кабир, мазид, сағир, асам, қалиб, ҳамид, салим, ҳамим каби баҳрлар Баҳром Сараҳсий ва Бузургмеҳр Кумий томонидан кашф этилганлигини таъкидлаб ўтади. Асар замонавий шеършунослик ва адабий таҳлил нуқтаи назаридан ўрганилмаган.

16. Шарафиддин Румий (Шарафиддин Ҳасан бин Муҳаммад Румий Табризий) — форс арузшуноси. “Ҳақойиқ ал ҳалойиқ” асари муаллифи. Асар қўлёзмалари сақланиб қолган, 1961 йилда Техронда замонавий услубда нашр қилинган.

17. Шерхони Лудий — Ҳиндистонлик форсийзабон олим ва шоир, “Миръот ул хаёл” (Хаёл ойнаси) асарининг муаллифи. Бу асар 1690 йилларда яратилган. Асар дебоча, олти қисм ва хотимадан ташкил топган. Муаллиф аруз ва қофия ҳақидаги умумий билимларни беришга ҳаракат қилган. Асарда 131 шоир ва

адиблар ҳақидаги маълумотлар келтирилади. Рисола бир неча бор Ҳиндистонда (1831, 1846, 1946) чоп қилинган, аммо илмий назарий таҳлилдан ўтмаган.

18. Адиби Нишопурий Мирзо Абдулжавод ибни Мулло Аббос (1867/Нишопур — 1927/Машҳад) — форс шоири, адабиётшуноси ва адиби. У “Рисола дар илми арузи форси ва араби” номли йирик асар ёзган.

19. Вожидали Мужмалий — Ҳиндистонлик арузшунос олим. У 1845-1846 йилларда форс тилида “Матлаъ ул улум ва мажмаъ ул фунун” асарини ёзган. Бу китоб ўз даврининг муҳим фан соҳалари бўйича қомусий маълумотлар тарзида майдонга келган. Асрнинг махсус боби арузга бағишланган. Асарда аруз борасидаги барча мавжуд маълумотлар жуда қисқа, аммо лўнда баён қилинади. Олим машҳур форсийзабон шоирлар ижодидан кўплаб мисоллар келтиради. У шарқ мумтоз арузшунослигининг асосчиларидан бўлган Шамсиддин Муҳаммад Қайс Розий ва Насриддин Тусий асарларидан фойдаланади. “Матлаъ ул улум” 1846 йилда Лакхнауада нашр этилади.

Биз тилга олган мазкур рисоалар аруз назарияси такомилига катта ҳисса қўшди. Шарқ шоирлари, жумладан ўзбек шоирлари бу асарларни ўқиб ўрганиш, улардан амалда фойдаланиш асосида юксак маҳорат сирларини эгаллаб, шеърият чўққиларига кўтарилдилар. Арузга бағишланган рисоаларни чуқур ўрганиш ва нашр этиш ҳамиша долзарб масала бўлиб қолаверади.

*Гулхумор ТҲЙЧИЕВА,
филология фанлари
номзоди, доцент.*

Оддий ва буюк мўъжиза

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг янги нашри

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”нинг нашр этилиши мустақил тараққиёт йўлида эришаётган ютуқларимизнинг кўзгуси, эркин ва озод халқ сифатидаги юксалишнинг яна бир муҳим белгиси, десак асло муболаға бўлмайди”, — деб таъкидлаган эди Президентимиз Ислоҳ Каримов.

Зеро, китоблар оламида қомуслар алоҳида роль ўйнайди. Турли билимлар, воқеалар, умуман, ахборотлар уммонидан энг сараси, кераклиси уларда бир тизимга солиниб жамланган бўлади. Ҳар бир шахс, ҳар бир ўқувчи қомусдан ўзига керакли маълумотни топа олади. Шунинг учун бундай китоблар жавонимизнинг тўрида, фойдаланишга қулай жойда туради.

Универсал энциклопедияни ҳамма давлатлар нашр эта олмайди. Бунинг учун анча-мунча маблағ, энг асосийси, жуда катта интеллектуал илмий салоҳият талаб этилади. Ўзбек халқи маънавий қадриятларига эҳтиром билан муносабатда бўлиш, уларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, тарихий меросимизнинг тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг саяҳатлари билан кўп жылдлик “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”ни нашр этиш кун тартибига қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қомусини нашр этиш тўғрисида”ги Қарори асосида универсал энциклопедия концепцияси белгилаб олинган бўлса, 1996 йил 20 мартдаги “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида”ги Қароридан кейин ушбу энциклопедия устида қизгин иш даври бошлангани маълум. Мамлака-

тимизда энциклопедик адабиётлар нашри билан шуғулланадиган, ҳали “нашриёт” даражасига етмаган мўъжазгина ташкилот — “Қомуслар бош таҳририяти” иккинчи Қарордан сўнг “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриётига айлантирилди. Унга кўп жылдлик универсал миллий энциклопедияни, Ўзбек тилининг изоҳли луғатини, шунингдек, соҳа энциклопедиялари, турли луғатларни нашр этиш юклатилди.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти ходимлари ниҳоятда масъулият билан ишлаб, бу шарафли вазифани бажара олганини алоҳида қайд этиш зарур. 2000-2005 йиллар мобайнида умумалифбо тартибидаги 1-11-жылдлар, 2006 йилда Ўзбекистон Республикасига бағишланган 12-маҳсул жылд китобхонларга такдим этилди. Энциклопедиянинг ҳар жылди юртимизда катта воқеа сифатида қабул қилинди. Қомусимизда фан тушунчалари, категориялар жаҳон илм-фани, техникаси ва технологиясининг сўнгги ютуқлари илмий-назарий даражасини сақлаган ҳолда ёритилган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, фан ва уларнинг асосий тушунчалари ҳақидаги мақолалар, энциклопедия талабидан келиб чиқиб, бошқа мақолалар каби бир хил андоза, яъни ягона қолипга солиб баён этилган.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да, айниқса, тарих соҳасидан берилган мақолалар ўқувчиларга юксак билим бериб, унинг маънавиятини юксалтиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш зарур. Ўзбекистон ФА Президиуми 1999 йилда ишлаб чиққан “Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарих концепцияси” олимлар олдига ниҳоятда улкан вазифаларни қўйган эди. Энцик-

лопедиянинг ушбу соҳадаги, умуман ижтимоий фан соҳаларидаги мақолалари мазкур концепция талабларига тўла жавоб беради. ЎзМЭ даги “Ўзбеклар”, “Жез даври”, “Бурганли маданияти”, “Замонбобо маданияти”, “Сополлитепа”, “Сополлитепа маданияти”, “Қадимги Хоразм”, “Сўғд” каби мақолаларда Ўзбекистон ҳудудида туб аҳоли кўп минг йиллар давомида ўтроқ яшаб келганлиги ҳамда маҳаллий маданиятнинг бой ва қадимги илдизларга эга эканлиги очиб берилган. “Антропология” мақоласида ўзбек халқи мансуб бўлган антропологик тип — Ўрта Осиё икки дарё оралиги типи бундан 2200-2300 йиллар илгари шакллана бошлаганлиги таъкидланган. Энциклопедия саҳифасидан Ўзбекистон ҳудудида яшаган қадимги қабилалар, элатлар, тарихий шахслар тўғрисида анча-мунча мақолалар ўрин олган. Хусусан, 11-жилддаги “Хунлар” мақоласи мириқиб ўқилади. Тарих фанлари доктори Абдулаҳад Хужаев ёзган ушбу мақолада Хитой манбалари асосида хунлар туркий халқлар қавмига тегишли эканлиги, уларнинг улкан салтанати, маданияти, этнографияси юксак бўлганлиги ёрқин кўрсатилган. Ушбу мақоладаги маълумотлар биринчи бор мазкур қомусда эълон этилганлиги ҳам диққатга сазовор. Яна кўп мақолаларда ўрта асрларда Ватанимиз ҳудудида ҳукм сурган сулолалар, уларнинг энг йирик вакиллари сўнгги манбалар асосида ўз баҳосини топган.

Универсал миллий энциклопедияга назар ташласангиз, ундаги аксари мақолалар халқимиз тарихидаги “оқ доғлар”га оид эканлигига, бу жиҳатдан илк маротаба китобхонларга тақдим этилаётганлигига гувоҳ бўласиз. “Бухоро босқини”, Туркистонда совет режимида қарши қуролли ҳаракат”, “Жадидчилик”, “Туркистон мухторияти”, “Туркистон миллий бирлиги”, “Миллий иттиҳод”, “Ёш хиваликлар”, “Ёш бухороликлар”, шунингдек, “Валидий”, “Мадаминбек” ва бошқа мақолалар бунга мисол бўла олади. Бу мақолаларнинг кўпини ёш тадқиқотчи Қахрамон Ражабов ёзган.

Тарихий мақолалар ҳақида гап кетар экан, Амир Темур ҳақидаги мақола хусусида алоҳида тўхтаб ўтиш зарур. Бу буюк шахс ҳақида яқин ўтмишда адолатсиз ҳукм чиқариб келинар эди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун узоққа бормай, ЎзСЭ 10-жилдида берилган “Темур” мақоласини ўқиш kifоядир. ЎзМЭнинг 1-жилди 274-281- бетлардан

ўрин олган “Амир Темур” мақоласи таниқли олимлар Бўрибой Аҳмедов, Абдулаҳад Муҳаммадҷоновлар қаламига мансуб. Унда Амур Темур шахсияти ҳақидаги ҳамма фикрлар илмий жиҳатдан тўғри ва объектив ёритилган десак янглишмаймиз. Айни замонда ушбу асосий мақоладаги фикрлар шу жилдда берилган “Амир Темур боғлари”, “Амир Темур жомеъ масжиди”, “Амир Темур мақбараси” ҳамда бошқа жилдлардан ўрин олган унинг ўғиллари, хотинлари, саркардалари ҳақидаги мақолалар билан янада тўлдирилади.

ЎзМЭ жилдларида ҳали кенг жамоатчиликка маълум бўлмаган кўп аждодларимиз ҳақида маълумотлар бор. Хоразмшоҳ Жалолиддин саркардаларидан Баракатхон, Амир Темур саркардаларидан Аббос Боходур, Ардашер Қавчин, Арғуншоҳ ва бошқаларни тилга олишимиз мумкин. Умуман, қадимдан то “бугунги кунга қадар ўтган бутун ҳукмдорлар, хонлар, давлат арбобларини, советлар тузуми даврида қатағонга учраган йирик шахсларни алоҳида биографик мақола шаклида берилиши жуда катта илмий аҳамиятга эга. Чунки бошқа адабиётда ўқувчи улар ҳақида шунчалик умумлашма мақола топа олмайди. ЎзМЭ 1-жилди 217-224-бетларга жойлашган “Алишер Навоий” ҳақидаги мақола ҳақида ҳам “Амир Темур” мақоласи хусусида оқорида айтилган ижобий фикрларни такрорлаш мумкин. Мақола навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов томонидан жуда мазмундор, равон мукаммал ёзилган.

Бугина эмас, ўзбек халқининг бошқа буюк мутафаккирлари — Имом Бухорий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа алломалар “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” саҳифаларидан муносиб жой олган. Мутафаккирлар ҳақида гап кетар экан, уларнинг энциклопедиядаги номланишига алоҳида эътибор берилганини айтиб ўтиш лозим. Улар қайси ном билан машҳур бўлса, қомусда ўша номлари билан берилгани тўғри бўлган. Кўп адабиётларда машҳур алломалар номлари олдида “ал” аффиксини кўшиб ёзиш одатга айланган эди. Қомусда юртимизда тугилиб ўсган, лекин илм-истаб араб мамлакатларига бориб машҳур бўлган шахслар аслича номи билан берилган (ал-Беруний, ал-Хоразмий тарзида эмас). Миллий энциклопедиямизда ҳамма ўринда шу

тартибга риоя этилган. Лекин нимагадир Аҳмад Фарғоний 1-жилд 554-бетда “Аҳмад ал-Фарғоний” шаклида берилган. Нега шундай йўл тутилганини била олмадик.

Миллий энциклопедиямизда фалсафа, дин тарихи ҳақидаги мақолалар ҳам қизиқарли ёзилган. Бунга “Ахлоқ”, “Дин”, “Ислоҳ”, “Аллоҳ”, “Қуръон” каби мақолалар мисол бўла олади. Булар марксча мутодологиядан, атеизмдан тозаланиб, шарқона услубда баён этилган. Уларнинг мазмуни умуминсоний тамойиллар, илмий ва дунёвий ёндашув, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда жамиятимизнинг маънавий янгиланиш талабларига тўла мос келади.

Адабиётимизнинг ҳамма вакиллари, хусусан Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Мунавварқори, Усмон Носир, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Ғафур Ғулум, Уйғун, Шайхзода, Миртемир, Зулфия ва бошқалар ҳақидаги мақолалар ҳам қизиқиб ўқилади. Буларнинг кўпи таниқли адабиётшунос олим Наим Каримов қаламига мансубдир. Энциклопедия саҳифаларидан барча тарихий обидаларимиз ҳақида мазмунли мақолалар ўқиш мумкин. Улар гоёқ қизиқарли, факт ва маълумотларга бойдир.

Миллий энциклопедиямизда барча мамлакатлар ҳақида мақолалар бор. Бундай мақолаларда ҳақон мамлакатлари тарихи қизиқарли ва объектив акс эттирилган. Шуниси, айниқса, диққатга сазоворки, мамлакатлар тўғрисидаги мақолаларда мустақил Ўзбекистон билан ўша мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, дипломатик, маданий, халқаро тинчлик соҳасидаги дўстона алоқалар ҳақида бой материаллар берилган. Булар мамлакатлараро ўзаро борди-келдилар кучайган ҳозирги даврда ўзбек ўқувчилари муайян мамлакат ҳақида батафсил ва зарур маълумот олиш учун қимматли манба бўла олади. Қомусда Ўзбекистоннинг барча вилоятлари, туманлари ҳақидаги мақолалар ҳам яхши тайёрланган.

Энциклопедиянинг бошқа соҳасидаги мақолалари хусусида ҳам илиқ фикрларни айтиш мумкин. Умуман олганда, миллий энциклопедия мақолалари гоёвий-илмий жиҳатдан юқори савияда, пухта тайёрланган. Мақолаларда миллий руҳ уфуриб туради. Уларда ҳеч қандай партиявийлик, синфийлик талаби йўқ. Масалани илмий жиҳатдан ҳаққоний ва холис ёритиш ягона талабга айланган. Бунга эришишда нашриёт илмий

таҳририяти тўғри йўл тутган: ҳар бир тушунчани, ҳар бир мақолани ўз эгасига — малакали мутахассисга ёздиршига эришган.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”нинг 12-жилдидаги мақолалар фақат Ўзбекистонга бағишланган. Унга кирган мақолалар олдинги жилдлардаги каби алифбо тартибида эмас, муайян мавзу бўйича жойлаштирилган. Китоб шартли равишда 17 бўлимга бўлинган. Ҳар бир бўлим моҳиятидан келиб чиқиб, боғларга, улар эса баъдларга ажратилган. Шу тарзда энциклопедия бўлимларида муайян мавзунини очиб берадиган, бир тизимга солинган батафсил ахборотлар берилган. Хусусан, мамлакат тарихи мустақиллик йилларида қабул қилинган даврлаштириш асосида энг қадимги даврлардан то ҳозирги кунгача хронологик тарзда изчил ёритилган. Энциклопедия саҳифаларидаги мақолаларда мамлакатимизнинг бугунги кундаги ҳаёти, ўзбек халқининг бунёдкорлик меҳнати ва ютуқлари ёрқин акс эттирилган.

Миллий энциклопедиямизнинг тили ҳақида ҳам икки оғиз сўз айтиш жоиз. Юқорида қайд қилинганидек, қомус мақолаларини тайёрлашда жами 5 000 мингдан зиёд муаллиф қатнашган. Уларнинг ҳаммаси ўз услубига эга. Лекин қомусдаги мақолаларнинг баён услуби бир хил — қисқа, лўнда, аниқ. Энг муҳими, мақолаларда илмийлик ва оммабоплик уйғунлиги таъминланган. Олимларнинг меҳнатини юзага чиқарган заҳматкаш нашриёт муҳаррирларига раҳматлар айтиб, уларнинг меҳнатини, таҳририни юқори баҳолаш лозим. Лекин, шу билан бирга, баъзи ўринларда, хусусан қишлоқ ҳўжалиги ўсимликларини ёритишда соҳа энциклопедиясига хос ортиқча тафсилотларга йўл қўйилган.

Энциклопедиямиздаги безаклар ҳам яхши ишланганини алоҳида таъкидлаш лозим. Умуман, мақолаларга монанд безаклар танланган ва улар ўз жойида берилган. Ҳар бир жилдда 800 дан зиёд рангли, оқ-қора суратлар, схема ва хариталар ўрин олган. Айниқса, хариталар сўнги маълумотлар билан таъминланган ва охириги талаблар асосида тайёрланган. Шахсларга портретлар беришда муайян мезон ишланган. Бироқ баъзи ўринларда қабул қилинган мезонга риоя этилмагани кўзга ташланади. Масалан, 1-жилдда “Абдулла Қодирий” мақоласида (23-бет) ярим устун ҳажмида портрет

берилган бўлса, “Ойбек” мақоласида (6-жилд, 475-бет) қарийб 2 устун ҳажмида, “Ғафур Ғулом” мақоласида (11-жилд, 226-бет) 1-устун ҳажмида сурат берилган. Ўзбекистон фани ривожига ниҳоятда улкан ҳисса қўшган буюк олим Ҳабиб Абдуллаевнинг ҳам каттароқ суратини бериш лозим эди.

Кези келганда, энциклопедия мақолаларида муаллифларнинг исм-шарифларини берилиш тартиби ҳақида ҳам тўхтаб ўтиш зарур. Маълум бўлишича, ҳар жиҳатдан ўзига хос энциклопедия саҳифаларида биринчи бор эълон этилаётган мақолаларнинг тагида муаллифи кўрсатилган. Қомусдан қомусга ўтиб келаётган мақолалар, луғатсифат сўзлар, терминлар, атамаларнинг муаллифи кўрсатилмаган. Китоб

сўнггида эса муаллифларнинг умумий рўйхати қайд этилган. Умуман, бу борада тўғри йўл тутилган бўлса ҳам ҳамма ўринларда бу тартибга изчил риоя этилмаган.

Энциклопедиямиз матбаа ижроси ҳақида ҳам илиқ сўзлар айтиш лозим. Дастлабки жилдлардаги баъзи жузъий нуқсонларни эътиборга олма-сак, расмлар нисбатан юқори савияда тайёрланган. Айниқса, қомуснинг сўнгги жилдлари сифатли чиққан.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”нинг янги нашри маънавий ҳаётимизда улкан воқеа бўлди. Оддий ва буюк мўъжиза саналган ушбу китоб ҳаммамизнинг уйимизда бўлиши керак. Унинг умри узоқ бўлишига, кўп йиллар маънавиятимизни юксалтиришга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

*Темур ҒИЁСОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор.*

*Улуғбек АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент Давлат Шарқшунослик
институтининг катта ўқитувчиси.*

Стивен КИНГ

Икки ҳикоя

БЎРИ-ОДАМ ЙИЛИ

Ҳикоя

«Ярим вайрона саройдаги зулмат ичида
у пахлоқ бошини кўтарди.
Унинг сап-сарик кўзлари ёнарди.
— Мен очман, — ириллади у.»
«Бўри»

Генри Эллендер

Январ

Эҳтимол, қаерлардадир осмонда тўлин ой чарақлаб тургандир, лекин бу ерда, кичкинагина Такер Миллз шаҳарчасида, инжиқ январ ҳавоси бутун осмонни қалин қор пардаси билан тўсиб ташлаганди. Изғирин шамол қутурганича бўм-бўш кўча бўйлаб кезар, шаҳарнинг сариқ рангли қор сурадиган машиналари аллақачон қалин қор остида қолганди.

«GS&WM» темир йўл компанияси ходими, эғнига жун пиджак кийган озғин, узун бўйли Арни Вестрам лабига «Кэмел» сигаретини қистириб олганича асбоб-ускуналар сақланадиган омборда тунни ўтказаётганди. Унинг машинаси йўлда бузилиб қолган ва у тонг отишини кутиб, ўзи билан ўзи қарта ўйнаб ўтирарди. Ташқарида шамолнинг увиллаши кучайди. Вестрам бошини кўтарди ва қулоқ солди, кейин яна қарта ўйинига берилди. Бу бор-йўғи бир шамол...

Лекин шамол эшикни тирнамайди... ва ичкарига киритишларини сўрамайди.

Арни қартасини йиғиштириб, ўрнидан турди. Унинг ажин босган юзида деворда осиглиқ турган керосин лампанинг шуъласи жилваланарди.

Эшик яна тирналди. Бирортасининг ити, ўйлади у, совуқда қолиб кетган, энди исинмоқчи. Аммо уни нимадир тўхтатиб турарди. Итни ташқарида, совуқда қолдириш бераҳмлиқ, албатта, ўйлади у, бироқ эшикни асло очмасликка қарор қилди. Кўркувнинг совуқ панжалари унинг юрагини гижимлаб турарди.

Такер Миллзда нохуш давр ҳукм сураётганди; об-ҳаво қандайдир нохушликдан дарак берар, Вестрамнинг томирида оқаётган Уэльс қони эса уни бундай нарсаларга жиддий ёндашишга мажбур қиларди.

У чақирилмаган меҳмонни нима қилиш кераклигини ўйлашга улгурмади, кутилмаганда шамолнинг овозини ёвуз ўкириш босиб кетди. Эшик оғир тананинг зарб билан урилишидан титраб кетди...

сўнг яна зарба берилди. Юпқа эшик зарбалардан синиб кетгудай бўлар, унинг ёригидан қор парчалари отилиб кирарди.

Арни Вестрам талвасага тушганича эшикка тираш учун бирор буюм топиш илинжида аланглай бошлади. Аммо у синиқ стул олдига етиб борганича номаълум мавжудот шундай кучли зарба бердики, эшик ўртасидан ёрилиб кетди.

Бир неча лаҳзаларга у узун ёриқ орасида қисилиб турди, унинг тумшуғи қаҳр билан жийрилган, сап-сарик кўзлари ёниб турарди. Бундай улкан бўрини Арни умрида кўрмаганди...

Ва унинг ириллашида узук-юлуқ инсон сўзлари кулоққа чалинарди.

Ниҳоят, эшик иккига бўлиниб кетди. Махлуқ хонага кирганди.

Арни бурчакка отилди ва қўлига белкуракни олди. Махлуқ полга қапишганича оловдек сарик кўзларини бурчакдаги кишига тикканди. Унинг катта очилган оғзидан тили осилиб турар, қозикдек курак тишлари ялтирарди.

У ириллаганича олдинга сакради. Арни Вестрам белкуракни силтади.

Фақат бир марта.

Инсон қичқириви эшитилди ва шу заҳоти ўчди.

Худди тўлин ой қалин булутлар орасига яширинганидек, Такер Миллзга инсонлар қалбини даҳшатга солувчи хавотир яширинча кириб келди. Ҳеч қандай сабаб ва огоҳлантиришларсиз Мейн штатидаги мўъжазгина шаҳарчада қиш тунларининг бирида бўри-одам пайдо бўлди. Маҳаллий газетада илгари табиат ишқибозлари клубининг саёҳатлари ҳақида мақолалар чоп этилган бўлса, энди қайғули мавзуда хабарлар берилса бошланди.

Бўри-одам даври шу тарзда бошланди.

Феврал

Авлиё Валентин куни арафасида Стелла Рандольф каравотида ётганича деразадан кўришиб турган ойни томоша қилар ва севги ҳақида ўй сурарди.

О, севги, севги. Сен қандайсан ўзи?...

Бу сафар Авлиё Валентин куни муносабати билан камтарин чевар Стелла севги изҳори битилган нақд йигирмата табрикнома олган, улар орасида Жон Траволта, Роберт Редфорд ва Пол Ньюмен... ҳатто машҳур «Кисс» гуруҳи хонандаси Эйс Фрилидан келган табрикномалар ҳам бор эди. Уларнинг барчаси девордаги китоб тоқчасига тартиб билан териб қўйилганди. Ҳар доимгидек, бу табрикномаларни у ўзига ўзи жўнатганди.

Севги — бу тонгдаги бўса... ёки ишқий романдаги сўнгги хайрлашув бўсаси... Севги... бу оқшомдаги атиргул...

Такер Миллзда ҳамма унинг устидан кулса ҳам майли. Ёш болалар уни мазах қилишса ҳам, «семиз сигир» деб аташса ҳам майли, барибир, у севги ва тўлин ойнинг нима эканлигини ҳаммадан кўра яхшироқ билади. Ва ҳозир, у ўзининг бесўнақайлигини унутганича севги келишига ўзини ишонтирарди.

Кутилмаганда кимдир деразани тирнаганга ўхшади.

У ўрнидан турди. Деразадан тушаётган ой нурини эркак кишининг шарпаси тўсиб турарди.

— Мен ухляпман, — ўйлади қиз, — ҳолбуки, бу туш экан, мен унинг ичкарига киришига ва мен билан истаганини қилишига рози бўламан... Майли, одамлар севги ифлос, тақиқланган нарса деяверишсин... Йўқ, севги энг соф, энг тўғри... Севги — бу лаззат...

Ҳали ҳам туш кўраётганига ишонган қиз кўзларини ярим очганича дераза томон йўналди.

Бироқ кўли совуқ ойнага теккач, у ташқарида эркак кишини эмас, каттакон пахмоқ бўрини кўрди, у дераза рафига панжаларини тираганича уй ичига қараб турарди.

«Йўқ, Авлиё Валентин тунида албатта севгим келиши керак», — ўйлади қиз. Унинг кўзлари алдаяпти, холос. Албатта, бу эркак киши, унинг севгиси.

Бу ойдин тунда у қизнинг олдига келган. У...

Ўиз деразани очди ва юзларига урилган совуқ шамол уни бу туш эмаслигидан огоҳ этди. Ҳеч қандай киши йўқ эди ва у буни тушунди. У кўркувдан қалтираганича ортига тисарилди ва шу лаҳзада хона ичига бўри ўқдек отилиб кирди.

Севги... бу... тунги фарёд...

Темир йўлни таъмирлаш ускуналари сақланидиган омборда яқинда Арни Вестрамнинг нимталаб ташланган танаси топилганлиги қизнинг ёдига жуда кеч тушди. Жуда кеч...

Улкан махлуқ у томон қадам ташлади. Стелла орқага тисарилди, оёғи каравотга урилиб, чалқанчасига йиқилди.

Бўри унинг устига энгашди. Қиз унинг қайноқ нафасини ҳис қилди. Бўрининг сариқ кўзлари унинг кўзларига тикилди.

— Менинг севгим, — пичирлади қиз ва кўзларини юмди.

Севги — бу ўлим...

Март

Бу йил охириги ёққан оғир, ҳўл қор Такер Миллздаги барча йўлларни дарахларнинг синган шохларига тўлдириб ташлади.

— Она табиат ўз мулкини тартибга соляпти, — деди шаҳар кутубхоначиси Милт Штурмфюллер ўзига-ўзи. У хотини билан стол ёнида ўтирганича қаҳва ҳўпларди. Ориқ, кўзлари кўк ўрта бўйли бу киши ўн икки йилдирки, хотинини хўрлаб келарди. Лекин буни ҳеч ким билмасди.

Милтга ўзи топган ибора шунчалик ёқиб тушдики, у сўзларини яна такрорлади: «Ҳа, она табиат ўз мулкини тартибга соляпти...» Шу пайт чироқ бир липиллади-ю, ўчди. Бундай бўлишини кутмаган Донна Ли Штурмфюллер қичқириб юбораркан, қаҳвасини тўкиб юборди.

— Тезда латгани ол-да, артиб ташла, — деди совуқ оҳангда Милт. — Ҳозироқ.

— Ҳа, жоним, албатта.

Қоронғиликда сочикни излаётган аёл оёғини стул қиррасига уриб олиб яна қичқирди. Эри кўзидан ёш чиққунча кулди. Унинг энг севимли машғулоти хотинига озор етказиш ва «Ридерз Дайжест» журналида чиқадиган латифаларни ўқиш эди.

Ўз мулкини тартибга солаётган она табиат қуриган шохлар билан бирга адашиб электр узатиш симларини ҳам узиб юборганди. Оғир, ҳўл қор симлар устига ёғаверди, ёғаверди, натижада симлар узилиб кетди.

Бутун шаҳарча зулмат ичида қолди.

Ўз ишидан қаноатланган қор аста-секин тинди. Ҳарорат ўн олти даража совуқ эди. Йўллар қаҳратон совуқдан хоккей майдони сингари яхмалакка айланганди. Уйлар ҳали ҳам зулмат ичида эди. Яхмалак йўлдан юриб симларни улашга ҳозирча маҳаллий монтер ўзида журъат тополмаётганди.

Булутлар сезиларли даражада сийраклашди ва улар орасидан тўлин ой мўралади.

Тунги жимжитликни бўрининг увиллаши бузди.

Қотиб ухлаётган эрининг ёнида ётган Донна Ли бу увиллашни жимгина тингларди. Констебл О'Нири ҳам Лаурел Стритдаги уйи деразаси олдида турганича бу овозга қулоқ солди. Увиллашни бошқалар ҳам эшитишди.

Лекин овоз эгаси кимлигини ҳеч ким билмасди. Шунингдек, эрталаб симларни улаш учун Таркер Брукка борган маҳаллий монтер кўриб қолган кўчада ётган саёқ кишининг исмини ҳам ҳеч ким билмади. Музлаб қолган жасад чалқанчасига ётар, эски пальто ва кўйлаги бурда-бурда қилиб ташланганди. Унинг даҳшатдан қотиб қолган кўзлари осмонга тикилганди.

Жасад атрофи изларга тўлиб кетганди.

Бўри панжасининг изларига.

Апрел

Ой ўрталарига келиб, қор ўрнини сурункали ёмғирлар эгаллаган паллада Такер Миллз яшилликка буркана бошлайди.

Матти Теллингэмнинг ҳовузидаги муз ва одамлар «катта ўрмон» деб атайдиган ўрмондаги қорлар эриб, йўқола боради. Баҳор келаётганини ҳис қилади киши.

Шаҳарча узра ваҳима кўланкаси пайдо бўлганига қарамасдан бу байрамни ҳар бир шаҳарлик ўзича нишонлайди. Хейг буви пироглар пиширади ва совутиш учун дераза тоқчасига териб қўяди. Якшанба кунлари руҳоний Лестер Лоу «Судаймон подшо қўшиқлари»дан парчалар ўқийди ва «Тангри муҳаббатининг тирик булоғи» мавзусида чиқишлар қилади. Дунёвий мактаб тарафдори, атеист ва пиёниста Крис Райтсон бўкиб ароқ ичади. Такер Миллздаги ягона қовоқхона эгаси Билли Робертсон Крис Райтсонни кузатиб қўяркан, ошпаз аёлга агар бутун тунда бўри-одам бирортасини ўлдирадиган бўлса, бу қурбон, албатта, Крис бўлишини айтиб минғирлайди.

— Худо ҳаққи, менга уни эслатма, — деб унинг гапини бўлади ошпаз аёл.

Унинг исми Элайза Фурнье бўлиб, йигирма тўрт яшар бу аёл черковга ҳар ҳафта борар ва руҳоний Лестер Лоуга бўлган яширин муҳаббати туфайли черков хорида берилиб куйларди. Аммо бу муҳаббатига қарамасдан у Такер Миллзни тарк этиб, бошқа хотиржамроқ жойга кетмоқчи эди, чунки бўри-одам билан боғлиқ даҳшатли воқеалар уни хавотирга солаётганди. У Портсмутда ҳам яхшигина пул топиш мумкинлигини ва у ерда бўрилар бўлса ҳам, улар ҳарбий флот денгизчилари бўлишини ўйларди.

Ҳақиқатан ҳам, ой тўлишган пайтда Такер Миллзда тунлар даҳшатли тус оларди. Кундузи эса ҳар ҳолда яхши эди. Кутилмаганда шаҳарча осмонида варраклар пайдо бўлар, улар кундан-кунга кўпайиб борарди.

Кеча ўзининг ўн биринчи баҳорини қаршилаган Бреди Кинкейдга варрак совға қилишганди. У бугун оламдаги ҳамма нарсани унутганича куни билан варрак учирди. У кечки овқатгача уйга қайтиши ҳақида берган ваъдасини ҳам унутиб қўйганди. У ҳатто болаларнинг аллақачон уй-уйларига тарқалиб кетишганини, боғда ёлғиз ўзи қолганлигини ҳам сезмаганди.

Фақатгина ғира-шира қоронғулик атрофни қоплай бошлагани унинг боғда ортиқча узоқ вақт қолиб кетганлигини англашга мажбур қилди. Ўрмон ортидан тўлин ой кўтарилиб борарди. Бреди кечки овқатга кеч қолганидан, отаси энди уни жазолашидан ёки қоронғиликдан қўрқмаётганди.

Мақтабда у бўри-одам ҳақида шивирлаб гаплашадиган ўртоқларини масҳара қиларди. Аммо энди у қўрқувдан қалтирай бошлади. Болаларнинг қўрқинчли ҳикоялари энди унга ҳақиқатдек туюлаётганди.

У шошиб-пишиб ғалтагини ўрай бошлади. Варрак ҳавода чирпирак бўлиб айланди ва боладан ўнлаб қадам нарига тушди.

Бреди варраги тушган томонга қадам ташларкан, йўл-йўлакай ғалтагини ўраб борарди... бир пайт унинг қўлидаги ғалтак худди балиқ илинган қармоқ ипидек қаттиқ тортилди.

Тунги сукунатни момақалдироқдек ўкирик бузди ва Бреди Кинкейд қичқириб юборди. У ишонади, энди у болаларнинг чўпчаклари рост эканлигига ишонади, лекин энди кеч. Унинг қичқиригини бўрининг этни сескантирадиган увиллашга айланаётган ириллаши босиб кетди.

Бўри бола томон қадам ташларди. У худди одамлардек икки оёқлаб югурар, қалин жуни ой нурида ялтирар, кўзлари эса чироқ сингари ёниб турарди. Унинг одамларникидек узун тирноқли қўлида варрак хилширарди.

Бреди бурилиб қочишга шайланди, лекин кучли қўллар унинг елкасидан тутди. У қон исини туйди.

Бредини эрталаб боғ ичидан топишди. Боланинг бошсиз танаси уруш қаҳрамонларига атаб тикланган ҳайкалга суяб қўйилган, бармоқлари орасига қистирилган варрак эса шамолда ўйнардди.

Май

Якшанбага ўтар кечаси руҳоний Лестер Лоу даҳшатли тушдан терга ботган ва қалтироқ босган ҳолда уйғониб кетди. У катта очилган кўзларини черков ҳовлисига қараган деразага қадади. Деразадан кўриниб турган тўлин ойнинг кумушранг нурлари полни ёритарди ва руҳоний ҳатто бўри-одамни кўришга ҳам тайёр эди. У кўзларини чирт юмди ва ёвуз кучни элагани учун Худодан кечиришини сўраб илтижо қилди. Яратганга илтижосини у ҳар доимгидек «... Исо Масих номи билан. Омин» деб тугатди.

Агар бу лаънати туш бўлмаганида эди...

У тушида черковда адашганларнинг қайтиши ҳақида маъруза ўқиётган эмиш. Черков одатдагидан фарқли равишда ибодатга келганлар билан тўла экан.

Тушида у шунчалик эҳтирос билан маъруза ўқирдики, ўнгида ҳеч қачон бундай қилмасди. У «Йиртқич бизнинг орамизда юрибди» деган мавзуда маъруза қилаётганди.

— Йиртқич, — деди у, — ҳар доим бизнинг орамизда яшириниб юради. Шайтон учун чегара йўқ. У мактабда битирув кечасида рақс тушиши мумкин. У сиздан бир кути сигарет ва гугурт сотиб олиши мумкин. У сосиска чайнаганича Бангордан келадиган автобусни кутиб, Брайтоннинг дорихонаси рўпарасидаги бекатда сиз билан бирга ўтириши мумкин. Йиртқич концерт залида сизнинг ёнингизда ўтириши ёки Мейн Стритдаги Чет ва Чоу барида олмали пирог ейиши мумкин.

— Йиртқич, — давом этди у, овозини пасайтириб. — Йиртқичдан кўзингизни узманг. Чунки у сизга жилмайиб, кўшнингиз эканлигини айтиши мумкин, лекин унга ишонманг, иниларим ва сингилларим, зеро унинг тишлари ўткир ва агар унга диққат билан қарасангиз, унинг кўзлари ўйнаётганлигини кўрасиз. У Йиртқичдир, у ҳозир шу ерда, Такер Миллзда. У...

Шу пайт у жим бўлиб қолди, унинг нотиқлик санъати ниҳоясига етди, чунки бу ерда, черковда, унинг кўз ўнгида даҳшатли воқеа юз бераётганди. Черковга ташриф буюрганларнинг юзлари ва баданлари ўзгара бошлади ва у бу ерга йиғилган уч юз нафар кишининг бўри-одамларга айланишаётганини кўрди. Шаҳар бошқаруви раиси, ошпоқ ва семиз Виктор Боулнинг ранги қорая бошлади, сўнг юзларини қалин тук қоплади. Мусиқа ўқитувчиси Вайолет Маккензи... унинг озгин танаси кутилмаганда семирди, бурни эса узун ва текис кўринишга келди. Табиатшунослик ўқитувчиси Элберт Фриманнинг танаси семириб, костюми йиртилиб кетди ва кийимлари орасидан қоп-қора қалин жунлар ўсиб чиқди. Унинг қалин лаблари очилиб, курак тишлари кўринди.

— Йиртқич... — қичқаришга уринди руҳоний Лоу, аммо тили унга бўйсунмасди ва у даҳшат ичра ортига тисарилди. Черков ходими Кэл Бладвин тишларини иржайтирганича олдинга отилиб чиқди. Унинг ортидан Вайолет Маккензи ташланди ва улар бир-бирларини тишлаб-тирнай кетишди.

Уларга бошқалар ҳам қўшилишди. Черков худди ҳайвонот боғида овқат берилаётган пайтни эслатарди. Бу сафар умумий шовқинга руҳоний Лоунинг «Йиртқичлар! Йиртқичлар биз билан! Улар ҳамма жойда бор! Йиртқичлар!!!» деган чийилдоқ овози ҳам қўшилди. Бирдан у овози бошқача чиқаётганини, гапириш ўрнига ириллаётганини сезиб қолди. Ҳора ридосининг енгларида ҳам қўл эмас, узун тирноқли панжалар чиқиб турарди...

Шу пайт у уйғониб кетди.

— Бу бор-йўғи туш, — ўйлади у ўзини-ўзи тинчлантиришга уринаркан. — Худого шукр, бу бор-йўғи туш.

Лекин эрталаб черков эшигини очаркан, унинг кўзи биринчи бўлиб тушган нарса черков қоровули Клайд Корлисснинг бошсиз танаси бўлди. Руҳоний Лоу шунча дуо-илтижо қилса-да, бу туш эмасди ва у даҳшатга тушганича дод солди.

Ҳа, Такер Миллзга яна баҳор келди — у ўзи билан бирга даҳшат олиб келганди.

Июн

Йилнинг энг қисқа бу тунида Такер Миллздаги бар хўжайини Алфи Нопфлер барнинг пластик қоплама қопланган устунини ярақлатиб артаётганди. Қаҳвахона бўм-бўш бўлиб, Алфи қоронғи кўчага тикилганича мана шундай ёз тунида ўтказган илк ишқий учрашувини хотирларди. Қизнинг исми Арлена Мак Кьон эди. Ҳозир у Бангордаги адвокатга турмушга чиққан. Қандай ажойиб тун бўлганди!

Кутилмаганда эшик очилиб, ичкарига ой нури тушди. Ҳозир тўлин ой бўлгани учун Алфи қаҳвахонага ҳеч ким келмаслигига ишонарди. Одамларнинг айтишларича, ой тўлган тунда Такер Миллз кўчаларида Йиртқич пайдо бўларди. Аммо Алфи бундай эртакнамо миш-мишлардан чўчимасди, унинг оғирлиги юз килога яқин бўлиб, флотда хизмат қилган чоғида чиниққан мускуллари ҳозир ҳам анча-мунча одамни чўчитарди.

— Эҳтимол, — ўйлади у, — барни эртароқ ёпиш керакдир. Қаҳва қайнатгични ўчириб, музлатгичдан пиво оламан-да, кинога бораман. Бундай тунда пиво ичиб, фильм томоша қилганга нима етсин.

Айни шу лаҳзада эшик очилди ва у ичкарига кириб келган мижозга ўтирилди.

— Салом, ишлар қалай? — деди у ўзининг доимий мижозларидан бирига... унинг бундай тунда кириб келиши ажабланарли эди. Одатда, у барга эрталаб соат ўнда келарди.

Мижоз у билан сўрашди.

— Қаҳва қуяйми? — сўради Алфи.

— Агар мумкин бўлса.

«Кўринишидан, у бу ерда узоқ ўтирмаса керак. Касал бўлиб қолдимикин?» ўйлади Алфи.

Кутилмаган манзарадан унинг фикри бўлинди. Ялтироқ қаҳва қайнатгичга тикилиб тураркан, у даҳшатли ва гайритабиий манзаранинг гувоҳи бўлди. Такер Миллздаги ҳар бир киши яхши танийдиган бу мижознинг ташқи кўриниши аста-секин ўзгара бошлади. Унинг юзи худди резина ниқобдек чўзила бошлади. Кўйлаги чок-чокидан сўкилди ва Алфининг ёдига жияни севиб томоша қиладиган фантастик фильм тушди.

Бир неча сония ичида мижознинг юзи ваҳший ҳайвоннинг тумшугига айланди, унинг жигарранг кўзларида эса сариқ-яшил учкун чақнади.

Кутилмаганда эшитилган ёввойи ўкириш қаҳрли ириллашга айланди. У — махлуқ, йиртқич ёки бўри-одам, кимлигининг аҳамияти йўқ, панжаларини пештахта устидаги қанддонга узатди ва уни деворга қаратиб отди.

Алфи қочаман деб қаҳва қайнатгични ағдариб юборди, қайноқ ичимлик унинг оёғини куйдирди. Даҳшат ва оғриқдан ўзини йўқотиб кўйган Алфи овозининг борича қичқирди.

Йиртқич ҳайвонларга хос эпчиллик билан пештахта устига сакраб чиқди. Унинг устида ҳали ҳам сўкилиб кетган кўйлак ва шимининг парчалари осилиб турарди.

Йиртқич ириллаганича Алфига ташланди. Йиртқичнинг узун курак тишлари унинг елкасига ботди. Фаввора бўлиб отилган қон ҳаммаёқни қип-қизил қилиб ташлади.

Алфи эмаклаганича қочишга уринди, қичқирмоқчи ҳам бўлди, лекин унинг кўзлари тўлин ой нуридан қамашиб кетди. Йиртқич яна унга ташланди ва Алфининг кўзларидаги ой шуъласи бутунлай сўнди.

Июл

Улар Мустақиллик кунини нишонлашни тақиқлашибди!

Мана шу сўзлардан сўнг Мартин Кослав яқинларининг норозиликларини кўрди.

— Бунчалик аҳмоқ бўлма, — деди онаси. Онаси унга кўпинча қўпол муомала қилар, унинг ногиронлиги ва бир умр ногиронлар аравачасида ўтиришга маҳкум эканлиги учун ачинаётганлигини билдирмасликка уринарди.

— Келаси йилгача кутиб тур! — деди отаси унинг елкасига шапатиларкан. — Кейинги байрам зўр бўлади! Икки баравар зўр бўлади, жин урсин! Эй-эй, ўзинг кўрасан ҳали, кичкинтой!

Герман Кослав Такер Миллздаги ўрта мактабда жисмоний тарбиядан дарс берар ва ўғлига доимо сохта самимият билан муомала қиларди. Бундан ташқари, у ҳар икки гапининг бирида «эй-эй!» деган сўзни ишлатарди. Гап шундаки, Герман Кослав тўп ортидан кувадиган, югуриб юрадиган, кўкариб кетгунча сувда чўмиладиган соғлом болалар дунёсига ўрганган, Мартини кўрганда эса асабийлаша бошларди. Ҳар сафар Мартинга кўзи тушганда унинг асаби кўзирди. Асабийлашганда эса «эй-эй!», «жин урсин!» деган сўзларни ўрни келса-келмаса ишлатаверарди.

— Ҳа--ҳа! Ниҳоят сен ўзинг истаган нарсани ололмадингми?! — деди онаси, Мартин ҳокимият биноси олдида йилда бир марта бўладиган мушакбозликни қандай орзиқиб кутганлигини айтганида.

Онаси Кейт ўн уч ёшда, у эса ўн ёшда бўлиб, онаси Мартин юра олмагани учунгина уни ҳамма яхши кўришига ишонарди. Шунинг учун мушакбозлик бекор қилинганидан Кейт жуда хурсанд эди.

Ҳаттоки, доим Мартиннинг тарафини оладиган бобоси ҳам унчалик жон куйдирмади.

— Байрамни ҳеч ким тақиқлагани йўқ, болагинам, — деди у ўзиюрар ногиронлар аравачасида ўтирган Мартинга. Бу суҳбат икки кун илгари, иккинчи июлда бўлиб ўтганди. — Улар бор-йўғи мушакбозлик ва сайилни бекор қилишган, холос. Сабабини ўзинг биласан-ку.

Мартин бунинг сабабини биларди. Ҳаммасига газеталар «Тўлин ой қотили» деб номлашган қотил сабабчи эди. Мартин болалардан ҳам у ҳақда кўплаб миш-мишларни эшитганди. Уларнинг айтишларича, қотил одам эмас, қандайдир махлуқ. Эҳтимол, бўри-одамдир. Мартиннинг ўзи бунга ишонмасди — бўри-одамлар фақат даҳшатли фильмларда бўлади — балки у ой тўлишган тунда одам ўлдириш истаги кучаядиган қотилдир. Мушакбозлик айнан ана шу қотил сабабли бекор қилинганди.

Ҳаттоки январда ҳам, аравачада ўтирганча деразадан болаларнинг чана тортқилашларини кузатган Мартин мушакбозликни ўйлаганида ҳамма нарсани унутарди. Унинг миясини иссиқ ёз, муздай кока-кола, мушакбозлик ўтказиладиган тун ҳақидаги хаёллар банд этарди.

Энди эса байрам мушакбозлигини бекор қилишибди... Одамлар нима деса деяверишсин, лекин Мартин улар Мустақиллик кунини — унинг байрамини тақиқлашганини ҳис қиларди.

Уни тушунадиган ягона одам бугун эрталаб уларникига келган Ал тоғаси эди. У айвонда боланинг ёнида турганча унинг сўзларини тингларди. Оиланинг барча аъзолари ҳовли ўртасидаги ҳовузда қийқириб чўмилишарди.

Мартин Ал тоғасига дилидаги гапларни ҳаяжон билан тўкиб солди.

— Нимани назарда тутаётганимни тушуняпсизми? Бу онам ўйлаганидек, менинг ногиронлигим ёки бобом айтганидек, Мустақиллик куни билан мушакбозликни аралаштириб юбораётганим билан боғлиқ эмас. Фақат, сабрсизлик билан бир нарсани узоқ вақт давомида кутсанг... кейин эса шаҳар кенгашидаги жаноб Боул пайдо бўлиб, ҳаммасини йўққа чиқарса. Бу адолатдан эмас. Айниқса, бу сен учун жуда муҳим нарса бўлса, тушуняпсизми?

Ал тоға Мартиннинг куйиб-пишиб айтган сўзларидан кейин узоқ сукутга чўмди. Сукунат шунчалик узоққа чўзилдики, Мартин ҳовуз томонда кимнингдир сувга сакраганини ва отасининг «Зўр сакрадинг, Кейт! Эй-эй, гап йўқ!» деганини эшитди.

Сўнг Ал тоға хотиржамлик билан жавоб қайтарди:

— Албатта тушунаман. Биласанми, сенга бир совға тайёрлаб қўйганман. Эҳтимол, бу сенга ўз Мустақиллик кунингни нишонлаш имконини берар.

— Ўз Мустақиллик куним? Нимани назарда тутяпсиз?

— Машинам олдига борайлик. Сенга бир нарса бераман. — У Мартин оғиз очишга улгурмай бетон йўлак бўйлаб қадам ташлади.

Мартин аравачасини юргизди. Ҳовуздан узоқлашгани сари у энди оила аъзоларининг шодон қийқириқларини эмас, аравача гилдираklarининг тарақлашини эшита бошлади.

Ал тоғанинг томи очиладиган «Мерседес»и бор эди. Ота-онаси бу машинани ёқтиришмас, Мартин эса уни кўрганда ақдан озгудай қувонарди. Бир марта Ал тоғаси уни машинасига ўтқизиб, шаҳар ташқарисида сайр қилдириб ҳам келганди.

Ал тоға машина ичидан нимадир олди ва Мартин машина олдига етиб келгач, кўлидаги тугунни унга узатди.

— Мана, ол, — деди Ал тоға. — Мустақиллик куни билан!

Дастлаб Мартиннинг кўзи хитойча ёзувларга тушди. Кейин тугунни очди. Тугун турли хил ўлчамдаги мушакларга тўла эди.

— Остидаги ипни тортиб ерга ташласанг, жуда ажойиб камалакни кўрасан. Мана буларини эса бўш шиша идишга солиб ёндирасан.

Ал тоға қийқириқлар овози келаётган ҳовуз томонга кўз ташлади.

— Раҳмат! — Ниҳоят Мартин ўзига келди. — Раҳмат, Ал тоға!

— Фақат онангга уларни қаердан олганлигингни айтма, — огоҳлантирди тоғаси. — Айтишади-ку, кўр отга кўз қисишнинг нима ҳожати бор? Келишдикми?

— Албатта, албатта, — деди Мартин шошиб-пишиб, отга кўз қисиш билан мушакбозлик орасида қандай умумийлик борлигини тушунмаса-да. — Ишқилиб, булар сизга керакмасмиди, Ал тоға?

— Керак бўлса яна топишим мумкин, — жавоб қайтарди Ал тоға. — Брижтаунда бир танишим шунақа нарсалар билан савдо қилади. — У Мартиннинг бошини силади. — Мустақиллик кунини бемалол

нишонлашинг мумкин, фақат ҳамма ухлаганидан кейин. Баланд овоз чиқарадиган мушакларни отмай қўяқол, ҳаммани уйғотиб юборасан.

Ал тоға машинасига ўтирди ва қалитни буради. Машина ўрнидан қўзғалди. Мартин машина кўздан йўқолгунча миннатдорчилик маъносида қаддини эгиб турди ва томоғига тиқилиб қолган тупукни ютишга уринаркан, бор кучи билан йиглаб юбормасликка тиришди. Сўнг тугунни яшириб, аравачасини хонаси томон юргизди. У тезроқ қоронғу тушиб ҳамма ухлашини сабрсизлик билан кута бошлади.

Бу оқшом у ҳаммадан аввал ухлашга ётди. Унинг олдида онаси кирди ва (унинг аёл орасидан ингичка ёғочдек чиқиб турган озгин оёқларига қарамасликка уринаркан) хайрли тун тилаб уни ўпди. — Тузукмисан?

— Ҳа, ойи.

Онаси нимадир демоқчи бўлди, лекин сўз тополмай бошини сарак-сарак қилганча чиқиб кетди.

Сўнгра опаси югуриб кириб, унинг устига энгашди ва шивирлади: — Хўш, қалай? Сен ногирон бўлганинг учунгина истаган нарсангни олавермайсан.

— Агар менда нима борлигини билганингда оғзинг очилиб қоларди, — деди Мартин юмшоқлик билан. Кейт хонадан чиқиб кетиш олдида унга шубҳали назар ташлади.

Охирида отаси кириб каравот четига ўтирди. — Тузукмисан, ошна? — деди у сохта қувонч билан. — Негадир эрта кунда ётиб олибсан. Жуд-да эрта.

— Чарчадим, дада.

— О' кей, — у Мартиннинг ёғочдек оёқларига шапатилади ва ўрнидан турди. — Афсус, мушакбозликни бекор қилишибди. Ҳечқиси йўқ, келаси йили ҳаммаси яхши бўлади. Эй-эй! Хафа бўлма! — У хонани тарк этди.

Мартин жавоб ўрнига сезилар-сезилмас жилмайди.

Уйдагиларнинг жой-жойларига тарқалишларини узоқ кутишга тўғри келди. Меҳмонхонадаги телевизор ишлашда давом этар ва экрандаги омманинг сохта кулгиларини тез-тез опасининг хириглаши босиб кетарди. Онасининг телефонда кимнидир табриклаётгани эшитилди. «Ҳа, — дерди у, — афсус мушакбозликни бекор қилишибди. Менимча, ҳозирги вазиятни ҳисобга оладиган бўлсак, бу жуда тўғри қарор. Ҳа, албатта, Мартин қаттиқ хафа бўлди». Суҳбат сўнгида у кулди, Мартиннинг олдида у ҳеч қачон бунақа кулмасди.

Соат миллари етти яримдан саккизга, кейин тўққизга келди, у халтанинг жойида турганлигига ишонч ҳосил қилиш учун тез-тез қўлини ёстиқ остига суқарди. Тўққиз яримда, ой анча баландга кўтарилгандагина уй аста-секин сукутга чўма бошлади. Телевизорнинг ўчирилгани ва Кейтнинг бошқа дугоналари кеч ётишлари ҳақида тўнгилаганича ётоқхонага кириб кетгани эшитилди. Кейин эса онасининг паст овозда гаплашишаётгани эшитилди. Ва...

...ва у барибир ухлаб қолибди, чунки қўлини ёстиқ остига тикқанида уйда сукунат ҳукмрон эканлигини, ой эса анча ёрқин нур сочаётганлигини англади. У шошиб-пишиб халтани ва олдиндан тайёрлаб қўйилган бир қути гугуртни олиб чўнтагига солди. У энди каравотдан тутишга тайёр эди.

Мартин учун бу қийин иш бўлса-да, лекин атрофидагилар одатда ўйлашганидек оғриқли эмасди. Унинг оёқлари сезиш қобилиятидан маҳрум эди, шунинг учун у ҳеч қандай оғриқни ҳис қилмасди. У иккала қўли билан каравот четини ушлади ва бир амаллаб оёқларини пастга туширди. Сўнг каравотидан бошланиб, бутун хонани айлантириб боғланган тутқични ушлади. Мартин тутқичга таянганича аравачасига ўзини ташлади.

Бир оз нафасини ростлагач, у диққат билан атрофга кулоқ солди. «Баланд овоз чиқарадиган мушакларни отмай қўяқол, ҳаммани уйғотиб юборасан», деганди Ал тоға. Уйдаги чуқур сукунага кулоқ тутган Мартин тоғасининг ҳақ эканлигини тушунди. У ўз байрамини якка ўзи нишонлайди ва буни ҳеч ким билмайди. Эртага мушак қолдиқларини кўришса кўришар. Бунинг аҳамияти йўқ.

У тепкини босди. Ўзипорар аравачанинг чироқчаси ёнди. Мартин ўнгга бурилиш тугмасини босди ва аравача ўнгга бурилди. Ташқарига чиқадиган эшикка юзлангач, Мартин «Олдинга» деб ёзилган тугмани босди, аравача олдинга юрди.

Мартин эшик зулфинини секин туширди ва ташқарига чиқди. Айвонда у халтани йиртди ва ёзнинг сеҳрли тунни, чигирткаларнинг бир маромда чириллаши, билинар-билинемас шабада, барглarning шитирлаши ва ой ёғдуси олдида мафтун бўлиб туриб қолди.

У ортиқ кута олмасди. Мартин дастлабки мушакни олиб, гугурт чақди, мушак кўк ва яшил учқунлар сачратиб юқорига кўтарилди.

Тўртинчи июл, — ўйлади у ва унинг кўзлари чақнаб кетди. — Бу менинг, фақат менинг байрамим, менинг энг қувончли байрамим!

Мартин вақтни ўтказмасдан навбатдаги мушакни ёндирди ва сапсарик рангли оловдан кўз узолмай қолди. Мушак ёниб тугашини кутмасдан у яна навбатдагисини ёндирди, бу сафар қип-қизил ранглар шуъласи атрофни ёритди.

У қўли билан пайпаслаб халта ичидан бир боғлам мушакни олди. Лекин Ал тоғасининг сўзлари ёдига тушиб, уни ҳозир отиш даҳшатли ҳодиса бўлишини — мушакнинг овози ҳаммани уйғотиб юбориши мумкинлигини ўйлади.

У мушакни тиззасига қўйди ва халтани титкилаб бошқа мушакни олди. Мартин пиликни туташтириб мушакни осмонга отди.

Қондек қип-қизил шуъла ўтлоқни ёритди... ва бу ёруелик ичида Мартин буталар орасидан ярим ириллаб-ярим йўталиб чиқиб келаётган улкан маҳлуқни кўрди.

У бир неча сонияга ўтлоқ четида ҳавони ҳидлаб туриб қолди, сўнг ногиронлар аравачасида қўрқувдан кўзи қинидан чиқиб кетай деб ўтирган Мартин томон қадам ташлади. У букчайганича аравачаси суянчигига қапишди. Маҳлуқ худди одамлардек икки оёқда тик туриб келарди. Унинг яшил кўзлари ўртасида қип-қизил чўғ ёнарди. У аста-секин яқинлашаркан, вақти-вақти билан тўхтаб, ҳавони ҳидларди. Йиртқич узун курак тишларини кўрсатиб ириллади.

Худди одамнинг қўлига ўхшайдиган тирноқли панжалар боланинг томоғи томон чўзилди. Болакай шу онда ҳали ҳам қўлида бир боғлам мушакни ушлаб ўтирганини англади. Мартин беихтиёр гугурт чақиб, пиликни ёндирди. Пилик атрофга учқун сачратганича, вишиллаб ёна бошлади. Бўри-одам ўзини орқага ташлади ва худди одамлардек овоз чиқарди.

Шу онда Мартин кўлидаги мушакни халтага солиб, халтани бўри-одамнинг тумшугига отди ва мушаклар бирин-кетин отила бошлади. Махлуқ этни жунжиктирадиган овозда ўқирди, оғриқ ва ғазабдан ўзини йўқотганича куйиб қолган тумшугини ушлади. Бирданига тўртта мушакнинг отилишидан кейин Мартиннинг кўз олдида махлуқнинг чўгдек ёнаётган кўзларидан бири оқиб тушди. У яна ўқирди, бу сафар оғриққа чидолмай панжаларини юзига босди. Уйда бирин-кетин чироқлар ёна бошлади, махлуқ ортига ўтирилди ва ўқирганича ўрмон томонга отилди.

— Нима бўлди?! — ҳаяжонланиб сўради Мартиннинг онаси. Бу сафар унинг овози илгаригидек қуруқ эмасди.

— Ким у, жин ургур? — бақирди отаси.

— Мартин? — деди қалтироқ овозда Кейт. — Мартин, тузукмисан? Унинг овозида ҳам одатдаги нафрат йўқ эди.

Фақат Косло бобогина донг қотиб ухлаб ётарди.

Мартин аравачасига ҳолсизгина суянганича, мушакнинг аста-секин сўнаётганини кузатарди. У шундай даҳшатга тушгандики, ҳаттоки йиғлашга ҳам ҳоли қолмаганди. Эртасига уни Вермонт штатига, Жим тоға ва Ида холаларниқига бутун ёзги таътилни ўтказиб келиш учун жўнатиб юборишди (бу полициянинг маслаҳати билан қилинди, чунки тўлин ой қотили Мартинни хавфли гувоҳ сифатида ўлдиришга уриниши мумкин эди).

У бўри-одамнинг кўрқинчли қиёфасини кўрган ва тирик қолган илк гувоҳ эди. Ва унинг кўнглида ҳеч ким билан, ҳаттоки уни тушунадиган Ал тоғаси билан ҳам баҳам кўрмайдиган болаларча қувонч бор эди. У мушакбозлик бўлганидан бахтиёр эди...

Август

— Бўри-одам бўлганига мутлақо ишонмайман, — деди констебл О'Нири овозининг борича. Станнинг сартарошхонасидаги ҳамма мижозлар жим бўлишди. Такер Миллзда кейинги ўн йилликдаги энг иссиқ августнинг иккинчи ярми эди. Иккинчи кундирки, тўлин ой нур сочиб турар ва бутун шаҳар нафасини ичига ютганича навбатдаги қотилликни кутарди.

Констебл О'Нири йиғилганларга бир-бир кўз югуртирди ва ўз фикрини давом эттирди.

— Шундай кишилар бўладики, — деди у, — худди иккита одамга ўхшашади. Шахс иккиланишига ўхшаган нарса, тушуняпсизларми?

У йиғилганларнинг ўзига ҳурмат билан қарашаётганидан хузурланиб бир оз сукут сақлади, сўнг гапида давом этди.

— Бу одам ҳам ой тўлганда кўчага чиқиб одам ўлдирадиган, лекин нима қилаётганини ўзи билмайдиганлар тоифасидан бўлиши керак. Аслида у ҳар ким бўлиши мумкин — банк кассири, ёнилги қуйиш шохобчаси механиги. Эҳтимол, у ҳозир орамизда ўтиргандир. Гаров ўйнашим мумкинки, у қалбан йиртқич, ташқи кўринишидан эса оддий одам. Лекин бўрига айланадиган одам йўқ, бу болалар учун эртақ, холос.

— Кославларнинг ўгли тўғрисида нима дейсан? — сўради Стан.

— Бу айнан менинг фикримни тасдиқлайди, — деди О’Нири. — Бундай бемаъниликка фақат болаларгина ишонишади.

Мартин Кославнинг шаҳарчада олти кишини ўлдирган қотилни кўрган биринчи гувоҳ бўлганлиги констеблнинг асабини кўзиганди. Бунинг устига, унга болани сўроқ қилишга рухсат беришмадими? Йўқ. Боланинг қаердалигини билладими? Йўқ! Чунки у оддийгина қишлоқчи бир полициячи-да! У фақат тирмизакнинг кўрсатмаларини ўқий олди, холос. Агар унинг гапига ишонадиган бўлса, «йиртқич»нинг бўйи етти футдан ортиқ, бутун танаси жун билан қопланган. Унинг тишлари узун-узун, кўзлари яшил. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Унинг одам қўлларига ўхшаган қўлларида узун тирноқлари бор. Думи ҳам бор. Дум! Ҳандай бемаънилик!

— Балки, — деди Кенни Франклин, — балки қотил бутун аъзои баданини бўяб олган одамдир? Ниқоб таққанми?

— Бунга ишонмайман, — эътироз билдирди О’Нири қизишганича. — Йўқ, жаноб! Бунга ҳеч қачон ишонмайман! Мишиқи бола мактабда бўри-одам ҳақидаги ҳикояларни эшитиб олган ва куни билан аравасида ўтирганича у ҳақида ўйлаган. Бу мантиққа мос келади, тўғрими? Агар ўша тунда буталар орасидан сен чиқиб келганингда ҳам у, барибир, бўри деб ўйлаган бўларди!

Кенни илжайди.

— Йўқ, — минғирлади О’Нири. — Бу болакайнинг кўрсатмалари ҳеч нарсага арзимади.

Мартин Кославнинг кўрсатмаларидан норози бўлган констебл О’Нири бошқа бир тахминини айтиб юборишига сал қолди.

— Тўртала мушак ҳам унинг юзи олдида портлаган, ҳаммаси бир вақтда. Агар унинг бир кўзи, аниқроғи, чап кўзи кўр бўлиб қолган бўлса ҳам ажабланмайман.

Агар констебл О’Нири бу фикрида қатъий турганида ҳам, 1984 йилнинг бу зазирама августидида шаҳарчада фақат бир киши кўзини боғлаб юрганини кўриб, ўз тахминидан кулган бўларди. Шаҳарчадаги барча одамлар ичида энг охирида ўша кишидан гумон қилиниши мумкин эди. О’Нири қотил ўз онаси бўлиши мумкинлигига ишониши эҳтимол, лекин бу кишининг қотил эканлигига ўлақолса ишонмасди.

— Бу ишни очишнинг битта йўли бор, — деди О’Нири, девор ёнидаги курсида навбат кутиб ўтирган тўрт-беш кишига қарата семиз бармоғини ниқтаркан, — бу виждонли полициячи текшируви. Ва бу ишни мен ўз зиммамга олмоқчиман. Мен қотилни тутиб келтирганимда штат федерал полициясидаги олифталар аҳмоқона фикрларини бас қилишади.

О’Нирининг юзида орзу ифодаси акс этди. — У ҳар ким бўлиши мумкин, — минғирлади у. — Банк кассири... ёнилғи қуйиш шохобчаси хизматчиси... кеча барда сен билан бирга пиво ичган йигит. Ҳақиқий полициячи бу жумбоқчи ечади. Сўзларимни ёдда тутинглар.

Ой шуъласида кумушдек товланган улкан бўри Такер Миллзга чиқиш йўлидаги чорраҳада турган «дож-пикап» машинаси ичига кириб олгач, О’Нирининг полициячилик фаолияти барҳам топди.

У ириллашни эшитди ва ҳудди ҳайвонот боғидаги шернинг қафасидан келадиган ҳидга ўхшаш ҳидни туйди.

Орқасига ўгириларкан, у ям-яшил кўзни кўрди. Катта жағлар очилгач, унинг кўзи узун тишларга тушди. Йиртқич мазах қилгандек

ўткир тирноқлари билан унинг юзини тирнади. Қон тизиллаб отилди. О'Нири елкасида қайноқ қонни ҳис қилди. У қичқириб юборди. Йиртқичнинг ортида тўлин ой хира нур сочарди.

О'Нири камарига қадалган тўпқончасини унутиб қўйганди. Виждонли полициячи текшируви ҳам унинг эсидан чиқиб кетганди. Бунинг ўрнига унинг хаёлига эрталаб сартарошхонада Кенни Франклин айтган сўзлар келди. «Балки, қотил бутун аъзои баданини бўяб олган одамдир? Ниқоб таққанми?».

Бўри-одам унинг томоғига чанг солаётганда О'Нири ниқобнинг йиртилган овозини эшитиш ва қотилнинг юзини кўриш умидида жонҳолатда йиртқичнинг тумшугидан чангаллаб тортди.

Лекин газаб ва оғриққа тўла йиртқич ўкиригидан бошқа ҳеч нарса юз бермади. Тирноқли қўл — ҳа, у айнан қўлни кўрди, қандай гайритабий бўлмасин, болакай ҳақ экан — унинг томоғини йиртиб ташлади. Машина ойнаси қонга бўялди.

Бўри-одам О'Нирининг янги қиртишланган бошидан тортиб машина ичидан чиқарди. Сўнгра тантанавор ириллади ва полициячининг бўйнига тишини ботирди.

Сентябр

Ой охирлаб борар, тўлин ой кечаси яқинлашиб келмоқда эди ва Такер Миллзнинг саросимага тушган аҳолиси кўрқув билан ой тўлишини кутарди, лекин ҳеч нарса юз бермади. Дунёнинг қаеридадир бирин-кетин бейсбол мусобақалари ўтар ва футбол мавсуми бошланганди; Канада тоғларида эса қалинлиги бир фут қор ёққанди. Лекин ер шарининг бу бурчагида ҳали ҳам ёз ўз ҳуқуқини талаб қилаётганди. Уч ҳафта илгари болалар мактабга қайтишганди. Зерикарли синф хоналарида куйиб-пишиб ўтиришга маҳкум бу болалар ўзларича бахтсиз эдилар. Эр ва хотинлар ҳеч қандай сабабларсиз жанжаллашишарди. Шаҳарчага кираверишда жойлашган О'Нилнинг ёнилғи қуйиш шохобчасида қандайдир сайёҳ Паки О'Нил билан бензин нархи масаласида жанжаллашиб қолди ва Паки уни бензин шланги билан бир солди. Оқибатда Нью-жерсилик йигитчанинг юқори лаби йиртилди. У тишларини гижирлатиб аллақандай суд жараёнлари ҳақида гўлдираганича узоқлашди.

— Билмадим, унга яна нима керак эдийкин, — деди Паки кечқурун қовоқхонада. — Мен уни сал туртиб қўйдим, холос, тушундингми? Агар уни бор кучим билан урганимда унинг оғзини бутунлай қийшайтириб кўярдим, тушундингми?

— Албатта, — деди Билли Робертсон, худди агар унинг сўзини маъқулламаса Паки уни ҳам урадигандек. — Яна пиво ичасанми, Пак?

Милт Штурмфюллер хотинини идиш ювиш машинаси ювган ликопда тухум қолдиғи қолганлиги учун калтаклаганди. У ликопдаги сариқ доғга қаради ва хотинини бошлаб туширди. Паки О'Нил айтганидек, Милт уни «бор кучи билан» урди.

— Лаънати, — деди у бурни қонаб ерда ётган Донна Лининг тепасида тураркан. — Онамнинг идиш ювиш машинаси бўлмаса ҳам идиш-товоқлар доим тоза турарди. Сен нима қиляпсан?!

Кейинроқ Милт Портленд касалхонасидаги шифокорга Донна Ли зинадан йиқилиб тушганлигини айтади. Тўққиз йилдан буён оилавий концлагерда яшаётган Донна Ли буни тасдиқлайди.

Кеч соат еттиларда тўлин ой қўтарилди, шамол турди — узундан-узоқ давом этган ушбу мавсумдаги дастлабки совуқ шамол. У шимол томондан булутларни ҳайдаб келди ва ой гоҳ уларнинг ортига ўтиб, гоҳ яна пайдо бўлиб булутлар билан бир оз беркинмачоқ ўйнади. Сўнгра булутлар қалинлашди ва ой ғойиб бўлди. Ҳаво тундлашди. Ҳамма уйига шошиларди.

Тунги соат иккиларда шаҳардан йигирма мил нарида жойлашган Веси Стэджд Роуддаги Алмер Циннеманнинг чўчқахонасида даҳшатли чийиллаш эшитилди. Алмер пижамасини елкасига ташлади, шиппагини кийди ва қуролини олиш учун ўрнидан турди. Хотини Алмердан унинг ташқарига чиқмаслигини ўғиниб сўрай бошлади.

Алмер уни итариб юборди ва эшик ёнида турган милтигини қўлига олди. Унинг чўчқалари нафақат чийиллашар, балки худди тушида одамхўр қотилни кўрган ёш қизчалардек юракни ларзага солиб кичқиришарди.

У милтиқ тепкисини туширмоқчи бўлди ва даҳшатли овозни эшитиб, турган жойида қотиб қолди. Бу бўрининг увиллаши эди, лекин унда қандайдир инсоний овоз бор эди ва бу овоз Алмер Циннеманни ортига, ошхонага қайтишга мажбур қилди. Алмер хотинини кучоқлади, улар диванга ўтиришди ва худди ёш гўдаклардек қалтирай бошлашди.

Чўчқаларнинг чийиллаши аста-секин тина бошлади ва тез орада бутунлай тўхтади. Ҳа, улар чийилламай кўйишди. Уларнинг овози бирин-кетин ўчди. Йиртқич яна увиллади. Унинг овози кўрқинчли эди.

Алмер деразага яқинлашди ва ниманингдир — айнан нима эканлигини англолмади — бир сакраб қоронғуликка сингиб кетганини кўрди.

Сўнгра дераза ойналарини ювганича ёмғир ёғди. Бу илк, ҳақиқий куз ёмғири эди.

Эрталаб Алмер чўчқахонасида ўзи тахмин қилган манзаранинг гувоҳи бўлди. Тўққизта чўчқанинг барчаси ва иккита сигири ўлиб ётар, уларнинг танаси бўлиб ташланган, ярим ейилган ҳолатда эди. Уларнинг чаноғидан чиқиб кетган кўзлари кузнинг совуқ осмонига тикилганича қотиб қолганди.

Алмернинг Минодан етиб келган укаси Пит унинг ёнида турарди. Улар узоқ жим туришди. Кейин Алмер анчадан буён ўйлаётган гапини гапирди.

— Суғурта айрим нарсаларни қоплайди. Ҳаммасини эмас, айримларини. Қолганига мен зарар кўрадиган бўлдим. Ҳарқалай, одамлардан кўра чўчқаларнинг ўлгани яхшироқ.

Пит бош ирғади ва кескин деди:

— Балки, етар!

— Нимани назарда тутаясан?

— Нимани назарда тутаётганимни биласан. Келаси тўлин ой кечасида 40 киши ўлади, ёки 60, ёки 160... Аҳмоқ ҳам тушуниб турган нарсани тушунмасликка олишнинг кераги йўқ. Буни қара, худо ҳаққи!

Пит ерга имо қилди, чўчқаларнинг нимталанган таналари ёнида катта-катта излар бор эди.

Улар бўри изига ўхшарди ва айна пайтда ҳайратланарли тарзда инсон оёқ изларини эслатарди.

— Мана бу лаънати изларни кўряпсанми?

— Ҳа,— жавоб берди Алмер.

— Булар бўри-одамнинг излари, — деди Пит. — Сен буни биласан, Алис ҳам билади, шаҳардаги деярли барча одамлар буни билишади. Жин урсин, ҳатто мен ҳам биламан!

У акасига қаради. Сўнг яна гапида давом этди.

— Бас, бунга чек қўйиш керак.

Алмер узоқ ўйланди ва жавоб қайтарди:

— Розиман, лекин келаси тўлин ойда эмас.

— Ноябргача кутмоқчимисан?

Алмер бош силкиди.

— Ўрмон сийраклашади ва изларни топиш осон бўлади.

— Келаси ой бўлмайдами?

Алмер Циннеман нимталанган чўчқаларига, сўнгра укасига қаради.

— Одамлар янада эҳтиёткорроқ бўлишлари лозим, — деди у.

Октябр

Мартин Кослав Хэллоуин байрамида совғалар олиб уйга қайтганида, уй бўм-бўш эди. У аравачасида тўғри ётоқхонасига кирди ва ярим ойнинг юлдузлар билан бурканган совуқ осмонга кўтарилишини томоша қилиб ўтирди. Ташқарида, айвонда совуқ шамол хазонларни чирпирак қилиб айлантирарди. Такер Миллзда октябрдаги тўлин ой кечаси ҳеч қандай қотилликсиз ўтди. Айримлар — улардан биринчиси Стэнли Пэлки — сартарош ва яна бири — Кэл Болдуин — бу ердаги ягона автодўкон соҳиби, даҳшат тамом бўлганига ишониларди: қотил ўрмонда яшаб юрган бирор дайди бўлса керак, энди у бу ердан кетган ва қайтиб келмайди. Бошқалар эса бундай фикрда эмасдилар. Улар ҳисоблаб юришарди: ой тўлган туннинг эртасига ўрмондан нимталаб ташланган тўртта буғу топилганди. Узун куз оқшомларида қовоқхонада пиво ичиш баҳонасида қайноқ баҳс-мунозаралар авжига чиқарди.

Мартин Кослав эса биларди.

Ўша Хэллоуин оқшомида кўчага чиқишганида, отаси унга резина ниқоб олиб берди. Мартин ниқобни тақиб олди. У аравачасида ўтирар, жонсиз оёқларини шол рўмол ёпиб турарди.

Мартинни отаси фургон машинада олиб юрарди: унда маҳсус рельс бўлиб, Мартин аравачасида машинадан бировнинг ёрдамисиз туша оларди. У тиззасига халта қўйиб олганди ва улар йўл бўйидаги барча уйларга кириб чиқишди. Қовоқхона, Сникерс бари, католик руҳонийси уйи, Чанки бари ва баптист руҳонийси уйида унинг халтаси тўлди. Кейин улар Рэндольфларникига, Куинларникига, Диксонларникига ва яна ўнлаб уйларга боришди. Мартин уйига бир халта ширинлик ва қутилмаган ҳодисадан кўркув билан қайтарди.

У биларди.

У бўри-одамнинг кимлигини биларди.

Мартин борган уйлардан бирида, Йиртқичнинг шахсан ўзи, тўғри, тўлин ой бўлмаганлиги учун у одам қиёфасида эди, Мартиннинг

ниқоб остидаги юзи девордай оқариб кетганини ва қўлқоп ичидаги бармоқлари маҳкам сиқилганини сезмаган ҳолда, унинг халтасига қанд ташлади. Бўри-одам Мартинга қараб жилмайди ва унинг бошини силади.

Ҳа, у бўри-одам эди. Мартин бун билди. Мартин унинг кўзида тасма борлиги учунгина билгани йўқ. Бу инсон қиёфаси билан бундан тўрт ой илгари ёз тунда кўзидан ажралган йиртқич тумшуғи орасида сезилар-сезилмас умумийлик бор эди.

Вермонтдан Такер Миллзга қайтганидан бери Мартин хушёр юрар, эртами-кечми бўри-одамни учратишига ва уни танишига ишонарди, чунки у бир кўзли одам бўлиши керак эди.

У полицияга бўри-одамнинг бир кўзи оқиб тушганлигини айтганида, улар Мартиннинг бу сўзларига бош ирғаб қўйишди, лекин унга полициячилар ишонишмагандай туюлди. Эҳтимол, уни ёш бола дейишгандир ёки ўша тунда улар бу воқеани ўз кўзлари билан кўрмаганликлари учундир. Нима бўлганда ҳам бунинг аҳамияти йўқ эди — Мартин унинг кимлигини биларди.

Такер Миллз — кичкина шаҳарча, лекин шу кунгача Мартин бир кўзли кишини учратмади, сўраб-суриштиришга эса ботинмади. Барибир Такер Миллз — кичкина шаҳарча. Эртами-кечми у Йиртқични ўз инсоний қиёфасида кўради. Уйга қайтаркан, жаноб Кослав Мартин бугунги байрамда чарчаганлиги учун жим бўлиб қолди, деб ўйлаётганди. Аслида бундай эмасди. Мартин ўша мушак отилган тундан бери ҳеч қачон ўзини бунчалик тетик ва бардам ҳис қилмаганди. У бўри-одамни топиш учун олтмиш кун керак бўлганлигини ўйларди. Ахир Мартин католик эди ва шаҳар четигаги черковга қатнарди.

Унинг халтасига ширинлик ташлаган ва бошини силаб қўйган бир кўзи боғлиқ киши католик эмасди. Йиртқич Лестер Лоу — баптист черковининг руҳонийси эди.

У эшик кесакисига суяниб, жилмайди. Мартин сариқ рангли тасмани аниқ кўрди. Тасма руҳоний отага қароқчи қиёфасини берганди.

— Кўзингизга нима бўлди, ҳазрат Лоу? — деди жаноб Кослав. — Умид қиламанки, бу жиддий эмас.

Ҳазрат Лоу маънос жилмайди. У бир кўзидан ажралганди, лекин ҳаммаси Худонинг иродаси. У яна Мартиннинг бошини силаб қўйди.

Шундай қилиб, Мартин октябр шамолининг қўшиғи, сўнгги баргларнинг шитирлашига қулоқ солиб, ярим ойга тикилганича каравотида ётарди.

У битта нарсани ўйларди: энди нима қилиш керак?

У ҳозирча нима қилишни билмас, лекин бу саволга албатта жавоб топишини ҳис қиларди.

Болакай ухлаб қолди, Такер Миллзда эса шамол ғувиллаганича октябрни қувиб, ўзи билан кузнинг сўнгги ойини олиб келмоқда эди.

Ноябр

Такер Миллзга тунд ноябр кириб келди.

Руҳоний Лестер Лоу эшиги олдида турганича кўчада юз бераётган воқеаларни кузатаётганди. У ҳозиргина почта орқали олти китобча ва битта хат олганди.

Кўчада машиналар тизилиб кетганди. Улар шаҳардан чиқиб кетаётганди.

Об-ҳаво маълумотига кўра, қор ёғиши керак эди. лекин машиналардаги кишиларни бу нарса қўрқитолмасди. Улар ов кийимларини кийиб олишган, қўлларида қурол, ёнларида този итлари бор эди. Тўртинчи кундирки, Алмер Циннеман ва унинг укаси Пит бошчилигидаги бу кишилар шаҳар ташқарисига чиқишаётганди.

Ой тўлишига оз қолганди. Қуш овлаш мавсуми аллақачон тугаганди. Буғу овлаш мавсуми ҳам. Лекин улар учун бўри-одам овлаш мавсуми энди бошланганди.

Бу одамларнинг айримлари шунчаки бекорчихўжалар ва ушбу сафар улар учун ўрмонда дам олиш, пивоҳўрлик қилиш, олмахон ва қарға отиш учун бир баҳона эканлигини руҳоний Лоу биларди.

Улар ҳақиқий йиртқичлар, ўйлади Лоу ва қўлини беихтиёр июлдан бери кўзига боғлаб юрган тасмага узатди.

Охирги машина кўздан ғойиб бўлди. Ҳа, уларнинг айримлари шунчаки бекорчилар, лекин айримлари — масалан, Алмер ва Пит Циннеманлар — ўта хавфли.

«Агар бу махлуқ, ким бўлишидан қатъи назар — одамми ёки ҳайвонми — овга чиқса, итлар унинг изига тушишади. — Руҳоний Лоу икки ҳафта илгари сартарошхонада Алмернинг мана шу сўзларини эшитганди. — Агар у пайдо бўлмаса, биз кимнингдир ҳаётини, ҳеч бўлмаганда, бирортасининг чорвасини сақлаб қолган бўламиз».

Ҳа, улардан айримларининг — ўн кишими, эҳтимол йигирма кишидир — қўлидан иш келади. Лекин руҳоний Лоуни улар эмас, бошқа нарса ташвишга солаётганди.

Хатлар, мана нима ташвишга солаётганди уни. Ёш бола қўли билан ёзилган хатлар. У бугун келган хатга қаради. Илгаригилари билан бир хил ёзув: «Руҳоний Лоуга, баптист руҳонийси уйига, Такер Миллз, Мейн 04491».

Ва яна ўша туйғу... қуршовга тушган махлуқ туйғуси. У итлар қуршовига тушган — жангга тайёр, лекин айни пайтда итлар томонидан ёриб ташланишини тушуниб турган тулки таҳлика остида нимани ҳис қилишини тасаввур қилди.

У эшикни оҳиста ёпди ва бобосидан қолган соат ҳар бир сонияни санаб турган меҳмонхонага кирди; у ўтирди, Миллер хоним ҳафтада икки марта артадиган стол устига диний китобларни қўйди ва янги келган хатни очди. Олдин келган мактублардаги сингари унда ҳам на салом-алик, на имзо бор эди. Мактаб дафтарида йиртиб олинган бир парча қоғозга шундай сўзлар ёзилганди:

«Нега ўзингизни ўлдирмаяпсиз?»

Руҳоний Лоу қалтираётган қўли билан юзини чангаллади. Бошқа қўлидаги қоғозни фикимлади ва стол устидаги кулдонга ташлади. У чўнтагидан гугурт чиқарди ва илгаригилари каби бу хатни ҳам ёқиб юборди. У хатнинг ёнишини диққат билан кузатиб турди.

Ўзининг аслида ким эканлиги ҳақидаги фикр Лоунинг миясига икки томондан келганди. Биринчидан, май тунидаги даҳшат — тушида черковдаги барча одамларнинг бўрига айланиб қолиши, кейин эса Клайд Корлисснинг ёриб ташланган жасади топилиши. Ўшанда у илк бор ўзида... қандайдир ўзгариш бўлаётганини сезганди. У буни нима деб аташни билмасди. Лекин нимадир жойида эмасди. У баъзида

эрталаблари, тўлин ой пайтида ажабланарли тарзда тетик, бардам ҳолда уйғонарди. Бу ҳиссиёт аста-секин йўқолиб борар ва ой тўлишган пайтда яна пайдо бўларди.

Туши ва Корлисснинг ўлимини эсларкан, у шу пайтгача ўзи рад этиб келган бошқа далилларни ҳам тушуна бошлади. Масалан, ифлос ва йиртилиб кетган кийимлар, танасидаги кўкимтир доғлар ва яралар (улар муғлақо оғримас ва жуда тезлик билан битиб кетарди). У ҳаттоки баъзида қўллари ва... лабларида қотиб қолган қон доғларини ҳам рад этарди.

Иккинчидан, 5 июл куни у эрталаб бир кўзидан ажралган ҳолда уйғонганди. Худди кўкимтир доғлар ва тилинган излардаги сингари у бу сафар ҳам ҳеч қандай оғриқни сезмади — фақатгина чап кўзи ўрнида бўшлиқ пайдо бўлганди. Энди ҳаммаси аён бўлган, рад этишнинг иложи йўқ эди: у — бўри-одам, у — Йиртқич.

Кейинги уч кун давомида уни яна ўша таниш ҳиссиёт чулғаб олди. Бугун ой тўлади ва овчилар итлари билан изғиб юришади. Хўш, нима бўпти! У улар ўйлагандан кўра ақллироқ. Улар бўри-одам ҳақида гапиришяпти, лекин одамни эмас, фақат бўрини назарда тутишяпти. Улар ўз машиналарида юришади — у ҳам ўз машинасида юраверади. Бугун, тушдан сўнг, у Портленд йўлидаги бирорта меҳмонхонага боради. Бўрига айланганида эса унинг ёнида ҳеч ким, овчилар ҳам, итлар ҳам бўлмайди. Йўқ, улар уни кўрқитолмасди, у улардан кўрқмайди.

«Нега ўзингизни ўлдирмаяпсиз?»

Дастлабки хат шу ойнинг бошида келганди. Унда шундай сўзлар бор эди:

«Кимлигингизни биламан!»

Иккинчисида шундай ёзилганди: «Агар Худога ишонсангиз — шаҳардан кетинг. Одамларни эмас, ҳайвонларни ўлдиришингиз мумкин бўлган бирор жойга кетинг».

Учинчи мактуб:

«Бас қилинг!»

Бор-йўғи шу — «Бас қилинг!»

Энди эса:

«Нега ўзингизни ўлдирмаяпсиз?»

Чунки бундай қилишни истамайман, жаҳл билан ўйлади руҳоний Лоу. Менга нима бўлганини тушунтириб беролмайман. Мени бўри тишламаган, лўли аёл қарғамаган. Бу шунчаки... шунчаки содир бўлди. Бир куни, ўтган йилнинг ноябрида, Саншайн Хилл қабристониди бир неча дона гул уздим ва уларни черковдаги гулдонга солиб қўймоқчи бўлдим. Мен илгари бундай гулларни кўрмагандим... Шаҳарга қайтгунимча улар сўлиб қолди. Ҳаммаси қорайиб кетди. Эҳтимол, бу ўшанда бошлангандир. Бундай ўйлашга сабаб йўқ, албатта, лекин барибир... Мен ўзимни ўлдирмайман. Йиртқич улар, мен эмас!

Лекин хатларни ким ёзптикин?

У билмасди. Мартин Кославга бўлган хужум ҳақида Такер Миллз газеталарида ҳеч қандай хабар берилмаган, миш-мишларга кулоқ солишни эса Лоу ўз қадрини ерга уриш деб биларди. Хэллоун байрамига қадар Мартин Лоу ҳақида билмагани каби, руҳоний Лоу ҳам Мартин ҳақида ҳеч нарса билмасди. Йиртқич қиёфасида ўзи билан

нималар содир бўлиши ҳақида эса ҳеч қандай тасаввурга эга эмас, фақат бу даврнинг бошланишидаги хавотир ва ундан кейинги қониқиш ҳиссини биларди, холос.

Мен Худога ишонаман, ўйлади у, хонада борган сари тезроқ юраркан. Унга меҳмонхона торлик қила бошлади. Мен Худога ишонаман ва ўзимни ўлдирмайман. Мен яхши ишлар қиламан ва агар баъзида ёвузлик қиладиган бўлсам нима бўпти — менгача ҳам одамлар ёвузлик қилишган; ёвузлик ҳам Худонинг иродаси, агар мен лаънатланган бўлсам, Яратган мени кечиради ва ўз даргоҳига қабул қилади. Ҳамма нарса Яратганга боғлиқ... У ким экан-а? Қандай қилиб билсам бўлади? Тўртинчи июл куни кимга ҳужум қилганман? Кўзимдан қандай ажрадим? Нима учун у шу пайтгача жим юрди? Итларингизни тезроқ йўқотинглар. Тезроқ...

У тобора тезроқ юра бошлади, ундаги зўриқиш кучайди ва у сийрак соқоли қалинлашаётганини, ягона кўзи эса яшил тусга кираётганини сезмади. У энқайди ва ўзи билан ўзи гаплаша бошлади... лекин унинг сўзлари ириллашга айланиб борарди. Ниҳоят, кун тун билан алмашди. Лоу ошхонага отилди, кийим илгичда турган машина калитини олди ва гаражга чопди. У Портлендга йўл олди. Дастлабки қор учқунлари машина чироқлари нурида рақс тушганича ерга тушарди. Лоу булуллар ортидаги ойни, унинг кучини ҳис қилди, кўкрак қафаси оқ кўйлагини йиртганича кенгая бошлади.

У радио мурватини буради ва ўзини шунчаки... зўр ҳис қилди! Ўша тунда юз берган нарса ё Худонинг жазоси, ёки тақдир ҳазили эди — бу жуда қулгили, чунки Лоу Йиртқичга айланиш учун Портлендга кетганди, у ўлдирган одам эса Такер Миллзда яшайдиган Милт Штурмфюллер бўлиб чиқди... Эҳтимол, Худо шундай бўлишини истагандир, чунки Такер Миллздаги энг аблаҳ одам айнан Милт Штурмфюллер эди. У ўша тунда худди илгаригилари каби хотини Донна Лига иш билан кетаётганлигини айтиб уйдан чиқиб кетган, унинг «иши» эса Донна Ли анчадан буён бермай қўйган лаззатни берувчи Рита Теннисон исмли фоҳиша эди.

Рухоний Лоу Портленд-Вестбург шоссеси бўйидаги «Орифтвуд» меҳмонхонасига келган ва Милт Штурмфюллер билан Рита Теннисон ҳам ўша ноябр тунида ўз ишларини бажариш учун айнан мана шу меҳмонхонани танлашганди.

Милт кеч соат ўндан ўн беш дақиқа ўтганида машинасида қолдирган ичкиликни олиб келиш учун ташқарига чиқди. У ой тўлган мана шундай тунда Такер Миллзда эмаслигидан ўзини-ўзи табриклади ва айни шу лаҳзада машина томидаги бир кўзли Йиртқич бир ҳамла билан унинг бошини узиб ташлади. Милт Штурмфюллер эшитган сўнгги нарса бўри-одамнинг тантанали увиллаши бўлди; унинг боши машина остига юмалади, унинг кўзлари очиқлигича қотиб қолган, бўйнидан қон шовиллаб отиларди. Йиртқич унинг жасади устига энгашди ва ютоқиб қон ича бошлади.

Эртасига эса Такер Миллздаги уйида ўзини шунчаки... зўр ҳис қилаётган рухоний Лоу қотиллик ҳақида газетада ўқийди ва шундай ўйлайди: «У яхши одам эмасди. Бу Худонинг иродаси».

У яна шундай деб ўйлайди: «Менга хат ёзаётган бола ким экан-а? Июлда кимга ташлангандим? Буни аниқлаш керак. Энди миш-мишларга қулоқ солмасам бўлмайди».

Рухоний Лоу кўзидаги тасмани тўғрилади, газетани ёпди ва ўйлади: «Ҳаммаси Яратганнинг иродасига боғлиқ, агар Худо хоҳласа, мен уни топаман. Ва овозини ўчиришга мажбур қиламан. Бир умрга».

Декабр

Янги йил киришига ўн беш дақиқа қолганди. Дунёнинг бошқа жойларида бўлгани каби йил охирига етаётган ва ҳамма ерда бўлганидек, Такер Миллзда ҳам ўзгаришлар юз берганди.

Милт Штурмфюллер ўлган ва унинг ниҳоят куликдан қутулган беваси Донна Ли шаҳардан кўчиб кетганди. Айримлар унинг Бостонга, айримлар эса Лос Анжелесга кетганини айтишарди. Бир аёл шаҳарчада китоб дўкони очганди, дўкон ёниб кетди. Саргарошхона ва қовоқхона, Худога шукрки, ўз жойида эди. Мархум Клайд Корлисснинг қўлидан ҳеч нарса келмайдиган укалари Алден ва Эррол ҳали ҳам тирик эдилар. Шаҳарда энг ширин пирог пиширадиган Грамма Хейг инфарктдан вафот этганди. Тўқсон икки ёшли Вилли Харрингтон Болл стритдаги уйида сирғаниб йиқилиб тушиб оёғини синдириб олганди. Мактаб директори Олли Паркернинг бурнидан қон кетиб, кучли зўриқиш деган ташхис қўйилди. Яхшиямки, миянгиз оқиб кетмабди, деди шифокор, унга қон босимига қарши дори ёзиб бераётиб ва Оллига қирқ фунтга озишни маслаҳат берди. Ажабланарлиси шундаки, Олли Рождествогача йигирма фунтга озди. У ўзини бутунлай бошқа одамдек ҳис қиларди. «У тўшақда ҳам бошқа одамга айланди», деб мақтанди унинг хотини сирдош дугонаси Дейл Барнига. Варрак мавсумида Йиртқич ўлдирган Бреди Кинкейд ҳали ҳам ўлганлигича қолган, ногиронлар аравачасида ўтирадиган Мартин Кослав эса илгаригидай ногирон эди.

Нимадир ўзгарган, нимадир асл ҳолича қолган ва Такер Миллзда йил қандай — кучли шамол ва Йиртқичнинг кўринмас ташрифи билан — бошланган бўлса, шундай охирига етаётганди.

Кославларнинг меҳмонхонасида Мартин ва тоғаси Ал ўтиришарди. Улар телевизорда Дик Кларкнинг янги йил шоусини томоша қилишаётганди. Мартиннинг тиззасида 38-калибрли «кольт» тўппончаси ётарди. Унинг ичида соф қумушдан тайёрланган иккита ўқ бор эди. Алнинг Хэмденда Мак-Катчен исмли дўсти бор эди. Бир неча марта рад этишлардан сўнг у Мартиннинг қумуш қошиғини эритишга ва иккита ўқ ясаб беришга рози бўлганди.

— Бунинг ишлашига кафолат беролмайман, — деди Мак-Катчен Алга, — лекин ишлаши керак. Менга қара, кимни ўлдирмоқчисан, бўри-одамними ёки қонхўр махлукними?

— Иккаласини ҳам, — деди Ал унга жавобан куларкан. — Бу менинг жиянимга. У даҳшатли фильмларни севиб томоша қилади ва ўйлайманки, бу унга зўр совға бўлади.

— Бўпти, ўқ отилганидан сўнг уни топсанг, менга олиб келиб бер, — деди Мак-Катчен. — Унга нима бўлишини кўрмоқчиман.

Ростини айтганда, Ал нима қилишга ҳам ҳайрон бўлиб қолганди. У Такер Миллзда тўртинчи июлдан бери бўлмаган ва Мартинни ўшандан буён кўрмаганди. Унинг опаси, Мартиннинг онаси Алнинг совғасидан тепа сочи тикка бўлганди.

— Аҳмоқ, унга бирор нарса бўлиб қолса нима қилардинг? Қилаётган ишингни ўйладингми?! — қичқирди у телефонда.

— Айтишларича, уни айнан мушак сақлаб қолибди-ку, — ўзини оқлашга уринди Ал, лекин телефонда қисқа гудок товушини эшитди. Опаси қайсар аёл эди. Эшитгиси келмаган нарсани эшитмасди.

Кейин эса, шу ойнинг бошида Мартин кўнғироқ қилди.

— Сиз билан кўришишим керак, Ал тоға, — деди у. — Фақат сизга айтадиган гапим бор.

— Ойнинг билан уришиб қолганман, — жавоб қилди Ал.

— Бу жуда муҳим, — деди Мартин. — Илтимос!

У келди ва опасининг таъналарини сабот билан тинглади, сўнг Мартин билан бирга сайр қилишга рухсат сўради.

Декабрнинг аёзли, очиқ куни эди. Ал тоғаси уни машинасига ўтқазди ва улар йўлга тушишди. Ал тоға Мартиннинг ҳикоясини хавотир билан тинглади.

Мартин ҳикоясини мушакбозлик қилган тундан бошлади. У мушак отиб Йиртқичнинг чап кўзини чиқарганини айтиб берди. Кейин эса Хэллоуин байрами, руҳоний Лоу ва имзосиз хатлари ҳақида айтди. Портлендда Милт Штурмфюллер ўлдирилганидан сўнг ёзилган икки хатга имзосини қўйганини ҳам айтди.

— Унга ҳеч қандай хат ёзмаслигинг керак эди, — деди Ал тоғаси. — Э, Худо, Мартин, сен адашаётган бўлишинг мумкинлиги хаёлингга келмадимми?

— Келди, — деди Мартин. — Шунинг учун ҳам охирги икки хатга имзо қўйдим. Кейин нима бўлганини сўрамайсизми? У отамга кўнғироқ қилиб хат ёзаётганимдан шикоят қилган-қилмаганини сўрамайсизми?

— У бундай қилмадимми? — сўради Ал қандай жавоб бўлишини сезган ҳолда.

— Йўқ, — деди Мартин. — У отам билан ҳам, онам билан ҳам, мен билан ҳам гаплашмади.

— Мартин, унинг бундай йўл тутганига юзлаб сабаблар бўлиши мумкин.

— Йўқ. Фақат битта. У — бўри-одам, у — Йиртқич ва у ой тўлишини кутяпти. Руҳоний Лоу сифатида у ҳеч нарса қилолмаслиги мумкин. Лекин бўри-одам қиёфасида кўп нарса қўлидан келади. У мени ўлдириши мумкин.

Мартин бу сўзларни шундай соддалик билан айтдики, Ални деярли ишонтирди.

— Сенга қандай ёрдам беришим мумкин? — сўради Ал.

Мартин унга мақсадини айтди. Унга иккита кумуш ўқ ва тўппонча керак. У яна Ал тоғасининг янги йил арафасида, ой тўладиган тунда унинг ёнида бўлишини истайди.

— Йўқ, — деди Ал тоғаси. — Сен яхши боласан, Мартин, аммо, ошириб юбораётганга ўхшаяпсан. Яна бир марта ўйлаб кўр.

— Эҳтимол ошириб юбораётгандирман, — деди Мартин. — Лекин янги йил куни сизга кўнғироқ қилишиб, каравотда менинг бурдалаб ташланган жасадим ётганлигини айтишса, қандай аҳволга тушасиз? Сиз шуни истайсизми, Ал тоға?

Ал нимадир демоқчи бўлди, лекин ўйланиб қолди ва машинасини шоссе томон кескин бурди. У Вьетнамда жанг қилган ва бунинг учун

тақдирланганди, у бир неча марта аёллар қўйган тузоқларга чап берганди, ҳозир эса ўн яшар жиянининг қармоғига илинганди. Тўғри, у буни тан олишни истамасди. Аммо Мартин тоғасини яхши билади, у энди Мартиннинг иттифоқчисига айланганди.

Тўрт кундан кейин, ўнинчи декабрда Ал тоға кўнғироқ қилди.

— Ажойиб хабар! — эълон қилди Мартин оила аъзоларига. — Ал тоғам янги йил куни бизни келаркан!

— Ҳеч қачон! — деди онаси қатъий қилиб.

Лекин Мартинни бу фикридан қайтаришнинг иложи йўқ эди.

— Ахир уни мен таклиф қилганман.

Онаси куни билан унга норози қиёфада тикилиб юрди. Лекин укасига унинг келмаслигини сўраб кўнғироқ қилмади. Энг муҳими ҳам шу эди.

Нихоят вақт бўлди. Янги йил арафаси. Ал келмаслигига Мартиннинг онасининг ишончи комил эди. Ташқарида ҳақиқий қор бўрони бўлаётганди. Шамол қор учқунларини учирганча увилларди. Тўғриси айтганда, Мартин хавотирга тушиб қолди, лекин Ал тоғаси кеч соат саккизларда кириб келди.

Ўн бир яримда ҳамма ухлаб қолди. Фақат улар иккаласигина уйғоқ эдилар. Ал тоға бу бемаъниликка ишонмаса-да, эҳтиёт шарт битта эмас, иккита тўппонча олиб келганди. Кумуш ўқлар солинган тўппончани Мартинга берди. Иккинчисини, 45-калибрли «магнум» тўппончасини эса, агар ўша махлуқ кириб келса отаман, деган фикрда (у бу фикрига тобора шубҳа қилаётганди, чунки вақт ўтиб борар, бироқ бўри-одамдан дарак йўқ эди) ўзида олиб қолганди.

Улар ҳозир телевизорда Тамс Сквердаги Альед Кемикл биноси устидаги улкан шарнинг нур сочишини томоша қилиб ўтиришарди.

Йилнинг сўнгги дақиқалари ўтиб борарди. Телевизор қаршисидаги бурчакда янги йил арчаси турар, у жуда маъюсга ўхшарди.

— Мартин, ҳеч нарса... — сўз бошлади Ал тоға ва айни шу лаҳзада меҳмонхонанинг гулли дераза ойнаси парча-парча бўлиб кетди. Ичкарига совуқ шамол, қор учқунлари ва ... Йиртқич кириб келди.

Ал даҳшатдан қотиб қолди. Йиртқич жуда улкан, қўлиари гиламга теккудай энгашиб юрса-да, бўйи етти фут эди. Унинг ягона яшил кўзи (Мартин тасвирлагандай экан, ўйлади таҳликада Ал) атрофга аланглади ва ногиронлар аравачасида ўтирган Мартинга тикилди. У тишларини иржайтирганича бола томон юрди.

Мартин хотиржамлик билан «кольт»ини кўтарди. У аравачасида жуда кичкина кўринарди. Унинг оёқлари худди ёғочдек осилиб турарди. Бўри-одамнинг ўкириши, шамолнинг чийиллаши, дунёда бундай воқеа қанақасига содир бўлиши мумкинлиги ҳақида миясида чарх ураётган фикрлари орасида Ал жиянининг овозини эшитди:

— Бечора руҳоний Лоу. Мен сизни қутқармоқчиман.

Мартин тепкени босди. Тўппонча қандайдир бўғиқ товуш чиқарди.

Бўри-одамнинг ўкириги бошқача оҳангда янграй бошлади, энди у оғриққа чидолмаган хайвоннинг қичқиршигига айланганди. У девор томон учиб кетди. Девордаги Курье ва Ив мўйқаламларига мансуб асарлар унинг устига тушди. Унинг даҳшатли тумшуги қонга бўялган, яшил кўзида эса ҳайрат ифодаси мужассам эди. У Мартин томонга яна қадам ташлади. Мартин тўппончани худди ёш бола чойнак кўтарганидек иккала қўлида тутиб турарди. У кутди, кутди... ва бўри-одам яқинлашиши билан яна ўқ

узди. Йиртқичнинг кўзи худди шамолда ўчган шамдек ўчди. У дераза пардасига ўралашиб қолди. Ал оппоқ пардани бўяётган қонни кўрди.

Мартиннинг отаси кўзлари қинидан чиққудек ҳолатда эшикни очганида бўри-одам чўккалаб қолганди. Алнинг «магнум»и тиззасида турар, талмовсираганидан тўппончани отиш хаёлига ҳам келмаганди.

Йиртқич йиқилди... жон талвасасида типирчилади... ва ўлди.

Жаноб Кослав даҳшатдан оғзини очганича қараб турарди.

Мартин тоғасига ўтирилди, қўлидаги тўппончадан тутун чиқарди. У ҳорғин, лекин хотиржам кўринишда эди.

— Янги йилингиз билан, Ал тоға, — деди Мартин. — Йиртқич ўлди. — Шу сўзларни айтarkan, у йиғлаб юборди.

Кослав хонимнинг энг чиройли дераза пардасига ўралашиб қолган бўри-одамнинг кўриниши аста-секин ўзгара бошлади. Унинг юзи ва танасини қоплаган жунлар йўқолди. Оғриқ ва газабдан қимтилган лаблар бўшашиди. Панжалари оддий қўлга айланди.

Пардага ўралган руҳоний Лестер Лоу ўз қонидан пайдо бўлган ҳалқобда ётарли.

Ал тоға Мартиннинг ёнига келди ва уни юпата бошлади. Отаси эса ерда ётган жасадга тикилди. Мартиннинг онаси эшик ёнида турарди. Ал Мартинни бағрига маҳкам босди:

— Ҳаммасини зўр бажардинг, кичкинтой, — шивирлади у. — Мен сени яхши кўраман.

Ташқарида шамол увиллар, қор ёғар, Такер Миллзда эса янги йилнинг илк дақиқаси тарихга айланиб улгурганди.

«ЧЕКИШНИ ТАШЛАНГ» КОРПОРАЦИЯСИ

Ўша куни Моррисон Кеннеди аэропортида ўтирганича бир кишини кутарди. У барда танишини кўриб қолди.

— Жимми? Жимми Маккэнн?

Уларнинг Атлантадаги кўрғазмада учрашувларидан буён Маккэнн сал семирган бўлса-да, кўриниши жуда яхши эди. Моррисон унинг коллежда ўқиган пайтида қандай ашаддий кашанда, ариқ ва рангпар бўлганлигини эслади. Кўзлари катта-катта кўзойнаги унинг юзини тўсиб қўярди. Энди эса, афтидан Маккэнн, контакт линза тақарди.

— Дик Моррисон?

— Ҳа, менман. Кўринишинг зўр. - Улар кўришишди.

— Сенинг ҳам, - деди Маккэнн, лекин Моррисон бунинг ёлғон эканлигини биларди. У жуда кўп ишлар, ер, ичарди.

— Нима ичасан?

— Бурбон, - деди Моррисон ва қулайроқ жойлашиб ўтириб сигарет туташтирди. - Бирортасини кутиб олгани чиқдингми?

— Йўқ. Майамига кетяпман. Олти миллион долларлик шартнома тузгани.

— Ҳали ҳам «Крэгер ва Бартон» фирмасида ишляпсанми?

— Энди мен унинг вице-президентиман.

— Буни қара! Табриклайман! Қачондан бери? - Моррисон ичи ҳасаддан эмас, жиғилдони қайнаётганидан куюётганига ўзини ишонтиришга уринарди. У дори олиб оғзига солди.

— Августдан бери. Бунгача эса ҳаётимни ўзгартириб юборган

воқеалар содир бўлди. — У Моррисонга диққат билан қаради. — Бу сени қизиқтириши мумкин.

— Албатта, — жавоб берди Моррисон стакандаги ичкиликдан хўшларкан.

— Ишларим орқага кетганди, — ҳикоясини бошлади Маккэнн. — Шэрон билан келишолмай қолдим, отам инфарктдан вафот этди, ўзим эса тинмай йўталардим. Бир куни хонамга Бобби Крэггер кирди ва тарбиявий суҳбат олиб борди. Эсингдами шундай суҳбатлар?

— Бўлмаса-чи! — Моррисон «Крэггер ва Бартон» фирмасида бир ярим йил ишлаган, сўнгра «Мортон» агентлигига ишга ўтиб кетганди. — «Ақлингни ишлаб... ёки жўнаб қол».

Маккэнн кулиб юборди.

— Шунақа. Шифокор эса «Ошқозон яраси бошланяпти, чекишни тўхтадинг», деди. Бу «Нафас олишни тўхтатинг», деган билан баравар. Моррисон бош ирғади. У қўлидаги сигаретга қаради ва ҳозироқ янгисини тутатишини била туриб уни ўчирди.

— Шундан сўнг чекишни ташладингми?

— Ташладим. Дастлаб эпложмайман, деб ўйладим. Кейин эса бир йигитни учратиб қолдим. У менга Қирқ олтинчи кўчадаги корпорация ҳақида гапириб берди. Улар ҳақиқий мутахассислар. Мен уларга боришга қарор қилдим. Ўшандан буён чекмаяпман.

Моррисоннинг кўзлари каттариб кетди.

— Улар сенга дори беришдими?

— Йўқ, — Маккэнн чўнтагидаги ҳамёнини олиб кавлай бошлади.

— Мана. — У стол устига ташриф varaқасини қўйди.

«Чекишни ташланг» корпорацияси

Тўхтанг! Соғлигингиз тутун билан бирга учиб кетмоқда!

237 Ист, Қирқ олтинчи кўча

Олдиндан шартнома тузиш асосида даволаш

— Истасанг, ўзингда олиб қол, — деди Маккэнн. — Улар сени даволашади. Бунга кафолат бераман.

— Қанақасига?

— Бунга айтишга ҳаққим йўқ.

— Нега? Нима учун?

— Шартномада шундай модда бор.

— Сен шартнома тузганмисан?

Маккэнн бош ирғади.

— Ва шу асосла...

— Худди шундай... — У Моррисонга жилмайди.

— Агар улар шунчалик зўр ишлайдиган бўлишса, бундай поранинг нима кераги бор? Нима учун уларнинг рекламасини кўрмайман, газетага эълон беришмайди?

— Уларнинг мижозлари реклама вазифасини ўташади.

— Сен ҳам реклама бўйича мутахассиссан, Жимми. Бунга қандай ишонинг мумкин?

— Мен ишонаман, — жавоб қайтарди Маккэнн. — Уларнинг тўқсон саккиз фоиз мижозлари чекишни ташлашади.

— Бир дақиқача, — деди Моррисон сигарет туташтираркан. — Улар сени боғлаб қўйиб кўнглинг айнигунча чекишга мажбур қилишарми?

— Йўқ.

— Чекишинг билан ўзингни ёмон ҳис қиладиган бирор нарса...

— Йўқ, ўзинг бориб кўр. — У Моррисоннинг сигаретига ишора қилди.

— Шуни чекиб маза топасанми?
 — Йўқ, лекин...
 — Мен чекишни ташладим ва ҳаётимда кўп нарсалар ўзгарди, — деди Маккэнн. — Кучимга куч қўшилди, Шэрон билан муносабатларим яхшиланди, ишларим юришиб кетди.
 — Сен мени қизиқтириб қўйдинг. Бирор нарса айта ола...
 — Кечир, Дик. ҳаққим йўқ, — деди Маккэнн қатъий оҳангда.
 — Чекишни ташлаганингдан бери семириб қолибсанми? — сўради Моррисон ва унга Жиммининг авзойи бузилгандек туюлди.
 — Ортиғи билан. Лекин ортиқча вазндан кутулдим. Ҳозир вазним меъёрида.

— Икки юз олтинчи рейсга тўққизинчи секцияда рўйхатга олиш бошланди, — эълон қилинди овоз кучайтиргич орқали.

— Бўпти, — деди Маккэнн ўрнидан тураркан. — Истасанг, яна ич. Дик, менинг айтганларимни яхшилаб ўйлаб кўр. — У шу сўзларни айтиб эскалатор томон кетди. Моррисон ташриф варақасини олиб ҳамёнига солиб қўйди.

Бир ойдан сўнг Моррисон барлардан бирида пул тўламоқчи бўлиб ҳамёнини очганида ташриф варақаси тушиб қолди. У ишдан эртароқ қайтган ва кунни ичиш билан ўтказмоқчи эди. Иши тобора орқага кетаётганди. Моррисон пулни тўлагач, варақани қўлига олиб ўқиди. 237 Ист, Қирқ олтинчи кўча — унга узоқ эмас, икки квартал нарила. Октябрнинг қуёшли куни эди: балки бир бориб кўрсамикин...

«Чекишни ташланг» корпорацияси янги бинода жойлашган бўлиб, бу ерда битта хонанинг ижара ҳақи, эҳтимол, Моррисоннинг бир йиллик маошига тенг эди. Корпорация бутун бир қаватни эгаллаган, демак, пули кўп.

У лифтда юқорига кўтарилди ва гилам тўшалган йўлакдан ўтиб, катта стол қўйилган кенг қабулхонага кирди. Бу ерда уч эркак ва бир аёл журнал ўқиб ўтиришарди. Кўринишидан улар бизнесмен эдилар. Моррисон котибага ташриф варақасини узатди.

— Бунга менга дўстим берганди.

Котиба жилмайди ва ёзув машинкасига қоғоз солди:

— Исми-шарифингиз, жаноб?

— Ричард Моррисон.

— Манзилингиз?

— 29 Мейнл-лейн, Клинтон, Нью-Йорк.

— Уйланганмисиз?

— Ҳа.

— Фарзандларингиз борми?

— Битта ўғлим бор. — У Элвинни ўйлаб қовоғини уйди: «битта» эмас, «яримта» деса тўғрироқ бўларди. Унинг ўғли ақлан ноқис бўлиб, Нью Жерсидаги махсус интернатда яшарди.

— Бу ерга келишни сизга ким тавсия қилди, жаноб Моррисон?

— Жеймс Маккэнн, дўстим.

— Яхши. Марҳамат, ўтиринг. Бугун бу ерда одам кўп.

— Бўпти.

У мовий ранг костюм кийган аёл ва тивит пиджакли йигит ўртасига ўтириб чўнтагидан сигарет чиқарди, лекин атрофда кулдон йўқлигини кўриб қайтариб чўнтагига солди.

Ҳечқиси йўқ, уларнинг ўйинини билади, ташқарига чиққач, маза қилиб чекади. Агар бу ерда узоқроқ куталиган бўлса, сигарет кулини оёғи остидаги жигарранг гилам устига ташлайди. Моррисон «Тайм» журналинини олиб варақлай бошлади.

Унинг баданига йиғилиб қолган никотин яна қўшимчасини талаб қиларди. Моррисондан кейин келган бир киши чўнтагидан портсигар чиқарди, лекин кул ташлагани идиш йўқлигини кўргач, чўнтагига солиб қўйди. Буни кўриб, Моррисон ўзини енгил ҳис қилди.

Ниҳоят, котиба жилмайганича уни ичкарига таклиф этди. Моррисон ўзини хира ёритилган йўлакда кўрди. Сочлари оппоқ бир киши унинг қўлини қисди ва дўстона жилмайди:

— Ортимдан юринг, жаноб Моррисон.

Улар қатор эшиклар ёнидан ўтишди. Йўлак ўртасига етишганида оқ сочли киши эшиклардан бирини очди. Улар деворлари оппоқ кичкинагина хонага киришди. Хонада битта стол ва иккита стул бор эди, холос. Стол ортидаги деворда кичкинагина туйнук бўлиб, уни энсиз яшил парда ёпиб турарди. Моррисоннинг чап томонидаги деворда қўлида қоғоз тутган кишининг сурати осифлиқ эди.

— Менинг исмим Вик Донатти, — ўзини таништирди ҳалиги киши.

— Агар даволаш курсига рози бўлсангиз, сиз билан мен шуғулланаман.

— Танишганимдан хурсандман. — Моррисоннинг жудаям чеккиси келаётганди.

— Ўтиринг.

Донатти котиба тўлдирган қоғозни стол устига қўйди, галадондан яна битта қоғоз олди ва Моррисонга қаради:

— Ростдан ҳам чекишни ташламоқчимисиз?

Моррисон йўталди, оёғини чалиштирди, сўнг жавоб қайтарди:

— Ҳа.

— Унда имзо чекинг.

У қоғозни Моррисонга узатди. Моррисон кўз югуртирди: қуйида имзо чекувчи даволаш усуллари ошкор этмасликка мажбур ва ҳоказо ва ҳоказо.

— Бўпти.

Донатти унга ручка узатди, Моррисон имзо қўйди. Сўнгра қоғоз стол галадонига солинди. Хўш, ўйлади Моррисон киноя билан, қасам ичдим. Олдин ҳам шундай ҳол бўлганди. У ҳаттоки, икки кун чекмаганди ҳам.

— Яхши, — деди Донатти. — Биз бу ерда тарғибот билан шуғулланмаймиз, жаноб Моррисон. Саломатлик, сарф-харажат, ижтимоий муруват масалалари ва сизнинг нима учун чекишни ташламоқчи эканлигингиз бизни қизиқтирмайди. Биз — амалиётчилармиз.

— Зўр, — деди Моррисон эътиборсизлик билан.

— Ҳеч қандай дори бермаймиз, маъруза ўқимаймиз, пул талаб қилмаймиз. Бир йил давомида чекмаганингиздан кейингина пул тўлайсиз.

— Э, Худо, — деди Моррисон.

— Жаноб Маккэнн бу ҳақда айтмаганмиди?

— Йўқ.

— Дарвоқе, унинг ишлари қалай? Яхшими?

— Зўр! Қойилмақом!

— Ҳозир эса... бир нечта шахсий саволларим бор, жаноб Моррисон. Жавобларингиз сир сақланади.

— Шундайми? - деди Моррисон.

— Хотинингизнинг исми?

— Люсинда Моррисон. Қизлик фамилияси - Рэмзи.

— Уни севасизми?

Моррисон дарҳол Донаттига қаради, лекин у мулоимлик билан

тикилиб турарди.

— Шунақа.

— У билан жанжаллашганмисиз?

— Чекишни ташлашимга бунинг қандай алоқаси бор? — Моррисон юмшоқроқ гапирмоқчи эди, лекин иложи бўлмади — унинг ўлгудек чеккиси келаётганди.

— Бевосита алоқаси бор. Саволларимга жавоб беринг.

— Йўқ. — Аслида кейинги пайтда уларнинг муносабати ҳақиқатан ҳам кескинлашиб бораётганди.

— Фарзандингиз борми?

— Ҳа. Исми Элвин, у хусусий мактабда ўқийди.

— Қайси мактабда?

— Буни айтмайман, — Моррисон ғамгин жавоб қайтарди.

— Майли, — деди Донатти ва жилмайди. — Эртага даволаш курсимизнинг биринчи сеансида барча саволларингизга жавоб бера оламан.

— Жуда яхши, — деди Моррисон ва ўрнидан турди.

— Ва сўнгги саволим: сиз бир соат давомида чекмадингиз.

Ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз?

— Яхши, — алдади Моррисон, — жуда яхши.

— Баракалла, — деди Донатти ва столни айланиб ўтиб, эшикни очди. — Бугунча чекишингиз мумкин. Эртадан бошлаб эса битта ҳам сигарет чекмайсиз.

— Бўлиши мумкин эмас!

— Бунга кафолат берамиз.

Эртасига роппа-роса соат учда Моррисон «Чекишни ташланг» корпорацияси қабулхонасида ўтирарди. У эрталаб роса иккиланди: бориш керакми ёки йўқми.

Ниҳоят, Жимми Маккэнн айтган биргина ибора уни боришга мажбур қилди:

Ҳаётимда кўп нарса ўзгарди.

Лифтга киришдан олдин у сигаретни филтригача чекди. Минг афсус, агар у охириги марта сигарет чекаётган бўлса.

Бу сафар узоқ кутишга тўғри келмади. Котиба уни ичкарига таклиф қилганида, Донатти аллақачон кутиб ўтирарди. У Моррисонга қўл узатди ва илжайди. Моррисон ўзини ноқулай ҳис қилди ва чеккиси келди.

— Юринг, — таклиф қилди Донатти ва улар хонага киришди. Донатти стол ортига, Моррисон унинг қаршисига ўтирди.

— Келганингиздан хурсандман, — деди Донатти. — Аксарият мижозларимиз биринчи суҳбатдан сўнг қайтиб келмайдилар. Улар чекишни ташлашни истамаётганликларини тушуниб қолишади. Мен жон деб сиз билан ишлайман.

— Даволаш курси қачон бошланади? — Гипноз, ўйлади Моррисон, гипноз бўлса керак.

— Иккаламиз йўлакда кўришганимиздан бошланган. Сигаретингиз борми, жаноб Моррисон?

— Ҳа.

— Менга бера оласизми?

Моррисон елкасини қисиб қўйиб, қутини Донаттига узатди. Унда барибир, икки ёки уч дона сигарет қолганди.

Донатти қутини стол устига қўйди, Моррисонга жилмайди, ўнг қўлини мушт қилиб қутини мажақлай кетди. Қути ичидан синган сигарет учиб чиқди, тамаки сочилди. Донатти жилмайишда давом этди

— Моррисоннинг баданида чумоли ўрмалагандек бўлди. Эҳтимол, улар шу йўл билан таъсир ўтказишар, ўйлади у.

Ниҳоят, Донатти мажақланган кутини ахлат челакага улоқтирди:

— Уч йилдан бери шу иш билан шуғулланиб роҳат қиламан.

— Бундай даволаш курси наф берармикин, — деди Моррисон юмшоқлик билан. — Ташқаридаги дўкондан сигарет сотиб олиш мумкин.

— Мутлақо тўғри, — маъқуллади Донатти ва қўлини кўксига чалиштирди. — Углингиз Элвин Доус Моррисон Пэтерсон ақли ноқис болалар мактабида. Тугма жароҳати туфайли у ҳеч қачон тузалмайди. Унинг ақлий қобилияти коэффициенти — 46. Хотинингиз...

— Буни қаердан билдингиз? — қичқирди Моррисон. У ғазабга минганди. — Бунга қандай ҳаққингиз бор?

— Биз сиз ҳаққингизда кўп нарсани биламиз. — деди Донатти, — лекин илгари айтганимдек, бу сир сақланади.

— Мен кетаман, — деди Моррисон ва ўрнидан турди.

— Яна озгина ўтиринг.

Моррисон Донаттига диққат билан қаради — у хотиржам эди. Ҳаттоки, бу суҳбатдан у завқ олаётгандек эди. Унинг юз қиёфасидан Донатти бундай ҳолатларни юз марталаб кўрганини билиш мумкин эди.

— Яхши, қоламан. Ишга ўтайлик.

— Албатта. — Донатти стулга суянди. — Мен сизга айтувдим — биз амалиётчимиз. Шунинг учун ҳам биз бошидаёқ чекишга бўлган иштиёқни даволаш қанчалик қийинлигини тушуниб олишимиз керак эди. Чекишни ташлаганларнинг саксон беш фоизи қайтадан чекишни бошлаб юборишади. Гиёҳвандлар орасида эса бу кўрсаткич пастроқ. Муаммо жуда жиддий.

Моррисон ахлат челакага қаради. Битта сигарет букилиб кетган, лекин чекса бўларди. Донатти ёзилиб кулди, челакадаги сигаретни синдириб ташлади.

— Айрим штатларнинг қонун чиқарувчилари баъзан қамоқхоналарда чекишни ман қилишни таклиф қилишади. Овоз бериш пайтида бу таклиф бутунлай йўққа чиқади. Баъзан бу таклиф қабул қилинган, лекин қамоқхоналарда ғалаён кўтарилган, ҳақиқий ғалаён, жаноб Моррисон. Тасаввур қиласизми?

— Бунинг менга қизиги йўқ.

— Яхшилаб эътибор беринг! Бирор кишини қамоққа ташлашганида уни жинсий алоқа, спиртли ичимлик ичиш, сиёсий фаолият билан шуғулланиш, саёҳат қилиш имкониятларидан маҳрум қилишади. Ва ҳеч қандай исён кўтарилмайди. Лекин маҳбусларга сигарет чекишни тақиқласангиз — ба-бах! — Донатти ўз фикрини баён этиш мақсадида столга мушт урди.

— Келинг, даволашни бошлайлик.

— Бир дақиқа. Илтимос, бу ёққа юринг. — Донатти ўрнидан туриб яшил пардани сурди. Туйнук ортида бўм-бўш хона бор эди. Йўқ, бўш эмас экан. Бурчакла бир куён товоққа солинган сабзавотни кавшарди.

— Чиройли куён экан, — деди Моррисон.

— Фикрингизга қўшиламан. Уни кузатиб туринг. — Донатти токчадаги тугмани босди — куён овқатланишдан тўхтади ва сакраб тушди. У оёқлари ерга теккач, янада баландроқ сакради ва хона бўйлаб югура бошлади.

— Бас қилинг! Уни ток уриб ўлдиради-ку!

Донатти тугмани қўйиб юборди:

— Нима деяпсиз, бу жуда кучсиз ток. Куёнга қаранг, жаноб Моррисон.

У товоқдан уч метр нарида турарди.

— Агар у овқатланаётганда ток ураверса, жонивор бир нарсани тушуниб етади: овқатланиш — оғриқ. Демак, куён овқат емай кўяди. Уни бир неча марта ток урса, куён овқат тўла товоқ ёнида очликдан жон беради. Бу воз кечдириш йўли билан тарбияланг, деб аталади.

Моррисоннинг ранги оқариб кетди, у эшик томон йўл олди.

— Бўлди, керак эмас, катта раҳмат.

— Тўхтанг, жаноб Моррисон.

Моррисон эшик тутқичидан тортди... эшик қулфлоглиқ эди.

— Очинг.

— Жаноб Моррисон! Илтимос, ўтиринг!

— Эшикни очинг, акс ҳолда полиция чақираман.

— ўтиринг, — деди Донатти совуқ оҳангда.

Моррисон Донаттининг кўрқинчли кўзларига қаради ва ўйлади: «Ё, Худойим, мен телба киши бир хонада қолдим» У лабларини ялади. Умрида унинг бунчалик чеккиси келмаганди.

— Мен сизга даволаш курси ҳақида батафсил гапириб бераман, — деди Донатти.

— Тушунмадингиз, — эътироз билдирди Моррисон сохта хотиржамлик билан. — Менга курсингиз керак эмас. Мен ундан воз кечаман.

— Йўқ, жаноб Моррисон, сиз тушунмадингиз. Энди бошқа иложингиз йўқ. Даволаш курси бошланди. деганимда сизни алдамагандим. Ҳаммасини тушунганга ўхшагандингиз.

— Сиз ақлдан озгансиз, — деди Моррисон.

— Йўқ, мен амалиётчи одамман.

— Қани бошланг, — деди Моррисон. — Фақат билиб кўйинг, бу ердан чиқишим биланоқ беш қути сигарет сотиб оламан ва уларни полиция маҳкамасига боргунимча чекиб тугатаман.

— Ўзингиз биласиз. Лекин сизга ҳаммасини тушунтирганимдан сўнг фикрингизни ўзгартирасиз, деб ўйлайман.

Моррисон жим бўлиб қолди, стулга ўтириб қўлларини чалиштирди.

— Даволаш курсининг дастлабки ойида одамларимиз доимий равишда сизни кузатиб юришади, — тушунтирди Донатти. — Сиз уларнинг айримларини сезасиз, лекин ҳаммасини эмас. Сизни тўхтовсиз кузатиб туришади. Доимий равишда. Агар чекканингизни кўриб қолишса, бу ерга кўнгироқ қилишади.

— Мени бу ерга келиб куённинг ўрнига ўтқазишади. — Моррисон пичинг қилди, лекин кўрқувга тушди. Бу худди даҳшатли тушга ўхшарди.

— Йўқ, — жавоб қайтарди Донатти. — Куённинг ўрнига сизни эмас, хотинингизни ўтқазишади.

Моррисон унга анграйиб қаради.

Донатти илжайди.

— Сиз эса туйнукдан қараб турасиз.

Суҳбат тугагач, Моррисон қандай қилиб йўл босганини билмади. Ҳаво жуда яхши эди; лекин у буни сезмасди. Донаттининг илжайган қиёфаси унинг кўз олдини тўсиб қўйганди.

— Тушунинг. — деганди у, — амалий иш амалий қарорни талаб қилади, биз фақат сизнинг манфаатингизни ўйлаймиз.

Донаттининг айтишича, «Чекишни ташланг» корпорациясига (хайрия ташкилотига ўхшаган) суратда тасвирланган киши асос солган экан. У автомат ўйинлар, массаж хоналари, яширин лотереялар билан шуғулланган. Бу киши, Уч бармоқ лақабли Март Минелли ашаддий кашанда бўлган — кунига уч қути сигарет чеккан. Унинг қўлидаги қоғоз — шифокорларнинг

сўнги хулосаси: ўпка раки. Март барча бойлигини «Чекишни ташланг» корпорациясига васият қилиб, 1970 йида вафот этган.

— Молиявий ишларни иложи борича сиблиқ олиб боришга ҳаракат қиламиз. — Деганди Донатти, — лекин биз одамларга ёрдам беришдан кўпроқ манфаатдормиз. Албатта, бу хайрли ишимиз солиқ тўлашда бизга қўл келади.

Даволаш курси даҳшатли даражада олдий эди. Биринчи марта қоида бузилса — Синдини Донатти айтган «қуёнхона»га олиб келишади. Иккинчи марта бўлса — Моррисоннинг ўзи ҳам жазоланади. Учинчисида — уларнинг иккаласи биргаликда ток остига қўйилишади. Тўртинчи марта қоида бузилиши янада қаттиқроқ жазога олиб келади. Элвин ўқиётган мактабга бир киши бориб уни дўппослайди.

— Тасаввур қилинг, — деди жилмайиб Донатти, — ўғлингиз қай аҳволга тушади. У нима бўлаётганини тушунмайди. Фақат, дадаси ёмонлиги учун калтакланаётганини билади, холос.

— Аблах, — деди Моррисон, у йиғлаб юборишга тайёр эди, — лаънати аблах.

— Мени тўғри тушунинг, — деди Донатти. — Бундай бўлмаслигига ишонаман. Мижозларимизнинг қирқ фоизига жазо қўлламаймиз ва фақат ўн фоиз мижозларимиз қоилани уч мартадан ортиқ буздилар. Бу рақамлар сизни тинчлантирса керак?

Моррисон бунда ўзини тинчлантирадиган ҳеч нарса кўрмади. У даҳшатга тушганди.

— Агар беш марта қоида бузсангиз...

— Нима демоқчисиз?

Донатти илжайди:

— Сиз билан хотинингиз қуёнхонага, ўғлингиз иккинчи марта, хотинингиз эса биринчи марта калтакланади.

Ғазабдан ақлини йўқотган Моррисон стол устидан Донаттига ташланди.

Донатти эса стули билан орқага сурилди ва иккала оёғи билан Моррисоннинг қорнига тепди. Моррисон ортига учиб кетди.

— Ўтиринг, жаноб Моррисон, — деди Донатти, — келинг, ақли одамлардек гаплашиб олайлик.

Моррисон ҳансираганича унга бўйсунди. Бу қўрқинчли туш қачондир тугар, ахир?

«Чекишни ташланг» корпорациясида ўн босқичли жазс тури бор, деганди Донатти. Олти, етти, саккиз марта қоида бузилса — ток кучи ошади, дўппослашлар тобора даҳшатли тус олади. Агар Моррисон тўққизинчи марта чекса, унинг ўғлининг қўлларини синдиришади.

— Унинг марта бўлса-чи? — сўради Моррисон. Унинг томоғи қуриб қолганди.

Донатти маънос боти чайқади:

— У ҳолда биз таслим бўламиз. Сиз икки фоиз тузалмайдиган мижозлар рўйхатига кирасиз.

— Ростдан таслим бўласизларми?

— Шунақа деса ҳам бўлади. — Донатти ғаладонни очди ва стол устига 45-калибрли «кольт» тўппончасини қўйди. — Лекин ана шу икки фоиз тузалмаслар ҳам қайтиб ҳеч қачон чекишмайди. Бунга қафолат берамиз.

Кечкурун телевизорда Синди ёқтирадиган «Булмат» фильми бўлаётганди. Моррисон бир соат давомида минғирлаб, типирчилаб ўтирди.

Синди кинони бемалол кўра олмади.

— Сенга нима бўляпти? — сўради у.

— Ҳеч нарса... — деди Моррисон. — Мен чекишни ташладим.

Синди кулди:

— Қачон? Беш дақиқа олдинми?

— Соат учдан бери.

— Ўшандан бери чекканинг йўқми?

— Йўқ.

— Зўр-ку. Чекишни ташлашингга нима мажбур қилди?

— Мең сени ўйладим... Элвинни.

Синдининг кўзлари катта-катта очилди. Дик ўгли ҳақида камдан-кам гапирарди. У бўм-бўш кулдонга қаради.

— Ростдан ҳам чекишни ташламоқчимисан, Дик?

— Ростдан. Агар полицияга мурожаат қилсам, безорилар сени дўппослашади, Синди.

— Агар чексанг ҳам барибир биз Элвин билан ғамхўрлигингдан миннатдор бўламиз.

— Қайтиб чекмайман, деб ўйлайман, — деди Моррисон ва унинг қорнига тепаётган Донаттининг — қотилнинг хира кўзларини ўйлади.

У кечқурун ухлай олмади, кечаси учда эса туриб олди. Моррисоннинг чеккиси келаётганди. У пастга тушиб, хонасига кирди. Бу хонанинг деразалари йўқ эди. Моррисон столи ғаладонини очиб, сигарет қутисини олди, атрофга аланглаб, лабларини ялади.

Биринчи ой давомида доимий кузатувда бўласиз, деганди Донатти. Кейин эса икки ой давомида уни кунига ўн саккиз соатдан кузатишади. Тўртинчи ойда (айнан ўшанда аксарият мижозлар яна чека бошлашади) яна кунига йигирма тўрт соат давомида кузатув олиб борилади. Кейин йилнинг охиригача кунига ўн икки соатлик кузатув. Кейин-чи? Умрининг охиригача ҳар қандай пайтда кузатув бошланиши мумкин.

Умрининг охиригача.

— Сизни ҳар икки ойда текширишимиз мумкин, — деганди Донатти. Ёки кун ора бўлмаса, ҳар икки йилда бир ҳафталик кузатув ташкил қиламиз. Ҳамма гап шундаки, Сиз буни билмайсиз. Агар чексангиз, биз билан ўйнашаётган бўласиз. Улар кузатяптими ёки йўқми? Хотинимни олиб кетишдими ёки ўғлимни дўппослагани одам жўнатишдими? Зўр-а, тўғрими? Яширинча сигарет чексангиз ҳам ундан ўглингизнинг қони таъми келиб туради.

Лекин ҳозир тун қоронғусида, улар уни бу хонада кузата олишмайди. Уй худди қабристондек жимжит эди.

У икки дақиқача сигарет қутисидан кўз узолмай турди, сўнг эшик олдига бориб бўм-бўш йўлакка қаради, ортига қайтиб, яна сигаретга тикилди. У қайтиб сигарет чекмаслигини тасаввур қилди. Энди у қандай қилиб мижозлар билан қўлида сигаретсиз гаплашади? Синдининг гулларига сигарет чекмасдан қандай чидайдди? Қандай қилиб кунни эрта тонгда сигарет чекмасдан бошлайди?

Моррисон бу нарсага араланиб қолгани учун ўзини, Донаттини лаънатлади, энг даҳшатли лаънат ўқлари эса Жимми Маккэннга қаратилганди. У нима учун бундай қилди! Итвачча, ҳаммасини билар экан-ку! Хоин Маккэнннинг томоғидан бўғиш истагидан Моррисоннинг қўллари қалтираб кетди.

У яна хона ичига аланглади, сигаретни қўлига олиб уни силади, лабига қистирди ва қотиб қолди.

Шкаф ичида қандайдир шитирлаган товуш эшитилдими? Йўқ, шекилли. Лекин...

Унинг кўз олдида яна бир манзара намоён бўлди: электр токи зарбаларидан сакраётган қуён. Бу хонада унинг ўрнида Синди бўлиши мумкин...

Унинг бутун вужуди кулоққа айланди. Моррисон шкафни очмоқчи бўлди, лекин унинг ичида бирортаси бўлиши мумкинлигини ўйлаб, кўрқди. У жойига кириб ётди, лекин анчагача ухлай олмади.

Эрталаб ўзини ёмон ҳис қилишига қарамасдан, нонушта Моррисонга жуда ёқди. Бир оз ўйлангач, у яна битта қовурилган тухумни паққос туширди. Синди пастга тушганида, у товани юваётганди:

— Ричард Моррисон! Охирги марта итимиз кучуклик пайтида нонуштада тухум егандинг.

Моррисон нимадир деб тўнғиллади.

— Чекиб бўлгандирсан? — сўради хотини.

— Йўқ.

— Туш пайтига бориб чекасан, — деди Синди қувноқлик билан.

— Зўр ёрдамчи экансан, — ўшқирди Моррисон хотинига. — Сиз чекмайдиганлар ўйлайсизларки... ҳа, майли.

— Сен ростдан ҳам чекишни ташламоқчимисан?

— Албатта. Бунинг қанчалик жиддий эканлигини ҳеч қачон билмайсан, деб умид қиламан.

— Бечора, — деди хотини. — Сен тирик мурдага ўхшаб қолдинг.

Моррисон уни бағрига маҳкам босди.

Ричард Моррисон ҳаётидан лавҳалар; октябр-ноябр: Моррисон «Лоркин студио»да ишлайдиган оғайниси билан Жек Демпсининг барида. Оғайниси Моррисонга сигарет узатади, у рад этади:

— Мен чекишни ташладим.

Оғайниси кулади:

— Кўпи билан бир ҳафта чидайсан.

Моррисон автобус кутаётиб кўк костюм кийган йигитга кўзи тушади. У бу йигитни деярли ҳар куни ва турли жойларда кўради: Онди барида, Сэм Гудининг мусиқа дўконида. Бир куни Дик уни ўзи гольф ўйнаётган майдонда ҳам кўриб қолди.

Моррисон меҳмондорчиликларда ичади - жудаям чеккиси келади! — лекин бунга қўл урадиган даражада маст бўлмайди.

У ўғлини кўргани боради, унга копток совға қилади. Элвин оғзидан суви оқиб уни ўнганида у илгаригидек жирканмайди. Моррисон ўғлини кучоқлайди ва Донаттилар компанияси бир нарсани жуда яхши англаганини тушунади: севги — энг кучли афюн. Хаёлпарастлар унинг бор-йўқлиги ҳақида баҳслашаверишсин. Амалиётчи одамлар ундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишади.

Моррисон аста-секин тамакига бўлган жисмоний эҳтиёжидан қутулади, лекин руҳий эҳтиёжидан қутула олмайди. Шунинг учун доим оғзига йўталга қарши дори, қанд ёки сигарет ўрнини босувчи бирор нарса солиб юради.

Бир куни Моррисон «Мидтаун» туннелида автомобил тикинига дуч келди. Қоронғилик. Машиналар тўхтовсиз сигнал чалишар, атрофга тутун ҳидига тўлиб кетганди. Моррисон кўққислан машина ичидаги қутичани очиб, унинг ичида турган сигарет қутисини кўриб қолди. Сигарет қутисига бирпас қараб туриб, ичидан сигарет олди-да, туташтирди. Агар бирор нарса бўлса, бунга Синдининг ўзи сабабчи, деди у ўзига ўзи. Жин ургур, унга ҳамма сигаретларни ташлаб юбор, дегандим-ку.

Сигаретни ичига бир тортганди — қаттиқ йўтал тутди. Иккинчи тортишда кўзидан ёш чиқиб кетди, учинчисида — боши айланди. Намунча аччиқ, ўйлади Моррисон.

Бирдан унинг миясига бошқа фикр келди: Э, Худойим, нима қиляпман?

Орқада тўхтовсиз сигнал чалинарди. Олдиндаги машиналар юра бошлади. Моррисон сигаретни ўчириб, машина ойналарини очди ва қўллари билан тутунни ҳайдай бошлади.

У тиқиндан зўрға чиқиб уйига келди.

— Синди, мен келдим, — деди у.

Жимжитлик.

— Синди? Азизам, қаердасан?

Телефон жиринглади, Моррисон шопиб гўшакни кўтарди:

— Синди? Қаердасан?

— Салом, жаноб Моррисон, — деди Донатти ёқимли, тетик овозда.
— Биз бир масалани кўриб чиқишимиз керакка ўхшайди. Соат бешда олдимга кела оласизми?

— Хотиним сизлардами?

— Шунақа, — жавоб қайтарди Донатти.

— Уни қўйиб юборинглар, — бидирлади Моррисон, — бошқа бундай қилмайман. Ўзимни тутолмай қолдим. Бор-йўғи уч марта тортдим. Худо ҳаққи, ҳаттоки чекиш менга ёқмади.

— Минг афсус. Демак, соат бешда келасиз?

— Илтимос, — деди Моррисон. У йиғлаб юборай деди, — ўтинаман...

Лекин Донатти гўшакни қўйиб қўйганди.

Соат бешда қабулхонада Моррисоннинг девордек оқариб кетганига эътибор бермай, унга жилмайган котибадан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

— Жаноб Донатти? — деди у тугмани босиб. — Жаноб Моррисон келди. — У Моррисонга бош ирғади. — Кираверинг.

Донатти уни эшик олдида «жилмайинг» деган ёзувли майка кийган ва қўлига 38-калибрли револьвер тутган бир барзанги билан кутиб турарди.

— Менга қаранг, — деди Моррисон, — келишишимиз мумкин. Сизларга пул тўлайман. Мен...

— Овозингни ўчир, — деди майкалик киши.

— Сизни кўрганимдан хурсандман, — деди Донатти. — Учрашувимиз шундай қайғули ҳолатда кечаётганидан афсусдаман. Мен билан юринг. Тезроқ тугатамиз. Хотиржам бўлинг: хотинингизга ҳеч нарса қилмайди... бу сафарча.

Моррисон Донаттига ташланмоқчи бўлди.

— Хаёлингизга ҳам келтирманг, — деди у. — Агар шундай қилсангиз, мана бу киши револьвер сопи билан бошингизга солади, хотинингизга эса барибир ток билан уришади. Бундан сизга нима фойда?

— Тил тортмай ўлгин, — деди Моррисон Донаттига қараб.

— Агар мана шундай тилаклар учун беш центдан олганимда эди, аллақачон нафақага чиқсам бўларди. Бу сизга сабоқ бўлади, жаноб Моррисон. Юринг.

Барзанги уни револьвер билан ниқтади.

Хонага биринчи бўлиб Моррисон кирди ва ҳайкалдек қотиб қолди. Яшил парда суриб қўйилганди. Барзанги уни револьвер билан туртди. Моррисон туйнукдан мўралади ва талмовсираб турган Синдини кўрди.

— Синди, — деди у, — Синди, улар...

— У сизни кўрмайдиям, эшитмайдиям, — деди Донатти. — Келинг, тезроқ тугатайлик. Гуноҳингиз унча оғир эмас — ўттиз сония етади, деб ўйлайман.

Барзанги бир қўли билан тугмани босди, иккинчи қўлидаги револьверни Моррисоннинг биқинига тиралди.

Бу унинг ҳаётидаги энг узоқ ўттиз сония эди. Жазолаш тугагач, Донатти Моррисоннинг елкасига қўлини қўйди ва сўрालи:

- Қўнглингиз айнимаяптими?
- Йўқ, — деди Моррисон зўрға ва деворға суяниб қолди — унинг оёқлари қалтиради.
- Мен билан юринг, — деди Донатти.
- Қаёққа? — сўради Моррисон.
- Хотинингизга бирон нарса лерсиз?
- Унинг кўзига қандай қарайман. Унга қандай айтаман?
- Хонада дивандан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Унда Синди йиғлаб ётарди.
- Синди, — деди Моррисон.
- Хотини йиғидан қизариб кетган кўзларини унга тикди.
- Дик, — пичирлади Синди, — Дик? Э, Худойим... Икки киши... Уйимизда... Уларни ўғри деб ўйлабман, улар эса кўзимни боғлаб бу ерга олиб келишди.
- Ўзингни бос.
- Лекин нима учун? — сўради хотини. — Улар нима учун..
- Ҳаммаси мени деб бўлди. Сенга бир нарсани айтишим керак. У ҳикоясини тугатиб, бирпас жим бўлиб қолди ва деди:
- Сен мендан нафратланаётган бўлсанг керак?
- Моррисон ерга қарали. Синди унинг юзига кафтини қўйди ва ўзига қаратди:
- Йўқ. Кетдик уйга.
- Бир ҳафтадан кейин кечки пайт телефон жиринглади ва Донаттининг овозини таниган Моррисон деди:
- Одамларингиз адашишибди. Мен қўлимга сигарет ушлаганим йўқ.
- Буни биламиз. Сўнгги масалани келишиб олишимиз лозим. Эртага кечки пайт кела оласизми?
- Бу...
- Қўрқманг. Айтганча, лавозимингиз кўтарилгани билан табриклайман.
- Буни қаердан биласиз?
- Ҳисоб-китоб ишларини юритамиз, - деди Донатти ва гўшакни қўйди.
- Улар хонага киришгач, Донатти деди:
- Нега асабийлашяпсиз? Сизни ҳеч ким тишлаб олмайди. Бу ёққа келинг.
- Моррисон яқин келди ва ерда оддий тарозини кўрди.
- Мен сал семирдим...
- Ҳа, ҳа, ҳа. Етмиш уч фоиз мижозларимизда бу ҳолат ҳам кузатилди. Марҳамат, тарозига чиқинг.
- Тарози етмиш тўққиз килони кўрсатди.
- Яхши, тарозидан тушишингиз мумкин. Бўйингиз қанча, жаноб Моррисон.
- Бир метру етмиш тўққиз сантиметр.
- Қани, — Донатти чўнтагидан қоғоз чиқарди. — Жуда зўр. Ҳозир сизга семиришга қарши дорилар рўйхатини ёзиб бераман. Уларни камдан-кам ичинг. Сизнинг оғирлигингиз кўпи билан... — У яна бир марта қоғозга қаради. — Саксон уч кило бўлади. Бугун биринчи декабр, демак, ҳар ойнинг биринчи кунда вазнингизни тортиб кўрамиз.
- Агар саксон уч килодан оғир бўлсам нима бўлади?
- Донатти жилмайди:
- Одамларимиздан бири уйингизга бориб хотинингизнинг жимжилоқ бармоғини қирқиб келади. Саломат бўлинг, жаноб Моррисон.

Орадан саккиз ой ўтди.

Моррисон Жек Демпси барида «Лоркин студиос»да ишлайдиган оғайнисини кўриб қолди. Моррисон спорт билан шуғулланаётган, кўриниши зўр эди.

— Қандай қилиб чекишни ташладинг? — сўради оғайниси.

Моррисон унга маъноли қаради, чўнтагидан ташриф варақасини чиқарди.

— Биласанми, — деди у, — мана шу компания ҳаётимни ўзгартириб юборди.

Орадан бир йил ўтди.

Моррисон почта орқали тўлов қоғози олди:

«Чекишни ташланг» корпорацияси

237 Ист, Қирқ олтинчи кўча,

Нью Йорк, Нью Йорк штати, 10017

Даволаш курси — 2500 доллар

Мутахассис хизмати (доктор Донатти) - 2500 доллар

Электр харажати — 50 цент

Жами - 5000 доллар 50 цент.

— Итваччалар! — бақирди у. — Сени қийнашган электрни ҳам ҳисобга киритишибди.

— Тўлай қол, — деди хотини.

Орадан яна саккиз ой ўтди.

Моррисон ва Синди «Хелен Хэйс» театрида Жимми Маккэнни хотини билан кўриб қолишди. Улар сўрашишди. Жиммининг кўриниши илгаригидан ҳам яхши эди. Моррисон унинг хотинини энди кўраётганди. Моррисон у билан қўл бериб сўрашди. Аёлнинг қўл қисиши ғалати эди. Фақат бир оздан кейин Моррисон бунинг сабабини тушунди. Маккэннинг хотинининг ўнг қўлидаги жимжилоқ бармоғи йўқ эди...

Русчадан
Дилшод АСҚАРОВ
таржималари

Шимолий Ҳиндистон халқ мақоллари

Экканингни ўрасан

Ишласанг — эвазига тишлайсан.
 Бошқалар номусини эҳтиёт қилсанг, ўзингникини асрайсан.
 Қандай айтсанг — шундай эшитасан.
 Баққолни бува лесанг — қиём беради.
 Ёмон сўз айтсанг — ўнта жавоб оласан.
 Кўлмакка ғишт тапчамасанг, устинг ифлос бўлмайди.
 Ишига яраша — мукофоти.
 Яхши ҳаққа — виждонан иш.
 Ўз ишининг устаси — оч қолмайди.
 Меҳнатсиз бойлик келмас.
 Омоч сурсанг унли бўласан.
 Ғишт билан олсанг, тош билан берасан.
 Ўнг қўл чап қўлни, чап эса ўнг қўлни ювади.
 Тасолифий хато учун жазо йўқ.
 Учта гуноҳни худо ҳам кечиради.
 Аксиргани учун бурнини кесишмайди.
 Бодринг ўғирлаганни осишмайди.
 Чақа учун қон тўкилмайди.
 Нима эксанг, шуни ўрасан.
 Арпа эккан, буғдой ўрмайди.
 Акация эксанг, манго емайсан.
 Тошга экма — нонсиз қоласан.

Яхшиликка — ёмонлик

Қарз берсанг, жанжал оласан.
 Қарз берсанг, душман орттирасан.
 Насияга ишондинг — мижоздан айрилдинг.
 Дарахт қанча кўп мева солса, шунча кўп эгилади.
 Бузоқни боқдинг, борингни бердинг, шохи чиқиши билан сени сузади.
 Болани эркаласанг — соқолинга ёпишади, кучукни эркаласанг юзингни ялайди.

Ҳаракат қилган топади, ухлаган йўқотади

Ким берса, олади; эккан — ўради.
Шакарқамишни эсанг — шакар ейсан.
Бировга ишонганнинг қорни тўймайди.
Жон куйдирмагандан худо ҳам безар.
Пиёз тўфраганнинг кўзи ачийди.
Ким бировга чоҳ қазиса, унга ўзи йиқилади.

Азобини ким тортади-ю, роҳатини ким кўради

Азобини каптар тортади-ю, тухумини қарғалар ейди.
Маймун ўйин кўрсатар — пулни эгаси йиғар.
Даволовчи — Яратган, пулни эса табиб олади.
Ўғилни хотин туғар, эр бўлса ўз қорнини боғлайди.
Пулни биттасидан олиб, бошқасини мақтайди.
Хотинни эр боқади, хотин бўлса акасини мақтайди.
Жангни аскар қилади, шуҳратни лашкарбоши олади.

Шовқин солган карнайчи — балога қолган сурнайчи

Ўзи еб, мушукка тўнкайди.
Қиморда ўзи ютқазиб, хотинини калтаклайди.
Ўзи яхши кўрмайди, қоронғуликни айблайди.
Тўғри ёзолмайди, қаламни қийшиқ дейди.
Ўзи хато қилади, ўқитувчини айбдорга чиқарди.
Ўзига эҳтиёт бўлмайди, ўғридан кўради.
Ишни биттаси қилади, балоси ҳаммага уради.
Ишни қилган Каллу, балога қолган Лаллу.

Оламан деб олдиради

Тапганишиб ўлжага, айланишди ўлжага.
Туя шох деб қайрилди, қулоғидан айрилди.
Товадан сакради — ўчоққа тушди.
Осмондан тушиб, хурмога илинди.
Ярим пайсани аяб, ярим рупиядан ажралди.

Манго экди — бақлажон унди

Экдим буғдой, ўсди арпа.
Ўғил тилагани бориб, эр билан қайтди.
Келтир десанг тош — олиб келар бош.
Саримсоққа юборсанг — келтиради занжабил.
Йиғлаб олди — юзининг ювилгани қолди.

Понани пона чиқаради

Заҳарни заҳар кесади.
Оловда ёнганни олов даволар.
Темирни темир кесади.
Иш иш билан бажарилади.
Ишга иш ўргатади.
Пуллик иш пул билан юришади.
Пулни пул топади.
Бойлик бойликка қўл чўзади.
Тангри ҳам борга беради.
Бой бойга боқар, сув сойга оқар.

Манго тамаринд¹га мос

Какку қора қаргага эш.
Авлиёни авлиё танийди.
Ўғри ўғрини ҳамиша тан олади.
Ўғри ўғрига амакивачча.
Ғийбатчининг уйида фақат ғийбат бўлади.
Шоҳлар иши шоҳларга маълум.
Шам бор бўлса, чироқ чикора?
Илон чаққан одам арқондан ҳам қўрқали.
Сутдан куйган қатикни ҳам пуфлаб ичади.
Яшин урган машъалдан ҳам қочади.

* * *

Қисир мол туғиш дардини қайдан билсин?
Бировнинг оғриғини қассоб не билсин?
Тўйда меҳмонлар зиёфатни ўйлайди, куёв келинни.
Қарғалар орасида турна ҳам подшо.

* * *

Умр ўтганидан қайғурма, яхши ном қолдиришни ўйла.
Ор-номус олдида бойлик нима деган гап.
Отдан йиқилган туриб кетади, бошқалар кўз ўнгида паст кетган ўзини ўнглолмайди.
Мол-мулкингни тарқат, лекин ақлингни йиғ.
Жасур ор-номуси учун жон беради, қўрқоқ қорни учун.
Кимдир билим билан дўстлашади, кимдир пул билан.
Кимнингдир кўзи кўр, кимнингдир қалби.

¹ Тамаринд — ҳинд хурмоси

Куёш нури етмаган ерга шоир фикри етиб боради.

Шамдан таралган нур соатларга етади, саховат мангʻаласи асрларга кетади.

Қилич яраси битар, сўз яраси битмас.

Ураётганнинг қўлини ушлаш мумкин, гапираётганнинг тилини ушлолмайсан.

Қалбдан кўра кўлинг куйгани яхши.

Очликка чидаса бўлади, яхши дўстсиз чидаш қийин.

Гапни гапириш бошқа, уни қилиш бошқа

Айтиш осон, қилиш қийин.

Гап кўп жойда иш оз бўлади.

Кўп гап сотган мақсадига эришиши қийин.

Гапга чечан иш қилмас.

Оғизни ёпиб бўлмас.

Сўзда анҳордан сакраш ҳеч гапмас.

Куруқ гап билан ишни силжитиб бўлмас.

Ишнинг харажатини гап билан қоплаб бўлмас.

Бир тийинлик иш қилмайди, юз минглик сўз гапиреди.

Ёмғир оз-у, қалдироғи бир дунё.

Илон чақа олмаса ҳам вишиллашдан тинмайди.

Зарари юзликка етганнинг гапи мингликка етар.

Беришга хасис одам овутишга сахий бўлади.

Сўзи ширин жойда иши арзимас бўлади.

Гапиришда доно, ишга келса ардона.

Айтишдан кўра, қилмоқ яхшироқ.

Кўп маслаҳат бергандан бир марта кўрсатган маъқул.

Кимдир кўл билан ишлайди, кимдир сўз билан.

Сўзи ширин, ичи чиркин.

Усти ялтироқ, ичи қалтироқ.

“Ширинлик” деган билан оғиз чучимади.

“Олов” деган билан лаб куймайди.

Сукут сақлаган маъқул

Биргина сукут сақловчи юзлаб гапдонни енгади.

Индамаган ҳамма нарсага эришади.

Юзта сўз айтгандан кўра индамаган маъқул.

Сукут — ризонинг ярми.

Сукут — жаҳднинг давоси.

Инсон гапирмагунча унинг яхши ёки ёмонлигини билиб бўлмайди.

Тилга тушов керак

Тилга тушов йўқ.
 Дунёнинг оғзини ёпиб бўлмайди.
 Қаландарнинг тилини ким боғлайди.
 Танда жон бор экан, инсон жим туролмайди.
 Оғиздан сўз чиқиб кетди — минглаб кишига етди.
 Оғиздан чиққан сўз — ўзганики бўлади.
 Тентакка сўз айтсанг — оламга ёйиш учун томга чиқади.
 Тил ҳам фойдаи аъло, ҳам бошга бало.
 Сўраб-сўраб Деҳлини топиб борасан.
 Ширин сўз ҳам зиёфат.

* * *

Ҳақиқатдан аъло хизмат йўқ, Ёлгондан бадтар гуноҳ йўқ.
 Ҳақиқатгўйда ҳамма нарса тасдиқланади, ёлгончида — ҳеч нарса.
 Ёлгончининг юзи қора, ҳақиқатгўининг юзи ёруғ.
 Ҳақиқатгўининг олдида ёлгончи йиғлайди.
 Ҳақгўйга ҳеч нарса қўрқинчли эмас.
 Ҳақиқатни ҳамма севади.
 Рост сўзлаган бахтли яшайди.
 Рост сўзлаган Яратганга ёқади.
 Ҳақгўйга Тангри мадаккор.
 Ҳақгўининг ялинишга эҳтиёжи йўқ.
 Ёлгонга тенг гуноҳ йўқ.
 Ёлгончилар уйида ҳаловат бўлмайди.
 Ёлгончининг иши ўнгмайди.
 Ёлгоннинг оёқ-қўли бўлмайди.
 Ёлгоннинг қайиғи дарё ўртасида чўқади.
 Ёлгончининг хотираси бўлмайди.
 Ёлгончининг оғзи сассиқ.
 Ёлгон сўз дегувчи — ювиндини ичувчи.
 Ёлгончилар ўлмагунча шаҳар тоза бўлмайди.

Ростгўй ёлгончи олдида йиғлар

Ҳақиқат ҳаммага аччиқ туюлар.
 Ҳақ сўзнинг мазаси аччиқ.
 Ҳақ сўз — жанжалнинг ярми.
 Ҳақиқатни дема — калтак ема.
 Ҳақиқатни айтсанг — душман орттирасан.
 Ҳақиқат ўйиб-ўйиб олади.
 Ҳақгўй камбағал кишилар орасида ёлгончидай кўринади.
 Ҳақгўй боради — йиғлаб қайтади, ёлгончи боради — кулиб қайтади.
 Ҳақиқатни ҳеч ким эшитмайди, ёлгонга бутун дунё ишонади.

Юзга аҳмоқдан битта ақли аъло

Ақли душман тентак дўстдан яхшироқ.
Аҳмоқ билан дўст бўлсанг — жонинг хавфда.
Тентак дарвеш — шайтоннинг малайи.
Аҳмоққа хотин бўлгандан кўра, ақлига жория бўлган афзал.
Тентак бойликка интилади, ақли камолотга.
Аҳмоққа пул бериш мумкин, ақл бериб бўлмайди.
Кўп гапириш тентаклик аломати.
Ақли жилмайган жойда аҳмоқ қаҳқаҳа уради.
Ақлига ишора, аҳмоққа тўқмоқ.
Ақлига ишора ҳам кифоя.
Донога бир ҳарф ҳам етарли.
Ақлини ғам ҳам четлаб ўтади.
Донолар шошилмайдилар.
Аҳмоқ ҳақиқатни хуш кўрмас.

Ожизни тақдир ҳам эзади

Кимни тақдир қисса, уни дунё ҳам сиғиштирмайди.
Кучсизни кўрса ҳамма ўзини шер билади.
Кўрқитилган боққол тарозидан урмайди.
Ғилай мушукнинг қулоғини сичқонлар кемиради.
Чолнинг жаҳли чиқса, ўз соқолини тортқилайди.

* * *

Дон кумуш ва олгиндан қиммат туради
Дон билан қанд бўлса, уйда ҳамиша байрам.
Кимда нон бўлса, ҳоким ўшадир.
Қорни тўқ бўлса, гадой ҳам подшо.
Қоринни деб ёт элларга кетасан.
Очлик уйни ёдга солади.
Оч тобоғини ташламас.
Оз еган ёшлигини йўқотади.
Очнинг ҳаммадан жаҳли чиқади.

Русчадан
Абдуҳамид ПАРДАЕВ
таржималари

АЗИЗ ҲУВЧИЛАР!

Журналимизнинг кейинги сонларида
қуйидаги асарлар билан танишасиз:

- ХАЛИЛ ЖУБРОН (Ливан). Қайрилган қанотлар. Қисса.
ИЛҒА КАШАФУТДИНОВ (Россия). Асил зот. Қисса.
АББАТ ПРЕВО (Франция). Юнон қизининг қисмати Роман.
ЮСУФ АС-СИБОУЙ (Миср). Мунофиқлар юрти. Роман.
КАРЕЛ ЧАПЕК (Чехия). Ҳикоялар.
МАКСИМ ГОРЬКИЙ (Россия). Сўнгилар. Драма.
МО МО ИНҒА (Бирма). Йўқолган сўқмоқ. Қисса.
НИКОС КАЗАНДЗАКИС (Греция). Исо Масихнинг сўнги васвасаси. Роман.
КРИСТОФЭР БАКЛИ (АҚШ). Арабистонлик Флоренц. Роман.

Булардан ташқари Фарб ва Шарқ шеъриятидан намуналар, фалсафий ва тарихий мақолалар, адабий-публицистик тадқиқотлар билан ҳам танишиб борасиз.

Муҳтарам муштарийлар!

«Жаҳон адабиёти» журнаliga обуна бўлишни унутманг!

Индекс:

Якка тартибда — 828.

Ташкилотлар учун — 829.